арабы снова осадили город и после месяца боев взяли его. В 707 г. они взяли Рамитан. Согдийцы обратились за помощью к Чачу, Фергане и тюргешам. В 708 г. Кутейба воевал против Варданхудата и воевал в области Бухары. В 709 г. он снова вторгся и тогда бухарцы призвали на помощь тюрков (тюргешей) и согдийцев. Однако помощь не пришла и арабы взяли Бухару. Правитель этой области Тархун признал власть арабов и дал дань. Против него выступил обладатель Самарканда Гурек, по другой версии, Тархун был убит своим окружением. В 710 г. Кутейба б. Муслим воевал против Шумана и Кеша. В 711-712 гг. арабам подчинился Хорезм. На сторону арабов встал обладатель Пенджикента Деваштич. Его владение не было подвластно арабам в 30-х гг. VIII в. Осуществляя свою кампанию в Согде, Кутейба б. Муслим провозглашал себя мстителем за смерть Тархуна, а также называл его своим вассалом. Самарканд был ведущим государством Согда. Согласно танскими китайским хроникам Кана (Самарканда) зависели Бухара, Кэш, Маймург, Чач, Кушания, Кабудан, Хорезм, Битик и в части городов сидела кушанская династия чжаову. Но в Чаче сидела тюркская династия. Это косвенно подтверждают данные согдийских документов. Так Деваштич обращался к брату Гурека Афаруну как к хахсарскому царю. Деваштич выступал как опекун детей Тархуна и принял титулы царь Согда и обладатель Самарканда. В 712 г. Кутейба б. Муслим отправил в поход на Самарканд своего младшего брата Абд ар-Рахмана вместе с войсками союзных бухарского и хорезмийских правителей. Гурек был вынужден пойти на мир с арабами в 712 г. Этому предшествовало то, что самаркандский правитель послал за помощью к правителям Чача и Ферганы в 712 г. По показаниям ал-Балазури и ат-Табари жители Чача пришли в значительном количестве, однако арабы победили их. Ал-Йакуби взамен сообщал, что Кутейба б. Муслим сделал правителем Самарканда своего брата Абд ар-Рахмана б. Муслима. Сообщалось, что люди Самарканда восстали и на арабов напали кок-тюрки. Абд ар-Рахман просил о помощи. В 712-713 гг. против арабов образовалась коалиция жителей Чача, Ферганы, Согда и кок-тюрков. Кутейба б. Муслим по Самаркандском договору делал Гурека афшином (правителем-наследником) Самарканда и ихшидом (царем) Согда. Так титул звучал в интерпретации ал-Йакуби. У ал-Балами и Ибн Асама ал-Куфи Гурек был назван сыном ихшида. Известно, что под непосредственным управлением Гурека находились Самарканд, Кеш и Несеф. От Гурека, хорезмшаха и бухархудата Кутейба требовал подкреплений в войне против правите-

лей Чача и Ферганы. В 713 г. Кутейба б. Муслим воевал против Ходжента и Ферганы. Пенджикент, где правил Деваштич, не подчинился его власти. Однако объявление Гурека главным правителем изменило отношение Деваштича к арабам. Кутейба брал на себя обязательство, что если враг нападет на Гурека, то он предоставит самаркандцу помощь. Самарканд взамен платил дань арабам. В 714 г. Кутейба б. Муслим совершил поход на Чач. Местный правитель отправил посольство в империю Тан и просил у китайцев помощи. Во втором походе на Фергану в 715 г. Кутейба б. Муслим и погиб. Соглашение Кутейбы с Гуреком обусловило переход Деваштича на антиарабскую сторону. Согдийцев поддерживал тюркский правитель который известен только за титулом Каган. Одни исследователи видят в нем кок-тюркского правителя Инель-кагана, другие - тюркешского правителя Сулука. Г. Гоибов видел в нем кого-то из китайских марионеток - Ашина Хяня или Ашина Синя. По нашему мнению, более вероятно, что этим Каганом был Сулук. Правителя согдийской конфедерации называли ихшидом. Сначала так называли Тархуна, затем Деваштича. Правителем Чача был Йанг эльтабар. Ш. Камолиддин и Г. Бабаяров считали, что правитель Чача был тюрк Тегин. Позже ему на смену пришел Тудун. В 718 г. Тугшада и Гурек отправили посольство в Китай с просьбой помочь против арабов. Тугшада жаловался на то, что его страна постоянно опустошается арабами. Фергана и Чач подчинились арабам. В 719 г. и Деваштич был вынужден подчиниться. Абд ар-Рахман б. Субх написал письмо Деваштичу, который в письме назван самаркандским царем. Деваштич носил этот титул еще в 722–723 гг. В 720 г. восстает Ходжент. В 721 г. при содействии Деваштича в Согд приходят войска тюркешского правителя Курсула (Куль-чора). Деваштич переписывался с сыном Гурека Афаруном и правителем Чача. Часть согдийцев эмигрировала за пределы Согда. В 720–721 гг. Хорасанский наместник Саид б. Абд ал-Азиз отдал часть Самарканда арабам. После этого в Хорасан и Мавераннахр был назначен наместником Саид б. Амр ал-Хараши. Согдийцы не терпя его жесткой фискальной политики собирались оставить свой край и переселиться в Фергану и Ходжент. В Согде поднялось крупное восстание, которое возглавил Деваштич, но арабы успели его подавить до прибытия тюркешей. Кроме того правитель Ферганы, декларируя свою верность согдийцам, на самом деле помогал арабам. В 722 г. арабы взяли Ходжент, а потом подступили к Пенджикенту. Пенджикентцы бежали по Зерафшану к замку Абгар (Муг). На стороне арабов сражались Шав-



кар сын Хамика, Гурам правитель Ахаруна и Шумана, а также Хорезмшах. Арабы взяли Кштут, а также сразились с согдийцами у Мадму. Согдийцы из Кума пришли в крепость Муг. Муг (Абагар) был осажден арабами и долгое время оборонялся. Деваштич пошел на переговоры с Сулейманом б. Абу-с-Сари. При условии, что глав знатных родов не тронут он явился к арабам. Те его предательски схватили и распяли на кресте. Как и Деваштича казнили Сабугра правителя Хузара. После того как с Деваштичем было покончено арабы подступили к Кешу и население города дало контрибуцию и заключило договор. В 723 г. Ферганский правитель Алутар вместе с тюргешами и жителями Чача выступил против арабов. В 724 г. согдийцы с помощью тюргешей сына Сулука освободились из-под власти арабов. Поход 728 г. хорасанского наместника Ашраса б. Абдаллаха ас-Сулами привел к новому покорению края арабами. В 730 г. им противостояли жители Бухары, Согда и тюргешши. В 731 г. Гурек открыто выступил на стороне тюргешей. Катан б. Кутейба осадил Бухару. В 737 г. Асад б. Абдаллах напал на Хутталян, но был разбит тюргешами. Согдийцы в Самарканде, Чаче, Фарабе восстали. Их возглавил Гурек, который ранее пытался убедить наместников не взимать харадж, но его арабы не слушали. Союзниками согдийцев были хутталяны, тюргешши и Харис б. Сурейдж. Арабы пошли навстречу тохаристанцам перенеся столицу наместничества из Мерва в Балх. К Асаду примкнул дехкане Саман-худат и Бармак. Следующие наместники Наср б. Саййар и Катан б. Кутейба вернули под арабский контроль Бухару и Кеш. В 738 г. умер Гурек и владения были разделены между его преемниками. Тархун правитель Кабудана, Мухтар правитель Маймурга, Турхар правитель Самарканда, Афарун (брат Гурека) правитель Иштикана подчинились арабам. Потомки Гурека между 740 и 772 гг. отправляли посольства в империю Тан. В 739 г. Мухаммед б. Халид Азди установил контроль над Ферганой. Вскоре в нее вернулся местный правитель. В 740 г. арабы совершили поход на Чач и в 741 г. чачское посольство в Китай жаловалось на арабов. Тогда арабы подчинили Усрушану, но она до конца не была ими покорена. В 744 г. арабы совершили новый поход на Чач и тогда дехкане жаловались на бухархудата Тугшаду. В 744, 745, 747 гг. арабы отправляли посольства в Китай как хозяева Согда. Восстание в Мавераннахре вспыхнуло в Бухаре в 751 г. Его возглавил Шарик и он выступал уже против новой арабской правящей династии Аббасидов. Против восставших Абу Муслим послал войска своего полковозца или военачальника Салих б. Зийада. Восста-

ние было подавлено. В том же году арабское войско на берегах реки Талас разбило войска империи Тан. Китайцев поддерживали войска Ферганы и карлуков. В решающий момент боя карлуки перешли на сторону арабов, чем предопределили исход битвы. После этой победы мусульманского оружия Чач и Фергана были вынуждены признать себе вассалами Аббасидов. Однако в правление халифов ал-Мансура, ал-Махди, Харуна ар-Рашида и ал-Махди ферганцы восставали. Исламизация Ферганы была завершена только в 821 г. Фергану подчинили себе Саманиды, которые были вассалами халифата. В 775 г. в Согде вспыхнуло восстание Муканны. Сначала Муканну поддержало население бассейна Кашкадарьи. Вскоре они овладели Наршахом и против города был послан Джебраил б. Йахйа, который уничтожил повстанцев в городе. Вскоре он двинулся против сподвижника Муканны Согдиана в район Кеша. Восставшие пользовались помощью тюрок (карлуки) и заняли страну от Кермине до Пенджикента. Мааз б. Муслим не смог быстро подавить восстание. В Бухарском округе повстанцев поддержал бухархудат Бунйат. Сподвижником Муканны был и тюрк Кулар-тегин. Арабы боролись с ними в районе Кашкадарьи и осаждали крепость в горах Санам. Это осада продолжалась много лет. Только взяв ее Саид ал-Хараши смог окончательно разгромить Муканну. После подавления восстания арабы расправились и с бухархудатом Бунйатом и покончили с согдийским самоуправлением. В 806 г. восстание против власти Аббасидского халифата поднял Рафи б. Лайс, которое продолжалось до 810 г.<sup>33</sup>

---

<sup>33</sup> Н.А.Р. Gibb. *The Arab conquest in Central Asia*. London. 1923. P. 33 – 57, 59 – 85, 88 – 98; В.А. Лившиц. Три согдийский документа с горы Муг. Проблемы востоковедения. № 1. Москва. 1959. [http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/II/3\\_sogd\\_dok\\_Mug/text.htm](http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/II/3_sogd_dok_Mug/text.htm); В.А. Лившиц. Три письма с горы Муг. Проблемы востоковедения. № 6. Москва. 1960. [http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/II/3\\_sogd\\_pism\\_Mug/text.htm](http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/II/3_sogd_pism_Mug/text.htm); В.А. Лившиц. Об интерпретации некоторых документов с горы Муг и местной топонимике. Вестник МГУ. Серия VIII. История. № 3. Москва. 1992. [http://drevlit.ru/docs/central\\_asia/II/Interp\\_Sogd\\_Mug/text.php](http://drevlit.ru/docs/central_asia/II/Interp_Sogd_Mug/text.php); Н.Я. Бичурин [Иакинф]. *Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена*. Т. 1. Центральная Азия и Южная Сибирь. Москва. 1950. LXXXVI, [2], 380, [4] [http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/China/Bicurin/Sobr\\_sved\\_o\\_narodach/Tom\\_III/frametext62.htm](http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/China/Bicurin/Sobr_sved_o_narodach/Tom_III/frametext62.htm); С.Г. Кляшторный. *История Центральной Азии и памятники рунического письма*. Санкт-Петербург. 2003. С. 187, 193, 200 – 202; Б.С. Гойибов. Из истории управления раннесредневекового Согда (на основе согдийских письменных источников). Журнал публикаций аспирантов и докторантов. 2014. <http://jurnal.org/articles/2014/hist5.html>; Б.С. Гойибов. Из истории арабских завоеваний в Согде. Вопросы исторической науки. Москва. 2015. С. 51 – 54. <http://www.moluch.ru/conf/hist/archive/128/6938/>; И.О. Смирнов. К истории Самаркандского договора. Краткие сообщения института народов Азии. Ташкент. 38. Москва. 1960. [http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/VIII/Samark\\_dog\\_712/text.htm](http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/VIII/Samark_dog_712/text.htm); О.И. Смирнова. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии. Договор арабского полководца

Проведя исследование мы пришли к следующим выводам. Мавераннахр к эпохе арабских завоеваний подошел раздробленным. Согд делился на Самарканд, Бухару, Кеш, Кушанию, Пенджикент. Фергана и Чач были особыми владениями и сами делились на уделы. В Согде и Фергане правили местные династии, а в Чаче сидела тюркская династия. Фергандцы, согдийцы и тюрки приняли участие в борьбе последнего шахиншаха Эраншахра с арабами. Продолжая свои завоевания в Хорасане и Тохаристане арабы вторгались в Согд и Хорезм. Первые их походы ограничивались взятием контрибуции с городов. Систематическое завоевание земель Согда началось с Кутейбы б. Муслима. Правители Согда были не против использовать арабов в своих целях. Так Тархун, Деваштич и Гурек в разное время выступали как союзники арабов. Они планировали

---

Кутейбы с царем Согда Гуреком, заключенный в 712 г. Советское востоковедение. № 2. Москва. 1957. <http://www.vostlit.info/Texts/rus17/Balami/text1.phtml?id=11829>; B.A. Litvinsky, A.H. Jalilov, A.I. Kolesnikov. The Arab conquest. History of Civilizations of Central Asia. Vol. III. Paris. 1996. P. 453 – 460; G. Babayarov. Chach tarixidan lavhalar. Toshkent. 2010. 36, 40-бетлар; История народов Узбекистана. Т.1. С древнейших времен до XVI в. Москва. 1960. С. 159 – 187, 192 – 203; В. Marshak Dewaštič. Encyclopaedia Iranica. Vol. 7. Fasc. 3. 1994. <http://www.iranicaonline.org/articles/dewastic>; О.И. Смирнова. Очерки по истории Согда. Москва. 1970. С. 201 – 257, 262; Ш.С. Камолиддин. Из истории арабских завоеваний в Средней Азии. К биографии Сулаймана ибн Абу-с-Сари. Civilizations of Nomadic and Sedentary Peoples of Central Asia. Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд. Бишкек. 2005. С. 204; Ш.С. Камолиддин. Новые данные о потомках владетеля Согда Гурака. Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 1. Saarbrücken. 2013. С. 25 – 41; М. Исааков, Ш. Камолиддин, Г. Бабаяров. Титулатура доисламских правителей Чача. Ташкент. 2009. С. 6 – 46; А.В. Кубатин. Древнетюркские титулы и эпитеты на согдоязычных монетах оазисов Средней Азии и Семиречья эпохи Раннего Средневековья. Archivum Eurasiae Medii Aevi. Vol. (23) Wiesbaden. 2017. С. 107, 116; А. Кубатин, Г. Бабаяров. Мир Большого Алтая. № 2 (4.2.). Усть-Каменогорск. 2016. С. 907; Ю. Якубов. Паргар в VII – VIII вв. н.э. (Верхний Зерафшан в эпоху Раннего Средневековья). Душанбе. 1979. С. 23 – 55; С.Е. Bosworth. Farghana. Encyclopaedia Iranica. 1999. <http://www.iranicaonline.org/articles/fargana>; De La Vassiere. Sogdiana III. History and Archeology. <http://www.iranicaonline.org/articles/sogdiana-iii-history-and-archeology>; F. Grenet, E. De la Vaissière. The Last Days of Panjikent. Silk Road Art and Archaeology. Vol. 8. Kamakura. 2002. P. 155 – 180; E.V. Zeimal. The Political History of Transoxiana. Cambridge History of Iran: The Seleucid, Parthian and Sasanian Periods. Vol. 3 (1). Cambridge. 1983. P. 259 – 260; E. De La Vassier. Sogdian Traders. A history. Leiden-Boston. 2005. P. 266 – 273; А.М. Атаходжаев. Тюрко-согдийские отношения в политических, социально-экономических и этнокультурных процессах в Раннем Средневековье. Автореферат на соискание ученой степени доктора исторических наук. Ташкент. 2011. <http://www.konf.x-pdf.ru/18istoriya/390748-1-tyurko-sogdiyskie-otnosheniya-politicheskikh-socialno-ekonomicheskikh-etnokulturnih-processah-rannem-srednevekovye.php>; Е. Смагулов. Арабское вторжение в Южный Казахстан. Мобилизованный археологией. Астана. 2004. С. 103 – 113; С.М. Раджабов. Борьба народов Мавераннахра и Хорасана за независимость: VII – первая половина VIII вв. Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Душанбе. 2010. С. 154. <https://www.dissercat.com/content/borba-narodov-maverannakhra-i-khorasana-za-nezavisimost>; О.В. Большаков. К истории Таласской битвы 751 г. Страны и народы Востока. Вып. XXII. Москва. 1980. С. 132 – 135.

объединить Согд под своей властью. В итоге, проворнее всех оказался Гурек, заключивший с арабами Самаркандский договор 712 г. по которому признавались его права на власть над всем Согдом. Однако на деле ему удалось покорить лишь часть его территории. Противником Гурека и соответственно арабов был пянджикентский правитель Деваштич. Он продолжал борьбу до 722-723 гг. Гурек выступил против арабов в 30-х гг. VIII в. в союзе с тюргешами. Эффективное противостояние Омеййадам было возможно только в союзе с этими тюркскими кочевниками. Последними огоньками сопротивления арабам были Чач и Фергана, которые продолжали сопротивление до 751 г. Во время восстаний Хариса б. Сурейджа и Муканны согдийцы пытались вернуть былую независимость, но в конце-концов они привели к ликвидации халифатом согдийского самоуправления. Восстания Шарика и Рафи б. Лайса были уже восстаниями исламизированного ираноязычного населения и арабов Мавераннахра против фискальной политики Аббасидов.

## МУҒ ТОҒИ АРХИВИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТ ЮРИТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ТАДҚИҚОТЛАРДАГИ МУАММОЛАР

*Азимхўжа Отахўжаев*

Ўзбекистон тарихининг илк ўрта асрлар даври (V – VIII асрлар)ни тадқиқ этиш кейинги йилларда кўплаб илмий ишларни амалга ошириш орқали янада фаоллашди. Бу борада қилинган ишлар қанчалик салмоқли бўлмасин, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўлами ҳам кам эмас. Шу маънода суғдий тилли манбаларни ўрганиш ўзига хос аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Гарчи суғдий тилли манбаларни тадқиқ этиш иши XIX аср охири – XX аср бошларида бошланган бўлса-да, бу манбаларнинг аксарияти ҳозирги Хитой Халқ Республикасининг Шинжон (хитойча Синьцян) Уйғур Мухторияти ҳудудидан топилган диний (буддавий, христиан, моний) мазмундаги матнлардан иборат. Шунингдек, ҳозирги Мўғулистон, Қозоғистон, Покистон ҳудудларидан топилган турли мазмундаги эпиграфик ёдгорликлардаги суғдий тилли битиклар ҳам мавжуд<sup>34</sup>.

Суғдий тилли тарихий мазмундаги манбалар устидаги ишлар 1932 йилда Зарафшоннинг юқори оқимида, Тожикистоннинг Заҳматобод туманидаги Муғ тоғи харобаларидан археологлар томонидан топилган туркум ҳужжатларнинг тадқиқидан бошланди. Бу манба – Суғд конфедерациясига қарашли Панч вилояти ҳокими Деваштичга (708–722) тегишли архив ҳужжатлари бўлиб чиқди. Дастлаб 1962 йилда А.А. Фрейман Муғ тоғи архив ҳужжатларининг тавсифи баён этилган тадқиқотини эълон қилди. Унда мазкур архивдаги 80 та ҳужжатнинг сақланиш ҳолати, ҳужжатлар ёзилган ашё ҳамда уларнинг ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган. Ишда 1932 йилдан 1960 йилгача Муғ тоғи архиви бўйича чоп этилган маълумотлар жамланган<sup>35</sup>. Ҳужжатларни архив дейишга асос бор эди. Чунки уларнинг туркуми ва мазмуни турлича бўлиб, сарой

<sup>34</sup> В.А. Лившиц, А.Л. Хромов. Согдийский язык. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. Москва. 1981. С. 347 – 368; В.А. Лившиц. Открытие и изучение древнетюркских и согдийских эпиграфических памятников Центральной Азии. Археология и эпиграфика Монголии. Новосибирск. 1978. С. 52 – 58; ўша муаллиф. Согдийские тексты, документы и эпиграфика. Источниковедение Кыргызстана (с древности до XIX в.). Бишкек. 2004. С. 117 – 148.

<sup>35</sup> А.А. Фрейман. Согдийские документы с горы Муг. Вып. I. Чтение, пер., коммент.: Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Москва. 1962. С. 92 (Кейинги ўринларда СДГМ I деб келтирилади).

хужжатхонаси, яъни архивида сақланган. Хужжатларнинг деярли барчаси котиблар – *дабирлар* томонидан ёзилган. Улар ишини бошқарувчи бош мирзолари – *дабирпатлар* деб аталган.

Тадқиқотчилар аввалига Муғ архиви хужжатларининг археологик ва филологик жиҳатларига эътибор қаратишди. Чунки уларни тўлиқ ўрганмай туриб, хужжатларнинг тарихий аҳамиятини ёритиш мумкин эмас эди. Мазкур архивдаги 80 та хужжатдан 74 таси суғдий ёзуви ва тилида, 2 таси араб ёзуви ва тилида, 1 таси турк-руний ёзуви ва тилида бўлса, 3 таси эса архивга тегишли эмас эди, аммо ёзув материали сифатида ишлатилган хитой қоғози ва ундаги ёзув архивга дахлдор эмас. У хужжат ёзиш учун ашё ҳисобланган. Умуман, хужжатлар учун ишлатилган материаллар ҳам хилма-хил бўлиб, уларнинг 23 таси тол кесмасига, 32 таси ошланган терига ва 25 таси асосан Хитой ипак қоғозларига битилган<sup>36</sup>.

Муғ тоғидан топилган архив хужжатлар Деваштич саройида деярли 14 йил давомида тўпланган ва сақланган. Улар нафақат Деваштичга, балки Суғд ихшиди Тархун (698–710), Хахсар ҳокими Афарун, Панч мулки фрамандари Ўтг – Ават, турли вилоят ҳокимлари ва мулклик амалдорларига тегишли юридик мазмундаги хужжатлар, қайдномалар, ёзишмалар, тилхатлар шаклида бўлган. Бу хужжатлар ўша даврда маҳсус тасниф қилинмаган. Фақат келиб тушган вақти ҳамда кимга тегишлилиги белгиланган холос. Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу архив хужжатларини ўрганиб, уларни мазмуни ва моҳиятига кўра тасниф қила бошладилар.

Тарихий мазмуни жиҳатидан бу хужжатлар VII аср охири – VIII аср бошларига оид бўлиб, архив ўзида Суғд конфедерациясининг Панч вилояти, унинг маркази Панжикент шаҳри ва Суғднинг маркази Самарқанд билан боғлиқ бўлган маълумотларини акс эттирар эди. Айникса, хужжатларнинг VIII аср биринчи чорагида Ўрта Осиё халқларининг Араб Халифалиги истилоси тарихини ёритишдаги аҳамияти катта бўлган. Қолаверса, уларда араб ва форс тилли манбаларидагина маълум бўлган Суғд ихшидлари Тархун (698–710), Фурак (710–738), Вағт подшоси Панч ҳокими Чакин чўр Билга Бичут ўғли (693–708) ҳамда архив эгаси Панч вилояти ҳокими, “Самарқанд тахтига даъвогар” Деваштичнинг фаолиятини ёритишда архив катта аҳамият касб этган<sup>37</sup>.

<sup>36</sup> М.М. Исҳоқов. Суғдийна тарих чорраҳасида. Тошкент. 1990. 8 – 10-бетлар.

<sup>37</sup> А. Отахўжаев. Суғдий манбаларда Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихига оид маълумотлар. Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. Тошкент. 2010. 49 – 51-бетлар.

Муғ архиви ҳуқуқий мазмундаги ҳужжатлари ва ёзишмалари – хатларнинг бир туркуми (45 га яқини) В.А. Лившиц томонидан махсус ўрганилди. У ажратиб олинган ҳужжатларни ўқиб, таржима қилди ва лингвистик ва тарихий изоҳини берди. 1962 ва 2008 йилларда “Согдийские документы с горы Муг” (“Муғ тоғи ҳужжатлари”)нинг ҳуқуқий ҳужжатлари ва хатларидан иборат иккинчи наشري ва қайта наشري амалга оширилди<sup>38</sup>. Мазкур архивдаги Nov 3 ва Nov 4 рақамли ҳужжатлар Суғд ихшиди – подшоси Тархун бошқарув даврининг 10-йилида, Масвоғич ойининг Асман роч куни (711 йилнинг 27 апрели) Самарқанддаги “Қонунлар уйи”да бош қоҳин Вахушукан Вархуман ўғли томонидан Скātч Шйшч ўғли, Чахрēн Рāmтиш Ахушфарн ўғли гувоҳлигида тузилган. Котиби Рамтич Ахушфарн бўлган. Ҳужжатларда Суғд аслзодаси Ўттегин ва Навекат ҳокими Чер қарамоғидаги Дуғудғунчанинг “Никоҳ битими” (Nov 3) ва “куёвнинг келин томони олдидаги мажбуриятлари” (Nov 4) акс этган. Ҳужжатда лой муҳр – булла сақланган<sup>39</sup>. Бир-бирини тўлдирувчи Nov 3 ва Nov 4 ҳужжатлари 3 нусхада тузилиб, 1 таси “Қонунлар уйи”да қолдирилган, 2 таси келин ва куёвга берилган.

Бу маълумотлар ўша даврда Суғддаги ижтимоий аҳвол, қонун устуворлиги ва этник ҳолат каби жиҳатларга ойдинлик киритишга ёрдам беради<sup>40</sup>.

Бошқа бир ҳуқуқий ҳужжат В-8 – “Ер майдонини сотиш тўғрисидаги” ёки “Қабристон иншоотининг ярмини сотиш тўғрисидаги” шартнома бўлиб, ҳужжатда томонларнинг “олди-берди” масаласидан ташқари илк ўрта асрларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда диний ҳаёти манзараси акс этган. Бу ҳужжат бевосита Деваштичдан олдин Панчни бошқарган Чакин чўр Билга Бичут ўғли ҳукмронлиги даврига оид архивдан қолган ягона ҳужжатдир. Унга кўра, ҳужжат Суғд йил ҳисоби бўйича Билга ҳукмронлигининг 15-йили (708 йил), Жимтич ойининг Спандармат роч кунига оидлиги кўрсатилган. Унда Асманч ўғиллари Махч ва Хшумвантак томонидан Фархунд ўғиллари Ширвағч ва Асатафсарақдан Пешхваддаги қабристон иншоотининг ярмини сотиш масаласи кўрилган. Бу ҳужжатда ҳам гувоҳлар: Виркан Вағдварз ўғли, Нанайфарн Вағварз

---

<sup>38</sup> В.А. Лившица. Согдийские документы с горы Муг. Выпуск II. Юридические документы и письма. Чтение, перевод и комментарии. Москва. 1962. С. 222. (Кейинги ўринларда СДГМ II деб келтирилади); ўша муаллиф. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. Санкт-Петербург. 2008. С. 414.

<sup>39</sup> СДГМ II. С. 17–45; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. С. 18–48; М.М. Исҳоқов. Суғдиёна тарих чоррахасида. Тошкент. 1990. 15 – 18-бетлар.; ўша муаллиф. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент. 1992. 37 – 46-бетлар.

<sup>40</sup> А. Отахўжаев. Суғд ёзма ёдгорлиги Муғ архивида этник манзара. Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. Тошкент. 2005. 113 – 117-бетлар.

ўғли, Шавч Фарнийан ўғли, Тўсах Жима ўғли) номлари ва котиб Вавенак номи қайд этилган<sup>41</sup>.

В-4 хужжати эса Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштич бошқарувининг 1-йили (719 йил), Жимтич ойининг Апвах куни ёзилган. Мазмунан “Учта тегирмонни ижарага бериш ҳақида” шартнома бўлиб, унга қўра Йодхшетак ўғли Деваштичга тегишли Тутискатдаги 3 та тегирмон Махйан Дапатшир ўғли томонидан ижарага олинган. Ижарачи йил давомида 460 кафч (3680 кг) ун тўловини зиммасига олган. Гувоҳлар сифатида Апвахйан Аротфарнч ўғли, Еклак Нанич ўғли, Иркай Хутенч ўғли иштирок этган. Котиби Сйамич Тишич ўғли бўлган<sup>42</sup>. Бу хужжатда келтирилган исмлар ҳам ономастика нуқтаи назаридан таҳлилга муҳтож.

Архивдан қайднома ва тилхатлар ҳам ўрин олган. Жумладан, В-3 хужжати Панч мулки амалдори фрамандар Ўтт – Аватнинг ҳовуз бошлиғи – авзапат Вғашмаркдан тери олганлиги тўғрисида бўлса<sup>43</sup>, А-10 хужжати эса айнан Вғашмаркнинг Качак исмли шахсдан тери олганлиги ҳақидаги тилхат ҳисобланади<sup>44</sup>. Тилхатлардан бири А-7 Дапағ исмли шахснинг Анутчдан тери олганлигини зикр этган<sup>45</sup>. Ушбу тилхатлар бир неча нусхада тузилган ва ҳар иккала аҳдлашган томондан ташқари сарой маҳкамаси архивида ҳам сақланганлиги диққатни тортади.

Муғ архиви орасида мактублар алоҳида ўрин тутди. Мактублар Деваштичга, Деваштичдан Афарун ва фрамандар Ўтт – Аватга, улардан турли шахсларга йўлланган<sup>46</sup>. Уларда Суғднинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий-молиявий аҳволи ўз аксини топган.

Муғ архивининг турли шахсларга мўлжалланган 15 га яқин мактуби бизга баъзи ижтимоий тоифа ва табақалараро муносабатларни ойдинлаштиришда муҳим ҳисобланади<sup>47</sup>. А-5, А-11 ва Nov 6 рақамли молиявий хужжатларда<sup>48</sup> Панч вилояти ва Суғдда молия ишлари: сарой аҳлига тўланган маошлар ҳажми (А-5), ўзаро савдодаги нарх-наво (А-11) ва тушумлар ҳисоби (Nov 6) ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

---

<sup>41</sup> СДГМ II. С. 45 – 53; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 49 – 58; М.М. Исҳоқов. Суғдиёна тарих чоррахасида. 20 – 22-бетлар; ўша муаллиф. Унутилган подшоликдан хатлар. 13 – 17-бетлар; А. Отахўжаев. Муғ архивидаги В-8 хужжати: “наус учун сотилган ер битими”да зардуштийлик одатлари. Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Тошкент. 2007. 201 – 205-бетлар.

<sup>42</sup> СДГМ II. С. 53 – 63; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 58 – 70; М.М. Исҳоқов. Суғдиёна тарих чоррахасида. 18 – 20-бетлар; ўша муаллиф. Унутилган подшоликдан хатлар. 17 – 24-бетлар.

<sup>43</sup> СДГМ II. С. 71 – 73. В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 77 – 80.

<sup>44</sup> СДГМ II. С. 73 – 74; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 80 – 82.

<sup>45</sup> СДГМ II. С. 74; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 82 – 83.

<sup>46</sup> СДГМ II. С. 71 – 178; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 84 – 212.

<sup>47</sup> СДГМ II. С. 157 – 180; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 183 – 212.

<sup>48</sup> СДГМ II. С. 181 – 188; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 213 – 225.



В.А. Лившиц тайёрлаган нашр Муғ архиви ҳужжатларининг энг мукаммали ҳисобланади.

Муғ архивининг учинчи хўжалик ҳужжатлари тўпламини М.Н. Боголюбов ва О.И. Смирновалар амалга оширганлар. Унда 45 та хўжалик аҳамиятига молик ҳужжат ва хатларнинг ўқилиши, таржимаси ва шарҳи берилган<sup>49</sup>. Ҳужжатларни ўрганиш асосида Панч мулкининг иқтисодий бошқаруви ва хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни аниқлаш мумкин. 15 дан зиёд қишлоқларнинг хўжалик ҳолатига тўхтаб ўтилган. Айрим ҳужжатлар мустақил ўқилиб, шарҳи ва грамматик таҳлили қамраб олинган. Ҳужжатлар ҳисоб-китоб қайдномалари, тилхатлар, кўрсатмалар ва маълумотномаларга бўлиб чиқилган. Нашр сўнгида ҳужжатларда зикр этилган шахслар, географик номлар ва ҳужжатлар шифрлари бўйича кўрсаткичлар келтиради.

Россия ФА Санкт-Петербург бўлимида 1962 йилга келиб, 1932–1933 йилларда топилган Муғ архиви ҳужжатларининг фотофаксимили эълон қилинган<sup>50</sup>.

Муғ архивидаги ҳужжатларда 10 та бир-бирига ўхшамаган хуснихат кузатилади. Суғд ёзма ёдгорликларини палеографик тадқиқотини амалга оширган М.М. Исҳоқов Муғ архивидан ҳам кенг фойдаланган<sup>51</sup>. Муғ архиви маълумотларига О.И. Смирнованинг “Суғд тарихидан лавҳалар”<sup>52</sup> монографиясида ижтимоий ҳаёт, иқтисод ва Араб Халифалиги истилоси даврларини ёритишда кўп бора мурожаат қилинган.

Муғ архивидан топилган араб тилли иккита ҳужжатни эса И.Ю. Крачковский таржима ва таҳлил қилган<sup>53</sup>. Муғ архивидаги В-12 ҳужжати – арабча матни Ўрта Осиёдан топилган араб тилидаги энг қадимий ёзма ёдгорлик ҳисобланади.

Муғ архивидаги кўплаб ҳужжатлар “Ўзбекистон тарихи” хрестоматиясининг 2-жилд, 1-китобидан ҳам ўрин олган. Уни тайёрлаган М.М. Исҳоқов, Ғ. Бобоёров ва А. Кубатинлар аввалги В.А. Лившиц нашридан, М.М. Исҳоқов таржималаридан унумли фойдаланишган<sup>54</sup>.

<sup>49</sup> М.Н. Боголюбова, О.И. Смирновой. Согдийские документы с горы Муг. Выпуск III. Хозяйственные документы. Чтение, перевод и комментарии. Москва. 1963. С. 132. (Кейинги ўринларда СДГМ III деб келтирилади).

<sup>50</sup> В.А. Лившиц, А.Л. Хромово. Согдийский язык, С. 365.

<sup>51</sup> М.М. Исхаков. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент. 2009. С. 334.

<sup>52</sup> О.И. Смирнова. Очерки из истории Согда. Москва. 1970. С. 292.

<sup>53</sup> И.Ю. Крачковский. Над арабскими рукописями. Москва. 1945. С. 93–96; И.Ю. Крачковский. Древнейший арабский документ из Средней Азии. Изб. соч. 1. Москва. 1955. С. 182–212.

<sup>54</sup> Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 2-жилд, 1-китоб. V – XI асрлар. Тошкент. 2014. 57 – 100-бетлар.

Муғ архиви хорижда И. Гершевич (В-8 хужжатининг янги талқини)<sup>55</sup>, В.Б. Хеннинг (Муғ архиви календари – А-12 хуж.)<sup>56</sup>, К. Залеман, Й. Хармата, Д.Н. Маккензи, Х. Хумбах, В. Зундерман каби олимлар томонидан ўрганилган. Сўнги йилларда француз олимлари Ф. Гране ва Е. Де ла Вельелар Деваштич (В-18 хуж.) ва Афарун муносабатлари, Деваштичнинг Партан ҳокими билан ёзишмаси (Nov 2), Фатуфарннинг Деваштичга мактуби (А-14) ҳамда ҳарбий вазият (А-9) каби масалаларни ёритишда янги қарашларни бермоқдалар<sup>57</sup>.

Шу билан бирга, Муғ архиви хужжатларини ўрганиш ишлари ҳали тўхтаган эмас. Гарчи мазкур хужжатлар филологик жиҳатдан яхши ўрганилган бўлса-да, уларнинг тарихий воқеалар, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ жиҳатлари янги талқин ва янгича хулосаларни талаб этади. Хусусан, Муғ архивининг А-14 рақамли хужжати<sup>58</sup> Араб Халифалиги истилоси давридаги Суғд – Чоч – Фарғона коалициясини, 1.1. хужжатида<sup>59</sup> Хуросон ноибининг омили<sup>60</sup> Абдурахмон ибн Субҳнинг Деваштичга таҳдидий мактубида ўз аксини топган. Бу каби хужжатларни тарихий давр нуқтаи назаридан янада чуқурроқ таҳлил этиш тақозо этилади. Бундан ташқари, А-5 хужжати ўша давр молиявий ҳолатини ва сарой аҳлининг маошларини ифодалаган. Мазкур хужжат билан кейинги даврлардаги молиявий масалалар тўлалигича қиёсланган эмас. Ижара, олди-сотди муаммоларини ҳам турли даврлар кесимида қиёсий ўрганиш зарурати бор.

Мазкур мақолада улардан айрим, нисбатан кам ўрганилган ва муҳимроқлари таснифлаб берилди. Уларнинг номланиши орқали хужжатларда акс этган масалалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

---

<sup>55</sup> I. Gershevitch. The Sogdian word for “advice”, and some Mug documents. *Central Asiatic Journal*. 1962. P. 83 – 95.

<sup>56</sup> W.B. Henning. *Zum soghdischen kalendar*. *Orientalia*. 1939. V. 8; *A Sogdian god*. BSOAS. 1965. V. 28. Pt. 2.

<sup>57</sup> F.E. Grenet. de la Vaissiere. *The last days of Pandjikent*. *Silk Road Studies*. Kamaura. 2002. P. 155 – 196.

<sup>58</sup> СДГМ II. С. 77 – 91; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 84 – 97; М.М. Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. 5 – 12-бетлар; А. Отахўжаев. “А-14 хужжатида турк ва суғд муносабатлари (Муғ тоғи архивидан)”. *Шарқшунослик*. 2000. 49 – 56-бетлар.

<sup>59</sup> СДГМ II. С. 108 – 116; В.А. Лившиц. Согдийская эпиграфика... С. 117 – 126; М.М. Исҳоқов. Унутилган подшоликдан хатлар. 33 – 37-бетлар; А. Отахўжаев. Муғ архивидаги суғдий тилли 1.1. хужжатининг дипломатик ёзишма сифатидаги аҳамияти. *Марказий Осиё тарихи замонавий медиевистика талқинида*. Тошкент. 2013. 120 – 133-бетлар.

<sup>60</sup> Омил – Хуросон ноибларининг жойлардаги иш юритувчилари, яъни Араб халифалиги ноибларининг сиёсатини амалга оширувчиларнинг унвони.

### ҲУҚУҚИЙ МАЗМУНДАГИ ҲУЖЖАТЛАР – ШАРТНОМАЛАР<sup>61</sup>:

**Nov.3** хужжати (Ўттегин исмли турк аслзодаси ва Дуғудғунча исмли суғдий қизнинг никоҳ битими); **Nov.4** лой муҳр – буллали никоҳ мажбуриятлари; **В-8** хужжати “Қабристон иншоотининг ярмини сотиш тўғрисида”ги шартнома; **В-4** хужжати – “Учта тегирмонни ижарага бериш ҳақида”ги шартнома ҳисобланади. Уларни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### ТИЛХАТЛАР<sup>62</sup>:

**В-3 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)нинг Мартишкатдаги сув ҳавзаси бошлиғи – авзапат Эхушмарикдан Деваштич бошқарувининг ўн биринчи йили Мазеххандич ойининг Хвар-роч куни 4 та тоғ эчкиси ва 13 та тери олганлиги тўғрисида; **В-5 хужжати** Мазеххандич ойининг Спармат-роч куни Эхушмарик кўнчидан 32 та тери олганлиги акс этган. Котиби Турак ёки Турк бўлган; **А-10 хужжати** Деваштич бошқарувининг 10-йили (718 йил) ёзилган. Эхушмарикнинг Качак исмли шахсдан 10 та эчки, 5 та буқа ва 1 та эшак терисини олганлиги ҳақида. Хужжат фрамандар Ўтт (Ават)га тегишли; **А-7 хужжати** Дапағ исмли шахснинг Анутчдан 6 та тери олганлиги ва оқлов хужжати; **В-19 хужжати** мазмунан тилхат эканлиги тахмин қилинади; **Б-4 хужжати** Мазеххандич ойининг Рам-роч кунида Ачпадак исмли шахс фрамандар Ўтт (Ават)дан олган 3 та аслаҳаси ва 4 та дубулғасини кимларга бергани бўйича тилхат; **Б-12 хужжати** унда Хуризнич ойининг Парвартан роч куни олинган 50/20 узунликдаги аркон, 250 (280) та ва 150 (180) та ўқ-ёй ҳақида маълумот акс этган тилхат; **А-4 хужжати** орқа томонидаги 2 қатор матнда Деваштич бошқарувининг 6-йили (714 йили), ўша ойнинг (*манбада ой номи келтирилмаган – А.О.*) Артғушт роч куни Эхушмарик олган 212 та тери ҳақида тилхат; **А-8 хужжати** Деваштич бошқарувининг 8-йили (716 йили) Нийсанич ойининг Хурроч куни Эхушмарикнинг фрамандар Ўтт (Ават)дан олган 43 та тери ҳақида тилхат; **Б-20 хужжати** Мазеххандич ойининг Рам-роч куни Ачпадакнинг фрамандар Ўтт (Ават)дан олган маҳсулотларни муайян жойлар ва шахсларга тарқатганлиги ҳақида тилхат акс этган.

<sup>61</sup> А. Атаходжаев. Муғ тоғи архиви Суғд расмий хужжатчилиги туркуми сифатида. “Медиа майдонда тарих фани ва архившунослик интеграцияси муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2019 йил 5-6 ноябрь. Тошкент. 8 – 10-бетлар.

<sup>62</sup> Ўша жойда. 10 – 11-бетлар.

### *РАСМИЙ ХАТЛАР*<sup>63</sup>:

**А-14 хужжати** Элчи Фатуфарннинг ўз ҳукмдори Деваштичга мактуби. Унда Панч ҳокимлигининг Чоч, Фарғона ва Турк ҳоқонлиги билан бирга араб истилосига қарши коалиция тузиш масаласи акс этган; **А-9 хужжати**ни қишлоқ оқсоқоли – арспан топшириғи билан Аспане Девгон ёзган. Ҳужжат араб истилоси воқеаларига боғлиқ. Шу боис, адресатлар кўрсатилмаган. **Nov. 2 хужжати** Деваштичга Партан ҳокими Ревахшйандан йўлланган расмий мактуб. У Деваштичга нисбатан ўзини “қул” даражасида таништирган. **В-10 хужжати** Деваштичга номи сақланмаган шахсдан йўлланган расмий мактуб. Қайсидир амир билан учрашув ҳақида гап боради. **1.1. хужжати** Деваштичга Хуросон ноибининг омили<sup>64</sup> Абдуррахмон ибн Субҳнинг пўписа оҳангидаги мактуби. **В-17 хужжати** Деваштичнинг Хахсар ҳокими Афарун (Афшун)га йўлланган расмий мактуби. Унда араб истилочиларига қарши турк ва Фарғона кўшинлари келаётгани баён этилган. **В-18 хужжати** Деваштичнинг Афарун (Афшун)га йўллаган 2-расмий мактуби. Қизил лойли шохдор зебу тасвири билан муҳрланган. **В-16 хужжати** Ревак исмли шахсдан Хахсар ҳокими Афарун (Афшун)га йўллаган расмий мактуб. Унда ўзини ночор қул қилиб кўрсатган Ревак Афарун (Афшун) ташрифидан миннатдор бўлиши баён этган. **В-14 хужжати** 2 та нусхада ёзилган. Мазмунан Ревакнинг Афарун (Афшун)га йўллаган расмий мактуби. Унда араблардан сақланишдаги ёрдами учун Афарунга (Афшун) миннатдорчилик билдирилган. **Рақамланмаган янги хужжат.** Афросиёб музейидан топилган. Унда Рост ҳокими Картнинг ўз хожаси Афарун (Афшун)га йўллаган мактуби муқаддима қисми. **В-12 хужжати** араб тилида ёзилган. Араб истилоси даври сиёсий воқеалари, Деваштичнинг 717–719 йиллардаги ноиб Амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳга мактуби акс этган. **Б-29 хужжати** унинг давоми, хужжатда 5 та арабча сўз сақланган.

### *КЎРСАТМАЛАР ВА ИЛТИМОСНОМАЛАР*<sup>65</sup>:

**А-13 хужжати** Панжикент жамоаси тархони ва Вағефарн исмли шахсларга кўприқдан фойдаланганлик учун 150 драҳм йиллик тўловни тўлаш тўғрисидаги хабарнома. Деваштич бошқарувининг 14-йили (722 йил) Хурежанич ойида ёзилган ва муҳрланган. **А-18 хужжати** Де-

<sup>63</sup> А. Атаходжаев. Муғ тоғи архиви Суғд расмий хужжатчилиги туркуми сифатида. 11 – 13-бетлар.

<sup>64</sup> Омил – ноибларнинг забт этилган ҳудудлардаги иш юритувчиси.

<sup>65</sup> А. Атаходжаев. Муғ тоғи архиви Суғд расмий хужжатчилиги туркуми сифатида. 13 – 15-бетлар.

ваштичнинг фрамандар Ўтт (Ават)га одамларга дон бериш ҳақидаги кўрсатмаси. Хатни етказган шахсга 200 кафч (1 кафч 8 кг 200 кафч 1600 кг, яъни 1 тонна 600 кг) дон бериш буюрилган. **А-2 хужжати** Деваштичнинг фрамандар Ўтт (Ават)га Эски Разрадаги одамларга 300 кафч (2400 кг.) дон бериш ҳақида кўрсатмаси. **В-18 хужжати** каби қизил лойли – зебу тасвирили булла билан муҳрланган. **А-3 хужжати** Деваштич фрамандар Ўтт (Ават)га Хуфарн ва Хутачанак исмли шахсларга 200 кафч (1600 кг) дон бериш ҳақидаги кўрсатмаси, қизил лойли муҳр – шоҳдор зебу тасвири туширилган. **А-16 хужжати** Деваштичнинг фрамандар Ўтт (Ават)га кўрсатмасининг нусхаси. Хужжатнинг биринчи нусхаси муҳрланган. Бу нусха оқлов нусхаси ҳисобланган. Унда, элтабар Кисга “канизаклар ичадиган хушбўй май”ни бериш топширилган. Хужжат Деваштич бошқарувининг 2-йили (709 йил) Хурежанич ойининг Ниғрон роч кунда ёзилган. Котиби кўрсатилмаган. **А-6 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Хамир (Ғмир)”дан келган мактуб. Унда Деваштич уни озиқ-овқат олиб келиш жўнатгани баён қилинган. **А-1 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Апанак”дан йўлланган. Мактубда Читчит исмли шахс орқали турли қимматбаҳо буюмлар юборилаётгани, муҳрларнинг бирини Афарун (Афшин) ва бошқасини Тўн олиб қолгани маълум қилинган. **Б-13 хужжати** Фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Эспадак”дан келган мактуб. Унда Ават (Ўтт) олдидан кетиб, Ахсикандга етиб келган Эспадакнинг Эскатар қишлоғи элтабари юборган маҳсулотлар ҳақида маълумот берилган. Хужжат араб истилоси давридаги захиралар тақдири билан боғлиқ муаммоларни акс эттиради. **Б-11 хужжати** мазмунан фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Эспадак”дан келган бошқа бир мактуб. Унда озиқ-овқат захирасининг рўйхатини тузиб, маҳсулотларнинг бир қисмини ортга қайтариш сўралган. **Б-15 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Эспадак”дан келган мактуб. Унда мактуб Ширкавич орқали юборилаётгани маълум қилинган. Бу мактубда ҳам Деваштич топшириғи, маҳсулотлар захираси билан боғлиқ кўрсатмалар ўз аксини топган. **Б-19 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)га “қули Эспадак”дан келган мактублар сирасига киради. Унда сарой омборига захира учун юборилган, қурол-аслаҳа ва дон ҳақида маълумот берилади. **Б-18 хужжати** фрамандар Ўтт (Ават)га Эзравад арспани Эхуфарндан келган мактуб. Унда ҳам қурол-аслаҳа ва дон каби маҳсулотлар ҳақида гап боради.

#### *ТУРЛИ ШАХСЛАРГА ЮБОРИЛГАН МАКТУБЛАР<sup>66</sup>:*

**В-9 хужжати** Закатчга “қули” Афшундан маълумотнома бўлиб, унда турли шахслар ва ахурпатга ҳар бири 80 драҳмлик, 480 драҳмга олти дона ёқут сотилиши тўғрисида расмий маълумот ўз аксини топган. **В-15 хужжати** Вурзард ҳокимига унинг “қули” – Партан ҳокими Ревахшандан йўлланган мурожаат. Мактубда Деваштичга хизмат қилаётгани, аммо Ревахшан Вурзард ҳокими мадади билан бу ишни эплаб тургани маълум қилинган. **А-15 хужжати** Азатгривга хужжатда номи сақланмаган шахсдан 40 минг драҳм юборилганлиги тўғрисида мактуб. **В-7 хужжати** Асптақдан номи сақланмаган ҳукмдорга расмий мактуб бўлиб, юборилган чопарлар орқали жавоб мактубини йўллаш зарурлиги айtilган. **А-17 хужжати** Деваштичга йўлланганлиги тахмин қилинади. Чунки унда мавжуд қалтис вазият ва буйруқ кутилаётгани маълум қилинган. **Nov. 5 хужжати** Деваштичга йўлланган расмий мактублар сирасига киради. Унда сиёсий вазиятнинг яхшиланишига умид қилинган. **Б-7 хужжати** Кштут ҳукмдори Виштамга, унинг “қули” Мартушкат ҳокимидан юборилган. Унда ёлланма ишчилар ҳақида гап боради. **Б-16 хужжати** Крут ҳокими Иртига унинг жиянидан йўлланган мактуб. Унда оғир вазият, шахсан ўзи ҳоким олдида бориши ҳақида гап боради. **Б-17 хужжати**нинг йўлланган манзили сақланмаган. Унда девонхона бошлиғи – дабирпат, арспан ёрдамчиси, қишлоқ оқсоқоли – катибашис ҳақида тафсилотлар бор.

#### *МОЛИЯВИЙ ВА ХЎЖАЛИК ҲАЁТИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР<sup>67</sup>:*

**А-5 хужжати** молиявий ҳаражатлар қайдидан иборат. Хужжат саройдаги ҳаражатлар, Деваштич маҳкамасидаги турли лавозим эгаларига қанча маош тўлаш ҳақида маълумот беради. **А-11 хужжати**да олинган маҳсулотларнинг нархлари келтирилган. Мактак исмли шахсга иккита сигири учун 13 драҳмга берганлиги айtilган. **Nov.6 хужжати**да Деваштич саройига келиб тушган 3 йиллик, яъни Деваштич бошқарувининг 10, 11, 12-йилларидаги тушумлар рўйхати акс эттирилган. **Б-2 хужжати**да маҳсулотлар: вино ва доннинг кундалик кирим-чиқими акс этган. Матнда Хурзанч ойининг, Азамуғтағ роч куни санаси мавжуд. **Б-8 хужжати**да дон, вино, ёғ, нўхат кабиларнинг ҳаражати ҳақида гап боради. Хужжатнинг 1-қаторида роч – кун сўзи сақланган холос. **Б-9 хужжати**да шароб олди-сотдиси акс этган. Матннинг биринчи хатбошини бошқа котиб, да-

<sup>66</sup> А. Атаходжаев. Муғ тоғи архиви Суғд расмий хужжатчилиги туркуми сифатида. 15 – 17-бетлар.

<sup>67</sup> А. Атаходжаев. Муғ тоғи архиви Суғд расмий хужжатчилиги туркуми сифатида. 17 – 19-бетлар.

вомини бошқа бир котиб қалин туш билан ёзган. **Б-10 ҳужжатида** Канар исмли шахсдан арпа ва Абатмиб қишлоғидан буғдой олинганлиги ҳақида маълумот бор. **Б-14 ҳужжатида** Артхушаи-роч куни Эскатордан олинган мевалар ҳақида гап боради. **Б-5 ҳужжатида** автамликлардан 40 кафч тариқ олиниб, Брианак исмли шахсга берилганлиги айтилади. **Б-11 ҳужжати** Буғич ойининг Анғаран-роч куни (9-ойнинг 3-куни), Тағмич ойининг Хурмузд роч куни, шу ойнинг Ахшивар роч, Аспандармат роч, Мартат роч ва Даташ роч кунлари Панжикентда истеъмол қилинган кўй гўшти ҳисоботи ҳақидаги маълумот акс эттирилган. **Nov.1 ҳужжатида** Деваштич саройига келиб тушган ва чиқим қилинган бир неча хил маҳсулотларнинг сарфи акс эттирилган; 6.12. **Б-2 ҳужжатида** Тупич топшириғи билан берилган маҳсулотлар ҳақида маълумот акс этган. **Б-6 ҳужжатида** фарғоналик подшо (?) ва қандайдир амирга олинган нарсалар ҳақида гап боради. **Б-1 ҳужжатида** Деваштич саройидаги олди-берди ҳақида маълумот бор. **Б-27 ҳужжатида** хитой пули феннинг сарфи акс эттирилган.

#### *САНАЛАР КЕЛТИРИЛГАН ҲУЖЖАТ:*

А-12 ҳужжатида илк ўрта асрларда Суғдда қўлланилган зардуштийлик таквими: ойлар, ҳафталар, кунлар, ой фазаларининг номлари муфассал келтирилган. Ҳужжат бошқа манбалар: авесто, хоразмий, ўрта форс таквимидаги номлар билан қиёсланган<sup>68</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Муғ архиви ҳужжатларининг ҳаммаси ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Фақатгина йирик ҳужжатларгина муомалага тортилган ҳолос. Ўрта ва кичик ҳажмли, яхши сақланмаган, аммо муҳим маълумот берувчи ҳужжатларга деярли эътибор қаратилмаган. Араб тилли матнлар ҳам деярли ўрганилмаган. Турк-рун ёзувли матн ҳақида эса маълумот сақланмаган. Шу боис, бу архив ҳужжатларини расмий ҳужжатчиликдаги аҳамиятини эътиборга олиб, бирма-бир ўрганиш, уларни девонхонада ҳужжат юритиш анъаналари доирасида таҳлил этиш муҳимдир. Сиёсий, ижтимоий-иқтисодий мазмунини эса бошқа тилли манбалар билан қиёслаб тўлиқроқ очиб бериш талаб этилади. Айниқса, Араб Халифалиги истилоси масалаларига бир қадар аниқликлар ва янгиликлар киритиш мумкин. Шу маънода Муғ архиви ҳужжатлари устидаги тадқиқотлар давом эттирилиши зарур. Айни пайтда Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар даври, хусусан Араб Халифалиги истилоси давридаги тарихини ёритишда бу каби нодир, маҳаллий ёзма манба деярли йўқ. Келажақдаги тадқиқотларда ҳужжатларнинг янги таҳлили ва талқинига эҳтиёж мавжуд.

<sup>68</sup> А.А. Фрейман. Согдийский рукописный документ астрологического содержания (календарь). Вестник древней истории. 1938. С. 34 – 49; СДГМ I. С. 46 – 60.

## ЗНАЧЕНИЕ АРХИВНЫХ ИЗЫСКАНИЙ ДЛЯ ДРЕВНЕТЮРКСКОГО ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ

*Дмитрий Васильев*

Современные проблемы источниковедческого и текстологического исследования памятников тюркской рунической письменности во многом связаны с тем, что известный к настоящему времени фонд текстов памятников древнетюркской письменности не введен в полном своем объеме в научный оборот и отсутствует возможность рассмотрения всех памятников как взаимосвязанного собрания автохтонных письменных источников. Можно сказать, что ни один из специалистов в области тюркской рунологии не располагает полным списком и копиями известных к настоящему времени рунических надписей и, таким образом, не имеет возможности сопоставлять и анализировать факсимильные копии рунических и руноподобных текстов в их полном репертуаре.

Более 250 лет насчитывает здесь традиция собирательства коллекций, научного меценатства, создания краеведческих библиотек и музеев. Многие из этих страниц научной истории мало известны даже специалистам, а что касается коллекций письменных памятников, хранящихся в провинциальных музеях, то можно сказать, что работы по их описанию и исследованию хватит не на одно поколение.

После учреждения Российской Академии наук в 1725 г. становится постоянной практикой организация научных экспедиций, целью которых было изучение Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. Во главе экспедиций стояли главным образом натуралисты. Тем не менее, ими были собраны материалы и коллекции этнографического, археологического, лингвистического, фольклорного, исторического характера. Подавляющее количество материалов этих экспедиций, хранящихся в архивах и музеях России, относится к истории и культурному наследию тюркских и монгольских народов, начиная со второй половины первого тысячелетия н.э. и до того времени, когда экспедиции посетили их края.

Экспедиции длились по нескольку лет. Императорская протекция обеспечивала им покровительство и содействие со стороны местных губернаторов и администрации. Причем эти последние нередко сами увлекались сбором научных материалов, становились корреспондентами Академии наук или коллекционерами.



Однако далеко не все материалы, собранные экспедициями отправлялись в европейскую Россию. Многие находки древностей составили музейные фонды. Среди них значительную часть составили памятники материальной и духовной культуры тюркоязычных кочевников раннего средневековья. Особое значение имеют коллекции памятников письменной культуры древних тюрков, являющиеся ценнейшими источниками по истории кочевых государственных образований Центральной Азии.

Древнетюркские (или иначе - орхоно-енисейские, тюркские рунические) надписи в той или иной степени упоминались или исследовались в работах почти всех тюркологов. Но, пожалуй, никто из тюркологов (в том числе и я) не располагает информацией о всем фонде памятников тюркской рунической письменности. Известны музеи, где хранятся крупные коллекции тюркской руники, но значительно сложнее собрать сведения о местах хранения отдельных предметов с надписями, не говоря уже о тех надписях, которые остаются на местах первоначального сооружения

Во многих архивах музеев и научно-исследовательских учреждений среди полевых дневников и отдельных материалов археологов, тюркологов и любителей-краеведов обнаруживаются сведения, связанные с обстоятельствами открытия тюркских рунических надписей, их зарисовки, фотографии, копии на кальке и даже эстампажи собственно эпиграфических памятников. Причем многие из них остаются неопубликованными, поскольку из-за своей краткости, трудностей в идентификации любительски прорисованных знаков не вызвали особого интереса у рунологов. При этом следует также отметить, что многие архивные копии фиксируют отдельные надписи в более полной сохранности, чем их последующие публикации. Характерным примером могут являться копии фрагментов Орхонских памятников, хранящиеся в Иркутском краеведческом музее, выполненные Н.М. Ядринцевым еще до их дешифровки.

В работах, посвященных истории открытия и изучения крупнейших памятников древнетюркской письменности, основное внимание исследователей привлекают периоды экспедиций Финно-угорского общества Акселя Олая Хайкеля в 1890 г. и Орхонской экспедиции Российской Академии наук под руководством В.В. Радлова в 1891 г., а также последующий период расшифровки скопированных надписей и первых вариантов прочтений текстов, выполненных В. Томсеном и В. Радловым в 1893 – 1895 гг.

Эти великие события действительно открывают новую отрасль тюркской филологии – изучение текстов древнетюркских письменных памятников. Но, тем не менее, честь их открытия принадлежит другому человеку - уроженцу Сибири, вся жизнь которого была посвящена изысканиям, изучению и музейному сохранению древностей и природных богатств родного края. Однако имя этого человека не сразу стало известно европейскому научному миру в связи с открытием Орхонских памятников. В своем известном *Notice préliminaire*<sup>69</sup>. В. Томсен допустил ошибку относительно имени первооткрывателя памятников в честь Кюль-тегина и Бильге-кагана. И эту ошибку исправляет известный востоковед, академик В.Р. Розен, который в 1893 г. публикует свой перевод на русский язык сообщения В.Томсена о дешифровке древнетюркской письменности, подчеркивая при этом: “Открытием драгоценных памятников Орхонской долины наука обязана всецело Николаю Михайловичу Ядринцеву”<sup>70</sup>.

нинг биринчи чорагигача Ҳирот ва унинг маркази Хуросонда содир бўлган воқеаларни ёритишга бағишланган. Шу сабабли тадқиқ этилаётган ҳужжат “Чиғатой хони Кебекхоннинг Элхоний ҳукмдори Ўлжайтуга мактуби” унинг асарида ишончли тарзда келтирилган.

XIV асрнинг бошларида Чиғатой улуси хони Кебекхон (1309, 1318–1326) ва шахзода Ясавур ўртасида ўзаро курашлар авж олади. Ясавур 1316 йилда Чиғатой хонига қарши кўзғолон кўтарган шахзодалардан бири бўлиб, у Самарқанд ва Бухородаги диний уламолар таъсирида ислом динини қабул қилган. Ўзи эса Самарқандда яшаган<sup>140</sup>. Ясавур ўзининг Кебекхон билан зиддиятини ҳал қилишда Хулагулар ҳукмдори Ўлжайтудан (1304 – 1317) ёрдам сўраб 1316 йилда элчилар гуруҳини юборган<sup>141</sup>. Форс манбаларида келтирилган маълумотга кўра, Ясавурнинг бу элчилари таркибида хоннинг шахсий қўриқчилари, диний амалдорлардан Бухоронинг йирик имомлари Мавлоно Сайфиддин Усба ва Самарқандлик йирик имом Мавлоно Жамолиддин Абдулазизлар бўлган<sup>142</sup>.

Сайфи асарида Ясавурнинг Хулагулар билан бир қанча ёзишмалари келтирилган. Бу ёзишмаларда дастлаб у Кебекхонга қарши курашиб, Чиғатой улуси тахтини эгаллашда ёрдам сўраган. Лекин унинг мақсади амалга ошмагач, яъни Кебекхон томонидан Мовароуннаҳрдан ҳайдаб чиқарилгандан сўнг Ўлжайтухондан ўзига бошпана сўраган. Ўлжайту унга Хуросондан бошпана берган. Шу билан бирга Ясавурга Амударёдан Мозандаронгача бўлган ерларни назорат қилиш топширилган. Лекин, орадан кўп вақт ўтмасдан 1318 йил август-сентябрь ойларида Ясавур қўшини Хуросон амирлари устига юриш қилган. Ясавурнинг унга бўйсунуш ҳақидаги сўрови Хуросон шаҳарларининг бошлиқлари томонидан рад этилган. Бу юриш эса Ўлжайтунинг ўрнига ҳокимиятга келган Абу Саъид (1317 – 335) томонидан кўзғолон деб ҳисобланган. Бу ҳарбий ҳаракатлар натижасида Хулагулар ҳукмдори ва Чиғатой улуси хони Кебекхон ўртасида ўзаро ёзишмалар бошланган.

Тадқиқ этилаётган мазкур ҳужжат юқорида келтирилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Кебекхоннинг Абу Саъидга юборган мактуби ҳисобланади.

Бу пайтга келиб, Ҳиротдаги куртлар ҳукмдори Малик Ғиёс ад-Дин Ясавурга бўйсунушдан бош тортган ва Абу Саъидга Ясавур устидан шикоят хати юборган. 1320 йилда эса Малик Ғиёс ад-Дин Кебекхон-

<sup>140</sup> Abdallah b. Fadlallah, Wassaf, Tarih-i Wassaf. P. 519.

<sup>141</sup> Ya‘qub al-Xeravi. P. 667.

<sup>142</sup> Ya‘qub al-Xeravi. P. 668.

дан Ясавурга қарши курашиш учун қўшин юборишини сўраган<sup>143</sup>. Ушбу ҳарбий-сиёсий ҳаракатлар натижасида Кебекхон 1320 йилда Абу Саъидга мактубни жўнатган. Бу хатнинг тўлиқ матни Сайфи асарининг биз фойдаланаётган 1944 йилги Калькутта нусхасида тўлиқ келтирилмаган. Шу сабабли юқоридаги хатдаги каби бу ерда ҳам унинг мазмунини беришга тўғри келади.

Манбага кўра хатнинг ёзилиши ва мазмунини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Кебекхон номидан ёзилганлиги ва ўзининг энг ишончли, тезкор қўриқчилари орқали юборилганлиги;
2. Ясавурнинг қўзғолон кўтариб Хулагулар давлати ва Чиғатой улуси тинчлигига раҳна солганлиги;
3. Ушбу шаҳзоданинг ҳарбий ҳаракатларига тўсиқ бўлиш учун икки ҳукмдорнинг биргалашиб ҳаракат қилиши лозимлиги;
4. Агар зарурат бўлса Кебекхон қўшинларини Амударё орқали Хуросонга ўтказиши ва курдлар малиги Ғиёс ад-Дин билан бирлашиб Ясавурга қарши курашиши мумкинлиги;
5. Хулагулар томонидан Ясавурга берилган барча ваколатларни бекор қилиниши ва агар у Абу Саъиддан ёрдам кучларини сўраса, уни Кебекхонга топширишга келишиб олиш кераклиги.

Ушбу келишувлар ва икки томонлама элчилик алмашинувлари туфайли 1320 йилда Кебекхон 40 минг аскари билан Ясавурга ҳужум қилиш учун Амударёни кечиб ўтиб Хуросонга келади. Хулагулар ва Чиғатой хонлари томонидан таъқибга учраган Ясавур енгилиб, қатл қилинади. Шу тарзда Ясавурнинг ҳаракатларига барҳам берилади. Бироқ унинг Хуросондан Мовароуннаҳрга қайтган авлодлари XIV асрнинг 50-йилларидан кейин ясавурийлар номи билан Самарқандда куч тўплайди ва Чиғатой улуси кулаши арафасида кечган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этади.

Чиғатой улуси хонлари ташқи сиёсий алоқаларини ёритувчи яна бир ҳужжат Хулагулар тарихчиси Вассоф асарида келтирилган, Чиғатой улуси хони Дувахоннинг (1282 – 1307) мўғул империяси бирлигини тиклаш учун Юань ҳукмдори Темур Хоқонга ёзган хатидир<sup>144</sup>. Дувахон Чиғатой улуси тахтига минтақада тинимсиз ўзаро урушлар давом этаётган, Марказий Осиё ҳудудлари Ўқтой хоқон (1227 – 1242) авлодидан бўлган Қай-

<sup>143</sup> Ўша жойда. Р. 766.

<sup>144</sup> Fadlallah, Wassaf, Tarih-i Wassaf. P. 452 – 454. Бу ҳақда яна В.В. Бартольд ҳам батафсил келтирган: V.V. Barthold. A Short History of Turkestan. Four Studies on the History of Central Asia. Trans. V.Minorsky and T.Minorsky. Vol. I. Leiden. 1956 – 1962. P. 47.



ду (1269 – 1301) томонидан бошқарилаётган қийин сиёсий даврда келган эди. Қайду ўз атрофидаги мўғул давлатлари билан тинимсиз урушлар олиб борган ва бунинг натижасида Чигатой улусида сиёсий вазият издан чиқиб кетган эди. Қайдунинг вафотидан кейин Дувахон улус ички ҳаётида бирмунча ишларни амалга оширган бўлишига қарамай, асосий эътиборини империя доирасидаги масалаларни ҳал қилишга қаратади. Ташқи сиёсатда эса у мўғул империясининг бирлигини тиклаш ташаббуси билан чиққан. Бунда бир-бирига қўшни мўғул давлатлари дўстона яшаши, хоқон эса марказий куч бўлиши назарда тутилган. Савдо муносабатлари бутун империя бўйлаб эркин олиб борилиши белгиланган. Ушбу ғоялар асосида 1304 йилда Дувахон Юань Хоқонига тинчлик сулҳи тузиш ҳақидаги таклиф билан элчи юборади. Манбада ушбу келишув шартномаси билан боғлиқ воқеалар баён қилинган. Дувахон ташаббуси билан мўғул давлатлари ўртасида тузиладиган тинчлик шартномасига кейинчалик Марказий Осиёдаги бошқа шахзодалар ҳам рози бўлишган.

Яна бир тарихчи Қошонийнинг таъкидлашича, Дувахон мазкур тинчлик шартномасини Хулагулар хони Ўлжайту саройига ҳам юборган. Элчилар гуруҳи 1304 йил 19 сентябрида Хулагулар пойтахтига етиб борган<sup>145</sup>. Вассоф ҳам ўз асарида чигатойлардан шундай мақсадда элчи келганлигини ва у умуммўғул тинчлик шартномасини тузишни таклиф қилганлигини таъкидлайди<sup>146</sup>.

Мазкур ҳужжатнинг мазмунини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Хоқонни аввалги мавқеига қайтариш ва улуслар бирлигини тиклаш;
2. Чегараларда тинимсиз содир бўладиган талончилик урушларига чек қўйиш;
3. Ҳар бир улус ҳукмдорининг мустақил қарор қилишини таъминлаш ва бунинг ижросида Хоқон розилиги билан иш қилиш;
4. Қурултойнинг аввалги даражасини тиклаш ва йиллик йиғинларни ташкил этиш;
5. Барча мўғул давлатлари бўйлаб эркин савдони йўлга қўйиш;
6. Савдо карвонларига нисбатан бўладиган тўсиқларни олдини олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

Мактубнинг охирини Дувахон “агар бу таклиф этилаётган ишлар йўлида бўладиган хавфларга жавобан, Мен ким, Дувахон Хоқон буйруғига розиман” деган фикрлари билан якунлаган.

<sup>145</sup> Fadlallah, Wassaf, Tarih-i Wassaf. P. 453.

<sup>146</sup> Ўша жойда. P. 454.

Бу иттифокқа мўғул давлатлари орасидаги бирлашувнинг жонли ифодаси сифатида қаралган бўлишига қарамай Дувахоннинг бундан кўзлаган яна бир мақсади бўлган. У Қайду вафотидан кейин ўзига қарши бошқа мўғул давлатлари томонидан бўладиган хавфнинг олдини олишни режалаштирган. Чунки Қайду катта кучга эга бўлиб, кўшни давлатларнинг Чиғатой улусига таҳдид қилишини олдини олиб турган. Дувахон эса ўз навбатида Қайдунинг асосий иттифокчиси сифатида Юань императорларига ва Хулагулар ҳукмдорларига қарши курашда олдинги ўринларда турар эди. Шу сабабли ҳам у Юань-Элхонийларнинг бирлашиб Чиғатой улусига қарши ҳужум уюштириш хавфи вужудга келмаслиги учун шу ҳаракатни бошлаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Чингизхон томонидан босиб олинган улкан ҳудудда ташкил топган давлатлар ўртасидаги ҳарбий-сиёсий алоқаларнинг асосий жиҳатларини ўрганишда XIII – XIV асрларга оид манбалар муҳим рол ўйнаса, бу даврдаги расмий ҳужжатлар эса шу манбалардаги маълумотларни асослаш ва тўлдиришга хизмат қилади. Юқорида таҳлил қилинган расмий ҳужжатлар, яъни мактубларнинг асл нусхалари сақланмаган, ёки мавжудларини ҳам олиш имкони бўлмаса ҳам манбалар доирасида масалани тадқиқ қилиш бу даврдаги вазиятни ўрганишда муҳим саналади.

## ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТУРКИЙ ТИЛДА БИТИЛГАН ХУЖЖАТЛАР ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

*Қудратулла Омонов*

Ўзбек халқи тарихида ҳужжатчилик билан боғлиқ анъаналарнинг илдизлари узоқ ўтмишга эга. Бу теран илдизлар давлатчилигимиз тарихи билан узвий боғлиқ. Ўтмишда аждодларимиз ўзаро ҳуқуқий муносабатларини қайд этиб қўйишга айрича урғу берганлар. Шу боис, тарихий ёзма меросимизнинг анчайин катта қисмини расмий матнлар ташкил этади.

Ўрта асрлардан қолган расмий матнлар ўтмишда ҳукм сурган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихини ўрганиш билан бир қаторда, жамиятдаги тил билан боғлиқ ҳолат ва туркий ёки эски ўзбек тилининг иш юритишдаги мавқеини белгилашда ҳам энг ишончли, бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун, мазкур ёзувлар фанга маълум бўлишидан бошлаб, шарқшунос ҳамда туркологларнинг доимий эътиборида. Айниқса, темурийлар даври расмий ҳужжатларини ўқиш, уларни илмий доирага киритиш ва туркологиянинг ҳужжатлар тадқиқи билан боғлиқ йўналишда турли мамлакат олимлари иш олиб борадилар. Бу борада А. Курат, Ж. Дени, Л. Фекете, Р. Арат, М. Усмонов, О. Чеховичнинг ўрни катта<sup>147</sup>.

Темурийлар даврида битилган расмий ҳужжатлар дунёнинг турли фондларида, чунончи, темурийларнинг дипломатик ёзишмалари бугунги кунда Туркиянинг Тўпқоппи саройи архивида, Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институтининг Санкт-Петербург бўлимида (бурунги Осиё музейи), ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланмоқда.

Темурийлар даврига тегишли расмий матнлар устида олиб борилаётган лингвистик тадқиқотлар темурийлар даври ҳужжатчилигини туркий

---

<sup>147</sup> A. Kurat. Topkari Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan Hanlarına ait Yarlık ve Bitikler. İstanbul. 1940; J. Deny. Un Soyurgal du Timouride Sahruh en ecriture Ouigoure. Journal Asiatique. Tome CCXLV. Paris. 1957. P. 253 – 266; L. Fekete Einführung in die persische paläographie. 101 persische dokumente. Budapest. 1977; R. Arat. Makaleler. Cilt I. Ankara. 1987; М. Усмонов. Жалованные акты Джучиева Улуса XIV – XVI вв. Казань. 1979; О. Чехович. Собрание восточных актов Академии наук Узбекистана. Исторические записки. Москва. 1948. С. 306 – 311; О.Д. Чехович. Самаркандские документы XV – XVI вв. Факсимиле. Критический текст, перевод, введение, примечания и указатели Москва. 1974; О. Чехович. Задачи Среднеазиатской дипломатики. Народы Азии и Африки. №6. Москва. 1969. С. 75 – 82.

расмий услуб тараққиётидаги алоҳида босқич сифатида ўрганиш кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳужжатчилик амалиётида расмий матн тузиш аънанаси тугал бир ҳолда шаклланган ҳамда темурийлар қўл остидаги барча ўлкаларда ҳужжат битишнинг ягона андозаси амал қилган.

Ушбу давр ҳужжатчилик амалиётида қўлланган айрим ҳужжат турлари ва уларни англатувчи номлар олдинги даврлардагидан фарқ қилганлиги ойдинлашмоқда. Ушбу мулоҳазалар далилини биргина *nišān* атамасининг таҳлили мисолида ҳам кўриш мумкин.

Темурийлар замонага келиб девон-махқама идораларида *yarliḡ* атамаси билан ёнма-ён унга тенг келувчи ҳужжатнинг ҳуқуқий номи сифатида қадимги расмий ёзмалар услубида *белги*, *муҳр* маъносида ишлатилган *nišān* атамаси истеъмолга киритилди. Буни темурийлар давридан қолган ҳужжатлар тасдиқлайди. Хусусан, Умаршайх Мирзонинг 1469 йилдаги васиқасида у қуйидаги жумлада келган: *yilda yangi nišān tilāmāyīn bu nišān bilā yil sayu heč türlüg salīq salmayīn daftarlarḡa surusun*. – “Ҳар йили янги нишон (ёрлик, ҳужжат) сўрамасдан, бу нишон билан йил бўйи ҳеч турли солиқ солмай, (кирим-чиқим) дафтарларига қайд этилсин”<sup>148</sup>. Шунингдек, ҳужжатчилик амалиётига давлатнинг бош қомуси маъносини англатувчи *tüzük* атамаси киритилди.

Темурийлар давридан бугунги кунга қадар етиб келган расмий матнлар кимга ва нима мақсадда берилгани, ижтимоий-сиёсий даражаси, мазмун-моҳияти, қўлланилиш доираси сингари белгилари билан фарқланиб туради. Ана шуларни кўзда тутиб, темурийлар давридан қолган эски ўзбек тилидаги расмий матнларни қуйидаги туркумларга ажратишимиз мумкин:

- I. Давлат бошқаруви ва қонунчилиги билан боғлиқ матнлар.
- II. Халқаро дипломатик ёзишмалар.
- III. Девон-махқама идораларига тегишли ёзмалар.
- IV. Дин бошқаруви билан боғлиқ битиглар (вақф ҳужжатлари).
- V. Кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик ишларини расмийлаштириш ва ҳўжалиқни юритиш билан боғлиқ иш қоғозлари.

Биринчи туркумга кирувчи матнлар ўша замонларда *tüzük*, *yasa*<sup>149</sup> атамалари билан юритилган. Бу туркумга “Темур тузуклари”ни киритса бўлади. Темурийлар давлатларида чиқарилган тангалар ва муҳрлардаги ёзувларни ҳам биринчи туркумга киритиш мумкин.

<sup>148</sup> Қ. Омонов. Умар Шайх Мирзонинг уйғур ёзувли нишони хусусида. Филология янги юз йилликда: фаннинг тугун ва ечимлари. Тошкент. 2003. 137 – 139-бетлар.

<sup>149</sup> Ёзма манбаларда ушбу атамалар “қонун, қоида, қоидалар тўплами, конституция, модда, расм-русм” шаклларида келган.

Халқаро дипломатик ёзишмаларга темурийлар салтанати ҳукмдорларининг бир-бирига йўллаган ёрлик ва мактубларини киритиш ўринли.

Чунончи, ўша даврлардан асл ҳолда етиб келган Амир Темурнинг иккинчи ўғли Мироншоҳ Мирзо авлодидан Абу Саид Мирзонинг оқ қўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасанга йўллаган мактуб ёрлиғи эски ўзбек тилида битилган муҳим дипломатик ёзишмалардан бири саналади. У Истанбул, Тўпқопи саройи музейи архивида (Е 12307 сонли васиқа) сақланмоқда. Матн икки хил ёзувда. Бошлаб, эски туркий ёзувида битилиб, ҳар қатори араб хатида очиқланган. Матн бир-бирига елимлаб чиқилган уч бўлак оқ қалин қоғозга битилган бўлиб, унинг узунлиги 1 м. 44 см., эни 27 см. Расмий ёзмада 76 қатор ўрин олган. Ҳужжат яхши сақланган.

Ҳужжат сўнггида 71–74 қаторлар ўртасида 8.5 x 8.5 ўлчамдаги хоннинг олтин тамғаси босилган. Тўртбурчак кўринишга эга муҳрнинг юқорисида *Bismi-l-lahi-r-rahmani-r-rahim* (Меҳрибон раҳимли Аллоҳнинг номи билан бошлайман) жумласи ўнг томонида *La ilaha illa-l-lahu* (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ), сўл томонида *Muhammadu-r-rasul-ul-lahi* (Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси) калимаси ва ост томонда *al-Hasan va-l-Husayin* оти ёзилган. Муҳрнинг тўрт бурчагида тўрт халифанинг – *Abubakir, Umar, Usmān* ва *A'li* исмлари битилгандир. Муҳр ўртасида *as-sultanu-l-a'zam va-l-xaqanu-l-akram muğisu-l-haq va-d-din sultan Abu Said Körägän halida-l-lahu mulkahu va sultanhahu* (Адолат ва диннинг қўриқчиси буюк султон ва қароматли хоқон султон Абу Саид Кўрагон. Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини юксалтирсин) жумласи ўйиб туширилган.

Ёрлик Тўпқопи саройига қачон келтирилгани қоронғу. Турк тарихчиларининг текширишича, 1473 йили султон Меҳмеднинг Узун Ҳасан устидан қозонган зафаридан сўнг олинган ўлжалар ичида ушбу битик ҳам бўлган.

Ёрликнинг 75-76-қаторларида тарих келтирилган. Мактуб сичқон йили (ҳижрий 873 йил) Рабиул-аввал ойининг йигирма иккисидан Озарбойжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Sičqan yūli Rabi'ul-avval ayūniḡ yigirmi ikisidä Miyanada erkändä bitildi*). Бу сана милодий 1468 йилнинг 10 октябрга тўғри келади.

Мактуб фотосига диққат қилинса, уларда айрим сўз ва бирликлар бошқа сўзлардан ажратиб ёзилган. Чунончи, Абу Саид мактубининг 3, 13, 19, 28, 38, 47, 49, 51, 61, 63, 71-қаторларида *Tāñri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айни қатордаги *ināyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал унинг билан бирга ўқилади.

Матнда Абу Саидга тегишли кишиларнинг (ота-боболарининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4, 24, 69-сатрларда *Temür beg*, 6, 7, 11, 12, 13, 15-сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27-қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон ҳужжатчилигида русум бўлган ўзига яраша бир этикетдир. Бошқа ҳужжатларда ҳам бу сингари ҳолатлар учраб туради.

Девон-махқама идораларига тегишли ёзмаларнинг асосий бўлагини ёрликлар ташкил этади. Бунга *тархонлик* – суд ва солиқлардан озод қилинганлик тўғрисидаги ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

*Суюрғал* – давлат олдидagi хизматлари эвазига бериладиган тортик ёрликлари ҳам девон-махқама идораларига тегишлидир.

Шунингдек, шахснинг бирор лавозимга тайинлангани тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам девон-махқама идораларининг ҳужжатларига киради.

Давлат муассасаларининг ижарага берилиши тўғрисидаги ҳужжатлар, буйруқлар, қирим-чиким дафтарлари ҳам шу туркумга хос.

Темурийлар давридан ушбу туркумдаги кўплаб ҳужжатлар етиб келган. Хусусан, эски ўзбек тилидаги ҳужжатлардан бири Шохрух Мирзонинг 1422 йилдаги суюрғолидир. Мазкур ҳужжатни 1947 йилнинг ёзида профессор Э. Беневист Кобулга уюштирган илмий сафари чоғида қўлга киритган. Ушбу нишонни Э.Беневистга берган киши уни Майманадаги (Шимолий Афғонистон) эски уйини бузаётган вақтида топиб олган кўздан чиққанини айтган [1957, 253].

Ҳужжат 13 сатрдан иборат бўлиб, биринчи қатор *Šahruh bahadur sōzūm* унвони билан бошланади. Кейинги икки сатр матннинг ўртасидан бошланган ва улар олдида доира шаклидаги хон муҳри мавжуд. Араб ёзувли ушбу муҳр шундай ўқилади: *al-vatiq bi-l-lah al-ğafur Šahruh bahadur* (кечиргувчи Аллоҳ номи билан тасдиқловчи – Шохрух Баҳодир). Нишоннинг ёзуви ўнгдан чапга; 8-9-сатрлар бошқаларга нисбатан ичкарироқдан бошланган. 11-13-қаторларнинг охирида, яна бир доира кўринишидаги муҳр бор. Унга: *nišani Šahruh bahadur nišani* (*Шохрух Баҳодир муҳри*) сўзлари ёзилган.

Расмий матн сўнггида унинг битилган санаси қайд этилган: *tarix sākiz yūz y(igi)rmi bešdā ud yil muharram ayinīy y(igi)rmi ikkisidā Baği Šaharda bitildi* (Тарих саккиз юз йигирма бешда, сигир йили муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи Шаҳар (Хирот)да битилди). Мазкур тарих нишоннинг 1422 йилнинг 16 январида ёзилганини кўрсатади.

Темурийлар даврида эски ўзбек тилида битилган яна бир ҳужжат Бобурнинг отаси Умаршайхнинг Марғилон бузурғларидан Мир Саид

Аҳмадга берган ҳужжати туркий-уйғур хатидадир. Расмий матн Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида сақланади (Uig/1 шифрли ҳужжат). Ҳужжат узунлиги 18 см, бўйи 19 см.ли сариқ қоғозга битилган. Матн 13 сатрдан иборат. Ҳужжат *Sultan Umar Shayh Bahadur sözüм* деб бошланган. Иккинчи ва учинчи сатрлар бошқаларидан ичкарида ёзилган бўлиб, олдида доира шаклида муҳр бор.

Ҳужжатнинг орқа томонидаги муҳрлар остида туркий-уйғур ёзуви билан икки жумла ёзиб қўйилган. Улардан биринчиси: *Xalildad kökaldäš Barin qazi bilä*, иккинчиси *roznama bitildi* (ҳисоб-китоб дафтарига ёзилди) деб ўқилади. Бу жумлалар ҳужжат текширувчи ёки бирор расмий шахс томонидан ёзилган кўринади. Ҳужжат сўнггида тарих кўрсатилган. 12-13-сатрларда унинг Андижонда битилгани қайд этилган: *muhurluğ nišan uy yıl šaval ayiniñ yigirmi säkizi Andiganda бүтилди* (Муҳрли нишон сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизида Андижонда тугалланди).

Ҳужжатни В. Бартольд 1902 йили Ўрта Осиёга уюштирган илмий сафари чоғида Марғилон қозиси Хўжажон Рожийдан олган<sup>150</sup>.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳужжатчилик иши XIV – XVI асрлардаги кўринишига етгунга қадар бир қанча тарихий такомил босқични ўтган. Темурийлар даври расмий матнлари қадимги хоқонлик ва давлатлар замонида яратилган ҳужжатларнинг давомида туради. Шакл ва тuzилиши, ифода усуллари билан уларни тўлдиради, мукамаллик поғонасига кўтаради.

Умуман, темурийлар даврида битилган туркий ҳужжатларни ўрганиш ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, салтанатларнинг маъмурий тизими, қўшни давлатлар билан дипломатик муносабатлар кечмиши, қонунчилик тизимининг шаклланиши, ўлкамизда божхона ва солиқ хизматларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аждодларимиз бунёд этган салтанатларда она тилимизнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда ниҳоятда қимматли маълумотларни беради.

---

<sup>150</sup> В.В. Бартольд. Отчет о командировке в Туркестан. ЗВОРАО. Санкт-Петербург. С. 274.

## XVI АСРДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИГА ДОИР БИР ҲУЖЖАТ БОРАСИДА

*Гулчеҳра Агзамова*

Бухоро хонлиги кўпгина давлатлар билан у ёки бу даражада савдо-дипломатик алоқаларни ўрнатган эди. Ушбу давлат ташқи дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлардан бири Россия эди. Хонликнинг ва умуман Ўрта Осиё давлатларининг Россия билан алоқаларини, XVI – XIX асрлар оралиғидаги муносабатларини бир неча босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Буларнинг ичида XVI – XVII асрнинг биринчи ярмидаги ташқи алоқалар босқичини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Бу алоқалар айниқса, шайбоний ҳукмдор Абдуллахон II даврида жуда ривожланган эди. Буни тасдиқловчи бир қатор архив ҳужжатлари мавжуд. Улар асосан 1932 йилда “Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР” номи остида нашр этилган тўпلامдан ўрин эгаллаган. Унга Россиянинг “Қадимги актлар” архив жамғармаси (ўша вақтда: Ташқи ишлар вазирлигининг Москва бош архиви)дан олинган ҳужжатлар кирган. Улар XVII асрдаёқ “Посольский приказ” фаолияти натижаси сифатида алоҳида фондга ажратилган эди. Тарихий-археографик институт томонидан ушбу фондда сақланадиган Москва давлатининг Ўрта Осиё хонликлари, хусусан, Бухоро хонлиги билан савдо-дипломатик алоқаларига оид муҳим ҳужжатлар ажратилиб олинган ва мазкур тўпلامда нашр этилган. Бу ҳужжатлар қабул қилинган архив атамашунослиги қодаларига асосан “столбец” (бир неча юздан ортиқ ҳужжатлардан иборат бўлган, ўрам ҳолидаги ҳужжатлар), “грамота” (ёриқ), “дела” (ҳужжатлар мажмуи) ва “посольские книги” (элчилик китоблари)га бўлинган. Тўпلامга кирган ҳужжатларнинг айримлари Тарихий-археографик институтида сақланадиган “Астрахань актлари” фондидан олинган<sup>151</sup>.

Ушбу тўпلامдан жой олган айрим ҳужжатларнинг тарихий тадқиқотлар учун асосий манба сифатидаги аҳамияти турли давр тадқиқотчилари томонидан кўрсатиб ўтилган<sup>152</sup>. Бироқ айнан биз урғу бермоқчи бўлган расмий

---

<sup>151</sup> Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Москва. 1932. С. 91. (Кейин: МИУТТ).

<sup>152</sup> Н.Б. Байкова. Роль Средней Азии в русско-индийских связях. Ташкент. 1961. С. 191; В.В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и России. Соч. Москва. 1965. С. 199 – 485; В.В. Бартольд. Место прикаспийских областей в истории мусульманского мира. Соч. Мос-



хужжат улар томонидан бевосита атрофлича таҳлилга тортилмаган.

Мазкур мақолада илмий таҳлилга тортилган хужжат 1585 йилга оид бўлиб, у Абдуллахон II элчилари томонидан Москва давлати ҳукмдори-га тақдим этилган илтимосномалардир. Бу ўринда қайд қилиб ўтиш лозимки, Шайбонийлар давлатининг шижоатли ҳукмдори бўлган бу шахс фаол ташки сиёсат юритишга ҳаракат қилган. У давлат олдида юзага келган ташки сиёсатда турли тугунларни ечиш борасида изчил фаолият юритди. Бу ўринда унинг Эрон, Усмонийлар давлати, Ҳиндистон билан ўзаро алоқалари, бу давлатларга юборилган элчиликлар ва улар томонидан минтақа сиёсий ҳаётига оид айрим масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳаракатларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида, хусусан, Абдуллахон II даврида мамлакатнинг шимолида жойлашган давлатлар ва халқлар билан ҳам муайян даражадаги муносабатлар олиб борилган. Сулола вакиллари Хоразмда бошқарув тепасига келган шайбонийларнинг бошқа шохобчаси ҳукмдорлари, Қозоқ хонлиги билан у ёки бу даражадаги алоқаларни амалга оширишга ҳаракат қилганлар.

Хужжат 1585 йилнинг 17 ноябрь санаси билан қайд қилинган бўлиб, унда Абдуллахон II томонидан Москва давлатига юборилган элчи Муҳаммад Алининг икки илтимосномасидан иборатдир. Россия Давлат “Қадимги актлар” архивида сақланаётган ушбу хужжатни тўлароқ таҳлил қилиш учун унинг рус тилидаги матни ва ўзбек тилига таржимасини келтириб ўтиш лозим:

#### *ХУЖЖАТ МАТНИ:*

*1. Царю государю великому князю Федору Ивановичу всеа Руси бьет челом бухарской посол Мамедели. Послал, государь, меня государь наш*

---

ква. 1965. С. 651 – 766; В.В. Бартольд. Кавказ, Туркестан, Волга. Соч. Ташкент. 1965. С. 789 – 794; В.С. Батраков. Хозяйственные связи кочевых народов с Россией, Средней Азией и Китаем. Труды САГУ. Ташкент. 1955. С. 104; Н.И. Веселовский. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего. Санкт-Петербург. 1877. С. 364; С.В. Жуковский. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Труды общества русских ориенталистов. № 2. Пушкино. 1915. С. 215; Х.З. Зияев. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Ташкент. 1965; Р.Г. Мукминова. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVII в. Ташкент. 1976. С. 233; Р.Г. Мукминова. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана. Конец XV – XVI в. Ташкент. 1985. С. 176; А.В. Панков. К истории торговли Средней Азии с Россией XVI – XVII в. В.В. Бартольд. Туркестанские друзья, ученики и почтатели. Ташкент. 1927. С. 26; М.В. Фехнер. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI в. Москва. 1956. С. 120; А.И. Юхт. Торговые связи России со странами Востока в 20-40-х годах XVII в. Историческая география XVI в, Города, промышленность, торговля. Москва. 1981. С. 251.

*Абдулай царь бухарской к тебе государю з дары, и нынеча замерзл в твоей государеве отчине в Казани, а дары тебе государю послал наш государь: шетер индейские земли по ...(в рукописи оборвано) митко-ли красные, а внутри травы вырезаны выбоичатые розные цветы, а у шетра 32 оттужины веревок бумажных, да к тебе ж государю прис-лал твоего сына боярскова Ларю Бориса Иевлева сына; да яз бью челом тебе государю шоломом булатным навожен золотом и травами, да сабля булатная навожено золотом, ножны хоз черной, да лубья саадоч-ное навожено золотом с травами, да нож булатной рыбей зуб черен навожен золотом, ножны булатные навожены золотом оков серебрян, да чаша ценинная с травами навожена золотом, да 2 тулунбаса медя-ны навожены красками травы и золотом, да 2 деревца седельные наво-жены красками и золотом травы. Да послал наш государь Абдулай в твою государеву отчину товару со мною 2000 зенденей всяким цветом, 200 мелей, 100 обьяринных зенденей, 100 дороги, 1500 кушаков бумаж-ных, 40 пуд краски. Да со мною, государь, брат мой, да поп с сыном, да государя нашего 6 сокольников, да моих людишек девка да детина да 3 арапы, да 5 человек кошеваров. Милостивый царь государь, покожи милость, вели меня из Казани к Москве к собе к государю отпустить и вели государь дати подводы, на чом нам ехоти. Государь царь смилуй-ся, пожалуй.*

*II. Царю государю великому князю Федору Ивановичю всеа Руси бьет челом бухарской посол Мамедели. Послал государь наш Абдулай царь со мною к Москве товару, да со мною мои людишка, и надобет государь под товар и под нас 30 подвод. Милостивый царь государь, покажи ми-лость, вели нас ис Казани к Москве отпустить. Государь, пожалуй<sup>153</sup>.*

#### **ҲУЖЖАТ ТАРЖИМАСИ:**

*Ҳужжатнинг биз томонимиздан қилинган таржимаси қуйидагича: “Бутун Рус подшоҳи ҳукмдор буюк князь Федор Ивановичга Бухоро эл-чиси Мамадали таъзим қилади. Ҳукмдор, мени бизнинг олампаҳоимиз Абдулла подшо соғалар билан юборди, ҳозир сенга қарашили Қозонда со-вуқда қолиб кетдим, бизнинг ҳукмдоримиз сенга соғалар юборди: ҳинд еридан келтирилган чодир... (қўлёзма узилган) ичига турли гуллар ўйиб тўқилган қизил митқол, чодирга эса 32 та ип арқон бириктирилган, сен-га яна ўғлинг бояр Ларя Борис Иевлев ўғлини юборди; яна сенга таъзим қилиб олтин ва нақш билан безак берилган пўлат дубулга, олтин би-*

<sup>153</sup> МИУТТ. С. 98.

лан ишлов берилган пўлат қилич, қора гилоф, устига олтин билан безатилган садоқ, балиқ тиши тарзида олтин билан безак берилган пўлат пичоқ, олтин билан ишлов берилган кумуш қопланган пўлат гилофлар, олтин безак берилган қимматбаҳо жом, яна турли ранглар ва олтин билан ишлов берилган ногора, яна бўёқлар ва олтин билан ишлов берилган ёғочдан ясалган эгар. Яна бизнинг ҳукмдоримиз Абдулла сенинг давлатинга мен билан мол юборди 2000 турли рангдаги зандана, 200 малла, 100 кенг зандана, 100 даройи, 1500 ип қийиқча, 40 пуд бўёқ. Яна мен билан, ҳукмдор, менинг укам, поп ўғли билан, ҳукмдоримизнинг 10 лочинбоқари, яна менинг одамларим яна бир қиз ва болалар яна уч араб, яна 5 та кошевар келган. Муҳтарам подшо, марҳамат кўрсатиб мени Қозондан Москвага ўз олдинга ўтказишга буюр ва бизнинг юришимиз учун от-арава беришни буюр. Муҳтарам подшо раҳминг келсин, амр қил”.

Ҳужжат матнидан кўриниб турибдики, унда асосий эътибор савдо билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Қайд этиб ўтиш лозимки, айрим муаллифлар Ўрта Осиёдан Москва давлатига юборилган элчиликлар фақатгина савдо-дипломатик миссияларни бажарганлиги, одатда улар зиммасига ҳеч бир сиёсий масалани ҳал қилиш вазифаси юклатилмаганлигини қайд қилган ҳолда, улар ўз ҳукмдорлари учун Рус подшосидан совға ва пул ундириш ёки олий ҳукмдорга тегишли молларни божлардан ҳоли тарзида Москва давлатига етказиш ва сотишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганликларини қайд этиб ўтадилар<sup>154</sup>.

Ўрта Осиё хонликлари ва Россия ўртасидаги алоқалар масаласи билан шуғулланган XIX аср охири – XX аср бошларида илмий фаолият юритган бир гуруҳ олимлар эса, айниқса, Россия учун Ўрта Осиё давлатлари билан алоқа қилишдан асосий мақсад Ҳиндистонга йўл топиш ва Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон билан алоқалар ўрнатишдан иборат эди, деб нотўғри фикрларни билдирадилар<sup>155</sup>. Бу ғояларнинг асоссиз эканлигини ушбу масалалар билан шуғулланган кейинги давр олимлари таъкидлаб ўтадилар.

Тадқиқотчилар икки ҳудуд ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг уч турини ажратиб кўрсатадилар. Биринчи турга мансуб алоқаларни мутахассислар, асосан икки давлат ҳукмдорлари ўртасида “совға алмашиш”дан иборат деб таъкидлайлар. Одатда Русь давлатига Ўрта

---

<sup>154</sup> Н.И. Веселовский. Прием в России и отпуск среднеазиатских в XVII и XVIII столетии. Журнал Министерства народного образования. Отдельный оттиск. 1884. С. 40.

<sup>155</sup> В.А. Уляницкий. Сношения России с Среднею Азиею и Индией в XVI – XVII вв. Москва. 1889. С. 62; С.В. Жуковский. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. Труды общества русских ориенталистов. № 2. Пг, 1915. С. 215.

Осиё хонликлари ҳукмдорларининг муайян элчиликлар томонидан юборилган совға-саломлари ҳисоблаб чиқилган ва унинг қийматига мос келадиган моллар жавоб тариқасида жўнатилган. Бу ҳолатда Ўрта Осиё хонликларидан келтирилган моллардан бож ундирилмаган. Иккинчи турга хос савдо хонлар ва подшолар ўртасидаги савдо бўлиб, уни олий ҳукмдорлар бевосита ўзларининг ишончли вакиллари орқали амалга оширганлар. Бу савдо ҳам бож ва турли йиғимлардан озод этилган эди. Учинчи турдаги савдо билан айрим савдогарлар шуғулланган бўлиб, улар бож ва бошқа йиғимларни тўлашлари лозим бўлган<sup>156</sup>.

Бирок, биринчи қарашда соф савдо алоқаларини ўзида акс эттирган ушбу ҳужжатни бу даврдаги сиёсий вазият ва тарихий жараёнлар билан узвий алоқадорликда ўрганиш бир қатор баҳсли масалаларни ажратиб кўрсатишга имкон беради<sup>157</sup>. Биринчидан, XVI аср ўрталаридан Москва давлати томонидан Қозон ва Астрахань хонликларининг босиб олиниши Россиянинг Ўрта Осиёга қизиқишини ортишига олиб келди. Тўғри, бунга қадар ҳам Ўрта Осиёнинг шимолдаги бу давлат таркибига кирган турли марказлар билан алоқалари муайян даражада ривожланган эди. XIV – XV асрлардаёқ Астрахань, Қозон, Самара, Олтин Ўрданинг турли марказлари ва Дашти Қипчокни Ўрта Осиё билан ҳар хил карвон йўллари боғлаган ва улар орқали катта карвонлар воситасида Мовароуннаҳр ва Хоразм ҳамда бошқа Шарқ мамлакатлари ҳунармандлари томонидан яратилган, оддий аҳоли вакилларида тортиб аслзодалар эҳтиёжини қондирувчи, кундалик турмуш учун маҳсулотлардан тортиб то таъби инжиқ аслзодалар учун ҳашаматли, бетакрор ҳунармандчилик маҳсулотлари элтилган эди. XVI аср бошларида муаррих Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон Дашти Қипчоқ хусусида фикр юритиб, “кийим ва кафан” учун карбас Мовароуннаҳрдан етказиб берилганлигини қайд этган эди<sup>158</sup>.

Бевосита Ўрта Осиё – Россия муносабатлари тарихи билан шуғулланган олимларнинг фикрича, XVI асрда икки ҳудуд ўртасидаги бу алоқалар, яъни товар айирбошлаш улардаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётига олиб келган<sup>159</sup>. Зеро, бу фикрнинг тўғрилигини шу

<sup>156</sup> Н.Б. Байкова. Роль Средней Азии в русско-индийских связях. Ташкент. 1961. С. 51.

<sup>157</sup> Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II томонидан Москва давлатига юборилган Муҳаммад Али элчилиги ҳақида ушбу ҳужжатдан бошқа манбаларда маълумотлар мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

<sup>158</sup> Ходжа Самандар Термизи. Дастур ал-мулук (Назидание государям). Факс. Старейшей рукописи. Москва. 1971. С. 101.

<sup>159</sup> Х.З. Зияев. Ўрта Осиё в а Волга бўйлари. Тошкент. 1965; Х.З. Зияев. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVI – XIX вв. Ташкент. 1983; М.В. Фехнер. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI в. Москва. 1956. С. 120.

асрда Москва давлати ҳудудида юз берган сиёсий жараёнлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, Москва давлатининг ҳукмдори Иван Грозний томонидан Қозон (1552) ва Астрахань (1554) хонликлари босиб олинганидан сўнг русларнинг шарққа юриши, Сибирь ерларини аста-секинлик билан босиб олиш жараёни амалга оширилди. Ермак бошлиқ казаклар 1581–1583 йилларда Сибирь хонлиги ҳукмдори Кучумхонга қарши курашга киришади. Бу курашда Кучумхоннинг қўли баланд келган бўлсада, унинг давлати ичидаги уюшмаганлик бу ҳудудда русларнинг мавқеини сусайтиришга хизмат қилмади.

Шу тариқа ҳудуди ва аҳолиси ортиб борган Москва давлати олдида муайян иқтисодий вазифалар ҳам юзага келган эди. Янги қўшиб олинган ҳудудларда яшаган халқларни, хусусан, узоқ Сибирь аҳолисининг моддий эҳтиёжларини қондириш Москва давлати учун осон вазифа эмас эди. Бу ўринда Сибирда ўрнашиб олган руслар колонияси аҳлининг Москва подшосига “Эндиликда биз томонларга ҳеч қаердан савдогарлар келаётганлари йўқ ва шу сабаб ниҳоятда ночормиз. Агар савдогарлар келиб-кетиб турганларида эди, бизнинг қорнимиз ҳам тўқ бўларди... Олий ҳазрат, Бухоро ва Нўғой хонлигига элчилар юбориб (у томонлардан савдогарлар юборилишини сўра) токи бизнинг еримизда ҳам тўқинлик бўлсин”<sup>160</sup>, – деб ёзган мурожаатномаси характерлидир.

Бу ҳолат шарқий ва жанубий йўналишда бир қадар муваффақиятларга эришган Русь давлатининг Шайбонийлар билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишига олиб келди. Бу ўринда яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бир қарашда савдо-сотик ва турли моллар, совғалар алмашишдан иборатдек қўринган бу муносабатларнинг замирида узоқни кўзланган ташқи сиёсатнинг илк қадамлари ётар эди. Буни ушбу аср ва кейинги юз йилликлар давомида Россиядан Ўрта Осиё хонликларига келган элчиликлар ҳам тасдиқлайди. Улар жумласига Бухоро хонлигига келган асли инглиз бўлган “Москва савдо компаниясининг вакили” Антони Женкинсон (1558), Иван Хохлов (1620), ака-ука Пазухинлар (1669), Даудов ва Муҳаммад Қосимов (1675 – 1676) ҳамда бошқа элчиларни киритиш мумкин. Дастлаб савдо-дипломатик миссияси билан келган элчиликлар хонлик ҳудуди, аҳолиси, ишлаб чиқарувчи кучлари, иқтисоди, шаҳарлари, аҳолининг турмуш тарзи ва бошқалар ҳақида маълумотлар тўпладилар. Шу тариқа тўпланган маълумотлардан Россия давлати ўз ташқи сиёсатида самарали фойдаланди.

---

<sup>160</sup> Ҳ. Зияев. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI – XIX асрлар). Тошкент. 1962. 43-бет.

Шунингдек, Бухоро хонлигидан ҳам шимолдаги бу давлатга бир қатор элчиликлар юборилган. Бу ўринда алоҳида қайд қилиш лозимки, Шайбонийлар Сибирь хонлиги билан муайян алоқаларни амалга оширганлар. Абдуллахон II нинг ҳарбий ёрдами билан Кучумхон Сибирь хонлигида ҳокимият тепасига келган эди. Шайбонийлар Сибирь хонлиги, хусусан, унинг ғарбий қисмида ислом динининг тарқалишида муҳим роль ўйнадилар. 1574 йили Кучумхон Абдуллахон II га йўллаган хатида унинг давлати ҳудудида кишиларни иймон йўлидан бошловчи азиз-авлиёларнинг йўқлиги туфайли бу ерга сайиду шайхлардан юбориш сўралган эди. Абдуллахон II бу илтимосномани қондириб, Сибирга сайиду шайхларнинг бир гуруҳини жўнатади. Шу тариқа мовароуннаҳрликларнинг дастлабки вакилларининг Сибирдаги сони ортиб борган <sup>161</sup>.

Фикримизча, XV аср охиридан бошлаб Буюк Ипак йўлининг транс-континентал аҳамияти тушиб кетганидан сўнг шайбоний ҳукмдорлар ташқи савдо алоқаларини янги шарт-шароитлар асосида йўлга қўйишга ҳаракат қилганлар. Қайд этиб ўтиш лозимки, Шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида иқтисодий ҳаёт муайян даражада тараққий этган бўлиб, давлатнинг турли ерларида бунёдкорлик ишлари олиб борилган. Бу жараёнларда савдонинг ўрни бекиёс эди. Савдонинг ривожланиши оқибатида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши каби шаҳарларининг иқтисодий қудрати ўсиб борган. Уларнинг нафақат ички, балки ташқи ва транзит савдо марказлари сифатидаги аҳамияти янада ортган. 1558 йилда Бухорода бўлган Антони Женкинсон, шаҳарда ҳар йили “Ҳиндистон, Эрон, Балх, Россия ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келувчи савдогарларнинг йиғилиши (съезди) бўлади”, – деб кўрсатган эди<sup>162</sup>. Шу билан бирга, Шайбоний ҳукмдорлар, хусусан, Абдуллахон II давлат иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, янги иқтисодий ҳамкорлар топишга йўналтирилган сиёсат олиб борган. Ўрта Осиё маҳсулотлари-га талаб катта бўлган давлатлар билан савдо алоқаларини олиб боришга ҳаракат қилинган. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, Абдуллахон халқаро муносабатлар тизимида муайян ўринга эга бўлиб бораётган Москва давлати билан муносабатларини мўътадил даражада сақлаб туришга ҳаракат қилган. Илмий таҳлилга тортилган юқоридаги ҳужжатда элчи Муҳаммад Алининг зиммасига совға-салом алмашиш,

<sup>161</sup> А. Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. Тошкент. 2000. 254-бет.

<sup>162</sup> А. Дженкинсон. Путешествие в Среднюю Азию 1558–1560 гг. Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. Пер. с англ. Ю.В. Готьё. Москва. 1938. С. 184.

хукмдорга тегишли молларни сотиб олиш, элчи келтирган моллардан бож ундирмасликка эришиш каби вазифалар юклатилган бўлсада, аслида бу элчилик миссияси орқали Москва давлати билан муайян муносабатларни мўътадил даражада ушлаб туришдан иборат мақсад ҳам кўзланган эди. Бу Абдуллахон ташқи сиёсатининг бир қирраси сифатида баҳоланиши лозим. Зеро, 1554 йилда Москва давлати томонидан Астрахань хонлигининг забт этилиши натижасида халқаро карвон йўллари ўтган Астрахань Москва давлати ҳудудига қўшиб олинган. Эрон билан муносабатлар кескинлашган даврларда бу марказ орқали бухоролик савдогарлар Усманийлар давлати ва бошқа давлатларга савдо карвонларини жўнатганлар. Бу марказ орқали Ўрта Осиёлик зиёратчилар ҳаж сафарига йўл олганлар. Кўп ҳолларда, Москва давлати томонидан уларни бу марказдан ўтишларига тўсқинлик қилишга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилган. Юзага келган бу ҳолатни тартибга келтиришга турк султони Сулаймон Қонуний ҳаракат қилган. Бу борада у амалий ҳаракатларни бошлаб юборади, бироқ унинг ўлимидан сўнг ушбу иш бир муддат амалга ошмай қолади. Фақатгина, 1569 йилда унинг ўғли Султон Мурод III Қрим хони ҳарбий кучлари билан Астраханга муваффақиятсиз тугаган юриш қилади ва масала ечимсиз қолади. Шу асрнинг 80-йилларига келиб сиёсий мавқеи кучайиб борган Абдуллахоннинг ушбу масалани амалий ҳал қилишга қаратилган ҳаракатлари фаоллашади. 1587 йилда Усманийлар давлатига келган Бухоро хукмдорининг элчиси ўз хукмдорининг “мусулмонларга катта зарар етказувчи” русларга қарши биргаликда ҳарбий ҳаракатни амалга оширишга оид таклифини етказди. Абдуллахон нўғойлар билан биргаликда жанубдан ҳаракат қилишини билдириб, Усманийлар қўшинини эса ғарбдан ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга чақиради. Бунга сабаб сифатида 1581 йилда Москва давлатининг Сибир хонлигига юриши ва босиб олишини кўрсатиш мўлжалланган эди<sup>163</sup>. Бироқ бу ҳаракат бир қанча сабаблар оқибатида амалга ошмайди.

1590 йилда Истанбулга келган Абдуллахон элчиси келтирган Бухоро хукмдорининг мактубида турк султонининг Астраханни эгаллаш борасидаги сусткашлигига алоҳида урғу берилиб, бу шаҳарни унинг ўзи ишғол қила олиши ва бу ишни амалга ошириш учун тўплар ва ўқ отар қуролларга эга 3000 яничарни юбориш таклиф этилган эди<sup>164</sup>. Абдуллахоннинг бу таклифи ҳам амалий натижа бермайди.

---

<sup>163</sup> А.Д. Васильев. Знамя и меч от Падишаха. Москва. 2014. С. 73 – 74.

<sup>164</sup> Н.А. Смирнов. Россия и Турция в XVI – XVII вв. Москва. 1946. С. 148.

Шундай қилиб, 1585 йилга оид Бухоро ҳукмдори Абдуллахон II томонидан Москва давлатига юборилган элчи Муҳаммад Алининг Рус давлати подшоси Федор Ивановичга йўллаган илтимосномасининг таҳлилидан аён бўладики, икки ҳудуд ҳукмдорлари ўзаро савдо-иқтисодий алоқалардан манфаатдор эдилар. Шу билан бирга Бухоро хонлиги ташқи алоқалари тизими ва унинг Рус давлати билан муносабатлари таҳлили, уларнинг фақатгина савдо-иқтисодий характерга эга бўлмаганлиги, балки айрим сиёсий воқеликлар билан чамбарчас боғланиб кетганлиги, бу борада Шайбоний ҳукмдор Абдуллахон II кенг қамровли сиёсат олиб борганлигини кўрсатади.



## О МАТЕНАДАРАНСКОЙ КОЛЛЕКЦИИ ФИРМАНОВ НАДИР ШАХА АФШАРА

*Нигяр Гезалова*

Сведения о государстве Надир шаха Афшара содержатся в многочисленных источниках, разнообразных по своему характеру и объему. Однако лишь в редких случаях они собраны компактно в специальных изданиях и собраниях, что делает необходимым обращение к гораздо более широкому кругу источников. Особо хочется отметить важность сборников персидских документов для изучения истории государства Надир шаха Афшара. Поэтому публикация этих документов всегда вызывает огромный интерес отечественных ученых.

Следует отметить, что значительная часть фирманов Надир шаха Афшара хранится главным образом в архивах Матенадарана<sup>165</sup>. В этом смысле для изучения данной темы важное значение имеют публикации сборников из серии “Персидские документы Матенадарана”, первые два тома которого были составлены А. Папазяном, а третий и четвертый выпуски, составленные уже К. Костикином<sup>166</sup>.

Коллекция персидских исторических документов Матенадарана, одна из богатейших в мире, состоит из 1500 купчих, указов и писем. Как было указано выше, в 4-х томах персидских указов Матенадарана опубликовано около 300 шахских указов. Документы, хранящиеся в архивах Матенадарана, представляющих несомненную ценность для исследования истории албанских и армянских монастырей, находившихся в пределах территории современной Армении и оккупированных ею территориях Азербайджана в Карабахе<sup>167</sup>, а также Восточной Ана-

---

<sup>165</sup> Институт древних рукописей Матенадаран имени св. Месропа Маштоца-расположенный в Ереване, был создан на базе, национализированной в 1920 году коллекции рукописей Эчмиадзинского монастыря.

<sup>166</sup> А.Д. Папазян. Ереван. Персидские документы Матенадарана. Указы. Вып. 1. (XV – XVI вв.). Сост. Акад. наук Арм. ССР, 1956; Персидские документы Матенадарана. Указы. Вып. 2. (1601 – 1650 гг.). Сост. А.Д. Папазян. Ереван: Акад. наук Арм. ССР, 1959; Персидские документы Матенадарана”, II. Купчие. Сост. А.Д. Папазян. Вып. I (XIV – XVI вв.). Ереван. Изд-во АН Арм.ССР, 1968; Persian documents of the Matenadaran: decrees, volume III: 1652 – 1731 by K.P. Kostikyan, Yerevan, 2005; Persian documents of the Matenadaran: decrees, volume IV: 1734 – 1797 by K.P. Kostikyan, Yerevan, 2008.

<sup>167</sup> В настоящее время в результате военной агрессии исконные территории Азербайджанской Республики Нагорный Карабах и прилегающие к нему 7 административных районов оккупиро-

толии Турции. Кроме подробных сведений об албанских монастырях и церквях, эти документы содержат интересные сведения об управленческом аппарате, административном делении и налоговой системе, местных топонимах, носивших исключительно тюркское происхождение. Как известно права албанского и армянского католиков утверждались непосредственно шахскими указами.

Еще в советский период армянский исследователь А.Д. Папазян впервые опубликовал материалы, хранящиеся в архиве Матенадарана. Подготовленные им сборники были изданы в нескольких томах и включали более 90 документов относящихся к XIV – XVII вв. Первый выпуск (1956) содержит 23 указа, датируемых 1449 – 1594 годами, в том числе четыре указа правителей Гарагоюнлу, три указа - Агкоюнлу, четыре указа Шаха Исмаила I Сефевиды, семь указов Шаха Тахмасба I Сефевиды, один указ Шаха Исмаила II Сефевиды и по одному указу от беглярбека Азербайджана Султана Мухаммеда Худабенды и грузинского царя Симеона. Второй выпуск (1959) содержит 43 указа, датируемых 1603 – 1650 годами, 17 из них являются указами Шаха Аббаса I, 6 - Шаха Сафи I, 1 - беглярбека Иревана Амир Гуна Хана, 2 - Кейхосров Хана и одна фетва была издана *шейх уль-исламом*. Большое количество купчих и документов, свидетельствующих о масштабах скупки и приобретении земель со стороны армянских церковников, собрано Папазяном во втором томе его книги. Данное издание содержит 27 документов и охватывает период с XIV по XVI вв. Опубликованные документы из архивов Матенадарана позволяют составить представление об экономическом устройстве христианских монастырей в Иреване, Карабахе и Зангезуре, их взаимоотношениях с государством. Правители государств Гарагоюнлу, Агкоюнлу и Сефевидов, проводя в отношении своих христианских подданных толерантную политику, предоставляли христианским монастырям имущественную и налоговую неприкосновенность. В большей части шахских указов Гандзасарский монастырь именуется монастырем “Агванского Хачена”, или просто “Хачен”. В указах XV – XVI вв. особо подчеркнуто название “Агванк”. Более того, в этих указах имеются определенные свидетельства о границах епархий и уделов, подчинявшихся Гандзасарскому престолу. Все эти архивные источни-

---

ваны Арменией в 1988 – 1993 гг. В результате военной агрессии со стороны Республики Армения оккупировано более 20 % территорий Азербайджана, убито более 20 тыс. человек, ранено и искалечено более 50 тыс. человек. Более 1 млн. человек, став жертвами, проводимой Арменией против Азербайджана, политики геноцида и этнической чистки вот уже более 30 лет живут в положении беженцев и вынужденных переселенцев.

ки позволяют заключить, что на протяжении столетий Гандзасарская албанская церковь находилась в руках представителей одного и того же знатного рода. Эти документы показывают исторические права албанского духовенства на собственные владения в Карабахе, Зангезуре. Религиозные учреждения Гандзасара и Татева принадлежали Албанской Апостольской церкви, которая с момента основания и до 1836 года была автокефальной. Папазян также подтверждает самостоятельность Албанской церкви и отмечает, что в отличие от Эчмиадзина (Уч-Килься)<sup>168</sup>, в монастырях Гандзасара и Татева церковная власть носила наследственный характер, (в Гандзасаре данный порядок просуществовал вплоть до XIX века)<sup>169</sup>.

Подчеркивая значимость данных сборников, следует отметить, что опубликованные факсимиле на персидском языке позволяют нам утверждать, что при переводе данных документов на русский язык, А.Д. Папазян намеренно искажал содержание этих указов (что можно наглядно проследить при сравнении с факсимиле рукописей с переводами)<sup>170</sup>.

В 2000-х годах при поддержке Иранского Фонда Наследия были опубликованы третий и четвертый тома этого сборника, охватывающие соответственно XVII–XVIII вв. Если первые два сборника изданы в переводе на русский и армянский языки вместе с факсимиле рукописей на персидском языке, то последние два опубликованы уже на армянском и английском языках, также вместе с факсимиле документов на персидском языке.

Третий том (2005) содержит 90 декретов Сефевидских правителей Шаха Аббаса II, Сулеймана, Султан Хусейна и Тахмасба II, охватывающих период 1652 – 1731 гг. В четвертом томе (2008) “Персидских документов Матенадарана” опубликованы 56 указов, изданных (с 1734

---

<sup>168</sup> До завоевания Иреванского ханства царской Россией (1827) во всех источниках армянскую епархию называли Уч-Килься (в переводе с азербайджанского тюркского языка “Три церкви”). Начиная с XIX века, используется “Эчмиадзин” (или Учмуэдзин). В слове “Учмуэдзин” “уч” на азербайджанском тюркском языке означает число три, а “муэдзин” переводится с арабского как “читающий азан”.

<sup>169</sup> Персидские документы Матенадарана, I. Указы. Выпуск первый (XV – XVI вв.), С. 147.

<sup>170</sup> “Несмотря на то, что даже в армяноязычных вариантах представленных А.Д. Папазяном документов области Чухурсад, Нахчыван и Карабах относятся к “стране Азербайджан” (“Ազերբայջանի երկրի”), автор, на русском языке комментирующий эти документы, называет эту страну “страной Арарат” и, тем самым, откровенно фальсифицирует историю”. Персидские документы Матенадарана, II. Купчие. Выпуск первый. (XIV – XVI вв.). Сост. А.Д. Папазян. Ереван. 1968, С. 55, 60, 203 и т.д. Подробнее смотри Ягуб Махмудов. Лженаука фальсификаторов, или “История” по-армянски. Баку. 2017.

по 1797 года) Надир шах Афшаром и его сыном Рзагулу Мирзой (наместник Афшарского государства во время отсутствия Надир шаха в индийском походе в 1738 – 1740 гг.), и других правителей и претендентов на трон, таких как Ибрагим шах Афшар, Азад Хан, Мухаммад Хасан хан Каджар, Карим хан Зенд, Ага Мухаммад шах Каджар, а также указы Ираклия II Картли-Кахетинского царя и его сына Георги Мирзы.

Для нас несомненный интерес представляет четвертый том сборника, который содержит 27 указов (фирманов) Надир шаха Афшара и его сына Рзагулу Мирзы. Документы в основном состоят из трех частей, написанных на одном большом листе: 1) прошения на имя шаха, 2) донесения специальных чиновников – *мирвеизов или забитов*, содержащей заключение об описи государственных налогов в государстве, и 3) собственно фирмана шаха, заключающего в себе резолюцию на прошение. Эта форма изложения указов, за малым исключением, господствовала вплоть до XIX века, хотя иногда, при повторном утверждении старых указов и, особенно при даровании прерогатив и муафство или других привилегий, сохранялась и старая форма.

В опубликованных афшарских фирманах часто встречается упоминание тюрко-монгольского календаря. В основу тюрко-монгольского летосчисления был положен особый циклический счет, который основывается на трех естественных показателях: месячным обращении Луны вокруг Земли, годичном обращении Земли вокруг Солнца и период вращения Юпитера вокруг солнца. Каждый год в пределах двенадцатилетнего цикла назывался именем определенного животного. Первый год носил название мыши (крысы); второй – коровы (тельца или быка); третий – тигра (барс); четвертый – зайца; пятый – дракона; шестой – змеи; седьмой – лошади (коня); восьмой – овцы (барана); девятый – обезьяны; десятый – курицы; одиннадцатый – собаки; двенадцатый – свиньи.

Большая часть документов написана смешанным почерком – *насталик* с сильными элементами *шикестэ*. В деталях почерка разных документов заметно большое разнообразие, пунктуация совершенно отсутствует. Большинство документов – подлинники. На копиях в место шахской печати отмечено словами “*место благословенной печати его священнейшего величества государя*”. Подлинность копий удостоверена печатями иреванского или других бейлербеков (шахских наместников областей). Метрические данные фирманов дать не можем, т.к. мы располагаем не подлинниками, а фотокопиями текстов.

Язык и стиль документов сравнительно простой и незатейливый. Прощения, фетвы и шахские фирманы написаны, по определенным трафаретам. Любое прошение на имя шаха, будь то и прошение эчмиадзинского католикоса, писалось от имени “*ничтожнейшего из рабов*”, просящего о пожаловании “*справедливого указа в виде милостыни благословенной, благороднейшей, священнейшей, возвышеннейшей высочайшей главы*” и завершается заверением, что “это деяние (т. е. шахская “милость”) перед Аллахом не будет напрасным”. Все шахские фирманы начинаются словами “*Августейший указ был дан следующего содержания*” также следует отметить выражения “*Принимая прибежище у Всевышнего*”, а также “*Во имя Аллаха, лучшее из имен*” которые используется в фирманах до коронации, и после “*Вся власть принадлежит Аллаху*”, “*Во имя Аллаха, Милостивого и Милосердного*”, “*Он [Аллах]*”, “*Во имя Аллаха*”.

В тексте указов изданных до марта 1736 г. печать Надира ставилась внизу основного текста<sup>171</sup>. После официальной коронации Надира на Мугани печати были отпечатаны в верхних частях документов. Каждый опубликованный фирман имеет печать (если оригинал) или отмечено место для печати (если копия), с легендой (текст печати) на арабском и персидском языках. 10 из опубликованных 27 фирманов были изданы Набиром с 1734 по 1735 года, то есть до объявления его Шахом. На фирманах до 1736 г. Набир в основном упоминается как *навваб-и* (букв. представитель, наместник), то есть тот, кто временно представляет власть Тахмасба II (пр. 1723 – 1732).

Все опубликованные фирманы, можно классифицировать в следующем порядке: помогают рассмотреть обеспечение свободы вероисповедания в государствах Сефевидов, Афшаров, Каджаров; налоговая политика в отношении христианских храмов и монастырей; о недопущении посягательств на имущество христианского населения, даже если один из родственников принял Ислам; об ограничении деятельности католических миссионеров и т.д. Большая часть публикуемых указов были получены католикосами Уч-Килься.

В целом все права и привилегии Уч-Килься, которые были закреплены и обобщены в публикуемых указах Набир шаха можно обобщить:

1. Католикосы и все духовенство Уч-Килься освобождено от налогов *малуджахат, вуджухат, аваризат* и т.д.;

---

<sup>171</sup> Местоположения печатей вначале фирмана документа, привилегия правителей, остальные должностные лица ставили печать в конце указа (хокма). Со времени шаха Тахмасба I (пр. 1524 – 1576) замечается некоторое изменение и в общей форме фирманов. Если в указах Кара-Коюнлу, Ак-Коюнлу, равно как шаха Исмаила (пр. 1501 – 1524), шахская печать часто ставилась в конце указа, в дальнейшем печать ставится уже в начале.

2. Разрешалось не только ремонт старых церквей, но даже строительство новых.

3. Уч-Килься и все ее церкви имеют право звонить в колокола, совершать службу и хоронить умерших согласно христианским законам;

4. Незаконно захваченное вакуфное имущество должно быть возвращено Уч-Кильсе;

5. Местному тюркскому населению которое во время войны с Османами оставило свое имущество у армян, запрещалось требовать его назад;

6. Запрещалось насильственное обращение армян в мусульманство, а также новообращенные в Ислам армяне не имели право претендовать на наследство своих родственников;

7. *Рахдарам* (таможенным служащим) запрещается требовать налоги у церковнослужителей, странствующих в государстве Афшаров с целью сбора церковных налогов и пожертвований;

8. По просьбе католикоса поощряется переселение армян из Османской империи на территорию Азербайджанской провинции и т.д.

Один из интересных вопросов, поднятых в указах Надир шаха, касается претензий армян *Джадид уль Ислам* (новообращенный мусульманин) на имущество своих родственников. Еще со времен Сефевидов армяне, принявшие ислам, имели право получить всю собственность своих христианских родственников и лишать их наследства. Запрет таких претензий был крайне важен для армянского духовенства. Применение этого закона привело к тому, что армянин христианин, получал серьезные притеснения со стороны армянина обращенного в ислам. Так армянин мусульманин мог претендовать на собственность родственников своих армян, даже если они не имели кровных связей с ними<sup>172</sup>, или пытались получить вакф поместья Уч-Кильса<sup>173</sup>, тем самым способствуя принятию армянами Ислама. В период распада государства Сефевидов католикосами Аствацатур Хамадани (пр.1715 – 1725) и Абраам Хошабеци (пр.1730 – 1734) удалось получить указы у шаха Тахмасба II, которые защищали интересы христианских армян. В частности, в соответствии с указом, изданным в 1724 году, *Джадид уль Ислам* приходилось доказывать свои права в различных административных инстанциях, прежде чем претендовать на владение имуществом своих родственников<sup>174</sup>. Указ шаха Тахмасба II от 1731 г. запрещает всякие притязания ново

<sup>172</sup> The Persian Decrees of the Matenadaran. vol. III. Doc.18.

<sup>173</sup> Там же. Doc. 51.

<sup>174</sup> Там же. Doc. 86.

обращенных мусульман к их христианскими родственникам за право претендовать на их часть наследства<sup>175</sup>. Этот документ противоречит прежним сефевидским указам и фетвам<sup>176</sup>, когда принятие Ислама армянами поощрялось по закону *Имама Джафара*. Указ шаха Тахмасба II от 1731 г. свидетельствует, о том, что сефевидский шах в эпоху полного упадка государства и внешней агрессии соседних стран, стремился заручиться поддержкой армян в его борьбе против Османской Турции. Известно, также, что Надир также издал *рагам* (1734), чтобы “отуречивающиеся (т.е. принявшие мусульманство) лишались наследства”<sup>177</sup>. Идентичного содержания указ был издан также и Рзагули Мирзой<sup>178</sup>, защищающий права христианских армян, от посягательств их родственников принявших Ислам. По-видимому, Надир шах и его наследник продолжая сефевидскую толерантную и терпимую политику, защищали права христианского населения, для укрепления собственного влияния в стране.

Несомненный интерес представляет также указ Надир шаха, изданный в 1741 году, который запрещает местным властям препятствовать переселению армянского населения Османской империи по ходатайству католикоса в села Ошакан, Феранганоц, Масдара в Иреванской провинции и село Джахрик в Нахичевани<sup>179</sup>. То есть процесс переселения армян, с территории пограничных пашалыков Османской империи, на территорию Азербайджанской провинции активизировавшийся со времен шаха Аббаса I продолжался и во время правления Надир шаха. Используя такое лояльное и толерантное отношение тюркских правителей к христианам, армянским католикосам удалось значительно увеличить численность армянского населения на территории исторических земель Азербайджана.

Политика Надир шаха в отношении христианского населения отличалась терпимостью и толерантностью, суть которой сводилась к тому,

---

<sup>175</sup> The Persian Decrees of the Matenadaran. vol. III. Doc. 89.

<sup>176</sup> Фетва (араб.) в исламском праве разъяснение какой-либо проблемы религиозно-правового характера, а также ответ на вопрос религиозного характера, который дает компетентный человек.

<sup>177</sup> Кретацци Абраам. Повествование, С. 200.

<sup>178</sup> The Persian Decrees of the Matenadaran. vol. IV. Doc. 16.

<sup>179</sup> The Persian Decrees of the Matenadaran, vol. IV. Doc. 19. Процесс переселения армян с пограничных территорий Османской империи, активизировавшийся со времен Сефевидов продолжился и при правлении Надир шаха. Это подтверждают и донесения российских резидентов в Афшарском государстве. (смотри Донесение С. Арапова в Коллегию иностранных дел о переселении жителей Карса в Ереван и Гянджу. (от 1 мая 1738) Армяно-русские отношения во втором тридцатилетии XVIII века, Т. III. С.110 – 111).

чтобы обеспечить мирное сосуществование всех населяющих его народов независимо от их религиозной принадлежности<sup>180</sup>. В целях скорейшей интеграции различных регионов в экономические и политические структуры Афшарского государства, поддержания порядка на столь обширной территории необходимо было проводить очень гибкую национальную и религиозную политику, от реализации которой напрямую зависело единство государства. Армянская церковь искусно пользовалась данным обстоятельством для того, чтобы сохранять и, по мере возможности расширять свои владения. Этому способствовало особое положение армянской церкви, занимаемое как в Сефевидском, так и Афшарском государстве. С другой стороны, понятно, что официальные власти стремились использовать влияние церкви, путем предоставления им определенных юридических и экономических льгот и привилегий. К числу упомянутых льгот и привилегий относится налоговый иммунитет, предоставлявшийся религиозным учреждениям, либо отдельным представителям высшего духовенства. Толерантная по своему характеру политика, проводимая Надир шахом в отношении христианского населения, нашла свое отражение и во взаимоотношениях официальных властей с армянской церковью<sup>181</sup>. Армянским католикосам удавалось использовать в своих целях благоприятные для нее условия не только для усиления своего влияния, расширения своих владений, но также и увеличения своих прихожан путем переселения армянского населения из соседней Османской империи.

Большинство указов изданных Надир шахом защищают неприкосновенность сословий вакфов Уч-Килься, и других христианских святынь. Для руководства престолом в Уч-Килься было крайне важно обеспечение их владений от посягательств и сохранение налогового иммунитета, поэтому неудивительно, что большинство указов приобретенных като-

---

<sup>180</sup> Интересную легенду о религиозных воззрениях и политических взглядах Надир шаха приводит Арутин Танбури, так Надир шах, якобы вскоре после своей коронации, посылал четыре дня подряд вестников по всей стране. В первый день вестники провозглашали, что Шах суннит (чарьяри), на второй день, что он шиит (кызылбаш), на третий, что он армянин (то есть христианин), а на четвертый, что он еврей. На пятый день он созвал диван, на котором объяснил причину своего поступка, сказав: что этим он постарался предотвратить межобщинные распри в стране, вселив в каждое из этих сообществ уверенность, что они могут полагаться на него как на своего. Пригрозив также, что все общины должны относиться друг к другу по братски, иначе “он отрежет их головы, как мясо и бросит перед ними” [Tanburi Arutin Efendi, 44].

<sup>181</sup> По словам Иосифа Эмина “ибо Надир за все время своего правления никогда не обижал армян, кроме двух торговцев Джульфы, которые обманув, поклялись его именем, и потому были сожжены заживо на большой площади Исфахана в 1746 г.”. [Life and Adventures of Emin Joseph Emin, 1726 – 1809, 12]



ликосами, касаются этих вопросов. Забота о христианском населении и покровительство над святынями проявлялось также в том, что в ходе военных действий в регионе он издавал специальные указы запрещающие нападение и всяческое посягательство на имущество христианских святынь. Некоторые шахские указы касались вопросов прав наследования и межрелигиозных браков. Одним из самых примечательных указов Надир шаха можно считать указы разрешающие не только восстановление старых, но даже строительство новых церквей<sup>182</sup> что было совершенно недопустимо в других мусульманских странах того времени.

Проводимая на государственном уровне политика этнорелигиозной терпимости объяснялось следующими причинами. Во-первых, кызылбашские правители традиционно отличались своей терпимостью к христианам и церквям, находившимся в пределах их государств, как к представителям религиозных общин, проповедовавшим единобожие и обладающим Священным писанием. Во-вторых, в составе этих государств церковь являлась организацией, державшей в повиновении христианское меньшинство, которое являлось податным населением, обеспечивая, таким образом, немалые финансовые вливания в казну государства. В-третьих, лояльное отношение к христианам имело важное внешнеполитическое значение<sup>183</sup>.

Таким образом, отношение к подданным – не мусульманам в Афшарском государстве было достаточно лояльным. Им гарантировались основные права: право на жизнь, неприкосновенность личности и имущества, свобода вероисповедания, свобода предпринимательской и иной хозяйственной деятельности, право на судебную защиту и защиту от внешних врагов. Армянская община активно включались в экономическую жизнь Афшарского государства, и играла в ней существенную роль. Говоря в целом о положении христианского населения во время правления Надир шаха, можно заключить, что, обусловленная политическими и экономическими выгодами политика шаха привела к усилению армянской церкви, адепты которой в сравнении с представителями других религиозных меньшинств имели не только более заметную свободу вероисповедания, но и ряд привилегий. При этом все христианские общины сохраняли свою национальную, религиозную и культурную идентичность.

---

<sup>182</sup> R. Smbatian. Nadir's Religious Policy Towards Armenians. P. 136.

<sup>183</sup> Кызылбашские правители рассматривали христианских подданных как полезное население, необходимое для укрепления экономических и политических связей с европейскими государствами.

## ЭРОН ВА БУХОРО ХОНЛИГИ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИГА ДОИР БИР МАКТУБ ТАРИХИ

Дилором Сангилова

Тарихий тадқиқотлар олиб боришда махсус тарих фанларининг аҳамияти беқиёс. Бу борада дипломатика соҳаси муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унинг асосий вазифаси ҳужжатларни ўрганиш ва уларнинг манбавий аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳисобланади.

Ҳужжатларнинг муҳим тури ҳисобланган мактублар илмий-бадий адабиётда *эпистоляр* жанрнинг ёзма равишда баён қилинган мўъжаз бадий асаридир. Ҳажман кичик бўлсада, моҳиятан катта масалаларни очиб беришда хат-хабарномаларнинг тарихни ўрганишдаги ўрни муҳим. *Хат, мактуб, нома* атамалари бир манзилдан иккинчи манзилга жўнатилган ҳужжатлар *хабар* маъносини ифодалаб келади.

Қатор илмий адабиётларда расмий ҳужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида қимматли маълумотлар, илмий-назарий мулоҳазалар келтирилган<sup>184</sup>. Уларда расмий ҳужжат формулярлари (қолип-шакллар)нинг таркибий қисмлари тавсифланиб, мактублар *протокол, асосий қисм* ва *эсхатокол* қисмларга бўлиб кўрсатилган.

Мактубнинг *протокол* деб номланадиган қисми шартли равишда тўрт бўлакка бўлинган. Биринчи бўлак *invokatio* – Яратганга ҳамду санолар айтиш, унинг бирлиги ва борлигига шаҳодат келтириш ва ундан ҳар бир ишда мадад сўраш мурожаати ҳисобланади. Шу ўринда кўрсатиб ўтиш жоизки, мусулмон ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмаларда мактубнинг *инвокация* қисмида асосан: “Аллоҳ таоло салтанатимизнинг даражасини юксак қилиб, олий иқболимизни, алоқаларимизнинг даражасини дуолар билан сийлаб, тинчлик ва ҳотиржамлик билан зийнатласин!” мазмунидаги матн келтирилган.

---

<sup>184</sup> А.П. Пронштейн, В.Я. Кияшко. Вспомогательные исторические дисциплины: Учеб. пособие. Москва. 1979. С. 112; С.М. Каштанов. Русская дипломатика. С.М. Каштанов. Москва. 1988. С. 231; В.В. Фарсобин. Источниковедение и его метод: Опыт анализа понятий и терминологии. В.В. Фарсобин; отв. ред. В.Г. Литвак. Москва. 1983. Глава V. Нерешенные вопросы дипломатики. С. 101 – 118; Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент. 2001. 7 – 14-бетлар; Т.С. Саидкулов. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. Тошкент. 1993. 3 – 9-бетлар; Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Ташкент. 1998. С. 3 – 7; А. Madraimov., G. Fuzailova. Manbashunoslik. Тошкент. 2008. 9-бет. [https://www.rsuh.ru/iai/faculty/fad/structures/high-school-source-study-auxiliary-and-special-historical-disciplines/diplomatics.php?clear\\_cache=Y](https://www.rsuh.ru/iai/faculty/fad/structures/high-school-source-study-auxiliary-and-special-historical-disciplines/diplomatics.php?clear_cache=Y).

Мазкур мақолада Аштархоний ва Сафавий ҳукмдорлари ўртасидаги дипломатик алоқаларга доир расмий бир нома ҳамда унинг таркибий қисмларини таҳлил этишга ҳаракат қилинди<sup>185</sup>.

Мактуб “Эроннинг Марказий Осиё минтақалари билан алоқаларига доир ҳужжатлар” тўпламидан ўрин олган<sup>186</sup>. Китобнинг 2-фаслидаги 4-ҳужжатнинг мавзуси “От истаги” деб келтирилган. Ҳужжатнинг ҳаволаида келтирилишича, 2722-рақамли қўлёзма фондидан ўрин олган ушбу мактуб Ҳайдар ибн Абу Абулқосим Абу Ғолий<sup>187</sup> дастхати билан битилган.

Дунё тарихида ўрта асрлар ўзаро курашлар, жангу жадаллар авж олган давр бўлганлиги ҳисобга олинса, жанговар отлар ва уловга эҳтиёж катта бўлганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Шу жиҳатдан, Бухоро ва Эрон давлатларининг ҳукмдорлари ўртасида битилган мактубда “от истаги” масаласининг қўйилиши табиий.

Ушбу хатнинг *intitulation* қисмида унинг *Шоҳ Аббос I* томонидан йўллангани кўрсатилган.

Унинг *inscription* деб юритилувчи қисми мактубнинг кимга юборилганлигини аниқлашига ёрдам беради. Мактубнинг *протокол* қисмида хабарномани қабул қилган шахс сифатида Надр Муҳаммадхоннинг исми қайд этилган<sup>188</sup>. Мактуб юборган ва қабул қилган шахслар икки давлат ҳукмдорлари бўлганликлари боис, бу давр тарихини сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган янги маълумотлар билан янгича қарашлар билан ўрганиш имконини беради.

Ҳужжатнинг назарий жиҳатдан *salute* деб юритилувчи қисми салом йўллашни ифода этиб, Шоҳ Аббос томонидан Надр Муҳаммадга “юқори мансабдор, иззат-икромли ва буюк адолатни қўлловчи, шон-шарафли ва қадри баланд шавкатпаноҳга!” деб мурожаат этилган.

Мактубнинг асосий *матн* қисмини ҳам бир неча бўлақларга бўлиб

---

<sup>185</sup> Бу даврда Бухоронинг Балх вилояти Надр Муҳаммад томонидан, Эрон Сафавийлари салтанати эса, Шоҳ Аббос I томонидан бошқарилган.

<sup>186</sup> Аснод-и аз равобет-и Ирон бо манотэк-и аз Осиё-йи Марказий. Мас. мух. Муҳаммад Ҳасан Ковусий Ирокий. Техрон. 1372. Китобнинг электрон нусхаси учун т.ф.д. Н.А. Аллаевага ўз миннатдорчилигимни билдираман.

<sup>187</sup> Шоҳ Сафи I ва шоҳ Аббос II Сафавий ҳукмронлиги даврида яшаб ижод қилган ҳаттот.

<sup>188</sup> Надр Муҳаммад валиаҳд сифатида 1612 йилдан 1642 йилгача Балхни бошқарган. Бухоро хонлиги таркибига кирган Балх ва унга тобе бўлган Қундуз, Жузғун (Файзобод), Шибирғон ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий ўлкалари Аштархонийлар қўл остида бўлиб, Балх ва унга бўйсунувчи ҳудудлар валиаҳд томонидан бошқарилган. Чунки Балх бир томондан Бобурийлар салтанати, иккинчи томондан Эрон Сафавийлари билан чегарадош бўлиб, ўзининг географик жойлашуви нуктаи назаридан катта ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган. Амударёнинг ўнг томонидаги Термиз, Кўлоб ва Кўбодиён вилоятлари ҳам маъмурий жиҳатдан Балхга тобе бўлган.

ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Назарий жиҳатдан муқаддима қисми (*arenga-preamble*) ҳам муҳим ўрин тутди. Мактубда: “салтанатнинг кўз нури (қорачиғи), давлат-у иқболнинг нури иқболи, жаҳон шухратини қозонган, чингизийлар тахтининг вориси” сифатида Надр Муҳаммаднинг номи улуғланиб, кутлов ўрнида “салтанатининг саҳий куёши давлатининг мартабаси, ҳурмати, шавкати, адолати ва иззати ортиб бораверсин!” деб эътироф этилган.

Шоҳ Аббос I мактубда Балх ҳокими Надр Муҳаммадни ўзига яқин олиб “иним” деб мурожаат қилганлиги, бу яқинликдан бир қанча мақсадлар кўзланганлиги воқеаларнинг кейинги ривожида кўринади. “Аллоҳ таоло салтанатимизнинг даражасини юксак қилиб, олий иқболимизни, алоқаларимизнинг даражасини дуолар билан сийлаб, тинчлик ва хотиржамлик билан зийнатласин!” деб мактуб давом эттирилган.

Расмий ҳужжатнинг *promulgation* (маълум қилиш, эълон қилиш) деган қисмида мактубнинг ёзилишидан кўзланган мақсад маълум қилинган. “Мактуб ёзишимиздан мақсад, дўстлик асосларини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдир. Саломнома тоза қалб ва самимиятга тўла бўлиб, уни юборилишидан мақсад, муҳаббат қоидаларига мос равишда бирлашишга, қолаверса, муҳаббат карвонида бирдамлик, ягоналик, садоқатни улуғлаб, яқдилликда ҳаракатланишдир” деб ёзилган. Барча улуғвор ва жамийки соф ниятлар билан салтанатнинг интизом дастагини мустаҳкамлаш ва унинг келажаги қолаверса, давлатнинг шон-шавкатини юксакка кўтариш ва мамлакатни бирлаштиришга қаратилган мақсад кўзланганлиги кўринади.

Матн давомида: “улуғлик, буюк олампаҳо ва машҳур иззатдастгоҳнинг муаттар ҳидли номаси” юқори мақом эгаси бўлган Нодир девонбеги орқали етиб келганлиги “бу хушвақт ҳодиса онлари кўнгилга ёқувчи меҳрли воқеага айланганлиги” келтириб ўтилган. Хабар мазмунидан Нодир Муҳаммад томонидан шоҳ Аббос I га мактуб ёзилганлиги ва шоҳнинг хати шу ёзилган мактубга жавоб хати эканлиги маълум бўлади. Сафавий ҳукмдор ўрнатилган ҳамкорликка “ҳеч бир тавсиф ва таъриф даркор эмаслиги”ни алоҳида қайд этиб ўтган.

Элчилик ишлари таомилига кўра, мактубга қўшиб совғалар ҳам юборилганлигини матнда келтирилган сўзлар тасдиқлайди: “Аллоҳ ўз бандаларига меҳрибондир! Ҳукмдорнинг қабулига жўнатилган нарсаларимизни қайтармайсиз деган умиддамиз, (уларни қабул қилсангиз) меҳрибон ва самимий дилларимизга нур таралгандай ёришади” дейилган.

Манбашунослик нуқтаи назаридан мактуб моҳиятини очиб берадиган *narration* қисми шуни кўрсатадики, унинг кейинги қисмида ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишда хизмат кўрсатган шахс номи келтириб ўтилган. “Яқинлик ва дўстлик изҳорини, хусусан, меҳр-шафқатни юқори мартаба эгаси *Камолиддин Будоқбек қожор* ўша машҳур салтанатдан хурсандчилик ва қувончга сабаб бўлиб, жуда муҳим ва кенг қўламдаги алоқаларнинг ўрнатилишига ва давлатлар ўртасидаги бирдамликка имконият яратган”лиги мамнуният билан қайд этилган.

Мактубнинг асосий мазмунида шоирлар томонидан таърифи келтирилиб мақталган “қорабайир отлари”га Балх ҳукмдорининг эҳтиёжи борлигидан Эрон шоҳи жуда қувонганлиги, ботиний хурсандчилиги юзага чиқиб, зоҳир бўлганлиги маълум қилинган.

Шоҳ Аббос I мазкур ҳолат юзасидан “...бу йил барча аблақ (қорабайир) отларни зафарёр аскарларнинг хизмати учун тақсимлашга фармон берган эдик”, деб изоҳ келтирилган. Етказиб бериш учун бир қанча вазифалар белгиланганлиги қайд этилар экан, мактубда “Сиз олиймақом жанобларига етказиб бериш учун Қадаған<sup>189</sup>га бир киши юборилдики, Бақтрия отларидек<sup>190</sup> отларни Сизга албатта етказиб беришади” деган мазмунда хабар берилган.

От истагида ёзилган мактуб кечикаётганлиги тафсилотлари бир томондан “мазкур отлар ҳали 3 ёшга тўлмаганлиги ва қўлга ўргатилмаганлиги” билан асосланган. Иккинчи томондан эса “совуқнинг кучли бўлиши” сабабидан юборишнинг имкони бўлмаганлиги кўрсатилган.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Бухоро хонлиги ҳудудларида отлар сони кам бўлганми, нега Эрон ҳукмдорига от истаги билан мурожаат этилган?

Қўйилган саволга жавобни топиш учун Аштархонийлар даврини ўрганишда муҳим манба саналган “Тарихи Муқимхоний” асари маълумотларига эътибор қаратамиз. Асарда Надр Муҳаммадхоннинг бошқа Аштархоний ҳукмдорларга қараганда бойликлари анча кўп бўлганлиги келтирилган. Айнан йилқи масаласида “яйловларда юрган йилқиларини ҳисобга олмаган ҳолда, унинг отхонасида боқилаётган отлари сони 8000 та” бўлганлиги қайд этилган<sup>191</sup>. Биргина Надр

<sup>189</sup> Зотдор отлар парваришланадиган мавзе – ҳудуд.

<sup>190</sup> Қадимда Бақтрия ўзининг зотдор отлари билан машҳур бўлган ва мактубда ваъда қилинаётган отларнинг айнан ана шундай насли отлар эканлигига урғу берилмоқда.

<sup>191</sup> А.А. Семенова. Мухаммед Юсуф Мунши. Муқим-Ханская история. Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора. Ташкент. 1956. С. 9.

Муҳаммадхонга тегишли бўлган отлар сони шунча бўлса, у ҳолда Бухоро хонлигида мавжуд бўлган отлар сони кам бўлмаганини тасаввур қилиш қийин эмас. У ҳолда “от истагида” ёзилган мактубнинг эҳтиёжи яна нимада бўлиши мумкин деган қизиқиш, бизга мактубнинг кейинги сатрлари масаланинг ечими сари ундайди.

Мактубнинг назарий жиҳатдан *dispozisiya* деб номланувчи қисми ўзида юридик нормаларнинг асосини акс эттиради. Ким, нимани ва қачон қилиши керак деган саволларнинг ҳуқуқий нормаларига жавобан: “ИншаАллоҳ бу синовлар ўтиб кетиши билан жўнатиб юборамиз. Ҳозирча, тезлик билан битта тайёрланган қорабайир отни сиз олийжанобларига юбориб турамиз” деган шохнинг таклифи мактубда ўрин олган.


Мактубнинг давомида “бизга маълум бўлишича, сиз Ҳазрат шикор қилишни яхши кўрасиз” деган мазмундаги фикр мавжуд. Шу фикрларга асосланиб, Надр Муҳаммаднинг, бошқа шарк ҳукмдорлари сингари ов қилишга, чопқир отларга қизиқиши баланд бўлган дейишимиз мумкин.

Мактубнинг давомида, салтанатнинг олий жаноби, шон шавкати ва буюк салтанат сулоласининг етук адолатпарвари, ҳурматли хонлар орасидаги энг сахийсига Рум (Турк Усманийлари давлати)га кетаётган рус элчиларидан 6 та ов қушлари олиб қолингани, уларнинг 4 таси яраланган, 2 таси тутиб турилгани, вақти келганда, ҳар иккаласини ҳам юборишлиги, узоқ вақтга қолдирмасдан жўнатилиши ёзилган. Келтирилган ушбу маълумотлар юқорида қайд этилган “ов қилишга ва чопқир отларга қизиқиши баланд” бўлганлигини кўрсатувчи яна бир далил сифатида эслатиб ўтамиз.

Ўрганилаётган ҳужжатимизнинг иккинчи масаласига эътибор қаратсак, унда иқлимнинг совуши масаласи кўзга ташланади. Табиий иқлим ва минтақа тарихига эътибор қаратсак, *кичик музлик* деб аталган даврнинг учинчи босқичи XVII – XIX аср бошларини ўз ичига олади. Иқлимдаги бундай ўзгаришнинг сабабларини тадқиқотчилар қуйидаги ҳодисалар билан изоҳлайдилар: вулқонларнинг фаоллиги ошганлиги, унинг кули қуёш нурини қоплаганлиги, қуёш фаоллигининг пасайиши

(Maunder minimum), термохалин айланиши<sup>192</sup> секинлашиши ёки ҳатто тўхташи билан боғлиқ бўлган.

Хатнинг 2-варағидаги 8-сатрда ҳавонинг совуши муносабати билан сўралган нарсаларнинг кечикиши маълум қилинганлигини кўриш мумкин. Ушбу давр метеорологик жиҳатдан ўрганилганда, совуқ тушганда ҳарорат ўртача Цельсий бўйича 1,5 даража пасайганлигини кўрсатади ва бу ҳолат бир неча ўн йиллар давом этган<sup>193</sup>.



Мактуб матнининг якуний – *eschatokol* қисмида маълумотнома ёзилган сана (*datum*) ва жой кўрсатилади. Бироқ, биз тадқиқ этаётган мактубнинг ёзилган жойи ва санаси маълум бўлмаганлиги боис ўша давр воқеаларининг тафсилотларидан келиб чиқиб, мактуб 1620–1625 йиллар оралиғида ёзилган деган фикрга келишимизга асос бўлади<sup>194</sup>.

Мактубнинг *appreciation* қисми хулоса қилишга қаратилган ўрин ҳисобланиб, миннатдорчилик ва яхши тилаклар билан якунланади. “Мамлакатда садоқатли ва уни ягона деб билгувчи кишилар (*Надр Муҳаммадхон ва унинг тарафдорлари*) учун мазкур ҳудудда ҳар қандай муҳим ишлари бўлса, бу сулола вакиллари (*Сафавийлар*)га хижолат бўлмасдан мурожаат қилсинларки, имкони борича, саъй ҳаракатларини юзага чиқаришда ёрдам берамиз. Шу билан ортиқча сўзга ўрин қолмади. Салтанат ва иқболнинг куюши бахт ва умид осмонида нур сочаверсин” деб хат тугалланган.

<sup>192</sup> Термохалин айланиши деганда океанда сувлар ҳаракатининг бир окимига айтилади. Унинг ҳаракатларига атмосфера ёнғинлари, буғланиш, материклардан сувларнинг келиши ва бошқалар қиради.

<sup>193</sup> [https://dni24.com/exclusive/188239-uchenye-v-2020-godu-nastupit-malyu-lednikovyy-period.html?utm\\_source=yxnews&utm\\_medium=desk;](https://dni24.com/exclusive/188239-uchenye-v-2020-godu-nastupit-malyu-lednikovyy-period.html?utm_source=yxnews&utm_medium=desk;) [https://dni24.com/exclusive/188239-uchenye-v-2020-godu-nastupit-malyu-lednikovyy-period.html?utm\\_source=yxnews&utm\\_medium=desktop;](https://dni24.com/exclusive/188239-uchenye-v-2020-godu-nastupit-malyu-lednikovyy-period.html?utm_source=yxnews&utm_medium=desktop;)

<sup>194</sup> Шоҳ Аббос I Сафавийнинг ҳукмронлик даври 1588 – 1629 йй., Надр Муҳаммаднинг Балхдаги биринчи ҳукмронлик йиллари 1612 – 1642 йй.

Мактубдаги “мазкур ҳудудда ҳар қандай муҳим ишлари бўлса, бу сулола вакиллари (Сафавийлар)га хижолат бўлмасдан мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисидаги” таклифлари ўрганилаётган давримизнинг кейинги босқичларида ўз самарасини берди. Надр Муҳаммадхон давлат тепасида узок турулмаган эди. Ўғли Абдулазиз хон қилиб кўтарилганидан кейин Балхга қочиб борган. Аввалига Ҳиндистондан яъни Шоҳ Жаҳондан ўғилларига қарши курашиш учун ёрдам сўраган. Шоҳ Жаҳон ёрдам бериш ниқобида ҳаракатланган бўлса-да, асл мақсади Балхни босиб олишга қаратилган эди. Надр Муҳаммад уларнинг таъкибидан қутилиб қолиш учун Эрон шоҳи Аббос ҳузурига боради<sup>195</sup>. Надр Муҳаммадхон Эрон шоҳидан ёрдам сўраб Исфаҳонга борган ва уларнинг кучи ёрдамида Балх устидан бир муддат иккинчи бор ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришган<sup>196</sup>. Шу ўринда айтиш мумкинки, мактубларни битишда қўлланган ҳар бир сўз, мактов ва мулозаматли мурожаатлар икки давлат муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Бу даврга келганда элчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Демак, мактубларда битилган ҳайрихоҳлик муносабати кейинги даврлар учун дипломатик муносабатларнинг бардавом бўлишини таъминлаган.

Кўриб чиқилганидек, эпистоляр жанрга асосланган мактуб матнини тарихий манба сифатида ўрганиш, икки давлат ташқи сиёсати ҳақида маълумот бериш билан бир қаторда расмий ҳужжат сифатида Марказий Осиё тарихининг ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>195</sup> И.М. Низомиддинов. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. Тошкент. 1961. 29-бет.

<sup>196</sup> Д.Х. Сангилова. Исфаҳон рассомчилик мактаби. Мозийдан садо. № 2(74), 2017. 31 – 32-бетлар. D.X. Sangirova. The Isfahan School of Painting: Representation of diplomatic and spiritual-cultural relations between Iran and Bukhara Khanate in 16 – 17<sup>th</sup> centuries. Book of abstracts International Conference on Intellectual & Cultural Relations Between Iran and Central Asia the Caucasus. Tehran. 2019. P. 75.



شمارهٔ سند: ۲

تاریخ: ندارد

فرستنده: شاه عباس اول

گیرنده: ندر محمدخان والی بلخ

موضوع: درخواست اسب

کتابتی که نواب گیتیستان به ندر محمدخان والی بلخ نوشته، حضرت رفیع منزلت سلطنت و جلالت پناه شوکت و عدالت دستگاه عظمت و حشمت انتباه عالیجاه، نور حدقه سلطنت و اقبال نور حدیقه دولت و اجلال جالس اورنگ جهانبانی وارث سریر چنگیزخانی المخصوص به مزید عواطف الملك المنان شمساً للسلطنة و الجلالة و الشوكة و العدالة والعز والامتنان اخوی ام ندر محمدخان ضاعف الله تعالی مدارج سلطنته و اقباله الی یوم الحشر و المیزان را تحف دعوات و اقیات اجابت آیین که ابلاغ آن موجب تشیید مبانی خلت و وداد باشد و صحف تحیات زاکیات عطوفت قرین که ارسال آن باعث تمهید قواعد محبت و اتحاد گردد با قوافل محبت و یگانگی و رواج صداقت و یکدلی مُنْحَف و مهدی داشته همگی همت و جملگی نیت صافی طویّت متوجه انتظام اسباب سلطنت و اقبال و التیام موجبات دولت و اجلال آن صاعد مصاعد جاه و جلال است. شاهد مقصود در پیشگاه قبول جلوه گرد باد اِنَّهُ رَوْفٌ بِالْعِبَاد و بعد هذا مکشوف ضمیر منیر میگرداند که نامهٔ عنبرین شمامه که در این ولا مصحوب رفعت پناه عزت دستگاه عمده الاماجد و الاعاظم میرزا ندر دیوان بیگی سمت ارسال یافته بود در خوشترین هنگامی اسراربخش خاطر مهر آگین گردید، اخبار مسرت آثار صحت ذات عدیم المثال و اطلاع بر احوال رسول پسندید خصال و نیکی ذات و حسن سلوک و خوبی صفات او که فی الواقع قابل هرگونه تربیت و قامت قابلیت از آرایش تعریف و توصیف مستغنی است و اظهار مراتب الفت و دوستی و لوازم اشفاق و مهربانی که رفعت پناه کمال الدین بوداق بیک قاجار از آن نقاوه سلاطین نامدار نمود موجب شمول انواع سرور و نشاط و باعث وفور جنور و انبساط

گشته روابط خصوصیت و اتحاد تأکید می‌تازد و از اشعاری که در باب طلب اسب سیاه ابلق از روی بیگانگی نموده بودند نهایت شکفتگی خاطر و انبساط باطن و ظاهر روی داده محبت بر محبت افزود خواهش ضمیر منیر مهر تنویر آن است که پیوسته همین شیوهٔ مرضیه را سلوک داشته مرغوبات خاطر انور را بی‌غایلهٔ بیگانگی اظهار نمایند چون درین سال اسبان ابلق کامل را به عساکر منصوره قسمت فرموده بودیم کس به قدغن تمام فرستادیم که آنچه در ایلخی‌های خاصهٔ شریفه موجود باشد به نظر اشرف رسانند که هر چه قابل سواری آن فارس مضممار بختیاری بوده باشد فرستاده شود بنابر آنکه اسبان مذکوره سه ساله و کم سواری بودند و از شدت سرما ناتوانی داشتند فرستادن آنها را موقوف داشتیم که انشاءالله تعالی امتحان نموده بفرستیم و یک راس اسب سیاه ابلق جلو خاصه شریفه را که آزموده با یک راس اسب الشهٔ دیگر عجالاً فرستادیم و چون مذکور شد که آن حضرت از شکار شفقار محضوظ‌اند و عالی جناب سلطنت و جلالت مآب ابهت نصف مناب سلالهٔ سلاطین عظام نقاوهٔ خوانین کرام شاهین گرای خان شش دست شفقاد از ایلچیان اروم که به جهت خوندگار روم می‌برده‌اند گرفته فرستاده بود و چهار دست آن سقط شده و دودست آن که یکی طوبقون است در این وقت رسیده بود، هر دو را ارسال داشتیم دور نیست که پسند طبع شریف افتد مرجوانکه همواره به ارسال رسل و رسایل محرک سلسلهٔ مصادقت و بیگانگی و رافع غایلهٔ مغایرت و بیگانگی بوده هر مهمی که درین حدود داشته باشند بی‌تکلفانه به منسوبان این دودمان ولایت نشان رجوع نمایند که حسب الامکان در انجام آن سعی به ظهور رسانند زیاده اطناب ننمود. تیر سلطنت و اقبال از افق آمال طالع و لامع باد.<sup>۱</sup>

۱. مجمع الانشاء، نسخهٔ خطی ف ۲۷۲۲ آقای دکتر مهدی بیانی (مؤلف حیدرین ابی‌القاسم ایواغلی) مربوط به آغاز پادشاهی شاه صفی تا شاه عباس دوم صفوی.





## БУХОРО АМИРЛИГИ ИЧКИ САВДОСИГА ДОИР АЙРИМ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ

*Шохида Давурова*

1756 – 1868 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган Манғитлар сулоласи вакиллари ички савдони ривожлантириш мақсадида қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик, ғаллачилик ҳамда чорвачилик каби тармоқларига катта эътибор берганлар. Г. Агзамова сўнги ўрта асрлар шаҳарларида ички савдонинг аҳамиятини кўрсатар экан: “ички савдо асосан, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган эди. Бу савдо турида шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли учун озиқ-овқат, кийим-бош, кундалик турмуш учун керакли буюмлар билан савдо-сотик кенг амалга оширилар ва ундан ҳоли тарзда шаҳар ҳаётини тасаввур этиш мумкин эмас эди. Озиқ-овқат моллари, хусусан, буғдой ва донли ўсимликлар, улардан тайёрланган турли маҳсулотлар – ун, гуруч, нон ва бошқалар билан амалга ошириладиган савдо ички савдонинг асосини ташкил этган”, деб таъкидлайдилар<sup>197</sup>.

Бухоро амирлигининг Бухоро, Кармана, Самарқанд, Каттакўрғон, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Термиз, Шеробод, Ўратепа каби йирик шаҳарлари асосий савдо-иқтисодий марказлари бўлган. Шаҳарларнинг ички савдо марказларига айланишида, гавжум савдо-сотик бўладиган жойлар – бозорларнинг мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Бухоро шаҳрининг ўзида 5 та йирик бозорлар бўлиб, улар шаҳарнинг марказий қисмида жойлашган. Булар Чорсуи Калон – (катта бозор), Чорсуи Заргарон – (олтин ва кумуш тақинчоқлар сотиладиган), Чорсуи Саррафон – (пул айирбошловчилар бозори), Чорсуи Биринч – (гуруч бозори) бўлган<sup>198</sup>.

Ҳар бир савдо молларининг ўз бозорлари мавжуд бўлганлигини қўллаб сайёҳлар, жумладан, XIX аср бошларида Бухорода бўлган руҳоний Будрин ҳам ҳар бир молнинг ўз бозори борлиги, жумладан, шойи рўмол ва ёпинчиқлар, ип газламалар, рус моллари, идиш-товоқлар, мис идишлар, кавуш ва этиклар, қўй ва сигирлар, ўтин ва ёғочлар, нон ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларини ўз эсдаликларида таъкид-

<sup>197</sup> Г. Агзамова. Ўзбекистон шаҳарлари XVI – XIX асрнинг ўрталарида. Тошкент. 2017. 117-бет.

<sup>198</sup> Е.К. Мейендорф. Путешествие из Оренбурга в Бухару. Москва. 1975. С. 101.

лаб ўтган эди<sup>199</sup>. Рус тадқиқотчиси Н.В.Хаников маълумотларида ҳам Бухоро шаҳридаги турли маҳсулотлар сотиладиган 24 та бозорлар номлари алоҳида келтириб ўтилади. Жумладан, “1. Нон бозори; 2. Балиқ бозори; 3. Шағам бозори; 4. Ўтин бозори; 5. Ун, арпа ва жўхори бозори; 6. Туз бозори; 7. Кўмир бозори; 8. Бўз бозори; 9. Мис ва металл буюмлар бозори; 10. Бўлғори чарм (юшиоқ кўн) маҳсулоти бозори; 11. Этикдўзлик бозори; 12. Турли тери маҳсулотлари бозори; 13. Кепак бозори; 14. Мевалар ва қуруқ мевалар бозори; 15. Дори-дармонлар бозори; 16. Қовун ва тарвуз бозори; 17. Нок ва анор бозори; 18. Тухум бозори; 19. Сут бозори; 20. От ётиги бозори; 21. Пичоқ бозори; 22. Ёғ бозори; 23. Арқон бозори; 24. Қул бозори”<sup>200</sup>.

Ўзбекистон Миллий архивининг “Бухоро амирлиги Қўшбеги Девонхонаси” номли (И-126) фондида сақланаётган архив ҳужжатларида ҳам ички бозорларга оид кўплаб ҳужжатлар бор. Ички савдони ривожлантириш учун амирликнинг турли вилоят ва туманларида янги бозор жойларининг ташкил этилиши, уларни карвонсаройлар, савдо дўконлари ҳамда савдо расталари билан таъминланиши ҳақида ҳам маълумотларни олишимиз мумкин. Хусусан, архив ҳужжатларидан бирида Бухоро амирига Нурота вилоятининг Ахчоб мавзесидан оқсоқоллар Бозорбой ва Домла Аҳмад аҳоли номидан бозор очиш учун жой сўраб ариза билан мурожаат этган. Ахчоб мавзесида 100 та оила истиқомат қилиб, бу мавзеда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотларни харид қиладиган бозор бўлмаганлиги сабабли, улар амирга арз қилиб бозор очишга рухсат беришини сўраган<sup>201</sup>.

Яна бир ҳужжат Бухоро Қози Калони Мулло Мир Бадриддиннинг амирга арзи бўлиб, унда: “Сизга шуни маълум қиламанки, ўтган йили Самарқанд дарвозаси ёнидаги бир ҳовличани 2300 тангага сотиб олиб, балиқ сотувчиларга бозор учун жой қилиб берган эдим. Аммо балиқ сотувчиларнинг бир вакили ҳузуримга келиб, бозор шаҳар марказидан узоқ бўлганлиги учун савдо бўлмаётганлиги, шаҳар ичидаги чорва моллари ва пахта хомашёси сотиладиган карвонсаройлар бўш турганлиги ҳақида арз қилди. Балиқ маҳсулотини сотувчилар шу бўш жой ўрнида битта кичикроқ карвонсарой, 4 та ҳужра ва 2 та айвонча қурилса, балиқ бозори сотувчилари ва харидорларига ҳам қулай бўлишини таъкидлашди. Шундан сўнг қозилар бу жойни текшириб кўриб, ҳақиқатдан ҳам

<sup>199</sup> Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца). Туркестанский сборник. Санкт-Петербург. 1880. С. 21.

<sup>200</sup> Н.В. Хаников. Описание Бухарского ханства. Санкт-Петербург. 1843. С. 93.

<sup>201</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-126-фонд, 1-рўйхат, 10117-йиғмажилд, 13-варақ.

пахта карвонсаройи рўпарасидаги жой балиқ бозори учун жуда қулай бўлиб, бу ердаги ҳовличани сотиб ўрнига балиқ сотувчилар учун бир карвонсарой куриб беришни ният қилиб Сиз Жаноби олийларига мурожаат қиляпман” деб мурожаат этилган<sup>202</sup>.

Бухоро шаҳри атрофидаги Баҳовуддин, Ҳазрати Мир Кулол, Пешку, Когон, Куюкмозор, Азизобод, Гишти, Бўстон, Кумушкент, Хўжа Ориф, Хазора, Ғиждувон, Варганзе, Фарзикент, Қалқонота, Сарипул, Галаосиё, Хайробод, Янгиқўрғон, Ромитон, Жондор, Янгибозор, Вобкент ва Пирмаст туманлари бозорларининг ҳам довуғи баланд бўлиб, амирликнинг ички ва қисман ташқи савдо-сотик алоқаларида муҳим аҳамиятга эга бўлган<sup>203</sup>. Мазкур туманларда савдогарлар ва харидорлар манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар ҳафтанинг белгиланган кунларида гавжум бозорлар бўлиб ўтган. Масалан, якшанба кунини – Вобкент, Варданзе, Хазора, душанба кунини – Хўжа Ориф, Пешку, Бўстон, Гиштида, сешанба кунини Пирмаст, Азизобод, Қалқонотада, чоршанба кунини – Ғиждувон, Янгибозор, Ромитонда, пайшанба кунини – Ғиждувон, Сарипул, Галаосиё, Ромитон, Жондорда, шанба кунини – эса Зандони, Хончарбоғ, Баҳовуддин, Ҳазрати Мир Кулол, Когон, Куюкмозор туманларида қизгин савдо-сотик амалга оширилган<sup>204</sup>.

Амирликнинг турли вилоятларида ҳар ҳафтада бозор кунлари белгиланиши ҳақида архив ҳужжатларида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд. Жумладан, амир номига ёзилган аризалардан бирида: “Бойсун вилояти Дарбанд мавзеси Пошхўрд қишлоғида ҳар ҳафтанинг сешанба кунини маҳаллий аҳоли учун бозор кунини ҳисобланади. Маҳаллий аҳоли ўзларининг кундалик эҳтиёжи учун зарур савдо молларини харид қилиб, Сизни ҳар доим дуо қилади. Бироқ Дарбанд мавзеси Пошхўрд қишлоғидан 8 фарсах масофа узоқликда жойлашган бўлиб, бу мавзе аҳолисига Пошхўрд бозорига келиб савдо-сотик қилиши анча қийинчилик туғдирмоқда. Шу сабабдан, дарбандликлар Сиздан ўз мавзеларида бозор курилишига ва ҳафтанинг сешанба кунлари у ерда бозор бўлишига рухсат беришингизни сўрайди” деб келтирилган<sup>205</sup>. Кўриниб турибдики, ички савдо-сотикни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган барча қатлам вакиллари бу борада амирга ўз арзларини билдириб, керакли шароитни яратишга ҳаракат қилганлар.

<sup>202</sup> Ўша фонд.1011-йиғмажилд, 15-варақ.

<sup>203</sup> В. Клем. Современное состояние торговли в Бухарском ханстве. Сборник географических, топографических и статических материалов по Азии. Вып. 33. Санкт-Петербург. 1886. С. 1 – 6.

<sup>204</sup> Современный кишлак Средней Азии... С. 179.

<sup>205</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-126-фонд, 1-рўйхат, 1011-йиғмажилд, 19-варақ.

Турли ижтимоий табақа вакилларининг бозорларга маълум маҳсулотларни айрибошлаш, сотиш ҳамда харид қилиш учун олиб чиқиш, ички бозорларда маҳаллий ва хорижий маҳсулотларга кундалик хўжалик эҳтиёжларининг ортиши, *бир томондан*, савдо аҳли ўртасидаги ўзаро алоқаларни яқинлаштирса, *иккинчи томондан*, хунармандлар ва савдогарлар ўртасида ижтимоий табақаланишнинг кучайишига шароит яратган.

Амирликнинг айрим вилоят ва туманлари ички бозорлар учун деҳқончилик маҳсулотларини етказиб беришга ихтисослашган эди. Масалан, Кармана, Хатирчи, Шаҳрисабз, Ғузор, Чироқчи, Қарши, Каттақўрғон, Миёнқол вилоятлари, Бухоро ва Қорақўл туманлари боғдорчилик маҳсулотлари ривожланган ҳудудлар ҳисобланган<sup>206</sup>. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги бозорларида боғдорчилик маҳсулотларининг амалдаги нархлари қуйидагича бўлган:

#### 1820 – 1840 йилларда боғдорчилик маҳсулотлари нархи

т/р	Маҳсулот турлари	Маҳсулот нархлари (1 ботмон)	т/р	Маҳсулот турлари	Маҳсулот нархлари (1 ботмон)
1	Олма жўпазак хўжахон нордон мушк	10-24 танга 15-20 танга 8-10 танга 8-7 танга	7	Олмуруд қанддек кадимуруд муруд	8-6 танга 16-20 танга 14-18 танга
2	Ўрик олий нави ўрта нави	16-7 танга 10-6 танга	8	Нок олий нави ўртача нави	16-17 танга 21-30 танга
3	Узум қизили яшили	12 танга 8 танга	9	Олхўри хўл меваси қуритилгани	32-16 танга 1-2 тилло
4	Анор нордони ширини	16 танга 20 танга	10	Олча меваси қоқиси	14-16 танга 32 танга

Бухоро шаҳрида ички савдо бозорларининг энг қизғин даври ҳар йили январь ойидан бошланиб, то май ойигача давом этган. Бу пайтда амирликка нафақат Хива ва Қўқон хонликлари балки, Россия, Эрон

<sup>206</sup> Д.Н. Логофет. Бухарское ханство под русским протекторатом. Т.2. Санкт-Петербург. 1911. С. 103 – 104.



Афғонистон, Ҳиндистондан ҳам савдогарлар ўз савдо қарвонлари билан ташриф буюрган<sup>207</sup>.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалиги ривожда маҳаллий аҳолининг сабзавотчилик ва полизчилик томорқалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларда лавлаги, сабзи, қарам, пиёз, бодринг, нўхат, ясиқ дони, ловия, қовун, тарвуз ва қовоқ каби маҳсулотлар етиштирилган. Ички бозорларда ушбу маҳсулотларга бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нархлар белгиланиб, уларнинг улгуржи ва чакана савдоси амалга оширилган.

### 1820 – 1840 йилларда сабзавот ва полиз маҳсулотларининг нархлари

т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот нархлари	т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот турлари
1	Бодринг	100 дона	1 танга	6	Лавлаги	1 ботмон	4 танга
2	Қарам	10 дона	1 танга	7	Шолғом	1 ботмон	3-4 танга
3	Пиёз	1 ботмон	4-6 танга	8	Ясиқ	1 ботмон	16-17 танга
4	Сабзи	1 ботмон	3-4 танга	9	Турп	1 ботмон	3-4 танга
5	Қовун олий навли ўрта навли	100 дона-си	5-16 танга 9-24 танга	10	Қовоқ қишда урганжий дастар чилим чўп	100 дона-си	25-30 танга 1 тилло 12-13 танга 12-15 танга 25-30 танга

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Бухоро амирлиги бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи унча баланд бўлмаган<sup>208</sup>. Чунки бу маҳсулотлар асосан аҳоли томорқаларида етиштирилиб, уларнинг харидорлари асосан ҳунармандлар ёки кўчманчи чорвадорлар бўлган.

Бухоро амирлиги қишлоқ хўжалигида енгил саноат хомашёси бўлган пахта, ипак, тамаки ҳамда беда каби ўсимликлар ҳам етиштирилган<sup>209</sup>. Амирликнинг Қармана, Миёнқол, Самарқанд, Балх, Хулм ва Қундуз

<sup>207</sup> Г.А. Михалева. Узбекистан в XVIII первой половине XIX века... С. 36.

<sup>208</sup> В.Н. Хаников. Описание Бухарского ханства... С. 138 – 145.

<sup>209</sup> А. Бёрнс. Путешествие в Бухару... С. 143.

бекликлари, асосан пахта хом ашёсига ихтисослашган эди. Бухоро ва Кармана шаҳарларида етиштирилган ипак хом ашёси амирлик бозорларининг энг сифатли маҳсулотлари ҳисобланган<sup>210</sup>. Бухорода ипак хомашёсидан кизил, оқ, яшил ва сариқ рангдаги адрас матоларини Марв шаҳридан кўчиб келган тўқувчилар ички бозорлар учун ишлаб чиқарганлар<sup>211</sup>.

Тамаки ўсимлиги амирликнинг ҳамма худудларида эмас, балки об-ҳавоси салқинроқ бўлган Каттакўрғон беклиги ва Қарши шаҳри атрофларида етиштирилган<sup>212</sup>.

Бухоро амирлигида чорва молларига озуқа сифатида ишлатиладиган беда ўсимлиги ҳам етиштирилган<sup>213</sup>. Шунингдек, амирликда чорва моллари жуни ва терисидан ҳам хомашё сифатида фойдаланилиб, улардан ички бозорлар учун жунли матолар, пўстинлар ва турли шакллардаги пойафзаллар тайёрланган. Ушбу хомашё маҳсулотларининг ички бозор нархлари қуйидаги жадвалда қиёсий таҳлил этилган.

### Бухоро амирлиги бозорларидаги турли хомашё нархлари

т/р	Маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Нархлари	Ўлчов бирлиги	нархлари
		1820 – 1840 йилларда		1862 – 1867 йилларда	
1	Пахта Калава ип	1 ботмон	6-8 1/2 тилло	1 пуд	16-18 танга
		1 ботмон	15-25 тилло		18-20 танга
2	Ипак Ипак ип	1 кг	13-14 тилло	1 пуд	7-15 тилло
		1 пуд	30-32 тилло		18-20 тилло
3	Тамаки	1 ботмон	4 тилло	1 ботмон	2 тилло
4	Беда	10 та боғлами	1 танга	10 та боғлами	1 танга
5	Қорақўл жуни	1 ботмон	10-12 тилло	1 ботмон	10 тилло
6	Кўзи жуни кул ранг қора ранг	1 ботмон	3 тилло	1 ботмон	7 тилло
			3-4 танга		4 танга
7	Қорақўл тери	1 дона	3-4 танга	10 дона	26-30 танга
8	Кўзи териси	1 дона	4-5 танга	10 дона	40-46 танга

Бухоро амирлигининг Зарафшон, Амударё ва Шаҳрисабз дарёлари бўйларида маҳаллий аҳоли асосан суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Улар амирлик қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган буғдой, арпа, тарик, жўхори, сули, нўхат, гуруч, ловия, мош, кунжут каби бошоқли

<sup>210</sup> П.И. Демезон и И.В. Виткевич. Записки о Бухарском ханстве. Москва. 1983. С. 74.

<sup>211</sup> А. Бёрнс. Путешествие в Бухару... С. 213.

<sup>212</sup> Н.В. Ханьков. Описание Бухарского ханства... С. 138.

<sup>213</sup> Ўша жойда. С. 144.

экинларни етиштирганлар<sup>214</sup>. Ушбу бошоқли маҳсулотларни деҳқонлар озик-овқат маҳсулотлари бозорларига олиб бориб сотганлар. Бу экинларнинг айримларидан йилига икки мартаба ҳосил йиғиб олинган.

Амирлик шарқий худудидаги Қоратегин, Ҳисор, Кўлоб ва Балжувон бекликлари ўзининг буғдой маҳсулоти савдоси билан танилган марказлардан ҳисобланган<sup>215</sup>. Мазкур бекликларнинг буғдой савдоси билан асосан, Гарм, Балжувон, Ховалинг, Кулоб шаҳарлари ва Сарой, Сари-Чашма ҳамда Пошин қишлоқлари йирик савдогарлари шуғулланганлар.

### 1834 – 1868 йилларда бошоқли экинларнинг қиёсий нархлари

т/р	Маҳсулот Турлари	Маҳсулот нархлари (1 ботмони)	
		1834 йил	1868 йил
1	Буғдой	12-14 танга	16 танга-1 тилло
2	Арпа	10 танга	8 танга
3	Гуруч оддий навли олий навли	42-44 танга 48 танга	40-42 танга 45 танга
4	Тариқ	3-4 танга	5-6 танга
5	Жўхори	11 танга	7 танга
6	Нўхат	18-20 танга	4 тилло
7	Сули	10 танга	8 танга
8	Кунжут	32-40 танга	25-35 танга

Савдогарлар маҳаллий аҳолидан сотиб олиб тўплаган буғдой захираларини Бухоро шаҳри бозорларига икки йўналишда, бири Хисор – Ғузор – Қаршидан курукликдаги савдо қарвон йўллари, иккинчиси эса сув йўллари орқали қайиқларда Сарой – Термиз – Карки шаҳарларидан ўтиб олиб борганлар<sup>216</sup>. Жадвалдан кўриниб турибдики, буғдой ва нўхатни ҳисобга олмаганда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари деярли ўзгармаган.

Амирликда чорва моллари савдо-сотиғи учун алоҳида бозорлар мавжуд бўлиб, улар асосан шаҳар марказидан ташқарида, унга яқин қиш-

<sup>214</sup> Н.Н. Обручев. Персия, Афганистан, Белуджистан, Среднеазиатские владения, Китай, Япония, Северо-американские, Соединенные штаты, Мексика, Бразилия и Республики Средней и Южной Америки. Туркестанский сборник. Т.30. Санкт-Петербург. 1868. С. 110.

<sup>215</sup> Тимофеич. Пульс Бухары. Туркестанский сборник. Т. 545-том. Санкт-Петербург. 1868. С. 17

<sup>216</sup> Тимофеич. Пульс Бухары... С. 177.

локларда, вилоят ва туманларда кўпроқ қурилган. Аммо айрим чорва моллари бозорлари аҳоли яшайдиган манзиллардан анча узоқ масофадалиги уларга ноқулайлик туғдирган. Хусусан, Бухоро амирлигига оид архив ҳужжатларидан бирида “амирликнинг Зиёвуддин вилояти Мир мавзесидан мироҳўр амлокдор Мирзо Маҳмуд, Бухоро шаҳри Коми-Абумуслим (Ваганзе) туманидан раис Мулло Абдул Азимлар ўз ҳудудларида чорва моллари учун алоҳида бозор жойи йўқлигини, аммо у ердаги мавжуд бозорлар ичида бўш жой бўлиб, унда ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари чорва моллари бозори ташкил этишга рухсат беришини сўраб амирга арз қилганликлари”ни алоҳида қайд этиш мумкин<sup>217</sup>.

Бухоро амирлигида турли ҳунар соҳиблари фаолият юритиб, улар ўз меҳнатлари билан шаҳарлар савдо-иқтисодий ҳаётининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлар. Ҳунармандчилик ва савдонинг ўзаро боғлиқлиги шаҳарлар ҳаётида бу тармоқнинг ривожланишига кенг имкониятлар яратиб, ҳунармандлар ва савдогарлар ўртасида ижтимоий тенгсизликни кучайтирган ҳамда оддий аҳоли қатламларини ҳам савдо жараёнларига жалб этишга ёрдам берган.

Бухоро шаҳрида тўқимачилик, зардўзлик, заргарлик, темирчилик, чилангарлик, мисгарлик, чармчилик, косибчилик каби турли-туман ҳунармандчилик соҳалари кенг ривожланган. Ҳунармандлар ўз юртининг талаб-эҳтиёжи ва миллий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ўзларининг дид билан ишланган бетакрор маҳсулотларини яратганлар.

Маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқилган турли газлаамаларнинг миқдори ва ички бозорларда сотилиш нархлари ҳақида архив ҳужжатларида ҳам муҳим маълумотлар келтирилиб ўтилган<sup>218</sup>.

### **1860 – 1868 йилларда Бухорода ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг тури ва нархи**

т/р	Маҳсулотлар номи	Миқдори	Нархи
1	Пахта	1 пуд	9-10 танга
2	Калава ип	1 пуд	16-18 танга
3	Бўз	1 тўп	12 танга
4	Чит	1 тўп	13 танга
5	Олача	1 тўп	12 танга
6	Зандана	1 тўп	16 танга
7	Ипак хомашёси	1 пуд	313 танга
8	Канас-шойи газлама	1 тўп	9-13 танга

<sup>217</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-126-фонд, 1-рўйхат, 1112-йиғмажилд, 21-варақ.

<sup>218</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-1-фонд, 34-рўйхат, 11-йиғмажилд, 12-варақ.

Ушбу жадвалда келтирилган нархларни ўрганишда қуйидаги ўлчов бирликлари: 1 пуд – 16,38 кг оғирликка, 1 тўп – пахтали матолар 18 газ, шойи ва ипакли газламалар 13 газ узунлик ўлчовига, 1 газ – 0,71 ёки 0,74 см.га тенг бўлганлигини ҳисобга олиш зарур. Бу маҳсулотлар амирликнинг Кармана, Миёнқол, Самарқанд ҳамда Хўжанд шаҳарлари бозорларида ҳам маҳаллий аҳоли ва савдогарлар учун энг харидоргир ҳисобланган. Шунингдек, амирликда ушбу маҳсулотларни сотиш учун бозорлар йўқ ҳудудларидан амир номига бозор учун жой сўраб мурожаат этган йирик амалдорларнинг арзномалари ҳақидаги архив ҳужжатлари ҳам мавжуд.

Бухоро қозиси Мулло Мир Абдулхайхўжанинг Пешку тумани базозлари (бўзчилари) номидан ёзган аризасида, базозлар савдо-сотик қилишлари учун дўкон ва расталар етишмаётганлиги, бироқ, бозорнинг ичида йирик савдогарлар Саъдуллабой ва Абдулазизбойлар томонидан 1000 тангага сотиб олинган 46-20 газ келадиган бўш жойи мавжудлигини таъкидлаб<sup>219</sup>, амирдан бу ерга савдо дўконлари ва расталар очишга рухсат беришини сўраган<sup>220</sup>.

Бухоро шаҳрида маҳаллий аҳоли учун кийим-бошлар, кўйлак, дўппи, тўн, чопонлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тикувчилик ва зардўзлик хунармандчилиги соҳалари ҳам кенг ривожланган эди. Айниқса, Бухоро зардўзлик хунармандчилиги соҳаси маҳаллий аҳоли миллий каштачилик санъатининг анъанавий шакл ва услубларини ўзида намоён этган ҳолда яратилганлиги билан ҳозирги кунимизгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

XIX аср ўрталарида амирликдаги йирик зардўзлик устахоналарида 300-350 нафаргача<sup>221</sup> усталар меҳнат қилган. Зардўз усталар мураккаб нақшлар ва суратлар солинган 1 та зар чопонни тикиш учун 200 иш кунини сарфлашган. Уста зардўзнинг машаққатли меҳнат эвазига тикилган зар чопонларнинг 1 донаси ички бозорларда 1500 тангадан 10000 тангагача баҳоланган. Зар ип билан тикилган бахмал матоли от ёпинчиғи – жулнинг бир донаси 21 танга бўлган<sup>222</sup>. Бундай қимматбаҳо буюмларни кўпроқ амир саройига тегишли зардўзлик устахонаси хунармандлари тайёрлашган ва уларга бир кунда 2-5 тангагача иш ҳаққи тўланган, холос. Амир, унинг оила аъзолари ва сарой амалдорларига атаб тикилган кўплаб зардўзи чопонлар, этик, кавуш, махси, кўйлак, рў-

<sup>219</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-1-фонд, 34-рўйхат, 54-ийғмажилд, 11-варақ.

<sup>220</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-126-фонд, 1-рўйхат, 1278-ийғмажилд, 17-варақ.

<sup>221</sup> Бухоро бадиий ўлкашунослик музей қўриқхонаси фондларида сақланаётган (679/9, 811/9, 6709/9, 671/9, 1799/9, 4230/10, 4234/10) рақамли буюмлар.

<sup>222</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-596-фонд, 1-рўйхат, 3-ийғмажилд, 13-варақ.

мол, дўппи, калтапўшак ва бошқа буюмлар намуналари ҳозирда Бухоро бадийий ўлкашунослик музейи фондида сақланиб келинмоқда.

Бухоро шаҳрида заргарлик ҳунармандчилиги ҳам кенг ривожланган бўлиб, шаҳар марказидаги Тоқи Заргарон савдо растасида 400 га яқин уста заргарларнинг дўконлари жойлашган эди. Заргар ҳунармандлар тилла, кумуш, мис металлари, лаъл, ёқут, зумрад, феруза, ложувард, дур, маржон каби қимматбаҳо тошлардан аёллар учун турли тақинчоқлар тайёрлаганлар. Амирликда заргар ҳунармандларнинг саройга қарашли ва хусусий устахоналари ҳам мавжуд бўлган.

Саройга қарашли устахона Бухоро Аркида жойлашган бўлиб, унда заргарбоши, бош заргар ва 20 нафарга<sup>223</sup> яқин доимий ишловчи уста ҳунармандлар фаолият олиб борган. Заргарбоши амир хазинасидан усталарни тилло, кумуш, қимматбаҳо тошлар билан таъминлаб, улардан тайёрлаган заргарлик буюмларини қабул қилиб олган. Саройдаги юқори малакали заргарга кунига 5 танга, ўрта малакали заргарга 3 танга иш ҳақи тўланган. Заргар ҳунармандлар турли заргарлик буюмларини қандай металл ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланганлигига қараб турлича баҳоларда сотганлар.

Архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, пешонага тақиладиган тиллақош 44 тангадан, бурун ва кулокка тақиладиган халқа 8 тангадан, оддий кумуш билакузук 4 тангадан, халқа 3 тангадан, узук 1 тангадан сотилган<sup>224</sup>.

Бухоро амирлигининг Бойсун, Қоратегин, Қарши ва Ҳисор бекликлари темир рудасига бой ҳудудлар бўлиб, Бухоро шаҳридаги 150 нафар чилангардан 30 нафари кетмонсозлик, 50 нафари ўроқсозлик, қолган 70 нафари бошқа темирчилик ҳунарлари билан машғул бўлган<sup>225</sup>. Бухоро шаҳри темирчи усталари ўз маҳсулотлари билан шаҳар ва унинг атрофидаги маҳаллий қишлоқ аҳолисини таъминлаганлар. Масалан, Қарши беклигида темирчи усталар ўзларининг пичоқсозлик ҳунарлари билан жуда машҳур бўлган. Пўлатдан ясаиб, дастасига олтин ёки кумуш қопланган Қарши пичоқларининг бозордаги нархи 9-10 танга, оддий дасталиси 4-5 танга бўлган<sup>226</sup>. Ўша пайтда Ўратепа беклигидаги темирчи усталар устара ясашга моҳир бўлишган. Оддий темирдан ясалган устаралар ички бозорда 1 чақадан (мис танга) баҳоланган<sup>227</sup>.

Амирликнинг Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Вобкент, Қоракўл, Ҳисор,

<sup>223</sup> Р.Э. Қиличев. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро шаҳрида... 22-бет.

<sup>224</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-596-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 42-варақ.

<sup>225</sup> М.Е. Массон. К истории черной металлургии Узбекистана. Ташкент. 1947. С. 51.

<sup>226</sup> И.И. Краузе. О туземном оружии в Туркестанском крае. Русский Туркестан. № 1.1857. Туркестанский сборник. Т. 57. Санкт-Петербург. 1872. С. 214.

<sup>227</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-596-фонд, 1-рўйхат, 3-йиғмажилд, 42-варақ.

Қоратегин, Шахрисабз, Бойсун бекликларида кўплаб чўян куйиш устахоналари ҳам бўлган. Архив маълумотларига кўра, Бухоро шаҳри ва унинг теварак атрофларида 40 га яқин чўянгарлик устахоналари бўлиб, 23 уста хунармандлар бир йилда 1116352 донга турли темир буюмлар тайёрлашган. Бундай миқдордаги темир буюмларни тайёрлашга 22809 пуд 24 фунт чўян, 1238 пуд 16 фунт темир металлари сарф бўлган<sup>228</sup>. Чўяндан турли буюмларни куйиб ясовчи уста дегрезлар аҳолининг кундалик хўжалиги учун зарур бўлган омоч позаси, қозон, чироқ, панжара, кўза, чойнак, арава ғилдираклари халқаси ва бошқа буюмларни тайёрлаганлар.

Амирлик бозорларида металлсозлик соҳаларидан яна бири бронзадан турли буюмларни қуювчи рихтагар усталар номи билан машхур бўлиб, биргина Бухоро шаҳрида 100 нафардан ортиқ рихтагар хунармандлар ва уларнинг 60 тадан ортиқ рихтагарлик дўконлари фаолият юритган<sup>229</sup>. Ушбу дўконлар шаҳарнинг Қоракўл дарвозаси яқинидаги Зангуласози бозорида жойлашган эди. Бу бозор Зангуласози қишлоғига ҳам тегишли бўлиб, у ердаги 28 та хўжалиқдан 12 таси бронза металидан чорва молларининг бўйнига осиб қўйиладиган кўнғироқча ва шиқилдоқлар куйиш билан шуғулланувчи уста хунармандлар бўлган. Ички бозорларда бу кўнғироқчалар жуда арзон нархларда, яъни уларнинг каттаси 1 тангадан, кичиги 1 чақадан сотилган.

Амирлик пойтахти Бухоро шаҳри ўйма гул нақшли мис идишлар тайёрланадиган йирик марказлардан бири бўлиб, Регистон майдони яқинидаги Арроқи масжиди ёнидаги савдо расталарида мисгар хунармандларнинг 200 га яқин дўконлари жойлашган эди<sup>230</sup>. Бухоро шаҳрида ички бозорлар учун чўян, темир ва мис металларида ясалган турли хил уй-рўзғор буюмлари ва меҳнат қуролларининг нархлари ҳақида архив ҳужжатларида куйидаги маълумотлар кўрсатиб ўтилган:

### 1860 – 1868 йиллардаги турли металл буюмлар нархлари

т/р	Чўян ва темир буюмлар номлари	Нархи (1 донаси)	Мис буюмлар	Нархи (1 донаси)
1	Чўян ўчок	3 танга	Мис қозон	9 танга
2	Чўян қозон	4 танга	Лаъли	13 танга
3	Чўян чироқ	3 танга	Чойжўш	8 танга
4	Хованча	2 танга	Чилим қопқоғи	8 танга
5	Кўза	3 танга	Чойнак	5 танга

<sup>228</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-53-фонд, 1-рўйхат, 8-ийғмажилд, 133-варақ.

<sup>229</sup> Ўша ҳужжат. 41-варақ.

<sup>230</sup> Ўзбекистон миллий архиви. И-48-фонд, 1-рўйхат, 3413-ийғмажилд, 42 – 60-варақлар.

6	Болта ва болға	2 танга	Капкир	4 танга
7	Пичоқ	3 танга	Сатил	3 танга
8	Қайчи	2 танга		
9	Ўрок	2 танга		
10	Кетмон	2,5 танга		

Хулоса қилганда, Бухоро амирлигининг 1756 – 1868 йиллардаги ички савдо-иқтисодий алоқаларининг ривожланишида кўплаб йирик шаҳарлар, савдо карвонсаройлари, бозорлар ҳамда хунармандчилик устахоналари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар бозорлар, савдогарлар, харидорлар ҳамда хунармандчилик ишлаб чиқаришини бирлаштирувчи йирик савдо-иқтисодий марказлар ҳам ҳисобланган. Ўз навбатида, савдогарлар томонидан ички бозорлардаги турли маҳсулотлар ва хомашёларнинг нафақат шаҳар, балки қишлоқ аҳолисига, яқин вилоятлар, кўчманчи дашт ҳудудлари, кўшни давлатларга олиб кетилиши, ташқи савдо алоқаларининг ривожланишига ҳам кенг имкониятлар яратган.



## THE DIPLOMATIC TRADITIONS OF KHIVA AND BUKHARA DURING THE PRE-MODERN PERIOD: CASES OF THE EMBASSIES OF ASHUR BEG AND QULI BEG

*Артём Андреев*

First of all, we want to predict some possible questions and outline the reason of using “pre-modern” term. Of course it is conditional definition, but we often see it in research works about another regions devoted to the earlier period of regional history. Some scholars prefer the term early modern times<sup>231</sup>. From our side we share the point of view that “pre-modern” era for the state formations of Central Asia ended in the middle of the 19<sup>th</sup> century<sup>232</sup>. Also agreeing with recognized experts in the theory of nationalism, we will define the 19<sup>th</sup> century for European countries as the time of their “modernization”<sup>233</sup> or the transition from an agrarian society to an industrial one<sup>234</sup>.

Mentioned in the topic two embassies were in the beginning of the 18<sup>th</sup> century. In Russia it was Peter the Great reign, and it is well known as a transition era for Muscovite state from pre-modern to modern. Qualitative changes could be observed in all spheres of domestic and foreign policy of the Moscow State. Similar changes were also in foreign policy relations with Khiva and Bukhara. As noted by the classic of oriental studies V.V. Barthold, Peter I “no longer treated the khans as equals”<sup>235</sup>. Nevertheless, as we can see from the documentary sources - ambassadorial and khan’s letters from this period which were witnesses of those relations, the diplomatic tradition of Central Asia states peculiar to the 16<sup>th</sup>-17<sup>th</sup> centuries, remain unchanged. On the example of Ashur Beg and Quli Beg missions we’ll try to consider general and private in the diplomatic tradition of premodern Khiva and Bukhara.

We will start with the common moments associated with the embassies. In our case, there will be five moments: time of residence, number of people

---

<sup>231</sup> The Rise of Merchant Empires. Long-distance Trade in the Early Modern World, 1350 – 1750. Ed. By James D. Tracy. Cambridge University Press 1990; L. Scott. The Indian Merchant Diaspora in Early Modern Central Asia and Iran. Iranian studies. Vol. 32. № 4. 1999. P. 483 – 512; Welsford Thomas. Four Types of Loyalty in Early Modern Central Asia. The Tūqāy-Tīmūrid Takeover of Greater Mā Warā al-Nahr. 1598 – 1605. Leiden. 2013.

<sup>232</sup> A. Chahryar, H. Irfan. Development in Contrast: From the Sixteenth to the Mid-nineteenth Century. Unesco Publishing. 2003.

<sup>233</sup> Э. Хобсбаум. Нации и национализм после 1780 г. Санкт-Петербург. 1998. С. 144.

<sup>234</sup> Э. Геллнер. Нации и национализм. Москва. 1991. С. 57.

<sup>235</sup> В.В. Бартольд. История изучения Востока в Европе и России: Лекции чит. в Имп. Санкт-Петербург. 1911. С. 205 – 206.

during the missions, structure of the embassies, problems inside the missions and famous tradition of gifts giving.

The period of presence in both cases was not short, we must take into account the distance from Astrakhan to Moscow and from Moscow to St. Petersburg and the logistics capabilities of that time. Ashur Beg from the Khiva Khanate spent in Russia two years (1713 – 1715), Quli Beg from the Buchara Khanate the same period of time (1716 – 1718). Much time, according to the written sources, took journey around the country. Both two ambassadors had to wait for the audience of the czar two-three months. For example, Quli Beg had to wait four months for Peter the Great's audience in Saint-Petersburg.

The next common moment was the number of embassies. There were 50 people as the part of Ashur Beg's embassy<sup>236</sup>. Quli Beg arrived in Astrakhan and there were 62 people with him. When mission came to new capital of Russia there had been 60 people<sup>237</sup>. Both ambassadors were in Russia with their families. About the Quli Beg family, we'll tell in more detail later.

The existence of a stable diplomatic tradition in Central Asia is evidenced by the absolutely identical structure of both embassies. There were three main figures in both cases. First of all the head of mission – the Ambassador. The second main person according to the hierarchy was merchant. In both cases Ambassadors and merchants brought goods for sale, mostly fabric. Diplomatic status which they had allowed them to avoid customs duties. It was usual practice in Central Asia, Persia and Russia to give foreign embassies financial assistant or food.

Other countries especially European ones do not pay even for accommodation and travel expenses of foreign missions. Hereby, supplying by Russian state made it possible for ambassadors to save they own funds. But in truth, to receive the money even by the order of the Russian Czar was really difficult task. Almost half of the correspondence between Russian state agencies and Ashur Beg and Quli Beg were the complaint letters about of non-payment of the funds due. Also, in both cases was the third main figure in the mission it was "Akhoond". It is not difficult to guess that he performed as a mullah.

The resident from Hannover who was at the same time in Russian and definitely was familiar with Ambassador from the Khiva khanate mentioned that Ashur Beg belonged to the Shiite branch of Islam as well as his "Akhoond"<sup>238</sup>.

In both cases embassies had financial difficulties. In view of the financial problems from the supply, there was inevitably a disagreement between the ambassador and the merchant. Sometimes the disagreements reached a seri-

---

<sup>236</sup> Российский государственный архив древних актов (РГАДА). Фонд. 134. О. 1. 1713. Д. 2. Л. 343.

<sup>237</sup> РГАДА. Фонд. 109. Сношения России с Бухарой. О.1. 1717.Д.1.Л.44

<sup>238</sup> Записки о Петре Великом и его царствовании Брауншвейгского резидента Вебера. Русский архив. № 6. 1872. С. 1082.

ous level. For example, Quli Beg tried not to let the merchant Hassan Bobo to an audience with Peter the Great. And the merchant complained about this in his letter addressed to the Russian Tsar.

The tradition of gift giving is one of the oldest not only in the history of diplomacy, but also in the history of mankind. Khan sending luxurious gifts, expected to receive no less expensive gifts in return. Ashur Beg brought from khan a list of gifts: a *zholbars* (tiger) beast, two horses and monkey, nine *zholbars* skins, five “*izarbaf*”, 27 grey sheepskins, 9 calicos, 9 mittens, 9 Bukhara knives<sup>239</sup>.

According to the documents about audience which was gave to Quli Beg, he presented to czar from khan 17 types of gifts. “9 or 39 Russian slaves”, 4 horses, 9 *izarbaf*, 36 grey sheepskins, 45 black sheepskins, 18 white colored mittens, 9 Knife-handle, 9 knives, 9 calicos, 9 melle, 9 “*burmettey*”, 2 quivers for darts, 2 bows, 18 quivers for arrows, 2 monkeys, 1 leopard skin, 1 cornelian cup, 1 cup from the horn of Unicorn<sup>240</sup>.

As we see, the quantity of gifts of some type is always a multiple of nine. The number nine is in many ways a sacred number. And finally about Particular circumstances connected with the embassies. All this five common moments, in our opinion let us say that Bukhara and Khiva embassies followed the local diplomatic tradition. Tradition, which was definitely laid in the era of pre-modern.

Despite the same diplomatic style, the Khiva and Bukhara envoys pursued different goals in Russia. Ashur Beg embassy arrived in Russia in 1713, pursuing primarily commercial objectives, but of political significance. The main aim for him was to find support in the war with the Karakalpaks. The war with them was conducted in order to secure the shortest trade route from Central Asian states to Astrakhan. Its overland route led to the pier “*Tyub Karagan*”, where two years after the Ashur Beck embassy, Prince Cherkassky will build the first Russian fortress on the eastern coast of the Caspian Sea. Documents showed us that Ashur Beg was in friendship with the Siberian Governor Prince M. Gagarin, and in case of conflicts with the Russian administration he usually asked for his help.

Conflicts arose because of delays in paying out the funds necessary to provide the embassy. In view of the lack of funding, the embassy people were actively engaged in trade, which was facilitated by trade benefits provided by the Russian authorities. Due to lack of funding, the embassy people were actively engaged in trade affairs. The trade benefits provided by the Russian authorities also helped them. One of the most amazing things is that Ashur Beg was mentioned in the memoirs of the Braunschweig resident Weber, which had been firstly published

---

<sup>239</sup> РГАДА. Фонд. 134. О. 1. 1713. Д. 1. Л. 2.

<sup>240</sup> РГАДА. Фонд. 109. Сношения России с Бухарой. О.1. 1717. Д. 1. Л. 100 об.

in 1721 in Hannover. Weber gave a description of the Ambassador's appearance and a short story about his adventures on the way to Kronstadt.

Also he gave us a Drawing picture of the ambassador on the page 14. captioned "Atcherbi Gesandte von Uzbek"<sup>241</sup> (fig. 1). The only difference between the drawings and the description is that on the drawing Ashur Beg does not have a long beard. Obviously this image can hardly be considered an exact portrait. But in this first edition of the memoirs on the p.314 we can see a real portrait of the famous Russian "chief shipbuilder" Ivan Mikh. Golovin. Due to this fact, we dare to assume that the portrait of Ashur Beck is real. And that this is the only portrait of an official of the Khiva Khanate of that period.

Now, finally some points about Quli Beg personality. Quli Beg, arrived in Russia in 1716, with the main intent - to release Bukhara and Khiva merchants, which were arrested according to the decree of Peter the Great. The largest number of documents remained after his embassy, it indicates a wide range of activities of the khan's ambassador, who did not confine himself to the fate of his own and Khiva compatriots.

From the letters, we can get that Quli Beg himself was of Russian origin (only ethnically), he grew up in Bukhara. His father was Russian prince (or in this case it will better to use Russian word knyaz) Petr Urakov. Petr Urakov with his wife Darya Ilyinichna Urakova and two children was captured during Bashkir up-rising. Petr and his children managed to escape, but his wife had been sold to Buchar. Where Quli Beg soon was born.

On the part of his and his mother's letters which were written in Russian with Bucharian seal, we also can see that during his stay as an Ambassador in Moscow he restored his family ties and even could deal with the fate of his relatives. Despite this, he also adhered to foreign policy interests of Bukhara and achieved considerable success in this. The detained merchants were released. He also managed to obtain trade privileges for Bukhara khanate.

In our essay, we tried to highlight the general and particular moments associated with Ashur Beg and Quli Beg missions. The tradition of diplomacy, which was followed by both of them, persisted throughout the period of "pre-modern" until the 19<sup>th</sup> century. More detailed analysis of the two embassies correspondence was presented in papers<sup>242</sup>.

---

<sup>241</sup> C. Weber. *Das veränderte Russland in welchem die jetzige Verfassung des Geist und weltlichen Regiments der Kriegs-Staat zu Lande und zu Wasser*, Frankfurt am Main: Verlegts N. Förstler. 1721. Fig.1.

<sup>242</sup> A.A. Andreev, M. E. Rezvan. *Khiwa and Bukhara Legation Missive Letters of the Late 17<sup>th</sup> – early 18<sup>th</sup> Centuries. Preliminary Results of The Research Project*. *Manuscripta Orientalia*. Vol. 22. № 2. 2016. P. 50–55; A.A. Andreev. *Ashur Bek's letters and the F.B. Prince. Cherlasskiy's mission*. *Manuscripta Orientalia*. Vol. 22. № 2. 2016. P. 9–28; A.A. Andreev. *Concerning the Person of the Bukharan Ambassador Tupchi-Bashi Quli Beg or the Story of One Petition*. *Manuscripta Orientalia*. Vol. 20. № 2. 2014. P. 22–27.

## ЯНА СТОДДАРТ ҲАҚИДА: ДИПЛОМАТИК ЭТИКЕТ ВА ЭЛЧИЛИК ҚОИДАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

*Гулчеҳра Султонова*

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухорога ташриф буюрган инглиз ҳарбий офицери Чарлз Стоддарт (1838 – 1842) ва унинг миссияси давомида юзага келган жараёнлар, унинг ўлими билан боғлиқ вазият ҳақида тарихшуносликда бугунгача турли фикрлар илгари сурилган. Воқеанинг асосий айбдори сифатида ўша вақтда Бухоро тахтида ўтирган Амир Насруллоҳ (1825 – 1860), баъзи тадқиқотчилар тарафидан эса амирнинг вазири Абдусаматбий кўрсатилади. Амалга оширилган тадқиқотларда масалага асосан ўша даврдаги сиёсий вазият, Марказий Осиё минтақасида Россия ва Англия ўртасида юзага келган рақобат, инглиз қўшинларининг Афғонистонни ишғол этиши каби сабаблар нуқтаи назаридан ёндашилди. Турли миссионерлар ва элчиларнинг сафар хотираларини ўрганишга қаратилган мақолалар таҳлили ушбу масалага бугунгача бир томонлама ёндашувни, хусусан Бухоро амирига айбдор сифатида қарашлар давом этаётганини кўрсатади<sup>243</sup>. Узоқ йиллардан буён баҳс мунозарага сабаб бўлаётган Стоддарт аслида ким, у ҳақиқатдан ҳам Англия ҳукуматининг расмий вакили мақомига эга эдими? Стоддарт ҳаётини фожиа билан якунланишига сабаб бўлган омил Амир Насруллоҳоннинг “золимлигимми”? Ўртага ташланган саволларга ушбу мақолада дипломатик этикет ва элчилик қоидалари юзасидан жавоб беришга ҳаракат қилинди.

Мақоланинг асосий манбасини Стоддартнинг яқин дўсти, уни Бухородан соғ-саломат қайтариш учун Англия ҳукумати бюрократияси билан курашган, дўстини оздлиги учун мол мулкани сотиб махсус фонд ташкил қилган ва бутун имкониятларини ишга солиб Стоддартдан хабар олиш учун 1843 йилда миссионер Жозеф Волфни Бухорога юборган капитан Гровернинг асари, рус элчиларининг ҳисоботлари, хорижий давлатлар ташқи ишлар вазирликлари вакилларининг ўзаро ёзишмалари ва ўша даврда Европа матбуотида чиққан мақолалар ташкил қилади. Ушбу мавзунини ёритишдан асосий мақсад Стоддарт шахсияти ва унинг ўлимига сабаб бўлган омилларга аниқлик киритиш билан бирга Бухоро хонли-

---

<sup>243</sup> <https://www.wdl.org/ru/item/16713/>

гидаги дипломатик муносабатлар механизми ва унинг ишлаш тартиби, халқаро қоидалар ва маҳаллий анъаналарнинг ўзига хос кўринишини кўрсатиб беришдир. Шунингдек, ташқи алоқалар механизмининг турли ташкилотларида фаолият кўрсатган шахсларнинг ёзишмалари ва улар томонидан ёзилган хотиралар, ҳисоботлар ҳамда хорижий давлатлар архивларида сақланаётган ташқи алоқалар тарихига оид ҳужжатларнинг Ўрта Осиё, жумладан Бухоро хонлиги дипломатик институти тарихини ўрганишдаги ролини намоён қилишдан иборатдир

***Чарлз Стоддарт ким ва унинг Англия ҳукумати билан қандай боғлиқлиги бўлган?***

Стоддарт тўғрисидаги умумий маълумотлар амалга оширилган фундаментал тадқиқотлар асосида ёзилган, бугунги кунда бутун оммага очиқ бўлган Википедиядаги мақолада ўз аксини топган. Мақолада қуйидагиларни ўқиш мумкин:

*“Полковник Чарлз Стоддарт (1806 йил 23 июль – 1842, июнь) инглиз зобити ва дипломати. У “Катта ўйин” даврида Ўрта Осиёдаги машҳур инглиз агенти бўлган”<sup>244</sup>.*

Юқоридаги маълумот Элизабет Байгет муаллифлигидаги Оксфорд миллий биографиялар луғати (Oxford Dictionary of National Biography) саҳифасида ҳам баён этилган<sup>245</sup>. Сара Кэндрик томонидан амалга оширилган диссертацияда эса гарчи тадқиқотчи мавзуга “Бухоро қурбонлари” (Bukhara victims) эмас, балки “Даунинг стритнинг қурбонлари” (Victims of Downing street)<sup>246</sup> номи остида ёндашган бўлсада, Стоддартга нисбатан дипломатик миссияга юборилган инглиз ҳарбийси ифодасини қўллаган<sup>247</sup>. Юқоридаги маълумотларда Стоддарт бир инглиз дипломати сифатида танитилган ва бугунгача деярли бутун тадқиқотларда Амир Насруллоҳон бир инглиз дипломатининг қатлига сабабчи сифатида кўрсатилган. Бу ҳақда унинг дўсти капитан Гровер ва Британия ҳукумати ўша даврда қандай изоҳ берганлигига эътибор қаратайлик. Стоддартнинг ташрифи ва унинг ўлими билан боғлиқ жараёнларга бағишланган асарда Капитан Гровер шундай ифода этади:

*“Агар Стоддарт Бухорога амалга оширмақчи бўлган миссияси ҳақида мен билан маслаҳатлашганда эди, мен уни бундан қайтарган бўлар*

<sup>244</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Charles\\_Stoddart](https://en.wikipedia.org/wiki/Charles_Stoddart)

<sup>245</sup> <https://www.oxforddnb.com/view/10.1093/ref:odnb/9780198614128.001.0001/odnb-9780198614128-e-26550>

<sup>246</sup> Ўша вақтда Британия Ташқи ишлар секретарлиги жойлашган кўча.

<sup>247</sup> Sarah Emily Kendrick. Victims of Downing street: Popular pressure and the Press in the Stoddart and Conolly Affair. 1838 – 1845, Senior Independent Study Theses. Wooster University. 2016.

эдим. Стоддарт оддий аскар, аскарлик шарафининг нозик туйғусига эга мард ва жасур киши эди. Бироқ ўзини назорат қила оладиган кучга эга бўлмаган, ҳаракатчан инсондир. Бирор қалъага ҳужум қилиши ёки ҳимоя қилишида Стоддартдан яхши аскар топилмаслиги мумкин, бироқ дипломатик миссияда олдига қўйилган мақсадга эришиши учун муҳим бўлган совуққонлик ва ўзини назорат қилиши хусусияти унда умуман йўқ эди. Стоддарт бутун тўсиқларни енгиб Бухородан кета олиши мумкин эди, бироқ у Англия ҳукуматидан ўзини давлат кишиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат келишини кутган, бироқ бундай хат на ҳукумат, на ташқи ишлар идораси томонидан ёзилмаганди”<sup>248</sup>.

Гровер Британия Ташқи Ишлар идорасидаги (Foreign Office) Стоддарт билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш жараёнида бундай мазмундаги ҳужжатни кўрмаганлигини қайд этади. Бунинг сабабини муаллиф Стоддартнинг оқсуяк оиладан эмаслиги, парламентга ёки олий ҳокимиятга таъсирини ўтказа оладиган кучга эга қариндошлари бўлмагани билан изоҳланган. “Стоддарт оддий аскар эди, лекин оддий дипломат ҳам бўлмаган. Мунтазам ташқи алоқалар тизимига эга Англия ҳукумати шахс ҳаёти таҳликада бўлиши тез тез учраб турадиган бундай миссияга зиёли ва малакали дипломатни юбориши керак эди, деб ёзади”, Гровер<sup>249</sup>.

Капитан Гровернинг ўша даврдаги чиқишларига жавобан, тўғрироғи раддия характерида “Эдинбург таҳлили: ёки танқидий журнал” (The Edinburgh Review: Or Critical Journal)да аноним муаллиф<sup>250</sup> номидан эълон қилинган мақолада эса Стоддарт 1835 йил жаноб Эллис бошчилигида Эронга юборилган миссиянинг ҳарбий котиби лавозимига тайинлангани ва Эрондан Ўрта Осиё хонликларига Британиянинг Эрондаги расмий элчиси сэр Жон Макнил<sup>251</sup> тарафидан юборилган уч инглиз агенти (Хивага Шекспир, Қўқонга Конолли, Бухорога Стоддарт)дан бири бўлганини ёзган<sup>252</sup>.

---

<sup>248</sup> Captain Grover. The Bokhara victims, London. 1845. P. 4.

<sup>249</sup> Captain Grover. The Bokhara victims, P. 21 – 22.

<sup>250</sup> Бизнинг фикримизча, Британия ташқи ишлар идораси ёки уларга яқин бўлган шахс тарафидан ёзилган.

<sup>251</sup> Сэр Жон Макнил (Sir John M. Neill). “Progress and Present Position of Russia in the East”, (London, 1836) асари билан ҳам машҳурдир. У (1795 – 1883) дипломат ва жарроҳ бўлган, махфий маслаҳатчи ва 1836 йилда Британия ҳукумати томонидан Эрон шоҳи саройига элчи сифатида юборилган. [https://en.wikisource.org/wiki/Dictionary\\_of\\_National\\_Biography\\_1885\\_-\\_1900/McNeill,\\_John\\_\(1795-1883\)](https://en.wikisource.org/wiki/Dictionary_of_National_Biography_1885_-_1900/McNeill,_John_(1795-1883)).

<sup>252</sup> The Bokhara victims. By Captain Grover. Unattached. F.R.S. Svo. London 1845. Edinburgh Review: Or Critical Journal. (N-CLXV). July 1845. Cilt 166. P. 137.

Капитан Гровернинг маълумотига кўра эса, Англия Ташқи Ишлар идораси томонидан Стоддарт миссиясига оид ҳужжатларда у оддий саёҳатчи сифатида расмийлаштирилган<sup>253</sup>. Унинг фикрича, Чарлз Стоддарт ва капитан Конолли борасида Британия ҳукумати тарафидан Лорд Элленборгнинг Бухоро амирига ёзган мактубидан бошқа бирор бир жиддий иш қилинмаган эди. У Британия Ташқи ишлар ташкилоти ходимларининг Гроверга берган бу иш билан боғлиқ ҳужжатларни ўрганиш натижасида ана шундай хулосага келган. У асарида “...ҳатто юқорисидаги мактуб менга дастлабки вақтда лорд Абердин<sup>254</sup> кўрсатмасига кўра берилган ҳужжатлар ичида мавжуд эмас эди. Ташқи ишлар офисида жаноб Хэммонд тақдим этган ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш натижасида, бу бир дунё қоғозлар ичида мен Британия ҳукуматининг ўз асирларини қутқариб олиш учун бирор бир ҳаракат қилганлигини кўрсатувчи ҳеч қандай маълумот олмаганлигимдан ҳайратга тушдим. Шундан кейин, жаноб Хэммонд бошқа бир қутининг ичидан, ўша лорд Элленборгнинг тарихий мактубини чиқарди ва ғолибона назар билан менга боқиб, “мана кўр, капитан Гровер, биз ҳам нимадир қилдик”, деди. Хатни ўқир эканман, менинг ҳайратим янада ошди ва хатто қоғоз қўлимдан тушиб кетди ва мен жаноб Хэммондга қараб, “сен буни дўстим учун қилинган бир иш деб атаяпсанми, агар бу мактуб манзилга етиб борган бўлса, у менинг бахтсиз дўстимга жуда оғир зарба бўларди ва бизнинг барча ҳаракатларимиз энди фойдасиз, сен буни Британия ҳукуматининг ўз элчиларига ёрдам бериш учун қилган бир ҳаракати, деб ҳисоблайсанми, Бухоро амири икки инглиз офицерини ўзларини сохта йўл билан элчи деб атаган жосус ва айғоқчи сифатида ҳибсга олган. Лорд Элленборгнинг хатида нима дейилган? У ёзаяптики, Бухорода асирга олинган у икки инглиз, оддий саёҳатчиларнинг бутун ҳаракатларидан қиролича хабардор ва уларни ҳар қандай жазодан ҳимоя қилади ва олий ҳазратларининг уларни озод қилишга кўрсатма беришига ишонади, ва у уларни ҳеч қачон унинг мамлакати (Бухоро)га такрор кирмаслигига кафолат беради!”<sup>255</sup>.

Капитан Гровернинг берган маълумоти ҳамда лорд Элленборг мактубининг мазмунига кўра Британия ҳукумати Чарлз Стоддарт ва капи-

---

<sup>253</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 22.

<sup>254</sup> Лорд Абердин ( Lord Aberdeen – асл исми Жорж Хамилтон-Гордон, Абердиннинг 4-графи 1784 – 1860) 1828 – 1830 ва 1841 – 1846 йилларда Британия ташқи ишлар идораси, 1852 йилларда Британия бош вазири лавозимларида фаолият кўрсатган, консерватив сиёсатчи бўлган. <https://history.blog.gov.uk/2016/06/29/lord-aberdeen>.

<sup>255</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 40 – 42.



тан Коноллини ўзининг расмий элчилари сифатида тан олмаган. Ушбу фактлар бугунги кунгача Европа тарихшунослиги ва илмий жамоатчилигида кенг тарқалган “Бухоро зулми қурбонлари” фикрини қанчалик асосли эканлигига шубҳа уйғотади ва кишида бу икки инглиз офицери “ўз ёлғонлари қурбоними ёки инглиз ҳукуматининг?”, деган ўринли саволни туғдиради.

Икки инглиз офицерининг ўлимига нисбатан билдирилган муносабатларда, нафақат капитан Гровер, балки аксарият Европа давлатлари улар ўлимининг айбдори Англия ҳукумати эканлигини таъкидлаб, улар Британия томонидан махсус қурбон қилинган, деган фикрни илгари сурган. Хусусан, капитан Гровер дўсти Стоддарт аҳволи ва унинг ўлими тўғрисида Флоренцияда бир француз ҳарбийсидан эшитган. Француз генерали ва капитан Гровер ўртасидаги суҳбат жараёнида Гровердан Бухорода асирга тушган Стоддартни ҳаётига инглиз ҳукумати бефарқ қараганидан хабари бор ёки йўқлигини сўраган. Гровер эса ишонч билан инглиз ҳукумати бефарқ эмаслиги ва дўсти Стоддартни қутқариш учун давлат барча чораларни кўришини таъкидлаган. Француз генерали эса унга диққат билан қараб, уни воқеалардан хабардор эмаслигини англаган ва Гровердан “Сени ақлингга Британия ҳукумати уларни атайлаб қурбон қилди, деган фикр келмадими?”, деб сўраган<sup>256</sup>. Шунингдек, капитан Гровернинг таъкидлашича, унинг Жозеф Волфни Бухородан зарар етказмаган ҳолда ортга қайтариб олиш ва Стоддарт билан Конолли ишига ойдинлик киритиш мақсадида Санкт-Петербургга қилган сафари вақтида у ердаги кўпчилик Стоддарт ва Конолли Британия ҳукумати томонидан атайлаб қурбон қилинган, деган фикрни билдириб, бироқ улар ҳали ҳаёт эканлигини таъкидлашган. Уларнинг фикрича, Амир Насрулло Жозеф Волфнинг Бухорога ташрифидан хабар топгач, инглиз офицерларини Самарқандга сургун қилган<sup>257</sup>. Капитан Гровер рус офицерларининг бу фикрларига қаршилик билдириб, Британия ҳукуматини ҳимоя қилишга уринган, бироқ рус ҳарбийлари шундай саволлар беришганки, “уларга жавоб қайтаришга ожиз қолдим” дея, улар сўраган саволларни келтирган.

1. “Нима учун Британия ҳарбий кучлари Кобулни эгаллаб турган вақтида у офицерларни қутқариш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмади?”

2. “Сэр Ричмонд Шекспир Хивада бўлган вақтда Шекспирга уларни қутқариш тўғрисида ёки улар ҳақида маълумот йиғишга кўрсатма берилганмиди, агар берилмаган бўлса, нима учун?”

<sup>256</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 46.

<sup>257</sup> Ўша жойда. 227.

3. “Нима учун ҳукумат уларни элчи эмас балки “оддий саёҳатчи”, деб эътироф этди ва уларга нисбатан “жосус дея шубҳа уйғонишига сабаб бўлди?”

4. “Нима учун Британия ҳукумати у офицерларни юборди ва сўнг улардан воз кечиб, бадном қилди?”

5. “Нима учун Британия қироличаси Амирнинг хатига ўзи жавоб ёзмадан давлат котибига кўрсатма берди? Шарқ давлатлари одатларидан оз бўлса-да, хабардор бўлган ҳукумат раҳбари, Шарқ дипломатияси қоидасига кўра, Вазир ёки министр имзоси қўйилган хатларга эътибор берилмаган ва хоннинг мактубига олий ҳукмдор томонидан жавоб қайтарилмаслиги кечирилмас хато сифатида қабул қилинишини билиши лозим”<sup>258</sup>.

Бу даврда халқаро муносабатларда нафақат Шарқ, балки Ғарб давлатларида ҳам дипломатик мактуб ёзишнинг халқаро миқёсда қабул қилинган услуби ҳамда тартиби шаклланган ва унга бутун давлатлар тарафидан амал қилинган. Мактуб ёзишда, бир-бирига мурожаат қилаётган шахсларнинг мавқеи ва мақомига эътибор қаратилган. Ҳар бир мактуб муаллифи ўз мақомига тенг бўлган шахсга давлат номидан расмий хат ёза олган. Дипломатик мактубларда муҳр босилган ернинг ўзгариши ҳам турли низоларга сабаб бўлган бир даврда, расмий даражаси тенг бўлмаган шахснинг Хонга хат ёзишидан қарши тарафнинг норози бўлиши табиий ҳолат эди. Дипломатик муносабатлардаги бу халқаро мезон ва қоидалар, албатта, Британия ташқи ишлар идорасига ҳам маълум бўлган. Шу сабабли уларнинг бу ҳаракатини “great state strategy” (“Буюк Давлат стратегияси” ўзини қудратли давлат мақомида тутиш) сифатида изоҳлаш мумкин. Афсуски, бундай стратегиялар Стоддартники сингари ҳолларда ҳалокат билан яқунланган.

Стоддарт ва Конолли воқеасидан рус офицерларидан ташқари Германия ҳарбийлари ҳам хабардор бўлган. Гровер ўзининг Берлинга ташрифи вақтида немис ҳарбийлари билан суҳбатининг асосий мавзуси икки инглиз офицери тақдири тўғрисида бўлиб, “нима учун Британия ҳукумати ўз элчиларини қурбон қилди”, деган саволга такрор-такрор дуч келганлигини, немис газеталарида бу масала кенг ёритилгани, ҳар бир меҳмонхона кириш залларига газеталарнинг айнан ўша хабар ёзилган саҳифаси илиб қўйилганига гувоҳ бўлганлигини таъкидлаган<sup>259</sup>.

---

<sup>258</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 229.

<sup>259</sup> Ўша жойда. 228.

Гровер англиз газеталарида эса юкоридаги фикрларнинг акси ёзилгани ва уларнинг мазмунига кўра 1838 йилдан бери Стоддарт Амир томонидан сабабсиз ушлаб турилгани ва Бухоро хони Амир Насруллохон унга нисбатан ёмон муносабатда бўлаётганини ва бундай асоссиз хабарлар Британия халқида Бухоро амирига нисбатан нафрат уйғотаётгани, лекин бу нафрат нотўғри йўналишга қаратилгани, англиз офицерларининг ўлимида асосий айбдор Британия ҳукумати эканлигини таъкидлаб, фикрини қуйидагича изоҳлаган:

“Вазиятга оидинлик киритувчи қуйидаги оддий ва аниқ фактларга эътибор қаратинг. 1838 йил Британия офицери (Бухорога келган Стоддарт – С.Г.) ўзини Буюк Британия қироличасининг элчиси сифатида таништирган. Унинг қўлида эса қиролича вакили эканлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжат йўқ, шу сабабдан табиий ҳолда унга нисбатан шубҳа уйғонган. У зиндонга ташланган, озод қилинган, яна ҳибсга олинган ва такрор озодликка чиқарилган. Йиллар ўтсада у ўзини расмий элчи эканлигини такрорлайверган, бироқ унинг ҳукумати уни тан олмаган. Ўша “ёввойи” деб аталган Бухоро амири эса бирор бир қироллик, яна христианлик дунёси қироличасидек ҳукуматни, ўзи юборган одамни йиллар ўтсада эсга олмаслиги ва тан олмаслигини тасаввур қила олмаган. Демак, ўша Стоддарт жосус бўлиши шарт ва Шарқ халқлари одатларига кўра, у ўлимга лойиқ бўлган. Бизнинг, аслида сохта бўлган цивилизациямиз қоидаларига кўра ҳам, жосус сифатида қўлга олинган шахс осилган, бахтсиз Майор Эндри (Andre) жосус сифатида шубҳа қилиниб осилгани ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Шунинг учун ҳеч қачон Бухоро хонига айб қўймаслигимиз керак. У 1838 йилдан 1842 йилгача Стоддарт ваъда қилган хатни (Стоддарт Британия ҳукуматидан уни элчилигини тасдиқловчи хат келади, деб ваъда берган ва бу ҳақда Британия ҳукуматига, Англиянинг Техрондаги элчилик агентлигига хат ёзган) кутди; бу йиллар ичида хон англиз элчисининг ўз давлатидан хат келишига ишонтириб, ундан 3 ой муддат сўрагани учун ҳам атрофидаги сарой аъёнларининг Стоддарт ўлдирилиши кераклигини таъкидлашларига қарамай сабрли бўлди. Бухоро хони Стоддартга нафақат муддат берди, балки Британия ҳукуматидан келадиган хатни хонга дарҳол етказилишини таъминлаш мақсадида Эрон чегарасига махсус чопархона (post-house – почтахона) қурдирган. Аммо у хат ҳеч қачон келмаган. Бухорога етиб келган ягона хат, бу Стоддарт ва Коноллини “оддий саёҳатчи” эканлиги таъкидланган Ҳиндистон генерал губернатори лорд Элленборгнинг мактуби эди. Бухоро амири билан суҳбатлашган Жо-

зеф Волфнинг хабарига кўра шундан кейин ҳам Бухоро амири 1842 йил июль ойигача хатни кутган, сўнгра инглиз офицерларини жосуслик айби билан қатл этган. Йиллар давомида нафақат улар учун, балки уларни кутқариш учун юборилган Жозеф Волфнинг Бухорога зарарсиз етиб бориши учун ҳам Британия ҳукумати ҳеч қандай ёрдам бермади, шу сабабдан Волф Бухоро давлатига ўзини бир шахснинг илтимосига кўра келганини таъкидлашга мажбур бўлди”<sup>260</sup>.

Стоддарт ва Конолли ҳақида хабар олиш учун Бухорога ташриф буюрган Жозеф Волфнинг фикрича, Англия кўшинларининг Афғонистонга юриши Бухорони Англияга нисбатан муносабатини ўзгартиришига, Стоддарт ва Коноллининг ҳибсга олинишига сабаб бўлиши мумкин, бироқ уларнинг ўлимига эмас. Волф, агар Стоддарт ва Конолли ҳақиқатдан ўлдирилган бўлса, нима учун Бухородаги Шекапур карвонсаройидаги савдогарлар ҳеч қачон буни тасдиқлашмаган, чунки шундай бўлганда эди улар бу ҳақда жар солиб ҳар ерга тарқатиб юрган бўларди, дея баҳс юритади. Шунингдек, Волф Бухорода турган вақтида машҳадлик бир яхудийдан ишончли бир мактуб олгани, унда Волфни ўлганлиги ҳақида Машҳад ва Исфахонга хабар келганини ёзган ва Стоддарт ҳақидаги турли ёлғонлар ҳам шундай тарқалган, дея таъкидлаган<sup>261</sup>.

Стоддарт илк зиндонга ташланганидан сўнг, уни ўлди деб хабар тарқалишига ҳиротлик Солиҳ Муҳаммад исмли шахснинг ёлғон маълумоти сабаб бўлган. Британия Ташқи Ишлар идорасидаги ходимлар эса, бу хабарни текширмасдан уни ўлганлар рўйхатида эълон қилган. Улар ҳатто Бухорони қаерда жойлашгани ва мустақил алоҳида давлат эканлигини билмаган ва Эроннинг Бухоро шаҳрида вафот этди, деб ёзган<sup>262</sup>.

Сара Кэндрик, Фицрой Маклин ва Питер Хопкирклар эса ўз тадқиқотларида инглиз ҳарбийларининг ўлимига Британия ҳукуматининг масъулиятсизлиги ва асирга олинган вақтда уларнинг Амирни руҳсати бўлмасдан, яширин равишда ташқи дунё билан мулоқотга киришганлиги (жосуслик фаолияти билан шуғулланиш) сабаб бўлган, деб ҳисоблайди<sup>263</sup>.

Стоддартни озод қилиш масаласига Россия Ташқи ишлар коллегиясида ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Буни ўша даврда Россияга ташриф буюрган Бухоро элчиси билан Россия ташқи ишлар канцлери

---

<sup>260</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 233 – 235.

<sup>261</sup> Ўша жойда. 295 – 298.

<sup>262</sup> Captain Grover. The Bokhara victims. P. 23.

<sup>263</sup> Fitzroy MacLean, A Person From England: And Other Travelers (London. 1958. P. 80 – 82; Peter Hopkirk, The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia (New York. 1994. 230 – 236; Sarah Kendrick, Victims of Downing street. P. 7.

граф Нессельроде ўртасидаги куйидаги мулоқотда ҳам кузатиш мумкин: Канцлер элчига дедики, “умид қиламизки Бухоро элчилари Россияда қандай кутиб олинган бўлса Бутенев ҳам ўшандай кутиб олинади, эшитишимча, Амир ҳозирда сизларда бўлган инглиз Стоддартни элчингиз Муқинбек билан Россияга юборишни мўлжаллабди, бироқ хиваликларни ҳужум қилишини пайқаб қолгач, Муқинбекни ёлғиз юборибди. Амир томонидан қилинган бу ҳаракат Буюк Британия билан дўстона алоқада бўлган Россия учун жуда қувонарли, ... энг яхши йўл Стоддартни Россияга қарвон орқали Оренбургга юборишдир, у ердаги расмий вакилларимиз керакли барча тадбирларни қилади”. Инглиз агентининг озодлиги Россия учун Англия ҳукумати билан дўстона алоқасидан ташқари бошқа сабаблари ҳам бор эди. Шу сабабли Бутеневга Стоддартни озод қилишни қатъий талаб қилиш топширилган. Лорд Маркиз Кланрикарднинг (Британиянинг Петербургдаги элчиси) Стоддарт учун ёзган хати Перовскийга етказилган ва у Бутенев томонидан Бухорога юборилган, ушбу хат келгандан сўнг Канцлер Перовскийга: “энг сўнгги бухоролик элчининг сўзлари бизни Амир Насруллоҳ Стоддартни Россияга юбориш фикрига қарши эмаслигига ишонтиради, лорд Кланрикарднинг Стоддарт учун ёзган бу хати эса у инглиз офицерини ўз ҳиссиётларини енгиш ва бу вазиятдан фойдаланишга қарор беришига ёрдам беради. Уни Оренбургга етиб келиши учун сендан қўл остингдаги барча имкониятларни ишга солишингни сўрайман, уни дўстона шаклда кутиб ол ва дарҳол Петербургга юбор”<sup>264</sup>, деб ёзган.

Бухорога ташрифи давомида Бутенев Бухоро вазири Абдусамат хузурида қабул қилинган ва у ерда Стоддарт билан кўришган ҳамда Маркиз Кланрикарднинг мактубини унга топширган, ўша куннинг ўзида у махсус хабарчи орқали Стоддартдан жавоб олган<sup>265</sup>. Бутенев шунингдек, Амир Самарқанд сафарига кетишдан олдин Стоддартни Бутенев миссияси жойлашган уйда, унинг назорати остида қолишини тайинлаган. Стоддарт ўз оғзи билан бу ердаги ҳолатидан жуда мамнунлигини айтди, дея хабар берган<sup>266</sup>.

Бутенев томонидан рус амалдори П. Никифоровга ёзилган хатда эса шундай дейилган: “17 август куни мен бу ерга етиб келдим, Амирнинг алоҳида мурувватидан баҳраманд бўлдим. Бугунги кунгача менинг миссиям борасида Амир билан оғзаки бир суҳбатим бўлмади. Шундай

<sup>264</sup> Diplomatic relations between Russia and Bokhara, by Zalesoff, in *The Russians in Central Asia...* trans. Connecticut. 2007. P. 431 – 433.

<sup>265</sup> Ўша жойда. 442.

<sup>266</sup> Ўша жойда. 442.

бўлсада, эшитишимча Амир менинг талабларимга кўра Рус асирларини, шунингдек Стоддартни озод қилади. Амирнинг буйруғига биноан у бугун мен яшаётган ерга жойлаштирилди<sup>267</sup>.

Воқеалар ривожини Амир Насруллохоннинг Стоддартни рус элчилари билан юбориш фикридан қайтганини кўрсатади. Россия орқали юбориш фикрининг ўзгаришига нафақат Амир Насруллохон, балки Стоддарт тарафидан рус элчилари билан кетиш таклифини рад этганлиги ҳам сабаб бўлган. Бутенев ташрифи давомида Самарқандга кетган Амирдан рус элчисига келган мактубда Бухоронинг инглиз ҳукумати билан дўстона муносабат тарафдори эканлиги, қироличага Амир томонидан хат ёзилгани, ундан жавоб келгач, Стоддарт ва Конолли тўғри Англияга юборилиши баён этилганди<sup>268</sup>. 1841 йилда Амир Насрулло Баходирхондан Англия қироличаси номига мактуб келган. Унда Амир Британия билан шартнома тузиш таклифи билан бирга, агар Англия ҳукумати Стоддартнинг ўз элчиси эканлигини тасдиқласа уни озод қилишини ёзган<sup>269</sup>.

Капитан Гровер фикрларини танқидий таҳлил қилган мақола муаллифи эса, Жон Макнил томонидан Стоддартнинг бу миссияга бош қилиб юборишнинг ўзи хатолигини таъкидлаган. Аммо, Жон Макнил тарафидан миссияга берилган кўрсатмада Стоддартга Маймана ҳокими ёки Бухоро Амири билан мулоқотга киришиш белгиланмаган, деб ёзади муаллиф. Бундан ташқари муаллиф ушбу мақолани нашрга тайёрлаш вақтида Стоддартни ўз қўли билан ёзган кўрсатмаси нашриётга келганлиги ва бу кўрсатмада у илк маротаба зиндондан озод қилиниб, Амир томонидан афв этилгандан сўнг, Стоддарт Амир Насруллохон билан Британия қироличаси ўртасида келишув имзоланиши таклиф қилганлигини баён этганини ёзган<sup>270</sup>. Мақола муаллифи Стоддарт қўли билан ёзилган бу

---

<sup>267</sup> Ўша жойда. 444.

<sup>268</sup> Diplomatic relations between Russia and Bokhara, PP. 447 – 449.

<sup>269</sup> Emir Nasrullah to Queen Victoria, 14 March 1841, National Archives, Foreign Office Series 60, vol. 82, Kew, England; Captain Grover. The Bokhara victims. P. 31.

<sup>270</sup> Ҳақиқатдан ҳам, бу вақтда Сэр Уильям Макнахтен (Sir William Hay Macnaghten) томонидан Британия қироличаси ва Амирга ёзган форс тилидаги мактуб билан бирга Бухоро амирига кўриб чиқиш ва таклифларини билдириш учун юборилган. Ушбу келишув матнига Макнахтен ва Афғонистонни ўша вақтдаги вазири Шоҳ Шужонинг муҳри босилганди. Сэр Макнахтен, (1793 – 1841) афғон-инглиз уруши (1839 – 1842) даврида Британия агенти сифатида Қобулда фаолият кўрсатган ва шу ерда ўлдирилган. 1809 йилдан бери Ҳиндистоннинг Мадрас ва Бенгал шаҳарларида бир дипломат сифатида фаолият кўрсатган, мусулмон конунчилиги ва Шарк тиллари бўйича мутахассис ҳисобланган. Макнахтен кейинчалик Афғонистонда тахт учун курашда Дўст Муҳаммадхонга қарши Шоҳ Шужжани қўллаб қувватлаган. 1841 йил Афғонистонда ўлдирилган. Edinburgh review. P. 139, 155; <https://www.britannica.com/biography/Sir-William-Hay-Macnaghten-Baronet>.

кўрсатмада кўплаб имловий хатолар мавжудлигини таъкидлаб, расмий муҳим ҳужжатда бунчалик хато қилган инсонга қанчалик ишониш мумкин, деган саволни кўяди<sup>271</sup>. Эдинбург журналидаги мақола муаллифи воқеага холис баҳо бераётгани ва капитан Гровернинг аксарият фикрлари асоссиз эканлиги, бу халқни қиролича ва Британия ҳукуматига қарши қишқиртиришга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлаган. Муаллиф очиқ баён этмаган бўлсада, унинг илгари сурган фикрлари содир бўлган воқеанинг асосий айбдори Стоддарт, деган хулосани келтириб чиқаради. Шунингдек муаллиф, Британия ҳукумати ҳам инглиз офицерларини қутқариш учун бир қатор ишлар амалга оширганлигини таъкидлаган. Гарчи шахсан олий ҳукумат ҳаракат қилмаган бўлсада, бироқ унинг Осиёдаги кўплаб агентлари, жумладан, Стоддарт илк зиндонга ташланганда Британиянинг Ҳиротдаги сиёсий агенти лейтенант Поттингер Амирга хат ёзгани, бироқ жавоб ололмагани, сўнгра Британиянинг Кобулдаги вакиллари Сэр Жон Кин ва Уильям Макнахтен номидан инглиз ва форс тилларида Насруллоҳонга мактуб йўллангани, унда дўстона муносабатда унинг саройига юборилган Стоддартни озод қилиши ва Қобулга юборилиши сўралганди, дея баён этган муаллиф. Бундан ташқари муаллиф 1839 йилда Британиянинг Ҳиротдаги элчиси майор Тодд, Ҳиротнинг бош қозиси Саид Муҳаммадни (муаллифнинг бу маълумоти нотўғри бўлиб, элчи сифатида бош қози эмас, балки унинг ўғли Солиҳ Муҳаммад кетган) Бухорога Стоддартни озод қилишини сўраб Амир ҳузурига элчи сифатида жўнатгани ва элчида жаноб Тодд, Ҳирот ҳокими Камрон шоҳ ва унинг вазири Ёрмуҳаммадхонларнинг Амир Насруллоҳ номига битилган мактуби бўлганини хабар берган. Мақола муаллифи шунингдек, Хива хони орқали Стоддартни қутқаришга ҳаракат қилган капитан Абботни тилга олган. Унинг маълумотига кўра, лорд Пальмерстон Кобул, Ҳирот ва Хива ҳукмдорлари орқали инглиз ҳарбийларини Бухородан олиш учун курашган. Британиянинг Истанбул ва Санкт-Петербургдаги элчиларига Россия ва Усмонли султонларидан ёрдам сўрашларини истаб мурожаат қилган.

Бутенев миссияси ҳисоботлари ва Усмонли султонлиги архивида мақола муаллифининг фикрини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд. Хусусан, улар қаторида “Идаре-йи Харижия” (Ташқи ишлар нозирлиги) ҳужжатлари бўлимида:

---

<sup>271</sup> Edinburgh review. P. 139.

1. “Buhara tarafinde mahbus bulunan İngiltereli ofiçiyallere dair hususlar” – Бухорода асир олинган инглиз офицерларга оид масалалар<sup>272</sup>.

2. İngiltere Devleti ofiçiyallerinden Buhara’da hapsolunmuş bir şahıs için name-i hümayun yazılması. – Англия давлати офицерларидан Бухорода асир қилинган бир шахс учун олий ҳукмдор номидан мактуб ёзилиши<sup>273</sup>.

Бундан ташқари навкарлар ичида турли касб эгалари, қайиқчи, мил-тиқсоз, темирчи, йўнувчи, кулол<sup>483</sup>, карнайчи ва сурнайчилар бўлганли-ги, улар ҳарбий ҳаракатлар ва тинчлик пайтида ҳам хонликда асосий ўрин тутганлиги ҳужжатларда қайд этиб ўтилади.

1854 йилга оид бир архив ҳужжатида хонликда навкарларга берил-ган милтиқларнинг рўйхати, созанда навкарлар, баҳодирлар дастаси ва юзбошилари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, ушбу ҳужжатда ёзилишича Чинқули, Паҳлавонниёз, Муҳаммад Расул, Олло-ёр ва Гадойниёз юзбошиларнинг ҳар йигирма навкарига чақмоқ мил-тиқ берилган<sup>484</sup>. Шунингдек, юзбошиларнинг ҳам ўз навкарлари бўлиб, уларнинг моддий таъминоти билан бевосита ўзлари шуғулланган.

Ҳарбий хизматга олинганларнинг махсус рўйхати тузилиб, ҳар бир аскарнинг номи ва унга берилган от-улови махсус дафтарларда, ҳар-бий амалдорлар, хон девони томонидан ёки *масжид*ларда ёзиб борил-ган. Шунингдек, ушбу рўйхатларда ҳарбий хизматга олинганлар қайси вилоят, масжиддан олинганлиги ва кимнинг фарзанди эканлиги ҳамда

<sup>483</sup> Ўзбекистон Миллий архиви И-125-фонд, 2-рўйхат, 566-йиғмажилд.

<sup>484</sup> Ўша жойда. 125, 2-рўйхат, 552-йиғмажилд.

оилада катта ёки кичиклиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам қайд этилган. Хусусан, архив ҳужжатларида бу тўғрисида қуйидагича маълумот келтирилади. Чоткузидаклидаги 1 масжиддан 2 сарбоз навкар, Чигатойли масжид Саидниёз арбобдан 2 сарбоз навкар, Отаниёз купак масжиддан 1 навкар, Қиёт Ҳафаслидаги 3 масжиддан 3 навкар, Боғлонлидаги 4 масжиддан 6 навкар, Шоҳободлидаги 2 масжиддан 3 сарбоз навкар, Дурмонлидаги 3 масжиддан 4 сарбоз навкар, Котлидаги 3 масжиддан 3 сарбоз навкар, Божқирлидаги 2 масжиддан 1 сарбоз навкар олинган<sup>485</sup>. Ҳарбий хизматга олинганлар исми устига кабир (катта) ва сағир (кичик) деб ёзилган. Ҳарбий хизматга ярамайдиган кишилар исми устига “*яра-мас*” деб ёзилган.

Айрим ҳолларда ота-оналар томонидан ўз фарзандларини ҳарбий хизматдан бўшатиш тўғрисида хон ёки юқори амалдор номига хат билан мурожаат этганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам архив ҳужжатларида учрайди. Улардан бирида шундай ёзилади: “*Дуои била ниҳойи (?) адосидин сўнгра, бу ким Худойберган мингбоши ва Қурбон Ниёз юзбошига маълум бусунким, ёрлиқтор Муҳаммад Карим суфимизнинг жияни Оллоқули андин булгондин (?) бири ўзи била бирга ўз фарзанди турур, ани шамхолчи хатиға солгон эрканлар. Оллоқулининг хатиғи кўргани, Муҳаммад Карим суфининг кўргани “аввал худони, андин сўнг хон ҳазратни” билиб бизнинг (?) дуои хайримизни олсалар, шул бечора, мазлумларни хатдин учуруб халос этгайлармиз, ҳам алардин зиёда, зиёда миннатдор турурмиз, иншоолло... дуои хайрларини қилиб ётиб-миз, албатта, албатта ўзларидин бизни хушнуд эйтгайлар деб хат битилди*”<sup>486</sup>.

Айрим рус ва бошқа манбаларда хонликда ҳарбийларга мунтазам равишда маош берилмаганлиги тўғрисида маълумот учрайди. Бирок архив ҳужжатларини ўрганиш орқали шуни кўриш мумкинки хонликда мунтазам армия шакланган бўлиб, ҳарбийларга давлат томонидан маълум бир миқдорда маош берилган. Навкарларга ҳар йили маош бериб борилганлигини қуйидаги маълумот тасдиқлайди. Хусусан, 1849 йил шамхолчилар 15-40 тилло, юзбошилар 5-10 тилло, тўпчилар 10-30 тилло, мерганлар 1-6 тиллодан, вилоятлардаги ҳарбий амалдорлар 5-50 тиллодан маош олганлиги ёзилган<sup>487</sup>. Шунингдек, бошқа бир ҳужжатда тўрт жазоирчи (тўпчи)га 10 тилло, тўпни созлайдиган темирчи ва дурад-

<sup>485</sup> Ўша жойда. 125, 2-рўйхат, 559-ийғмажилд.

<sup>486</sup> Ўзбекистон Миллий архиви И-125-фонд, 2-рўйхат, 104-ийғмажилд.

<sup>487</sup> Ўша жойда. 125, 2-рўйхат, 523-ийғмажилд.

горга 2 тилло, чакмоқсоз (милтиқ) усталарга 10 тилло, юк кўтарадиган 10 навкарга 10 тилло, қайиқчи 10 навкарга 10 тилло берилганлиги хужжатда қайд этилган<sup>488</sup>.

Хужжатларда акс этган воқеа-ҳодисалар асосида, уларни манбалар билан солиштирган ҳолда тарихимизнинг очилмаган, муаммоли саҳифаларини ўрганишимиз мумкин. Хива хонлигига тегишли хужжатларнинг ичидан 21 тасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Хужжатларнинг ўлчами, ундаги муҳрларнинг шакли, камчиликлари матнда кўрсатиб ўтилди. Хужжатларда, асосан, турли даврларда ҳарбийларни молиявий таъминлаш ҳолатлари, мансабга қўйиш ва ҳарбий ҳаракатлар жараёнидаги муаммоли жиҳатларига эътибор қаратилган.

Ушбу ўрганилган хужжатларни 3 та гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- 1) Ҳарбийларни молиявий таъминлаш; 2) Мансабларга тайинлаш; 3) Ҳарбий ҳаракатларга доир хужжатлар.

*Биринчи гуруҳга* кирувчи расмий хужжатларни ўрганиш жараёнида ҳарбийларга маош пул, “тилло” кўринишида берилганлиги ёзиб қолдирилган. Буни ўрганилган ёрликлар ёки бошқа ҳолатларда қўшбеги, меҳтар ҳамда шу соҳага масъул бўлган бирон амалдор томонидан ёзилган хужжатларда кўриш мумкин.

Архив хужжатларини ўрганишдан аён бўладики, ҳар бир навкарга маошни пул кўринишида бериш мақсадида, маълум бир миқдордаги ер хон томонидан алоҳида муҳр билан тасдиқланган ҳолда сотилган. Бунда берилган ернинг худуди аниқ ҳисоб-китоблар билан амалга оширилган. Хусусан, Оллоқулихон (1825 – 1842) томонидан навкарнинг маоши учун ер сотилганлиги ва уни ўз муҳри билан тасдиқлаб берилганлигини куйидаги хужжатда кўриш мумкин:

Хужжат қоғоз ўлчами 21.7x40.1 см., юқорида кўзали шаклда хон муҳри босилган бўлиб, ўлчами 2.2x3.5 см, пастда иккита думалоқ қозиларнинг муҳри бўлиб, уларнинг ўлчами 4.2x4.2 ва 4.4x4.4 см.ни ташкил этади. Хужжатнинг бошланиши Оллоқулихон исми билан бошланади<sup>489</sup>:

(۱) ابو الغازی ابو المظفر و المنصور الله قلی محمد بهادر خان سوزومیز

Бундан кейин мақтов сўзлари ва хатдаги асосий мазмун берилади:

(۲) عنایت شاهانه میزدین سرافراز قیلیب نایمان ایاقی

(۳) آتلیغ موضعداغی مملکیه پادشاهی غه متعلق یردین تخمینا اون مینک طناب

(۴) یرنی نوکر موجبی اوچون امین الدوله الغلیه خادم اخلاص ملازم محمد مراد بیک نینک اوغلی

محمد رضا قوشبیکی کا

<sup>488</sup> XIX аср Хива давлат хужжатлари. М.Й. Йўлдошев таҳрири остида. II том. Тошкент. 1960. 77-дафтар. 88. 6.

<sup>489</sup> Ўзбекистон Миллий архиви И-125-фонд, 2-рўйхат, 8-йиғмажилд.

- (۵) اون مینک طلاى رایج الوقت غه ساتتوق مع قبوله ایاه حدود اربعه سى بو طریقه دا دورکیم
- (۶) کونچقاری قیلیچ نیاز باى نینک یارغان سالمه سى آرقاسى کهنه دریالیق کون باتاری چاغات قبله سى آرنه
- (۷) ایمدى بو فرمان عالی مضمونیغه آگاه بولغاچ بو معلوم الحدود یرنی مشار الیه نینک ملک حالصی بیلیب
- (۸) احدی و آفریده داخل و مزاحم بولماسون و اوزیدین سونکرا اوغلان لاری نینک ملکی بولسون
- (۹) بطنا بعد بطن قرنا بعد قرن الی ان یرث الله الارض و هو خیرالوار ثین هرکیم نفسانیت
- (۱۰) یولیغه توشوب آلسه و یا آلورغه سعی قیلسه لعنت ایدیغه سزاوار بولسون دیب حکمعالی رقم
- تاپدی ۳۴۲۱
- مهپر: (۱) الله قلی محمد بهادرخان یا الله ۰۴۲۱

Хужжатларнинг ҳаммаси хоннинг исми билан бошланган ва унинг нисбалари келтирилиб, “Хон сўзимиз” деб таъкидланган. Хусусан, Хива хони Оллоқулихон томонидан ҳижрий 1243/1827 – 1828 йилда чиқарилган ушбу ёрлик навкарларга маош тўлаш мақсадида хонликнинг Найман оёки мавзесидаги давлатга тегишли ўн минг таноб ерни сотиш тўғрисида. Ер-мулк Муҳаммад Муродбекнинг ўғли Муҳаммад Ризо қўшбегига ўша вақтда мавжуд бўлган пул, яъни ўн минг тиллога (*ройиш ал-вақтга*) сотилганлиги қайд этилган. Ёрликда сотилган ер-мулкнинг ҳудуди аниқ кўрсатилиб, кунчиқари Қилич Ниёзбойнинг катта ариғи (*ёргон солмаси*), орқаси эски дарё (*кўҳна дарёлик*), кунботари Чағат, қибла томони канал (*арна*) билан чегараланган. Ушбу фармон мазмунидан огоҳ бўлган барча бу ер-мулкни Муҳаммад Ризо қўшбегининг шахсий мулки (*мулки холиси*) деб билиши, мулк ягона Яратувчига (*аҳади ва офарида-и*) дахлдорлиги, унга зиён ва озор етмаслиги, ўзидан кейин фарзандлари, авлодлари мулки бўлиб қолиши таъкидланган. Хужжат охирида Қуръони каримдан оят келтирилиб, бундан кейин, ҳар ким нафс йўлига кириб, ушбу ер-мулкни олишга ҳаракат қилса абадий лаънатга учрасин деб ёзилган. Ёрлик хон ва қозиларнинг муҳри билан тасдиқланган.

Юқорида қайд этилганидек, ҳарбийларнинг молиявий таъминоти, уларга ер ажратиш тўғрисидаги маълумотлар фақат архив хужжатларида эмас, балки маҳаллий манбаларда ҳам келади. Бундан ҳарбийларни молиявий таъминлашда турли усуллардан фойдаланилганлигини кўриш мумкин. Фақат юқори мансабдагиларгина эмас, балки навкарларга ҳам маълум бир миқдорда ер тақсимлаб берилганлиги, 1851 йилда Эрондан Хивага элчи бўлиб келган Ризоқулихон Ҳидоят ўзининг “Сафаратномаи Хоразм” асарида қуйидагича келтиради: “Кимга бир таноб ер берган бўлса, уруш чиқиш пайти ўша одам юришда қатнашиш

учун битта чавандоз бериши шарт, кимга ўн таноб ер берган бўлса, ўша одам ўнта суворий бериши керак... Мабодо шу ҳарбий сафарда биронтанинг оти ё туяси ўлса, хондан товон пулисини олади. Урушдан қайтилгач эса, ҳар бир суворийга беш туман<sup>490</sup> (ўн минг) инъом қилинади. Хон хизмат маоши сифатида ҳеч кимга эллик тумандан ортиқ ҳақ тўламайди. Шунинг учун ҳам вилоят обод, ҳам давлат хазинаси сира бўшаб қолмайди”<sup>491</sup>. Мунис ўзининг асарида ҳукмдор томонидан ҳар бир таноб ер олган киши юриш вақтида битта суворий бериши, 10 таноб ер олган киши эса 10 нафар суворий бериши керак бўлганлигини ёзиб ўтади<sup>492</sup>.

Хива хонлари архивини ўрганган Ю.Э. Брегель хонлар томонидан ҳарбийларга пул бериш мақсадида фақат ер-мулк сотиш эмас, балки уларга қилган хизмати эвазига эллик танобдан ер берилганлиги тўғрисида ҳам қуйидагиларни қайд этган: “Шоҳбек, Холмуҳаммадбой ва Рамазон мушрифга улким иноқ валинаъми ўттиз тўққиз човдар навкарларига бўз ёфини оёқидин ҳар бирига эллик танобдин ер ўлчаб берсун”<sup>493</sup>.

П.П.Иванов томонидан Хива хонларига тегишли ҳужжатлар ўрганилганда, хонликдаги мукофотлашнинг бошқа жиҳатларини ҳам қайд этади: “Бечин (маймун) йили зу-л-қаъда ойинда такадин асир тушганларга берилган тиллонинг хати 1264 (1847)”, яъни агар биронта асир қўлга олинса, уни ушлаб келганга 1 тиллодан 3 тиллогача миқдорда пул мукофоти берган<sup>494</sup>. Юқоридаги иқтибосдан кўринадики, хонликда муайян тартиб (қатъий қонун-қоидалар) жорий этилган бўлиб, у барча чиқимларни ўз вақтида қайд этиб бориш учун ишончли ҳуқуқий замин яратган.

Хонликдаги молиявий қирим-чиқим махсус тайинланган кишилар томонидан қатъий тартиб асосида аниқ ёзиб борилган. Хонлик хазинасидан кетадиган сарф-харажатлар махсус чиқим дафтарига киритиб борилган. Улардан бирида ҳижрий 1273 (1857) йили хонликдаги юқори мансаблардан бўлган амир-ул-умаро – 500 тилло, иноқбек – 400 тилло, бийоқо – 300 тилло, бекларбеги – 200 тилло, ясовулбоши – 100 тилло, юзбошилар – 5 тиллодан 30 тиллогача маош (айрим ҳолларда бундан ҳам кўпроқ пул мукофоти олишган) олганлиги ёзилади<sup>495</sup>.

<sup>490</sup> *Ўн минг*. Қаранг: Навоий асарлари лугати. Тошкент, 1972. 616-бет.

<sup>491</sup> Хоразм сафари кундаликлари. Муҳаммад Алихон Ғафур: “Хоразм сафари кундалиги”. Ри-зоқулихон Ҳидоят: “Сафаратномаи Хоразм”. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2009. 190-бет.

<sup>492</sup> Фирдаус-уль-Иқбаль. Материалы по истории туркмен и туркмении. Том II. XVI – XIX вв. Иранские, Бухарские и Хивинские источники. Под редакцией акад. В.В. Струве, А.К. Боровкова, А.А. Ромаскевича и П.П. Иванова. Изд. академии наук СССР. Москва. 1938. С. 296.

<sup>493</sup> Ю.Э. Брегель. Хорезмские Туркмены в XIX веке. Москва, 1961. С. 231.

<sup>494</sup> П.П. Иванов. Архив Хивинских ханов XIX в. Л. 1940. С. 175.

<sup>495</sup> Ўзбекистон Миллий архиви И-125-фонд, 2-рўйхат, 528-йиғмажилд.

Хива хонлигидаги ҳарбийларнинг таъминотига дахлдор масала ўта мураккаб бўлиб, унинг ўзак ечими хон томонидан бериладиган турли мукофотлар ва ер-сув каби мулкларни инобатга олган ҳолда ҳал этилган. Давлат баҳоли қудрат ҳарбийларнинг моддий эҳтиёжларини турли йўллар билан қондиришга ҳаракат қилган. Ҳарбийларга гарчи номунтазам равишда бўлса-да, лекин маош бериб турилган, унинг миқдори эса ҳарбийларнинг мансабига қараб белгиланган. Оллоқулихон томонидан чиқарилган ёрликда ҳарбийларни молиявий таъминлаш учун давлат томонидан катта эътибор берилганлигини, бу эса кейинчалик бошқа ҳужжатлар орқали тизимли равишда амалга оширилганлигини кўрамыз.

*Иккинчи гуруҳга* киритилган расмий ҳужжатларда Хива хони томонидан мансабга тайинланганлиги ва бу борада айрим тартиб-қоидалар ҳужжатларда акс этганини кўрамыз. Бу эса ҳозирги кундаги қонунчилик нормаларига тўғри келади.

Хива хони Оллоқулихон томонидан ҳижрий 1241/1825 – 1826 йилда чиқарилган ёрликда Кўнғирот қалъаси ҳокими (*бий*) бўлган Бердибийнинг ўрнига Қутлуғмуроднинг тайинланганлиги қайд этилган<sup>496</sup>. Ҳужжатда ушбу ёрликмазмунидан хабардор бўлган барча, аввалги бийга қилган иззат-икром ва ҳурматини, бундан кейин янги тайинланган бийга қилишлиги, унинг маслаҳатидан чиқмай, бўйсунуши лозимлиги таъкидланган. Агар кимки ёрликда айтилганларни адо этишни вожиб билмай (*вожиб ал-имтисол*) қаршилиқ (*муаддосига*) қилса, подшоҳ томонидан жазоланиши, яъни *сийёсати подшоҳонага* дучор бўлиши уқтирилган. Ёрлик охирида “тарихи ҳижрий минг тақи икки юз қирқ бирда Хивақ дор ал-салтанасида “Аллоҳ ўт балосидан ва сув балосидан, офатдан сақласин” (*санаҳа Аллоҳу ʻан ал-ҳарақ ваʻл-ғарақ*), ҳукми олий рақам топди” деб тугаган ва хон муҳри билан тасдиқланган.

Ҳужжат ўлчами 30x45 см бўлиб, настаълиқ, қора сиёҳда, маҳаллий шилдиروق қоғозда ёзилган. Ушбу ҳужжатнинг тепасида кўза шаклида хон муҳри бўлиб, ўлчами 2.2x3.5 см.

Яна бир ҳужжат қози ва раиснинг мансабга тайинланганлиги ҳақидаги хон ёрлиғи бўлиб, бу ерда уларнинг вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари аҳолининг ҳам бурчлари ёзиб қўйилган.

Ҳужжатда хон исми ва нисбалари келтирилиб, “Хоразмшоҳ сўзимиз” деб бошланган. Аввалги ҳужжатларда ҳукмдорлар ўзларини “Хоразмшоҳ” деб атаганлиги сабаб, ушбу ҳужжат бошланишида ҳам айнан шу тарзда келтирилган. Хива хони Муҳаммад Амин Баҳодирхон (1846 – 1855)

<sup>496</sup> Ўзбекистон Миллий архиви И-125-фонд, 2-рўйхат, 7-йиғмажилд, 1-варак.



томонидан хижрий 1266 товук йили 18 робби ул-аввал/1850 йил 1 февралда чиқарилган ёрликда Қибчок (Қипчок) қалъасидаги домулла Аваз Балхўжа ва мулла Аваз Боқи махдумнинг ўрниларига, домулла Муҳаммад Мурод ва домулла Муҳаммад Ниёзни биргаликда (*бил иштирок*) қози ва раис этиб тайинланганлиги қайд этилган<sup>497</sup>. Ёрлик мазмунида мансабга тайинланган шахслар инсоф ва диёнат билан иш юритишлиги, чиқарилган ҳукномаларнинг маъносини билишлиги (*сижиллат*), мерос (*тарақат*) ва етимларни (*айтам*) ҳимоя қилишлиги, мусулмонларга дин ва расм-русм, илмдан (*ойинларин*) таълим беришлиги, мулла, имом ва муаззинларни текширишлиги (*тахқиқлаб*), одамларнинг фарзандларини мактабга юбортиришлиги, аҳолини намоз ўқишга тарғиб этиш, шариат қоидаларига бўйсунмаганларни жазолаб, қўлидан келгунча шариат аҳкомларининг бажарилишини назорат қилиши лозимлиги ёзилган. Ёрлик мазмунидан хабардор бўлган қалъа аҳолиси, мазкур икки шахсни ўзларига биргаликдаги вазибаларни бажарувчи қози ва раис билиб, ҳар қандай арзлари бўлса уларга айтиб, уйланиш расм-русмларини бажаришда уларга имзо қўйдиришлиги, бунинг учун тўланадиган маблағларни беришлиги, яхшиликни тарғиб этиб, ёмонликдан қайтишлиги таъкидланган. Ёрлик мазмунида ёзилган ишларга қарши хилоф иш қилишдан тийилиш лозимлиги айтилган. Қози ва мазкур шахс (раис) аҳоли билан маслаҳат қилиб, айтилган ишни бажариш ваъдасидан чиқиш кераклиги қайд этилади. Кимдир ҳужжат мазмунига хилоф иш қилса, подшоликнинг ғазабига учраши таъкидланган. Ёрлик сўнгида Хоразмда деб ёзилиб, хон муҳри билан тасдиқланган.

Ҳужжат ўлчами 22.2x35 см бўлиб, настаълиқ хатида, қора сиёҳда маҳаллий шилдироқ қоғозда ёзилган. Тепада кўза шаклида хоннинг муҳри босилган бўлиб, 2.5x5.1 см.

Ҳарбий ҳаракатларда Олий ҳарбий қўмондон хоннинг ўзи ёки у томонидан тайинланган саркарда ва ясовулбошилар қўшинга бош бўлиб, жангга борганлар. Улар хонни қўриқлаш ишларига ҳам маъсул бўлган. Ясовулбошининг ёрдамчилари ясовуллар деб аталган. Ясовуллар хон номига келган арзномаларни ҳам текширганлар. Арзномани текшириш учун хондан махсус фармон олиб ўша жойга борганлар. Текшириш ишлари тамом бўлгандан кейин, ясовулбоши саройдан бошлаб босилган ҳар бир тош (18 чақирим) масофа учун арзчидан ўз фойдасига уч ярим танга ундириб олган<sup>498</sup>. Бундан ташқари улар хонликдаги канал қозиш ишларини назорат қилганлар.

<sup>497</sup> Ўша жойда. 15-йиғмажилд, 1-варақ.

<sup>498</sup> М.Й. Йўлдошев. Хива хонлигида феодализмнинг тарқалиши ва давлат тузилиши. Тошкент. 1959. 284-бет.

Хонликдаги бошқа ҳарбий унвон эгаси бўлган шахсий айғоқчилар “бухри” деб аталган ҳамда хазинадан 20 тилло микдорда маош олиб турганлар<sup>499</sup>. Бу маблағ уларга оиласини боқиш учун бемалол етганлиги сабабли бухрилар хонга сидқидилдан хизмат қилганлар.

1864 йилнинг декабрида Хивага келган венгриялик сайёҳ Арминий Вамбери (1832 – 1913) ўзининг “Ўрта Осиёга саёҳат” асарида хон навкарлари таркибини уч гуруҳга бўлинишлигини қайд этиб ўтади. Бунда, биринчи таркибга кирувчи 2, 3, 4 ва 5 гуруҳлар (навкарлар) бевосита хон томонидан тайинланиб, улар хонга содиқ кишилар бўлиб, ҳеч қачон алмаштирилмаган, иккинчи гуруҳ таркибига кирувчи 6, 7, 8 ва 9 гуруҳлар белгиланган микдорда маош олганлар, учинчи гуруҳдагилар фақат уруш ҳолатда чақирилган ҳамда уларга от ва қурол берилган, шунинг билан бирга солиқлардан озод этилган<sup>500</sup>.

Учинчи гуруҳга киритган ҳужжатларимизда ҳарбий ҳаракатлар, улардаги саркардалар ва уларга берилган топшириқлар ёзилган.

Ҳужжат бошланишида аввалгидек хон исми ва нисбалари келтирилиб, “Хон сўзимиз” деб бошланади. Хива хони Муҳаммад Амин Баҳодирхон томонидан ҳижрий 1269 йил 19 зу-л-қаъда/1853 йил 24 августда чиқарилган ёрлиғида Марвга қилинган ҳарбий юриш тавсифи келтирилган. Унда муҳаббат ва дўстлик юзасидан, яхшилик ва қувонч ҳамроҳи бўлган Тангрикули тўра, Муҳаммад Мусо тўра, Султонғози тўра, Бобожонбек, Исо тўра, Муҳаммад Ризо тўра, Бобожонбек, Султонмурод, Саййид Розибек, Абдулла тўра, Муҳаммад Ниёзбек, Абдуқодирбек ва Темурғозибеклар ёрлиқни кўргач, Марв томон ҳарбий ҳаракатни амалга оширганлиги таъкидланган. Марв дарёсидан ўтиб, сариқ уруғи қалъасининг қарама-қаршисида (*муқобиласида*) бир нечта қалъалар барпо эттирган. Ишончли кишилардан Мир Аҳмадхон Ҳирот ҳокими Саййид Муҳаммад саркорнинг илтимоси билан Ҳирот жанубига қўшинга бош қилиб, ғалла олиб келиш учун бир неча минг туя билан юборилади. Мир Аҳмадхон Ҳирот тарафига бориб ҳазора уруғи билан жанг қилиб, унинг хони Каримдоднинг бошини кесиб, Бунёдхоннинг неварасини унинг ўрнига ҳоким қилиб қўйиб, 150 аҳолини кўчириб Ҳиротга юборади. Шу билан бирга, Ҳирот ҳокими қўшимча равишда яна юборилган туяларга арпа, ун, гуруч, ўқ, дори

---

<sup>499</sup> XIX аср Хива давлат ҳужжатлари. М.Й. Йўлдошев таҳрири остида. II том. Тошкент. 1960. 345-бет; У. Бекмуҳаммад. Ҳарбий ҳйллалар. Тошкент. 2008. 40-бет.

<sup>500</sup> Путешествие по Средней Азии венгерского ориенталиста Арминия Вамбери (1863). История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20–80-е годы XIX в.). Б.В. Составитель. Лунин. Тошкент. 1990. С. 148.

(порох) юклаб, ўзи Мир Аҳмадхон билан гаплашганлиги айтилади. Маймана ва Ферузкоҳ (ҳозирда Афғонистон худуди) ҳокимлари ҳам ўзининг лашкари ва тўпхонаси билан хон хизматига келмоқчилиги хабари келади. Бу вақтда хон қўшини сариқ уруғи турган қалъани тўрт томондан қуршаб олиб, тўп ва замбараклардан ўқ отиб жанг қилаётганди. Сариқлар қалъа ичидан чиқиб, Йулутан, Қароёф, Чоржуй тарафга қочиб қаршилик кўрсатади. Шу сабабдан, Муҳаммад Аминхон Оллоқулибекни ота халқи билан Йўлутанда қоровуллиққа қўйиб, мазкур ойнанинг ўн иккинчиси, сешанба куни Қароёфга келиб қалъа солиб, Махдиқулибекни бу ерда қолдириб, ўзи Хивага қараб қайтади. Иноятнома хон муҳри билан тасдиқланган.

Огаҳий ҳам ўзининг асарида бу маълумотларни тасдиқлаб ўтади. Унинг ёзишича Муҳаммад Аминхон томонидан Марвга бир қанча ҳарбий юришлар амалга оширган бўлиб, бу ҳақида шундай ёзади, “Ул ҳазрат амрои аъзам ва сархил карамдин Мир Муҳаммадхон ва Худоёрбий ва Саййид Назарбий ва Аваз Мурод мироб ва Абдулла юзбоши ва Муҳаммад Назар юзбоши ва Бобобек ва Эрнафас юзбоши ва Муҳаммад Паноҳ юзбоши ва Саййид Муҳаммад хужа ва Паҳлавон Ниёзбой ва ғайрихум (бошқа) ни ўзларига мутаълиқ лашкарлари била Марвга йибордилар токим така ва сориқ жамоасининг забт ва наскиға қиём кургузгойлор”<sup>501</sup>.

Бундан олдинги ҳукмдорлар даврида ҳам сариқ, така ва бошқа уруғларни ўзига бўйсундириш мақсадида Марвга қўплаб ҳарбий ҳаракатлар амалга ошириб келинган. Хусусан, 1260/1844 йилда Марвга сариқ уруғини бўйсундириш учун Раҳимқулихон (1842 – 1845) томонидан ҳам ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, унга олий саркардалардан Худоёрбий гўклан уруғига, Саййид Назарбий тоза қўнғиротга, Абдулла ясовулбоши човдурга, Абдурахмон маҳрам ёвмутга бош қилиб тайинланган<sup>502</sup>.

1873 йил Хива хонлигини Россия империяси томонидан босиб олингач, бу ерда протекторат ўрнатилиб, айрим соҳаларда ислохот ўтказилди. Амалда хон Муҳаммад Раҳимхон II (1864-1910) ўз ўрнида қолди ҳамда хонликда 1500-2000 атрофида қўшин сақлашга рухсат берилди. Булар асосан тинчликни сақлаб туриш, турли хил солиқларни

---

<sup>501</sup> Muḥammad Rizā Mīrāb Āgahī. Jāmi‘ al-vāqī‘āt-i sultānī. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Nouryaghdi Tashev. Samarkand-Tashkent: IICAS, 2012. – P. 186.

<sup>502</sup> Muḥammad Rizā Mīrāb Āgahī. Zubdat al-tavārīkh. Edited in the original Central Asian Turki with an Introduction and Notes by Khilola Nazirova. Tashkent. IICAS, 2016. P.159.

йиғиш, саройни қўриқлаш ишларини бажарар эди. Хонлик бевосита Амударё бўлими орқали бошқарила бошланди ҳамда ҳарбийлар ҳам шу бўлимга бўйсундирилди. Хонликдаги эски бошқарув тизими сақлаб қолинди.

Хулоса қилганда, ҳозирги вақтда ўтмиш тарихимизни архив ҳужжатлари асосида холис ва ҳаққоний ёритиш тадқиқотчилардан катта куч ва билим талаб қилади. Ўзбекистон Миллий архивида сақланаётган Хива хонлигига тегишли ҳужжатлар ҳозирда кам ўрганилган ишлардан бири бўлиб, бу бўйича тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар асосан ўзларининг илмий тадқиқот иши юзасидан ҳужжатларга муурожаат қилган. Архив ҳужжатларини ўрганиш, ушбу давр тарихини ёритиш хорижлик тадқиқотчиларда ҳам бугунги кунда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу ҳужжатларда хонликнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи, ҳарбий соҳа, маъмурий бошқарув тизими ва тартибларига оид қўплаб очилмай ётган маълумотлар мавжуд. Ушбу ҳужжатларни кенг илмий тадқиқот ишига жалб этиш орқали бугунги кунда Хива хонлиги тарихининг муаммоли жиҳатларини илмий муомалага киритиш, маълумотларни холис ва ҳаққоний ёритиб бериш мумкин.

## ХИВА ХОНЛИГИ ДЕВОНХОНАСИНИНГ “АРЗ-ДОД” ХУЖЖАТЛАРИ БОРАСИДА

*Дилфуза Бегалиева*

Халқимизнинг узок ўтмишдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда ёзма тарихий манбалар, хусусан, хужжатлар катта илмий аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, мазкур масалани тадқиқ этиш орқали турли тарихий даврларда бошқарув тизими ва девонхона фаолиятининг умумий ҳолатини, давлат ва жамиятнинг ўзаро ижтимоий-иқтисодий муносабатлари сингари масалаларни очиб бериш мумкин.

Ўзбекистон Миллий архиви ҳамда Хива “Ичан қалъа” кўриқхона-музейи архив жамғармаларида аҳолидан тушган кўплаб арзномалар ва шу йўналишдаги хужжатлар сақланади.

Ёзма арз хужжатларининг тузилиши ва расмийлаштириш тартиблари ҳақида тасаввур берувчи тадқиқот сифатида Б. А. Казаковнинг ҳамда кўшни Бухоро хонлигидаги бошқарув масалаларига доир Н. Хидирова, Ў. Султонов, О. Кличев, И. Азизов, С. Гуломовларнинг мақолаларини қайд этиш лозим<sup>503</sup>.

П. Сарторининг монографиясида тадқиқотимиз учун манбавий асос бўлиб хизмат қилувчи Ўзбекистон Миллий Давлат архиви И-125 жамғармасида сақланаётган “Хива хонлари девонхонаси”нинг айрим хужжатлари жалб этилган. Унда Хива хонлигидаги “арз маросими” ҳақида, бевосита хон саройида ўтказилган “қабул маросимлари”нинг кўплаб

---

<sup>503</sup> Б.А. Казаков. Документальные памятники Средней Азии. Тошкент. 1987. С. 56 – 57; Н.Ў. Хидирова. Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби. (XIV аср иккинчи ярми, XX аср бошлари мисолида) “Ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар” илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2019. 309 – 311-бетлар; Ў. Султонов. Муборакнома Бухоро амирлиги девони ички ёзишмалар хужжати сифатида. “Ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар” илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2019. 137 – 138-бетлар; О. Кличев. Бухоро амирлигидаги девонхоналар ва уларда фаолият юритган ходимлар. O‘zbekiston milliy universiteti xabarlari. 2019. [1/1] ISSN 2118-7324. 17 – 20-бет; И.Ш. Азизов. XIX аср сўнги чораги – XX аср бошларида Бухоро амирлиги солиқ тизими. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дис... автореф. Тошкент. 2019. 13, 21-бетлар; Шу муаллиф. Бухоро амирлиги кўшбеги девонхонасининг баъзи хужжатларига шарҳ. “Ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар” илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент. 2019. 199 – 205-бетлар, С. Гуломов. Тарихий хужжатларнинг айрим баҳсталаб масалалари хусусида. Мерос. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлёмалар маркази. № 1. 2016. 100-бет; Шу муаллиф. “Иншо” мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида (Амир Темур номи билан боғлиқ хатлар хусусида). Марказий Осиё тарихи замонавий медиавистика талқинида. Тошкент. 2013. 257 – 269-бетлар.

элементларининг кўрсатиб ўтилганлиги ҳам эътиборлидир<sup>504</sup>. Хусусан, ишда арз маросимининг ўтказилиш жойи, вақти, аризалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳукмдорларнинг махсус курилган ёзги ҳовлисида ҳар куни арзларни эшитганлиги, фуқаролар томонидан ҳукмдорларга арзнинг оғзаки қилинганлиги, баъзи ҳолларда оғзаки арзнинг қоғозга туширилиб, белгиланган киши томонидан ёзиб берилиш (*махдар – хатнинг ёзма шакли*) ҳолатлари ҳақида тўхтаб ўтилган<sup>505</sup>.

Арз ибораси (арабча) оғзаки баён этилган шикоят, дард ёки илтимос, шунингдек, баён, хабар маъноларини англатиб, бу жараён аксарият манбаларда “арз”, “арзнома” ва “арзадошт” атамалари билан келтирилган<sup>506</sup>. Бу масалага эътиборини қаратган Б.А. Казаков ҳам арзларнинг мазмунидан қатъий назар бир хил, яъни ариза, арзадошт (арза-дошт) деб аталганлигини таъкидлаган<sup>507</sup>.

Ёзма шаклдаги арзадоштлар асосан архив фондларида сақланувчи ҳужжатлар орқали тадқиқ этилиши мумкин. Ҳужжатларнинг тузилиши, таркибий қисмлари, ёзилиш тартибларига доир илмий-назарий хулосалар берган Б.А. Казаковнинг маълумотлари тадқиқотимизга жалб этилган ҳужжатларни янада кенгроқ ўрганишга ёрдам беради. Хусусан, унинг кўрсатишича, ҳужжат Яратганга бағишлов (инвокация), ариза берувчининг исми ва унвони (интитуляция), ариза йўналтирилган шахс исми ва унвони (инскрипция), ариза қаратилган шахсни мақташ (салютация), ариза ёзишдан мақсад (экскардиум), кўтарилган масаланинг шароит ва тафсилотлари (наррация), масала юзасидан кўрсатма (диспозиция), масаладаги шароит ва кўрсатмаларнинг бузилишидан қайтариш (санкция), дуо ва тилаклар билан хотима (аппрекация) каби таркибий қисмлардан иборат бўлган<sup>508</sup>.

Ўзбекистон Миллий архиви И-125 жамғармаси 1-рўйхат, 419-йиғма-жилддаги бир неча варақларда келтирилган турли, жумладан, иқтисодий (қарзни ундириб бериш ва ҳ.к) ва ижтимоий (оилавий муаммолар ва ҳ.к.) мазмундаги бир нечта арз ҳужжатлари мисолида давлатчилик масалаларининг айрим жиҳатларини кўриб чиқиш мумкин. Ушбу йиғ-

---

<sup>504</sup> P. Sartori. Visions of justice. Shari and Cultural Change in Russian Central Azia. Series Handbook of oriental studies. Uralic and Central Asians Studies. Edited by Nikola Di Cosmo. Section Eught. Vol.24. Leiden-Boston-Briil. 2016. P. 392.

<sup>505</sup> P. Sartori. Visions of justice. Shari and Cultural Change in Russian Central Azia... P. 59 – 63.

<sup>506</sup> Абулғозий. Шажарайи турк. ...117, 121-бетлар; Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдат ут-таворих. ...73-бет; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс-ул-икбол. ...274-бет; История Узбекистана в источниках. Узбекистан в сообщениях путешественников и ученых (20-80-е год XIX в.). Б.В. Составитель. Луний Тошкент. 1990. С. 147.

<sup>507</sup> Б.А. Казаков. Документальные памятники Средней Азии. ... С. 39.

<sup>508</sup> Б.А. Казаков. Документальные памятники Средней Азии. ... С. 56 – 57.

мажилддаги аксарият ҳужжатлар хронологик жиҳатдан 1901-1902-1903 йилларни ўз ичига олган<sup>509</sup>. Мазкур арзлар Хива хонлигидаги Қўнғиротлар сулоласи даврига оид бўлиб, хонликнинг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни тадқиқ қилишда аҳамиятли ҳисобланади.

Кўриб чиқилган ва рўйхатга олинган арз хатларининг аксариятида адресант<sup>510</sup> (хатни юборувчи) ва адресат<sup>511</sup> (хатни қабул қилувчи) аниқ берилмаган. Хат юборувчининг қандай касб эгаси эканлиги ва хат йўналтирилган шахснинг кимлиги ҳақида кўрсатилмай, “сиз олий мартабалига” сўзлари билан қайд этилган, холос. Ҳужжатлардаги ноаниқ кўрсатилган адресант ва адресат масаласида С. Ғуломов таъкидлаганидек, хат ва ҳужжатларни тадқиқ этишда эътибор ва эҳтиёткорлик талаб этилади<sup>512</sup>.

Мазкур ҳужжатларда қарз, қарздорлик масаласи ва қарзни ундириш каби иқтисодий муаммолар ўз аксини топган. 419-йиғма жилддаги 7-варақнинг 589 ва 593-рақамли, 10-варақнинг 574-рақамли, 13-варақнинг 554-555-рақамли, 15-варақнинг 541 ва 543-рақамли ҳужжатларида қарзни ундириб бериш, қарзга кафиллик ҳақида маълумот берилса, 12-варақнинг 559-рақамли, 2-варақнинг 617-рақамли, 4-варақнинг 605-рақамли, 607-рақамли ҳужжатларда ижтимоий, яъни оилавий муаммолар акс этганлигини кўрамыз.

15-варақнинг 543-рақамли арзида “Эълум<sup>513</sup> улким Хива қалъасидан Абдулкарим Муҳаммадраҳимбой ўғли арз қилдиким, Сорибий бўлисининг фуқароси қароқалпоқ Худойберган ... ўғли деганда қозихати қирқ тилло ҳаққим бор эрди. Сўрасам бермайдур. Шул пулимни талаб этмак учун ўз тарафимдан Беги Ғулом ўғли деганни вакил этиб юборадурман деб шул сабабли ушбун сиз баланд мартабалига маълум қилиб, вакилни бу хат била қўшиб юбориб, ўтуниб тилаймиз. Сўрашиб шаръиатга мувофиқ олиб бериб ризолик топдурулмоқиға буйруқ қилсангиз деб бу муҳаббатнома марқум бўлди. 15 чи моҳи зулқайда 1320 чи йилда яъни 29 чи январь 1903 чи масиҳийда”, деб келтирилган<sup>514</sup>.

<sup>509</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 175-варақ.


<sup>510</sup> Адресант – почта орқали хат, телеграмма, хат ва ш.к. юборган киши ёки ташкилот.

<sup>511</sup> Адресат – адресига хат, телеграмма, хат ва ш.к юборилган киши ёки ташкилот.

<sup>512</sup> С. Ғуломов. “Иншо” мажмуалари маълумотининг аутентлиги хусусида... 257 – 269-бетлар.

<sup>513</sup> Эълум (иълум) – маълум қилиш, билдириш.

<sup>514</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 15-варақ, 543-рақамли хат.



Арз мазмунига эътибор қаратилса, арз баъзи ҳолатларда арзчининг ўзи билан эмас, унинг ишончли вакили (Беги Ғулом ўғли) юборилган. Бундан кўринадики, вакил этиб тайинланган киши ишончли ва саводли киши бўлган<sup>515</sup>.

Хат йўналтирилган шахснинг кимлиги аниқ кўрсатилмаган бўлса ҳам, аксарият хатларда қайд этилган “сиз олий мартабалига” сўзларининг келтирилишидан арз ҳукмдорга ёки юқори мансабдорларга қаратилган.

Агар ҳужжатдаги арз айнан ҳукмдорга юборилган бўлса, берилган сана ва йилларидан келиб чиқиб, давлат ҳукмдорининг ким бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Ушбу хатда яъни 15-варақнинг 543-рақамли арзда хижрий 1903 йилда Хива ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II назарда тутилган.


Ҳужжатлардаги ижтимоий, яъни оилавий муаммолар 12-варақнинг 559-рақамли арзда ҳазораспик Жабборберган Худойберган ўғли (бошқа ҳужжатлардан кўринадики, зўравонлик билан қайноғаси томонидан) олиб кетилган хотини ва фарзандини қайтариб олиб беришни сўраб арзадошт қилганлиги қайд этилган.

Унда куйидагича келтирилган: “Эълум улким Ҳазорасп фуқароси Жабборберган Худойберган ўғли арз қилдиким никоҳлиқ хотуним Рўзибека Раҳмонберди қизини кўлидаги тўрт яшар ўғлим Сафарбойни ва ҳам беш тиллолиқ бир ипак турма ва бир кийимлик эштуф ва икки тиллолик оробик ва эллик тиллолик тангаларимни ўзининг уйига бориб қўйиб эркан. Бир неча мартаба сўраб борғанимда манга бермай юборди

<sup>515</sup> Масаллага Бухоро мисолида ёндашган Ж.М. Шодиевнинг қайд этишича, ариза ёки даъво даъвогарнинг махсус ишончли вакили орқали топширилиши ҳамда суд жараёнида унинг вакил сифатида иштирок этиши мумкин бўлган. Ж.М. Шодиев. Бухоро амирлиги давлати ва ҳуқуқи тарихи. Тошкент. 2009. 76-бет.



деса, шул сабабли ушбунни сиз мартабалига маълум қилиб арз этганин бу хат била қўшиб юбориб ўтуниб тилаймиз сўрашиб талаб этган нарсалари била хотунимни олуб ўзига қўшиб бу тарафга юборилмакига буйруқ қилсангиз деб мухаббатнома марқум бўлди 23 чи мохи зулқаъда 1320 чи йилда яъни 6 чи февраль 1903 чи масихийда”<sup>516</sup>.



Воқеа тафсилотидан кўриш мумкинки, оилавий можаро туфайли аёл акаси томонидан эрининг уйдан олиб кетилган ва ўзига тегишли бўлган буюмларни ва маълум миқдордаги пулларни ҳам олиб чиқиб кетган.

Баъзи ҳолларда арзчининг шикоятни ечим топмаслиги ёки берилган жавобдан қониқмаслиги оқибатида арзлар қайтадан берилган. Юқорида келтирилган арзнинг ҳам девонхона рўйхатида такрор қайд этилганлигидан кўриш мумкинки, ўз ечимини топмаган.

Хусусан, 2-варақдаги 617-рақамли хатда “Эълон улким биз... Жабборберган Худойберган ўғлининг никоҳлиг хотуни Рўзибекани қўлидаги тўрт яшар ўғли Сафарбой ила ўзига олиб берилмаги тўғрисидаги хабар ушбу йилда ва 55 чи нўмрالي хатимиз... сиздин ўтуниб эрдук мазкур Худойберган ўғлининг ризолик топмадим деб яна арз этгани сабабли такрор сиз баланд мартабалидан ўтуниб, Худойберган ўғлининг хотуни Рўзибекани тўрт яшар ўғлини ўзига қўшиб бу тарафга ўтқариб юборилмагини буйруқ қилиб берсангиз деб бу мухаббатнома марқум

<sup>516</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-ийғмажилд, 12-варақ, 559-рақамли хат.

бўлди. 16 чи моҳ зулҳижжа 1320 йилда яъни март 1903 мелодий”<sup>517</sup>.

Агар арзлардаги кўрсатилган санасига эътибор қаратилса, арзнинг тахминан бир ойдан ( 1903 йил 6 февраль – 1903 йил 16 март) сўнг такрор берилганлигини кўриш мумкин.

Қайд этилган ҳужжатлардан яна 13-варақнинг 557-рақамли арзида Урганч қалъасидан Бекажон Бека Содик қизи томонидан берилган ва унда турмуш ўртоғидан нафақа ундириб бериш сўралган.

Хусусан мазкур арзда қуйидагича: “557 чи Эълум улким Урганч қалъасининг ночори Бекажон Бека Содик қизи арз қилди. Қўлимда бир ёш сағир болам била ўзумни Урганч фуқароси Содик Бойжон ўғли икки йилдин бери бенафақа ташлаб кетиб, Закаспийский областининг Қаҳқа деган манзилига бориб юрубдур. Емак-ичмак ва устимизга киймакка ҳеч иложимиз йўқдур. Шул сабабли ушбуни сиз баланд мартабалига маълум қилиб ўтуниб тилаймиз. Сўратиб агар мумкин бўлса, мазкура ночор эрини тофдуриб бу тарафга юборилмаки ҳақида тегишли ерига тараддуд қилсангизким шарый нафақаларини бериб адо этиб турмоқи учун деб бу муҳаббатнома марқум бўлди. 22 моҳи зулқаъда 1320 чи йилда яъни 5 чи феврал 1903 масиҳийда”<sup>518</sup>, деб баён этилган.

Кўрилган арзларда масала ўз ечимини топган ёки топмаганлиги номаълум. Келгусидаги олиб бориладиган тадқиқотларда қўшимча ҳужжатларни чуқурроқ, изчилроқ ўрганиш натижасида аниқ маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шунингдек, арзчи Бекажон Бека Содик қизи мисолида муайян даврдаги ўзбек аёлларининг ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада эканлигини, уларнинг жамиятдаги мавқеи тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Девонхонада арз ва хатларнинг рўйхатга олинишида ўзига хос тартиб мавжуд бўлган. Жумладан, девонхонага топширилган хатлар икки нусхада топширилган<sup>519</sup>. Мавжуд ҳужжатларда у ерда кўрсатилган давлатнинг “тегишли одами”, яъни девонхона ходими иккала нусхага ҳам имзосини қўйиб тасдиқлаган. Хусусан, 419-йиғма жилддаги 5-варақнинг 598-рақамли, 8-варақнинг 580-рақамли, 13-варақнинг 558-рақамли ҳужжатларида шундай ҳолатлар кузатилади. Ҳужжатлардан яна кўриш мумкинки, ушбу даврда русча сўзларнинг маҳаллий халқ тилига кириб борганлиги кўзга ташланади. Хусусан, русча повестка сўзининг “фовестка” тарзда берилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Мазкур жилддаги фовестка – повестка (чақирув хатлари)

<sup>517</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 2-варақ, 617-рақамли хат.

<sup>518</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 13-варақ.

<sup>519</sup> Ўша жойда. 5, 8, 13-варақлар.

топширишда мана шундай ўзига хос бўлган қоида кўрсатилган. Хусусан, юқорида келтирилган 419-йиғма жилд 8-варақнинг 580-рақамли хатда қайд этилишича, “1217 чи нўмирли бирла келган фовестка хатни тегишли одамиға берилиб икки бўлагига қўлин қўйдириб юборилди деган хат”, 7-варақнинг “592-номерли чақиров хатнинг бир бўлагин тегишли одамиға бериб иккиланчи бўлагига қўлин қўйдириб юборилган хат”ларни келтириб ўтиш мумкин<sup>520</sup>.

Юқорида келтирилган аризалар девонхона рўйхатиға киритилганда, биринчи унга рақам қўйилган. Рақамдан кейин аксарият аризаларда “эълум, ёки иълум улким” сўзлари билан бошланган.

Сўнгра мурожаат қилган шахсининг қаерлик ва ким эканлиги кўрсатилиб, кейин ариза қисми бошланган. Баъзи хатларда эса “эълум улким” сўздан кейин санаси кўрсатилган хатлар ҳам бор. Хусусан, 10-варақнинг 573-рақамли хатдаги “Эълум улким 29 январ ўтган 1902 йилда 572 чи номерли ва ҳам 31 декабрь мазкур йилда 482 йилда номерли ёзғон хатларимизни.....” сўзлари билан бошланувчи қарзни ундириб бериш тўғрисидаги хат ва бошқа шу каби арзларни келтириб ўтишимиз мумкин<sup>521</sup>.

Аризаниннг асосий қисми тугагандан сўннг “шариатға мувофиқ”, “буйруқ қилсангиз деб муҳаббатнома марқум<sup>522</sup> бўлди” каби сўзлар келтирилиб, кейин аризаниннг ёзилган санаси берилган<sup>523</sup>.

Қайд этиш лозимки, хужжатлар билан ишлаш жараёнида турли баҳсталаб ва мунозарали ҳолатларга тўқнаш келинади.

Хужжатларни ёритиш орқали марказий ва маҳаллий бошқарув ҳаётида юз берган ҳодиса ва содир бўлган ўзгаришларни кузатиш мумкин. Айни пайтда мазкур маълумотлар Хива хонлигидаги девонхона хужжатлари ва уларнинг аҳамиятиға оид айрим жиҳатларни тўлдиришга хизмат қилади.

---

<sup>520</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 8, 4, 7-варақлар.

<sup>521</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 10-варақ, 573-рақамли хат, 12-варақ, 560-рақамли хат.

<sup>522</sup> Марқум – ёзилган, чизилган деган маъноларни билдиради.

<sup>523</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-125-фонд, 1-рўйхат, 419-йиғмажилд, 10, 13, 15-варақлар ва бошқалар.

## МУҲАММАД ҲАКИМХОННИНГ “МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИДАГИ МАКТУБЛАР ВА УЛАРНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Жамолiddин Абдукаримов*

XIX асрда Қўқон хонлиги тарихнавислик мактаби ривожланиб, кўп-лаб хонлик ҳаётининг турли соҳаларини ёритиб берувчи нодир асарлар яратилди.

Қўқон хонлиги тарихи биринчи навбатда шаклланиб борган тарихнавислик мактабининг йирик намояндалари, маҳаллий тарихчиларнинг асарларида ўз аксини топган. Мазкур асарлар хонлик тарихини ўрганишда бирламчи манбалар ҳисобланади.

Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда нодир манбалардан бири ҳисобланган, тарихнавислик мактабининг йирик намояндаларидан бири Муҳаммад Ҳақимхон қаламига мансуб “Мунтахаб ат-тавориҳ” асари ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳақимхон ўз асарини яратишда турли тарихий, адабий характерга эга бўлган манабалардан фойдаланган. “Мунтахаб ат-тавориҳ”да X – XIX асрларда яшаган 30 га яқин муаррихлар ва тақрибан 20 та шоирлар номлари зикр қилинган. Асарда Ўрта Осиё халқларининг XVI асргача бўлган тарихи Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, XVI асрнинг айрим воқеалари Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Ҳасан бек Румлунинг “Аҳсан ат-тавориҳ”, XVII – XVIII асрга оид воқеалар эса Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимхоний” асарлари асосида ёритиб берилган<sup>524</sup>. Асарнинг бадий безаклари сифатида форс-тожик, ўзбек, араб халқларининг мақол ва масалларидан унумли фойдаланилган. Э. Хуршутнинг аниқлашича, муаллиф ҳатто битта Хитой халқи мақолини ҳам келтирган<sup>525</sup>.

“Мунтахаб ат-тавориҳ”да муаллиф учун манба вазифасини бажарган мактублар (Дўст Муҳаммадхоннинг Ҳиндистон генерал-губернатори

---

<sup>524</sup> Муҳаммад Ҳақимхан. Мунтахаб ат-тавориҳ. (Извлечение из летописей). Подгот. факсим. текста, введ. и указ. А. Мухтарова. – В двух книгах. – Книга 1. Душанбе. 1983. С. 16.

<sup>525</sup> Э. Хуршут. Мунтахабат-тавориҳ и его источники. Общественные науки в Узбекистане. 1987. № 11 – 12. С. 41.

В. Макнотеннинг котиби Лотга мактуби, Султон Махмудхоннинг Амир Насруллога хати, Амир Насруллонинг Қўқон хони Муҳамм Адалихонга хати ва бошқалар)нинг ҳужжат сифатида ҳавола этилиши эса асарнинг тарихий қийматини яна ҳам оширишга хизмат қилган<sup>526</sup>.

Мазкур мактубларнинг илмий аҳамиятини очиб беришдан олдин хронологик тартибни бузмаган ҳолда Муҳаммад Ҳақимхон томонидан “Мунтахаб ат-таворих”да келтирилган муҳим расмий ҳужжатга эътибор қаратишни жоиз деб билдик.

Маълумки, Муҳаммад Ҳақимхон Қўқон зодагонлар оиласида туғилиб, она томонидан Қўқон хони Норбўтабийнинг (1770 – 1799) невараси, Олимхон (1799 – 1810) ва Умархоннинг (1810 – 1822) жияни эди, ота томонидан эса машҳур сўфи шайхлардан Аҳмад Хўжагий Косоний авлодидан бўлган. Отаси Маъсумхонтўра Қўқон хонлигида катта обрўга эга эдилар. Муҳаммад Ҳақимхон ёшлик чоғиданоқ тоғалари билан бир-галикда ҳарбий юришларда, саройдаги турли тадбирларда қатнашиши унинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг (1822 – 1842) давлат тепасига келиши кучли репрессия ва қувғинлар билан ажралиб турарди. Муҳаммад Алихон кўпгина кишилар, биринчи навбатда Маъсумхонтўра ва Муҳаммад Ҳақимхоннинг ҳам ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб бўлган эди. У ҳокимиятни эгаллаган дастлабки куниданоқ турли ёмон ниятли шахслар Маъсумхон ва ўғли Муҳаммад Ҳақимхонни ёмонлаб тухмат тошларини ёғдирдилар. Муҳаммад Алихон уларни ҳаж сафари баҳонасида мамлакатдан чиқариб юборди. Бу оддий тузоқ бўлиб, ўзига ёқмаган кишилардан қутилишнинг осон йўли эди, чунки бундай узоқ ва машаққатли сафардан кўпчилик тирик қайтмас эди<sup>527</sup>.

Биринчилар қаторида Муҳаммад Ҳақимхоннинг отаси Маъсумхонтўра Қўқондан чиқариб юборилади. Тахтга ўтирганига 8 кун бўлгач, Мадалихон Муҳаммад Ҳақимхонни ҳам ҳаж сафари баҳонасида Қўқондан чиқариб юборади. Шундан кейин унинг чет эллардаги саёҳати ва саргардонлиги бошланди. Муҳаммад Алихон даврида Муҳаммад Ҳақимхонтўра аввал Тўрақўрғон, сўнгра Наманган ва Косонга ҳоким қилиб тайинланган эди, аммо кейинчалик хоннинг ғзабига дучор бўлиб хонликдан ҳайдалиб Маккага жўнатишган. У ўзининг сафарини Россия ўлкасидан бошлади<sup>528</sup>.

<sup>526</sup> Муҳаммадҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. Форс-тожик тилидан таржима, мукаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Тошкент. 2010. 6 – 7-бетлар.

<sup>527</sup> Э. Хуршут. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. Тошкент. 1987. 7-бет.

<sup>528</sup> Хотираҳои Муҳаммад Ҳақимхон дар бораи сафари Русия. Баргардонанда аз хуруфи

Муҳаммад Ҳақимхон икки йил давомида тахминан 1823 – 1825 йилларда Россиянинг Шамай (Семипалатинск), Омск, Ирбит, Оренбург, Астрахан ва бошқа шаҳарларида бўлади. Муаллиф асарда Россиядаги саёхати жараёнида рўй берган воқеа ва ҳодисаларни жуда қизиқарли ва муфассал баён қилади.

Муҳаммад Ҳақимхоннинг таъкидлашича, Оренбург шаҳрида Россия императори Александр I билан учрашган. Император Муҳаммад Ҳақимхонга нисбатан катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган, ҳатто подшоҳ ўзининг олмос узугини уч юз олтин танга билан бирга инъом қилган ва “Ушбу Муҳаммад Ҳақимхон Урусиянинг қайси мамлакатига борса, иззат-ҳурмати жойига қўйилсин” деган хат берган<sup>529</sup>.

Албатта, рус императорининг Муҳаммад Ҳақимхонга нисбатан меҳрибонлиги сабаби бор эди, чунки Россия ҳукуматининг Ўрта Осиёга қизиқиши ортиб бораётган бир пайтда у орқали мамлакатда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазиятдан бохабар бўлиш ва ҳатто зодагон оиласидан бўлган, қувғинда юрган Муҳаммад Ҳақимхондан сиёсий масалаларда фойдаланишни режалаштирган. Шунинг учун ҳам унга нисбатан ҳурмат кўрсатиб, алоҳида ҳурматли кишилар учун бериладиган хат (рухсатномани) берган. Мазкур рухсатнома саёхат давомида вужудга келган бир қатор қийинчиликларни бартараф этишда хизмат қилди. Ҳатто, Муҳаммад Ҳақимхон ўша пайтларда фалакнинг гардиши билан Черкас вилояти (шимолий Кавказ) хонзодаларидан бири бўлган, Рус урушида қўлга тушиб сургун қилинган Малик Қосимга ўз ватанига қайтиш учун рухсатнома олиб беришга муяссар булган.

Мазкур воқеа асарда қуйидагича тасвирланган: “Эй жонажон дўстим, ўта қийин муаммоим бор. Бу менинг қутилишим билан боғлиқ бўлиб, бунинг учун Рус маҳкамасидан рухсатнома олиб берсангиз – деди Малик Қосим. Ҳоқим билан ўртаמידа жуда яқин ошнолик юзага келган эди ва шу туфайли ҳоқим мен келаётганимни кўрган заҳоти ҳурмат бажо келтирди. Фақирингиз нима мақсадда келганимни айтишга тутинарканман, “битта хизматкоримиз Рум шаҳрига кетмоқчи эди, аммо ҳозир ўзи жуда бетор ётибди”, дедим ва черкас дўстим шаклу шамоилини бир-бир тасвирлаб, бир рухсатнома беришини, дўстим тезроқ йўлга тушмаслигини айтдим. Чунки, қоида бўйича, ким учундир сиртдан рухсатнома олмоқчи бўлсангиз, албатта ўша одамнинг қиёфасини тасвирлашингиз лозим, йўқса хат беришмайди. Шу сабабли биродарим шаҳзода Малик Қосим режалаган ҳийлага кўра, ҳалиги йўсинда иш

---

арабисоси тоҷики ба кириллӣ, ба чоп ҳозиркунандан матн, муаллифи муқаддима, тавзеҳот, луғатнома, феҳрист ва замима Ҷамолиддин Абдукаримов. Хучанд. 2013. С.14.

<sup>529</sup> Э. Хуршут. Ҳақимхоннинг ҳаёти ва саёхатлари... 23-бет.

тутдим. Ҳоким ҳеч иккиланмай дарҳол хат тайёрлаш борасида топширик берди ва бир зумда ҳозирлаб қўлимга тутқазиди... Хуллас, бир неча вақтлардан сўнг келган хатларга қараганда, ул дўстим мазкур туткунликдан қутулиб, қайтадан ўзига қарашли барча вилоятларни қўлга киритиб, яна салтанат тахтига чиқибди. Шундан сўнг кетма-кет ул жонажон дўстимдан номимга битилган хатлар олдим, у ўз хатларида мени вилоятига чорламоқда эди”<sup>530</sup>.

Мазкур ҳужжат ва мактублар ўша давр Россия империяси давлат бошқаруви, Россия-Эрон жанглариининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда бирламчи нодир манба бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммад Ҳакимхон Кубан дарёси қирғоқлари бўйлаб саёҳат қилади. Одат бўйича паспортига белги қўйдириш учун шаҳар амалдорлари олдига боради. У ерда уни совуққонлик билан кутиб олишади. Амалдорнинг нигоҳи хатга тушгач (Александр I томонидан берилган ёрликқа) унга нисбатан ҳурмат билдиришади ва саройга таклиф қилишади. Аммо саройда губернаторнинг шаддод кизи туфайли тухмат билан ҳибсга олинади. Муҳаммад Ҳакимхон ҳибсдалиқ чоғида ҳар куни унга таом келтирувчи номаълум кимса орқали ёнида бир парча тилла ўралган қоғозга фарангий пичоқчаси билан бармоғини тилиб қон билан дўсти Малик Қосимга мактуб ёзгани ва унинг ёрдамида бу балодан қутилгани ҳақида жуда таъсирчан маълумотни келтиради<sup>531</sup>.

“Мунтахаб ат-таворих”да XIX аср биринчи ярмидаги Афғонистон давлатининг сиёсий вазияти, инглиз-афғон уруши, Дўст Муҳаммадхоннинг узоқ йиллар Англия томонидан қўллаб келинаётган Шужоъ ал-мулк билан тахт учун олиб борган кураши, Дўст Муҳаммадхоннинг Бухорога қочиши, унга нисбатан Амир Насруллохнинг муносабати, Дўст Муҳаммадхоннинг ватанига қайтиши, инглизларга қарши олиб борган ғазовоти ва унинг кейинги тақдири ҳақида кўплаб нодир маълумотлар ўз аксини топган. Шунингдек, Муҳаммад Ҳакимхон томонидан асарда расмий ҳужжат сифатида келтирилган мактублар афғон, ҳинд тарихчиларининг маълумотларини тўлдириши билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистон тарихига оид манбаларда ватанига қайтган Дўст Муҳаммадхоннинг инглизларга қарши курашини тасвирлаш жараёнида “унинг номаълум сабабларга кўра қўшинидан воз кечиб инглизларга таслим бўлди ва асирга тушди” деган маълумотлар мавжуд<sup>532</sup>.

<sup>530</sup> Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих... 521 – 522-бетлар.

<sup>531</sup> Хотираҳои Муҳаммад Ҳакимхон дар бораи сафари Русия... С. 64 – 66.

<sup>532</sup> История Афганистана. С древнейших времен до наших дней. Москва. 1982. С. 149.

Дўст Муҳаммадхон билан шахсан таниш ва дўст бўлган Муҳаммад Ҳақимхон ўзининг эсдаликларида бу воқеага нисбатан аниқ маълумотлар келтиради. Муаллифнинг маълумотига кўра инглизлар Дўст Муҳаммадхон кўшинига махфий тарзда уни тутиб беришлари учун катта миқдорда маблағ ваъда беришади. Ҳатто Искандар Бёрнс<sup>533</sup> Дўст Муҳаммадхоннинг довьораклиги ва баҳодирона олишувларини кўриб, унга қарата баланд овозда, “эй амир, нега бунчалик ўз жонингизга жабр қилмоқдасиз, ҳозир мусулмонларингиз Сизни ушлаб бизга топширади. Сиз жанобнинг шунча чеккан заҳматларингиз эса бекор кетади”, дейди. Дўст Муҳаммадхон бунга эътибор бермай жангни давом эттиради. Аммо жангчиларнинг уни ёлғиз қолдириб кетганлигини кўрган амир ўзининг бир надими билан қочишга мажбур бўлган ва анча йўл босишгач, Кобул дарвозасига, Британия ҳукуматининг Ҳиндистондаги котиби, амир Шужоъ ал-мулк даврида мухтор вазир ва элчи бўлган Уильям Макнотеннинг котиби Лот ҳузурига етиб борган<sup>534</sup>.

Муҳаммад Ҳақимхон Дўст Муҳаммадхоннинг Лот билан суҳбати ва унга ёзган мактуби ҳақида қуйидаги қизиқарли маълумотни келтиради: “...Дарвозабон эшикни очди. Амир соҳиб эса, мен элчиман, Дўст Муҳаммадхон олдидан келганман, Лотга зарур ишим бор, деди. Бу хабарни Лотга етказдилар. Лот Жангий амир Дўст Муҳаммадхоннинг номини эшитган заҳоти тез бўлинг, ўша элчини менинг олдимга келтиринг, деб буйруқ берди. Мулозимлар амир ғозини югуртирган кўйи ул кофир олдига келтирдилар. Лот амир Дўст Муҳаммадхоннинг аҳволи қалай, деб сўради. Амир соҳиб эса, амир Дўст Муҳаммадхон Сизга бир хат бериб юборганлар, деди. Лот хат қани, деб сўради. Амир хатни кўйнидан чиқариб Лотнинг қўлига берди. Лот хатни ўқишга тушди. Хатнинг мазмуни қуйидагича эди: “Амирлик ва ҳукумат паноҳи Вали Ямжи Лотга маълум ва равшан бўлсинким, Сиз билан ўртамизда кўплаб уруш ва олишувлар рўй берди. Шунга қарамасдан Сиз бизни бир неча маротаба ҳузурингизга таклиф этдингиз, биз эса рад жавобини бериб келдик. Мана ҳозир олдингизда истакларимни уч шарт билан юбориб турибман: биринчиси шуки, жону молимизга тегмайсиз, иккинчидан, бизни Шужоъ ал-мулкка мулозим қилмайсиз, учинчиси шуки, то қўлингиз остида турарканман, ҳар куни қанда қилмасдан беш юз ашрафий бериб турасиз. Мана шу уч шартни бажариш борасида ўз динингиз номидан аҳду паймон

<sup>533</sup> Александр Бёрнс 1805 – 1841 йилларда яшаган, 1839 – 1841 йилларда инглиз кўшинининг Кобулдаги ҳарбий штаби сиёсий маслаҳатчиси, 1839 йилда Лондонда нашр этилган уч жилдлик Афғонистон, Ўрта Осиё, Эрон саёҳати кундалиги муаллифи.

<sup>534</sup> Муҳаммад Ҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих...140 – 142-бетлар.



қилсангиз ва барчасини сўзсиз қабул қилсангиз, ҳузурингизга бораман, йўқса, Эронга кетаман. Бу хат амир Дўст Муҳаммадхон тилидан тўғри ёзилган. Лот мактубни ўқиб чиққач, жуда хурсанд бўлди. Амир Дўст Муҳаммадхон Лотга ўз динини ўртага солиб, қалин онту қасамлар ичирди ва аҳду паймон маросими тугагандан сўнг “бўлмаса билиб қўй – амир Дўст Муҳаммадхон менман”, деди. Лот бу сўзларни амир ғози оғзидан эшитгач, ҳайрат бармоғини тишлади, амирнинг ишларига таҳсинлар айтди ва бу воқеани ҳам ўз подшоҳига – Лондонга ёзиб юборди...”<sup>535</sup>.

Муҳаммад Ҳакимхон таъкидлашича, Бухоро амири Насрулло тазйиқидан зўрға қутилиб Қаршига, ундан Шаҳрисабзга ўтиб, у ерда бошпана топиб яшаётган афғон амири Дўст Муҳаммадхон билан учрашиб қолган. Маълумки, бахтсизлик кишиларни янада яқинлаштиради. Уларнинг аччиқ тақдиридаги ўхшашлик дўст бўлиб қолишларига сабаб бўлади. Муҳаммад Ҳакимхон Дўст Муҳаммадхон Афғонистонга қайтиб ўз тахтига ўтиргач ва инглизларга қарши озодлик кураши олиб бораётган пайтда ҳам ундан хат олиб турган<sup>536</sup>.

“Мунтахаб ат-таворих”да Дўст Муҳаммадхоннинг Муҳаммад Ҳакимхонга юборган мактубларидан бири куйидагича келтирилган: “1259 йил раби ал-аввал ойи охирида (1843 йил апрел ойи охири) менга Дўст Муҳаммадхон ва Акбархоннинг куйидаги мазмундаги хатлари келганди. Барчага маълум ва равшан бўлсинким, амир Дўст Муҳаммадхон ўша Бухородан Шаҳрисабз томонга қочгач, эртаси куни Амир Насруллоҳ бу воқеани эшитиб, сийнасига ҳасрат ўти тушди ва дарҳол сардор Муҳаммад Акбархон ва Султон Аҳмадхонни ушлаб, қамокқа ташлаш ҳақида буйруқ берди. Шаҳзодалар эса аллақачон яширинган бўлиб, амир одамлари қанча ахтармасин, улардан асар ҳам топа олишмади. Бир ҳафтадан сўнг эса шаҳзодаларнинг ўзлари бекинган еридан чиқиб, эшон Соҳибзода ҳузурига боришди ва эшон уларни ёнига солиб, Амир Насруллоҳ олдига олиб боришди. Амир Насруллоҳ шаҳзодаларни эшон жанобларининг кафиллиги остига топширди. Шаҳзодалар бир неча кун эшоннинг сўфилари қаторида юришди. Бироз вақт ўтгач, амир уларни жаноб эшон Соҳибзоданинг уйидан ўз ҳузурига чақиртириб олиб, сўнг қамокқа солди. Уч ой ана шу ҳибсда турдилар. Яна Амир Насруллоҳ уларни қамокдан чиқариб, ниҳоят шаҳзодалар тўла озодликка эришдилар. Аммо, ҳибсдан чиққач, қаерга боришларини билмай қолдилар ва

<sup>535</sup> Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих...142 – 143-бетлар.

<sup>536</sup> Э. Хуршут. Ҳакимхоннинг ҳаёти ва саёҳатлари. Тошкент. 1987. 46-бет.

ноилож, Бухоро кўчаларида тентираб юрдилар. Чунки қай бир танишининг уйига боришса, амир Насруллоҳдан кўрқиб уларни уйига кириштишмасди...”<sup>537</sup> Акбархон ва Султон Аҳмадхонларнинг кейинги тақдири ва Афғонистонга кетиши ҳақида ҳам “Мунтахаб ат-таворих”да тўлиқ маълумотлар берилган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Муҳаммад Ҳақимхон томонидан “Мунтахаб ат-таворих”да манба сифатида фойдаланилган бошқа мактублар, бу Султон Маҳмудхоннинг амир Насруллога хати, амир Насруллонинг Қўқон хони Муҳаммад Алихонга хатидир.

Қўқон хони Муҳаммад Алихон Муҳаммад Ҳақимхон ва унинг отаси Маъсумхонни ҳаж сафари баҳонасида ўз юртидан чиқиб кетишига сабаб бўлган эди. Тожир Хўжандийнинг фикрича, бу оиланинг хон ғазабига учраши сабаби Умархон ўлимидан кейин Муҳаммад Ҳақимхоннинг онаси Офтоб ойим тахтга даъвогар бўлади ва ўғли Чинни тўрани (бу шахс ҳақида “Мунтахаб ат-таворих”да бирор маълумот келтирилмаган. Чинни тўра Муҳаммад Ҳақимхоннинг ўзи бўлиши мумкин, чунки унинг номи бобоси Ҳақимхон тўра шарафига шундай қўйилгани ҳақида асарда таъкидлаб ўтади ва бундай кишиларни икки ном билан аташ ҳозирда ҳам анъана бўлиб келмоқда) хон этиб кўтаришга ҳаракат қилишади<sup>538</sup>. Яна бир сабаб шундан иборат эдики, Муҳаммадалихон отаси Умархон вафотидан кейин унинг Муҳаммад Ҳақимхон оиласи билан жуда яқин дўстона муносабатда бўлган хотини Хонпошшони никоҳига олишида дейиш мумкин. Аммо бу никоҳга нисбатан турли қараш ва фикр мулоҳазалар мавжуд. Масалан, ўз даврнинг зукко муаррихи Исҳоқхон тўра Ибрат “Тарихи Фарғона” асарида қуйидагича ёзади: “Муҳаммад Алихон аносини олди деган сўз рост бўлмай, бухорийлар қатлларини айбини сатри учун қилган қабихаларини тавжиға чиқарилмиш сўзлари экан. Асл муддао бўлак экан. Чунончи, Умархон “оламан” деган Пошшоҳон ойимнинг хуснини эшитуб, ғойибона мафтуни жамол бўлуб, мун анча сабаб қилиб келган экан... Муҳаммад Алихонни халқни кўзига осию гуноҳкор кўрсатиб, шариатни поймол қилди, танбеҳ даркор, деб келиб, қанча хонзодаю мазлума ойимларни қатли бағайри ҳақ қилиб, охируламр мурод ўшал ойим экан, олуб, муддаосиға етиб, Бухороға олиб кетди”<sup>539</sup>.

Шу боисдан ҳам Мадалихонга қасд қилиб муҳолиф кучларни бош қарган одам хонзода Муҳаммад Ҳақимхондир. Онаси Офтоб ойимнинг

<sup>537</sup> Муҳаммад Ҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих... 146-бет.

<sup>538</sup> Тоҷири Хучандӣ. Ғароибӣ сипоҳ . Мураттиб Саъдуллоҳи Асадуллоҳ. Хучанд. 1993. С. 20.

<sup>539</sup> Исҳоқхон Жунайдуллоҳожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос. Тошкент. 1991. 295-бет.

тахтга даъвогар бўлиши ҳақида Муҳаммад Ҳақимхон асарида лом-мим дейилмаган, лекин Муҳаммад Ҳақимхон ўч олиш учун ўз асарида далиллари шундай усталик билан келтирадики, ўқувчининг албатта, Мадалихонни айбламасдан иложи қолмайди.

Асарда келтирилган шундай далиллардан бири Султон Маҳмудхоннинг Амир Насруллога, Амир Насруллонинг Муҳаммад Алихонга хати ҳисобланади.

Муҳаммад Ҳақимхон бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: “Бу хабардан ўша пайти фақир ва кўзлар нури Султон Маҳмудхон хабар топгач<sup>540</sup>, манқалга тушган исириқ каби чирсиллаб ёна бошладик. Биргалашиб, жаноб қутбил авлиё ғавсил атқиё эшон Шофеъи ҳазратлари олдиға бордик... Султон Маҳмудхон ҳазрат эшон маслаҳати билан Амир Насруллоҳга ушбу мазмунда хат битди: “Оғам Муҳаммад Алихон отасининг бевасини ҳалол билиб, никоҳлаб олибди. Бухоройи шариф уламнинг конидир. Бу масала бўйича қандай ҳукм чиқарган бўлишар эди? Сиз Мовароуннаҳрнинг каттаси бўласиз. Бу ярамас ишга нима дейсиз?” Бу ҳақда эшитиб юрган Насруллоҳон мактубни олгач, Муҳаммад Алихонга мактуб билан чопар юбориб, бундай тубанликка қандай қилиб қўл урганни сўрайди ва Бухоронинг уламолари қанча муқаддас китобларни варақлаб кўрмасинлар, бу никоҳнинг қонунийлигини асослайдиган бирор бир сатрни учратмаганлигини айтади. Бу иш шу билан якун топадики, Мадалихон чопарни тутиб калтаклатади<sup>541</sup>.

Шундай қилиб, Муҳаммад Ҳақимхон томонидан “Мунтахаб ат-таворих”да келтирилган мактублар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, асарнинг илмийлик даражасини янада оширади. Мазкур асар XIX асрнинг биринчи ярмида Россия, Афғонистон ва Ўрта Осиё хонликларида кечаётган сиёсий жараёнларни ўрганишда бирламчи манба сифатида хизмат қилади.

---

<sup>540</sup> Муҳаммад Алихоннинг ўғай онаси Хонпошшога уйланиши назарда тутилмоқда.

<sup>541</sup> Муҳаммад Ҳақимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих... 645-бет; Э. Хуршут. Ўтмишимизни билаллик. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989. № 31 (3031). 28 июль.

## РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ҚЎҚОНДАН ИСТАНБУЛГА ЮБОРИЛГАН ЭЛЧИЛАРНИНГ ШАХСИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

*Шерзодхон Маҳмудов*

XIX асрда Қўқон хонлигининг турли мақсадларни кўзлаб олиб борган дипломатик муносабатларида элчилик вазифасини бажарган шахслар ҳақида тарихий асарларда маълумотлар жуда ҳам кам учрайди ёки элчиларнинг исмигина қайд этилади. Қўқон хонлиги тарихига доир 40 дан ортиқ манбалар маълум бўлса-да, уларнинг ҳаммасида ҳам Қўқон хонлигининг дипломатик алоқалари, шу жумладан Қўқондан Истанбулга юборилган элчилар ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Аксарият манбаларда Қўқон хонлигидан Усманийлар давлатига юборилган Умархон ҳамда Муҳаммад Алихон давридаги элчиликлар тўғрисидаги маълумотлар ёритилган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, Умархон ҳукмронлигидаги элчилик Қўқон хонлигидан Усманийлар давлатига юборилган дастлабки дипломатик миссия ҳисобланади. Умархонга қадар Қўқон хонлигидан Истанбулга элчилик юборилмаган. Муҳаммад Алихон ҳукмронлигида эса, Усмонли давлатига икки марта дипломатик миссия юборилган бўлса-да, тарихий манбаларда уларнинг фақатгина биттаси қайд этилган. Бу ҳолат Султон Саййидхон (1863 – 1865) ҳукмронлиги давридаги икки марта юборилган дипломатик миссиясига ҳам тегишлидир. Истанбул шаҳрида жойлашган Туркия президенти ҳузуридаги архивлар бошқармасига қарашли Усмонли архиви фонди Қўқон хонлигидан юборилган барча дипломатик миссияларга оидинлик киритадиган ҳужжатларнинг мавжудлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур архив фондидаги ҳужжатлар асосида бир қатор олимлар, хусусан, М. Сарай, Ҳ. Коматцу, А. Эрдоғру, А. Мажит, А. Васильев каби тадқиқотчилар Қўқон хонлиги ва Усманийлар давлати ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг айрим хусусиятларини тадқиқ этишга муваффақ бўлишган. Бироқ ушбу олимларнинг тадқиқотларида ҳам Қўқондан Истанбулга юборилган элчиларнинг шахси масаласига эътибор қаратилмаган.

Икки давлат ўртасидаги дастлабки элчилик алоқалари 1820 йилдан бошланган бўлиб, Муҳаммад Ҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ат-та-

ворих” асарида Қўқон хони Умархон (1810 – 1822) томонидан Усмо-нийлар давлати ҳукмдори Султон Маҳмуд II хузурига Саййид ҳожи Мирқурбонни элчи қилиб юборилганлиги келтирилади. Лекин, асарда элчи қандай мақсадда юборилганлиги кўрсатилмаган<sup>542</sup>.

Амир Умархон томонидан Саййид ҳожи Мирқурбон орқали Султон Маҳмуд II га юборилган мактубнинг Усмонли ҳукумати қошидаги тар-жимонлик бўлими томонидан усмонличага таржима қилинган нусхаси-нинг мазмунига кўра<sup>543</sup>, Россия империяси тажовузидан ҳимояланиш мақсадида Усмонли султонида маънавий кўмак олиш учун дипломатик миссия юборилган ва бу ҳужжат М. Сарай<sup>544</sup>, Х. Коматцу<sup>545</sup>, Ҳ. Болтабо-ев<sup>546</sup>, А. Мажит<sup>547</sup>ларнинг тадқиқотларида таҳлил қилинган. Бироқ элчи Саййид ҳожи Мирқурбон ҳақида улар ҳеч қандай мулоҳаза билдириш-маган. Бу ўринда “Саййид ҳожи Мирқурбон ким ўзи, Умархон томони-дан айнан нима учун у элчи сифатида танланди, Қўқон хонлигида қан-дай мавқега эга бўлган?”, деган саволларга жавоб топиш орқали хонлик-нинг сиёсий мақомини, ҳукмдорнинг салоҳияти ва бошқарув маҳорати каби масалаларни кўрсатиш мумкин.

Усмонли архивининг “Хатти Хумоюн” фондида сақланаётган 36547-рақамли ҳужжатда Қўқон элчиси Саййид Мирқурбон шахси ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд. Унда мазкур элчи Қўқон хонлигида юқори мавқега эга бўлган давлат арбобларидан эканлигига урғу берилган<sup>548</sup>. Энг муҳими эса, расмий ҳужжатдан Саййид Мирқурбоннинг ҳамадон-лик саййидлардан бўлганлиги маълум бўлади. Бу даврда Қўқонда сай-йидларнинг бошқа вакиллари, яъни, Маҳдуми Аъзам авлодлари<sup>549</sup> ҳам яшаб, улар хонликнинг юқори диний лавозимларини эгаллаганлар. Би-

---

<sup>542</sup> Саййид Муҳаммад Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхон. Мунтахаб ат-таворих. ЎзР ФА ШИ, кўл ёзма. 294 а.

<sup>543</sup> Мактуб мазмунига кўра Қўқон хони Россия империясининг хонлик чегарасига ҳарбий ис-техкомлар қуришидан ташвишга тушаётганлиги ҳамда Қошғар масаласида Бухоро амирининг Қўқонга нисбатан олиб бораётган сиёсий ҳаракатлари ўз ифодасини топган.

<sup>544</sup> Saray M. Rus işgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasa- betler (1775 – 1875). Istanbul. 1990.

<sup>545</sup> Komatsu Hisao. Khoqand and Istanbul: An Ottoman document relating to the earliest contacts between the khan and sultan. Asiatische Studien Etudes Asiatiques LX.4.2006. S. 963-986.

<sup>546</sup> Ҳ. Болтабоев. Амир Умархоннинг мактуби. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997. 24 октябрь. № 43.

<sup>547</sup> Macit Abdulkadir. Başbakanlık Osmanlı Arşiv Belgeleri Işığında XIX. Yüzyıl Osmanlı – Hokand Hanlığı Münasebetleri. (Yüksek Lisans tezi) İstanbul: 2008. Marmara Üniversitesi, İlahiyat fakültesi.

<sup>548</sup> BOA, Hatt-ı Humayun Daftarı, nr. 781/36547

<sup>549</sup> Маҳдуми Аъзам авлодаридан ҳисобланган Маъсумхон тўра Қўқон хони Норбўтабийнинг куёви бўлиб, Умархон ҳукмронлиги даврида хонликда энг олий диний лавозим шайх-ул ислом-ликни эгаллаган.

рок, Умархон томонидан бу масъулиятли вазифага дипломатик қобилияти юқори даражада бўлган Саййид Мирқурбон элчи сифатида танланиши бежиз эмас. Саййид Мирқурбоннинг кейинчалик Муҳаммад Алихон ҳукмдорлигида бир марта Россия империясига ҳам элчи қилиб юборилиши унинг кенг қамровли иқтидорга ҳамда дипломатик маҳоратга эга бўлганлигини англатади.

Муҳаммад Алихон ҳукмдорлигида Қўқон хонлигидан Усманийлар давлатига 1837 йилда иккинчи дипломатик миссия юборилганлигига оид Усмонли архиви фондида расмий ҳужжатлар мавжуд. Бироқ Қўқон тарихига доир манбаларда ушбу элчиликка оид маълумотлар узук-юлук тарздадир. Айниқса, элчилар шахси тўғрисидаги аниқ маълумотлар қайд этилмаган. Мазкур элчиликка Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа раҳбар қилиб юборилган бўлиб, Усмонли архиви фондида 20 га яқин ҳужжатлар сақланади. Туркиялик олим Акиф Эрдоғру ўз тадқиқотида Муҳаммад Зоҳид хожа 1839 йилда Истанбулда бўлганлигини қайд этади<sup>550</sup>. Лекин, Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа бошчилигидаги дипломатик миссияга доир Усмонли архиви фондидаги барча ҳужжатлар ҳ.1254/1837 – 1838 йилларга оиддир. Архив ҳужжатларидан маълум бўлишича, Саййид Муҳаммад Зоҳид хожага Истанбулда ўта юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган. Шунингдек, у орқали Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан ҳам Султон Маҳмуд II га махсус совғалар юборилган<sup>551</sup>.

Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа ҳақида ҳам Саййид Мирқурбон сингари маълумотлар жуда кам учрайди. Асосан, Усмонли архиви ҳужжатларида унинг шахсига оид муҳим маълумотлар мавжуд. Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа Қўқон хонлигида *хожа-калон* унвонига эга бўлган<sup>552</sup>. Шунингдек, у Жўйбор шайхлари сулоласининг вакили бўлган<sup>553</sup>. Муҳаммад Алихоннинг турк султониغا ёзган мактубида Муҳаммад Зоҳид хожанинг тасаввуф шайхлариданлиги ҳам қайд этилган<sup>554</sup>.

Муҳаммад Алихон томонидан юборилган мазкур дипломатик миссиядан кўзланган асосий мақсад Қўқон хонлиги ҳарбий салоҳиятини кучайтиришдан иборат бўлган ва буни элчи Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа Усмонли султонлиги ҳукуматининг таржимонлик бўлими бош

---

<sup>550</sup> Erdogru Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul. Central Asian Journal 52/1. 2008. P. 5.

<sup>551</sup> Ўша жойда.

<sup>552</sup> Ўша жойда.

<sup>553</sup> Ўша жойда.

<sup>554</sup> Ўша жойда.

таржимони Ўрфи Эфенди билан суҳбатда маълум қилган<sup>555</sup>. Мазкур суҳбат ёзма шаклда қайд этилиб, мажлисда кўриб чиқилган. Қўқон хонининг Усмонли империясидан асосий истаги икки пиёда аскар, икки суворий, икки тўп ўргатувчи мутахассисларни ва ҳарбий ҳолатларга доир китоблардан намуналар юбориш бўлган<sup>556</sup>. Шунингдек, Усмонли султони номидан хонликнинг маҳаллий беклари ва ҳокимларини, хусусан, қозоқ ва қирғиз бийларини ўзбошимча ҳаракатини жиловлаш, ҳукмдорга қаттиқ итоат этишлари учун “Хонлар хони” унвонини берилиши сўралган. Демак, Муҳаммад Алихон ташқи хавфни олдини олиш ва унга қарши курашга тайёр туриш ҳамда бу орқали хонликнинг ҳарбий ҳолатини яхшилаш мақсадида Усмонли султонлигига дипломатик миссия юборганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, бу даврга қадар ҳам Қўқон хонлигида Ҳиндистондан келган мутахассис орқали Европа усулидаги пиёда ва тўпчиларга ҳарбий машғулотларни хонлик аскарларига ўргатилаётгани элчи Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа томонидан бош таржимон Ўрфи Эфендига маълум қилинган<sup>557</sup>.

Мазкур элчиликнинг олдига қўйилган вазифа аъло даражада бажарилганлигини маҳаллий манбалардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, “Хуллас ут-таворих” ва “Тарихи Туркистон” асарларида кўрсатилишича, Қўқон хони саройида Саййид Муҳаммад Зоҳид хожа бошчилигидаги элчилик Истанбулдан қайтиб келгандан сўнг махсус мажлис ўтказилган. Ушбу йиғинда Усмонли султони томонидан юборилган махсус совғаларнинг тақдими бўлиб ўтади ва бу жараёнда Муҳаммад Алихон беҳад хурсанд бўлган<sup>558</sup>.

1860–1865 йилларда Қўқон хонлигида сиёсий вазият ўта чигал ва зиддиятли аҳволга келган эди. Бунинг асосий сабаби Россия империяси хонликнинг шимолий ҳудудларига шиддат билан бостириб кела бошлаши эди. 1863–1865 йиллар ичида Россия империяси хонликнинг шимолий ҳудудлари бўлган Авлиёота, Туркистон, Чимкент каби маъмурий бирликларини бирин-кетин босиб ола бошлайди. Бу вақтда Қўқон хонлиги ҳукмдори Султон Саййидхон ёш бўлганлиги боис ҳам давлат бошқаруви бош вазир Мулла Аликули амирлашкар томонидан идора қилинган. Мулла Аликули амирлашкар бош вазир лавозимида бўлганлиги

<sup>555</sup> M. Saray Rus işgali devrinda Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabotlar (1775 – 1875)... S. 47.

<sup>556</sup> Ўша жойда.

<sup>557</sup> Ўша жойда.

<sup>558</sup> Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр. 304. 36-бет; Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Нашрга тайёрловчилар Т. Алимардонов, Н. Абдулҳаким. Қарши. 1992. 47-бет.

учун олий ҳарбий қўмондонлик билан Авлиёота, Туркистон, Чимкент ҳудудларида босқинчиликка қарши жангларни олиб борди ва бу жараёнда Қўқон хонлигига ҳарбий кўмак зарурлигини тушуниб етган эди.

Ушбу жараёнда Қўқон хонлиги ташқи сиёсатда дипломатик муносабатларни янада фаоллаштиришга интиланган. Мулла Алиқули амирлашкар билан жанг майдонларида бирга бўлган, Қўқон хонлигида шиғовул<sup>559</sup> вазир лавозимини эгаллаган Муҳаммад Юнусжон томонидан ёзилган “Тарихи Алиқули амирлашкар” асарида хонлик томонидан ўта шошилич равишда қўшни мамлакатларга элчилар юборилганлиги қайд этилади<sup>560</sup>. Мазкур дипломатик миссиялар фаолияти Россия империясининг алоҳида эътиборида ва кузатувида турганлиги Россия архивларидаги ҳужжатларда ҳам қайд этилган<sup>561</sup>.

Муҳаммад Юнусжоннинг берган маълумотларида Истанбулга юборилган элчиликка Аҳмадхўжа эшон бош этиб тайинлангани ва улар Қошғар орқали йўлга чиққанлиги қайд этилади<sup>562</sup>. Мазкур элчилик Қўқондан Истанбулга 1864 йилнинг май ойида юборилган. Бироқ, Хитой чегарачилари Аҳмадхўжа эшонни чегарадан ўтказмагани хабари Қўқонга етиб келгандан сўнг Алиқули амирлашкар мазкур дипломатик миссияни Истанбулга албатта бориши зарур эканлигини Муҳаммад Юнусжон шиғовулга таъкидлайди ва уни махсус топшириқ билан Қошғарга юборади<sup>563</sup>. Муҳаммад Юнусжон шиғовул Қошғарда Хитой чегара хизмати ходимлари билан мулоқотдан сўнг Аҳмадхўжа эшоннинг ўрнига Хожи Менглибой эшикоғасини Истанбулга юбориб қайтади<sup>564</sup>. Бу 1864 йилнинг июнь ойида амалга оширилганлигини Усмонли архивида сақланаётган мактубдан кўриш мумкин<sup>565</sup>.

---

<sup>559</sup> Шиғовул – Қўқон хонлиги марказий бошқарув аппаратида хоннинг ташқи ишлар масаласида маслаҳатчиси бўлиб, элчиликка номзодларни тавсия этиш ҳамда хорижий мамлакатлардан келган элчиларни кутиб олиш ва улар билан боғлиқ масалаларга жавобгар мансабдор ҳисобланган.

<sup>560</sup> The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. London. 2003.

<sup>561</sup> Государственный архив Орловской области (ГАОО). Фонд. 6. оп. 10. ед.хр. 8148. Дело о ходатайства Кокандского посланника в Константинополе Сеид Якубхана о разрешении ему вернуться на родину 11.02. – 08.03. 1867 г.

<sup>562</sup> Муҳаммад Юнусжон Шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар. ЎзР ФА ШИ қўлёзма, 12136. 66 а-варақ.

<sup>563</sup> Муҳаммад Юнусжон Шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар... 66 а-варақ.

<sup>564</sup> Муҳаммад Юнусжон Шиғовул. Тарихи Алиқули амирлашкар... 66 а-варақ; The Life of Alimqul. A Native Chronicle of Nineteenth Century Central Asia, Edited and translated by Timur Beisembiev. London. 2003.

<sup>565</sup> Мулла Алиқули амирлашкарнинг мактуби. BOA, HR.TO. 447/ 1.



Хожи Менглибой бошчилигидаги элчилик самарасиз бўлганлиги навбатдаги юборилган элчилик мактубида ўз аксини топган<sup>566</sup>. Натижада 1864 йилнинг куз фаслида Қўқон хонлигидан мамлакатнинг йирик диний уламоларидан бўлган Саййид Ёқубхон тўра навбатдаги элчилик миссияси билан Истанбулга юборилади. Россия архив ҳужжатларида қайд этилишича, Саййид Ёқубхон тўра бошчилигидаги элчилик Хива хонлиги ва Эрон орқали жуда машаққатли йўл билан 1865 йил апрел ойининг бошларида Истанбулга етиб келган<sup>567</sup>.

Лекин, Қўқон хонлиги манбаларида Саййид Ёқубхон тўранинг Истанбулга элчи қилиб юборилганлиги тўғрисида деярли маълумотлар мавжуд эмас. Ҳаттоки, ўша даврда Қўқон хонлиги сиёсий жараёнларида бевосита иштирок этган Муҳаммад Юнусжон шиғовул ҳам ўз асарида умуман бирор маълумотни кўрсатмаган. Бу Саййид Ёқубхон тўра бошчилигидаги элчилик ўта махфий равишда юборилганлигини кўрсатади. Ушбу элчиликка фақатгина Усмонли архиви ҳамда Россия Федерацияси архив фондларидаги ҳужжатлардан оидинлик киритиш мумкин.

Саййид Ёқубхон тўранинг биографияси тўғрисида Қўқон хонлиги тарихига доир манбаларда маълумотлар жуда кам. Ҳатто Муҳаммад Юнусжон шиғовул ҳам деярли бирор маълумотни қайд этмайди. Чунки у Саййид Ёқубхон тўра 1864 йилда Истанбулга элчи этиб юборилганда айнан хорижий давлатларга элчиларни юборишга масъул мансабдор бўлган эди. Қолаверса, 1867 йилда Саййид Ёқубхон тўра Истанбулдан Қўқонга қайтиб келиб, бир оз муддатдан сўнг Қошғарга Ёқуббек Бадавлатни ҳузурига борган вақтда ҳам Юнусжон шиғовул ўша ерда масъул лавозимда фаолият юритаётган бўлган. Муҳаммад Юнусжон шиғовул ўз асарида Саййид Ёқубхон тўра ва унинг фаолиятини қайд этмаганининг икки сабаби бўлиши мумкин. Биринчиси, “Тарихи Алиқули амирлашкар” асари Қўқон хонининг бош вазири ва лашкарбошиси Алиқули амирлашкар фаолиятига бағишланганлиги, иккинчиси, асар воқеалари фақат 1865 йилгача бўлган даврни ўз ичига олганлигидир.

Саййид Ёқубхон тўра 1818 йилда Тошкентда туғилган ва 1899 йилда Дехлида вафот этган<sup>568</sup>.

1882 – 1903 йилларда Россия империясининг Қошғардаги биринчи консули бўлган Николай Петровскийнинг маълумотиغا кўра Саййид Ёқубхон тўра Ёқуббек Бадавлат томонидан Ҳиндистон, Лондон, Истан-

---

<sup>566</sup> Ўша жойда.

<sup>567</sup> Мулла Алиқули амирлашкарнинг мактуби. ВOA, HR.ТО. 447/ 1.

<sup>568</sup> Yakub Ha Kasgari. Turkiye Diyanet vakfi Islam Ansiklopedisi.

бул ва Петербургга элчи қилиб юборилган<sup>569</sup>. Албатта, Ёқуббек Бадавлат Саййид Ёқубхон тўрага бежиз бундай ишонч билдирмаган. Бу унинг дипломатик маҳорати, кучли билими ва тафаккурининг кенглиги билан боғлиқ. Николай Петровский Қошғарда бўлган вақтда Саййид Ёқубхон тўра Кашмирда эди.

Саййид Ёқубхон тўранинг Истанбулдаги ҳаёти ва ирфоний фаолияти ҳақида профессор Мустафа Кара биров кенгроқ маълумот беради. Унинг маълумотидан Саййид Ёқубхон тўранинг ўнга яқин тасаввуфга доир рисолалар ва бошқа асарларга шарҳлар ёзганини билиш мумкин.

Саййид Ёқубхон тўра 1864 йилда Истанбулга келган вақтда нақшбандия тариқатига мансуб бўлган. Ушбу сафари чоғида Истанбулда кўплаб тасаввуф шайхларининг суҳбатларидан баҳраманд бўлиши билан бирга, тасаввуф тариқатининг Ҳилвати-Шабания шайхи Меҳмед Тевфик Босनावийга мурид бўлган эди. Босनावийнинг вафотидан кейин эса Мустафо Энвери эфендининг суҳбатларида бўлган<sup>570</sup>. Мустафо Энвери эфендининг вафотидан сўнг иршод ижозатини олган Саййид Ёқубхон тўра 20 йилга яқин Ҳиндистонда Шабания тариқатини ёйилишига хизмат қилган<sup>571</sup>.

Саййид Ёқубхон тўранинг Қўқон хонлигидаги мавқеи тўғрисида Усмонли архиви фондида сақланаётган иккита расмий мактубда тўлиқ маълумот берилган. Мактубларда кўрсатилишича, Саййид Ёқубхон тўра Қўқон хонлигида Қози ал-қуззот лавозимида<sup>572</sup> фаолият кўрсатган. Шунингдек, Қўқон хони томонидан унга нақиб<sup>573</sup> унвони берилган.

Архив ҳужжатларидан Саййид Ёқубхон тўра бошчилигидаги дипломатик миссия Хива хонлиги ва Эрон орқали жуда машаққатли йўл билан 1865 йил апрел ойининг бошларида Истанбулга етиб келганлигини кўриш мумкин. У Истанбулга келган вақтда ундан аввалги келган элчи Хожи Минглибой ҳам шу ерда бўлган. Усмонли архиви фондида Саййид Ёқубхон тўрага оид 7 та ҳужжат мавжуд. Бу ҳужжатлардан 2 таси<sup>574</sup> Қўқон бош вазири томонидан Турк султони ва Садри Аъзамга берилган

---

<sup>569</sup> Николай Петровский. Краткая сведения о литсах, имевших отношения ко времени Кашгарского владетеля Бек-Кулибека. протоколи заседаний И сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год. ХХИ. Ташкент. 1917. С. 89 – 99.

<sup>570</sup> Mustafa Kara. Diplomat ve fusûs şârihi Yakub Han Kaşgari. Tasavvuf. İlmî ve Akademik Araştırma Dergisi [2009], sayı:23, ss.9-24.

<sup>571</sup> Yakub Han Kaşgari. Türkiye Diyanet vakfi İslam Ansiklopedisi.

<sup>572</sup> Қози ал-қуззот – Қўқон хонлиги марказий бошқарув аппаратида қозиларнинг раҳбари – олий судья вазирига тенг бўлган.

<sup>573</sup> Нақиб диний унвонлардан саналиб, Қўқон хонлигида бу унвон Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) авлодларига берилган.

<sup>574</sup> ВOA, HR.ТО. 447/ 1; ВOA, HR.ТО.. 447/ 87.

мактуб бўлиб, унда Саййид Ёқубхон тўранинг мухтор элчи этиб юборилганлиги ҳамда Қўқон хонлиги давлат бошқарувидаги йирик уламо-лардан бири бўлганлиги қайд этилган. Қолган 5 та ҳужжат<sup>575</sup> эса Саййид Ёқубхон тўранинг Усмонли давлати томонидан Истанбулдаги молиявий таъминотига ажратилган маблағларга оиддир. Ушбу ҳужжатларда Саййид Ёқубхон тўра Қўқоннинг иккинчи элчиси деб қайд этилган. Мазкур ҳолат Қўқондан ундан аввалги юборилган элчи Хожи Минглибойнинг ҳам ўша даврда Истанбулда бўлганлигини ва улар бирин-кетин етиб борганлиги учун ҳам Саййид Ёқубхон тўрани “Қўқоннинг иккинчи элчиси” деб кўрсатилганлигини тахмин қилиш мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган расмий ҳужжатлар дипломатик алоқалар тарихини тўлиқроқ ёритишга хизмат қилишини кўрсатади. Айниқса, тарихий манбаларда қайд этилмаган, аммо муҳим сиёсий вазифани бажарган элчиларнинг шахси тўғрисида аниқ маълумотлар беради. Бу эса элчи шахсининг давлат бошқарувидаги мақоми, унинг ҳукмдорга яқинлиги, ижтимоий келиб чиқишини аниқлашга имкон бериши билан бир қаторда ҳукмдорнинг ҳам сиёсий тафаккури ҳақида хулоса чиқаришга ёрдам беради.

---

<sup>575</sup> ВОА, А.}МКТ.МНМ. 333 / 99; ВОА, А.}МКТ.МНМ. 347 / 77; ВОА, А.}МКТ.МНМ. 367 / 68; ВОА, А.}МКТ.МНМ. 376 / 93; ВОА, I..DH.. 588 / 40902.

## ДОКУМЕНТЫ ПО ИСТОРИИ ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ И ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (ОПЫТ СОПОСТАВИТЕЛЬНОГО АНАЛИЗА)

*Александр Васильев*

История дипломатических связей Османской империи и Центральной Азии не раз становилась предметом научного исследования<sup>576</sup>. Однако, зачастую многие исследователи подходили к вопросу изучения данных связей односторонне, привлекая лишь османские документы, игнорируя российские архивные документы и хроники историков Бухары, Хивы и Коканда. Некоторые авторы отмечали, что османские источники сами по себе малоинформативны и требуют к себе более пристального внимания исследователей<sup>577</sup>. В 2006 г. автору данной статьи довелось значительное время работать в Османском архиве при Премьер-министре Турции (ныне – при Президенте), и ознакомиться с широким кругом османских документов по истории Центральной Азии. В результате данного исследования в свет вышла книга “Знамя и меч от падишаха”, в которой предпринята попытка провести сравнительно-исторический анализ связей Османской империи и Центральной Азии на основании турецких и российских архивных материалов, а также частично и доступных российским авторам хроник центрально-азиатских историков

---

<sup>576</sup> Osmanlı Devleti ile Kafkasya, Türkistan ve Kırım Hanlıkları arasındaki Münasebetlere dair Arşiv Belgeleri. Ankara, 1992; Belgelerle Osmanlı Devleti. Türkistan ilişkileri (16-20. yüzyıllar). Ankara. 2004; История Центральной Азии в османских документах. Самарканд. Т.1-3. 2011 – 2012. (Введение на русском и турецком языках, сами документы – на турецком языке). Исследования турецких ученых: Kurat, A.N. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan hanlarına ait yarlık ve bitikler: İstanbul. 1940.

O. Mert, “Buhara Amirliği Elçisi Muhammad Parsa Efendi’nin İstanbul’daki Faaliyetleri (1867 – 1869)”, Türk Kültürü Araştırmaları. XV/1-2. 1976.

M. Saray. “Rus İşgali Devrinde Osmanlı Devleti ile Türkistan Hanlıkları Arasındaki Siyasi Münasebetler (1775 – 1875)”. Ankara. 1994; M. Saray. The Russian, British, Chinese and Ottoman Rivalry in Turkestan. Ankara, 2003. M. Saray. The Turkmens in the Age of Imperialism. A Study of the Turkmen People and Their Incorporation into the Russian Empire. TTK. Ankara. 1989.

Andican, A. Ahat. Cedidizm’den Bağımsızlığa Hariçte Türkistan Mücadelesi. İstanbul. 2003. Dündar, Ali Merthan. Panislamizm’den Büyük Asyacılığa: Osmanlı İmparatorluğu, Japonya ve Orta Asya. Ötügen Yayınları, İstanbul. 2006.

Andican, A. Ahat. Osmanlı’dan Günümüze Türkiye ve Orta Asya. İstanbul. 2009.

Erdoğan, M. Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul. CAJ. № 52/1, 2008, P. 1 – 10.

<sup>577</sup> Erdoğan, M. Akif. The Khoqandi Envoys in Ottoman Istanbul. CAJ. № 52/1. 2008. P. 3.

и архивных материалов. Сравнительный анализ турецких документов с привлечением российских архивных материалов оказался достаточно плодотворным. В данной статье хотелось бы продемонстрировать это на примере связей Бухарского эмирата и Османской империи.

В одном из османских документов говорится, что в апреле 1803 г. посланник бухарского эмира появляется в Стамбуле, прося разрешения выполнить свои дипломатические обязанности<sup>578</sup>. Зимой того же года он собирался отправиться обратно, просил на это разрешения визиря. Некоторые любопытные детали путешествия посла становятся известными из августейшего указа о подготовке аудиенции посланника с султаном Селимом III<sup>579</sup>. Так, сообщается, что первоначально посол прибыл морем из Крыма. Обратный путь посланник планировал также проделать северным маршрутом. При этом российский посланник в Стамбуле А.Я. Италинский<sup>580</sup> был оповещен о его пребывании и ходе переговоров, а для доставки бухарца и сопровождавших его лиц в Крым был использован российский корабль.

В османских архивах не сохранилось имени посланника и детального описания его миссии. Однако в российских архивах имеются документы о личности и миссии этого посланника. Они проясняют внимание имперских дипломатов к этому визиту. Посланником был Иш-Мухаммед Байкишиев, еще до визита в Османскую империю прибывший во главе официальной бухарской дипломатической миссии в Россию. Его посольство прибыло на российскую границу в апреле 1802 г.<sup>581</sup> В степи посольство, следовавшее вместе с караваном казанских купцов, подверглось нападению “киргизов” (казаков), и часть подарков и имущества была разграблена. Через приграничный Оренбург бухарский дипломат отправился в российскую столицу, и прибыл туда в конце де-

---

<sup>578</sup> Osmanlı devleti ile Kafkasya, Türkistan ve Kırım hanlıkları arasındaki münasebetlere dair arşiv belgeleri. S.21.

<sup>579</sup> ВOA, НАТ, dosya 175, belge 7618.

<sup>580</sup> Италинский (встречается также вариант “Италийский”) Андрей Яковлевич (15 (27) мая 1743, Киев – 27 июня (9 июля) 1827, Рим) – почётный член Российской академии художеств; действительный тайный советник, дипломат, посол в Неаполе, Константинополе (с 1802 по 1806 г. и с 1812 по 1816 г.) и Риме. В конце 70-х гг. XVIII в. – воспитатель В.П. Кочубея и и доверенное лицо А.А. Безбородко. Участвовал в русско-турецкой войне 1806 – 1812 г., вместе с М.И. Кутузовым вел переговоры по заключению Бухарестского мирного договора. Будучи в Турции, составил большую коллекцию арабских рукописей, позже переданную в Азиатский музей в Санкт-Петербурге. По сведениям И.Ю. Крачковского, Италинский одним из первых русских исследователей проанализировал восточные элементы в “Слове о Полку Игореве”.

<sup>581</sup> Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ). Фонд. Санкт-Петербург. Главный архив. 1-8, оп. 7. 1802 – 1804, л. 3

кабря 1802 г. Он имел титул “диванбеги”, и вез императору грамоту от эмира Хайдара. В ней эмир сообщал о своем восшествии на престол и поздравлял также императора Александра I (1801 – 1825) с воцарением<sup>582</sup>. В подарок императорскому двору он привез 7 арабских скакунов. Во время переговоров с государственным канцлером и министром иностранных дел графом А.Р. Воронцовым, бухарец заявил о желании эмира возродить торговлю с Россией<sup>583</sup>. Байкишиев также ходатайствовал о разрешении бухарским купцам пасти скот на азиатской стороне реки Урал, освобождении их от платы за постой, продаже ему для вывоза за границу 1000 пудов стали, об ограничениях на торговлю кочевников в пределах России. Также посланник намеревался продать в России большое количество привезенной им ляпис-лазури (40 пудов) и бирюзы (3 пуда). В заключение он просил разрешения выехать через российские земли в Стамбул, а бухарских паломников пропустить в Мекку<sup>584</sup>. Все просьбы посланника были удовлетворены, и ему была выдана сумма в 27000 рублей.

В сентябре 1804 г., в Стамбул пришло известие о прибытии очередного посланника из Бухары. Османским правительством в связи с этим было направлено официальное уведомление А.Я. Италинскому<sup>585</sup>. Им стал чиновник эмира Хайдара, как указано в османском документе, в должности коруджубаши<sup>586</sup>, по имени Мирза Мехмед Юсуф. По словам турецких чиновников, он должен был доставить дары эмира Хайдара султану. В декабре 1804 г. в рапорте валахшского воеводы в Стамбул указывалось, что посланник следовал в Османскую империю из Петербурга, где находился с дипломатической миссией для установления добрососедских отношений<sup>587</sup>. В Стамбул он следовал через Яссы, Бухарест, а затем – Рушук. Из рушукского порта по Дунаю и Черному морю до османской столицы его должен был сопроводить османский чиновник Терсенекли-заде Исмаил Ага<sup>588</sup>.

Российские архивы содержат интересную информацию о миссии бухарского посланника в Санкт-Петербурге. Его миссия оказалась связанной с посольством Иш-Мухаммеда Байкишиева. Поскольку посольство

---

<sup>582</sup> Архив внешней политики Российской империи (АВПРИ). Фонд. Санкт-Петербург. Главный архив. 1-8, оп. 7. 1802 – 1804. Перевод грамоты. Л. 198 – 201.

<sup>583</sup> Там же. Л. 139 – 144.

<sup>584</sup> Там же. Л. 197 – 353.

<sup>585</sup> ВОА, НАТ, dosya 170, belge 7280.

<sup>586</sup> Коруджубаши – начальник городской стражи, по османском документе.

<sup>587</sup> ВОА, НАТ, dosya 175, belge 7622-А.

<sup>588</sup> ВОА, НАТ, dosya 175, belge 7622-А. Там же.

подверглось нападению, и часть даров была потеряна, эмир Хайдар отправил новое посольство в Петербург с новыми дарами. Его возглавляли Мир Алауддин Мир Мухаммед Аминов и упомянутый нами Мирза Мухаммед (так в русских документах) Юсуф. Этот последний, судя по русским документам, занимал в эмирате пост курчибаши. В декабре 1803 г. они прибыли в российскую столицу и удостоились торжественной аудиенции у Александра I. После этого они провели переговоры и с канцлером А.Р. Воронцовым. Доставленные бухарцами дипломатические документы содержали ходатайства о принятии мер против нападений на караваны и высочайшем покровительстве бухарским купцам, торгующим в России. Также говорилось о продаже Бухаре стратегически важных товаров – 15000 пудов стали<sup>589</sup>. Министр иностранных дел России А.Чарторыжский сообщал, что на конференции в Государственной коллегии иностранных дел бухарский посланник представил бумагу от эмира с записью данных ему устных поручений. По словам Чарторыжского, основной предмет переговоров – военная помощь эмиру со стороны России для пресечения набегов на караваны<sup>590</sup>. В ответном письме эмиру Хайдару российское правительство говорило о готовности России участвовать в любое время в совместном походе против грабителей караванов. Хану предлагалось открыть боевые действия либо зимой 1803 г., либо – 1804 г. Планировалось ударами с двух сторон обеспечить безопасность караванного пути<sup>591</sup>.

Во время пребывания в Петербурге Мирза Мехмед Юсуф затронул и еще один интересный вопрос. 2 декабря 1803 г. он обратился в Министерство иностранных дел с запиской о данном ему ханом словесном поручении. Посланник сообщал, что эмир Хайдар узнал о желании царя послать через Туркестан в Индию свое войско. Эмир, по его словам, узнав об этом, приказал готовить квартиры, провиант и сам хотел проводить войско до пределов своих владений. Однако эмир передавал, что жители Бухары, узнав о военном походе, могут “прийти в беспокойство и неустройства”. Поэтому эмир просил не посылать войско в Индию, а при необходимости поручить это дело ему самому<sup>592</sup>. В этом случае, вероятно, отразилась реакция бухарской элиты на “индийский поход” казаков, предпринятый по велению Павла I (1796 – 1801) в разгар наполеоновских войн в Европе. Возможно, преувеличенные слухи об этом

---

<sup>589</sup> АВПРИ. Фонд. Санкт-Петербург, Главный архив. 1-8, оп. 7. 1803. Л. 191 – 194.

<sup>590</sup> Там же. Л. 272 – 281.

<sup>591</sup> АВПРИ. Фонд. Санкт-Петербург, Главный архив. 1-8, оп. 7. 1803. Л. 287 – 290.

<sup>592</sup> АВПРИ. Фонд. Санкт-Петербург. Главный архив. 1-8, оп. 7. 1803. Л. 238 – 239.

походе могли распространиться через купцов и в Бухаре, вызывая панику у местного населения<sup>593</sup>. Российские власти заверили Мирзу Мехмеда Юсуфа, что Россия не намерена предпринимать какое-либо наступление на Индию. Вслед за этим он получил разрешение отправиться в Стамбул, а его спутник вплоть до 1805 г. вел торговлю в России, причем ему было разрешено закупить и вывезти испрошенное количество стали.

Бухарский посланник прибыл в Стамбул в конце 1804 г. и пробыл в Османской империи около полутора лет. К сожалению, нет информации о том, какие подарки были им вручены султану, и в чем, кроме торжественного соблюдения церемониала, заключалась его дипломатическая миссия. По-видимому, он отбыл из османской столицы 4 апреля 1806 г., в 15-й день месяца мухаррем 1221 г.х. О такой дате отъезда упоминается в хозяйственной переписке османских чиновников. Некий Али-ага, в доме которого, по-видимому, размещалось посольство, обратился 29 дня месяца Мухаррем к михмандару (т.е. чиновнику, ответственному за размещение гостей) султанского дворца. Он говорил, что размер ежемесячных расходов на “содержание повара и прочие расходы” бухарского посольства составлял 300 курушей. Так как посол отбыл на родину в 15-й день месяца мухаррем 1221 г.х., то Али-ага просил возместить ему половину месячного содержания гостей в размере 150 курушей, и написать соответствующий тезкире Главному казначею. Михмандар в резолюции на прошении повелел засчитать расходы за первую половину месяца – на содержание повара, заготовку дров, угля, соломы, ячменя, и на прочие расходы – в счет казны и выдать просителю искомую сумму<sup>594</sup>. По данным российских дипломатов, на территории Османской империи бухарские посланники занимались в основном торговлей, пользуясь при этом теми привилегиями, которые давал им официальный статус<sup>595</sup>.

3 марта 1816 г. на территорию вассальной Османской империи Валахии прибыло посольство бухарского эмира, которое возглавлял Мухаммед Юсуф бей. В Бухаре он занимал должность диванбеги при Хайдаре. Мухаммед Юсуф в беседе с османскими официальными лицами рассказал, что вот уже два года, как он отправился из Бухары с посольством в Санкт-Петербург, где планировал встретиться с императором.

---

<sup>593</sup> Н.А. Халфин. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). Москва. 1984. С. 83.

<sup>594</sup> Osmanlı devleti ile Kafkasya, Türkistan ve Kırım hanlıkları arasındaki münasebetlere dair arşiv belgeleri. S. 22. 106.

<sup>595</sup> АВПРИ. Фонд. 109, оп. 109/2, д. 1, л. 93 – 94



Однако из-за “трудностей с французским послом” увидеться лично с императором не удалось, и в ожидании разрешения на аудиенцию Мухаммед Юсуф и ожидающие его лица в течение 8 месяцев находились в Санкт-Петербурге. Не дождавшись буквально одного дня до возвращения императора, Мухаммед Юсуф покинул столицу и по внутренним областям России добрался до границы с Валахией<sup>596</sup>.

В российских архивах содержатся любопытные данные относительно миссии Мухаммеда Юсуфа. Ранее он уже побывал в российской столице в 1804 г. Причиной его нового визита летом 1815 г. стало письмо Г.С. Волконского от 12 марта 1813 г. В нем Волконский сообщал эмиру о победе над Наполеоном и просил, чтобы эмир Хайдар “повелел” своим купцам вновь отправляться для торговли в Россию. Также Волконский сообщал, что надеется добиться возвращения товаров из разграбленного в 1812 г. каравана<sup>597</sup>. Посольство во главе с Мирзой Мухаммедом Юсуфом можно считать ответным. Он привез письмо от эмира Хайдара, который поздравлял с изгнанием французских войск, и выражал надежду, что купцам вернут украденные товары, а российско-бухарская торговля укрепится<sup>598</sup>. Интересно и то, что между центральным правительством Российской империи и властями на местах существовало определенное расхождение во взглядах на торговлю с Бухарой. В то время как Г.С. Волконский стремился ее поощрять, и уведомлял о своей активности Коллегию иностранных дел, в Санкт-Петербурге не стали рассматривать Мирзу Мухаммеда Юсуфа как официального посланника, считая, что он направлялся в Мекку и Медину<sup>599</sup>. Сведений о том, что его принимал кто-либо из высокопоставленных государственных деятелей – нет. Вероятно, и здесь внимание оказалось прикованным, прежде всего к Европе – именно в момент пребывания посланника в Санкт-Петербурге происходил решающий этап борьбы с Наполеоном, создание “Священного союза” России, Пруссии и Австрии, и пр. Такое пренебрежение и вызвало раздражение посланника, зафиксированное в османских документах.

Интересно, что 5 октября 1816 г. великий визирь Мехмед Эмин Рауф-паша распорядился разыскать архивную информацию для султана Махмуда II о том, какие подарки было пристойно дарить бухарскому посланнику, и какие подарки уже дарились ранее бухарцам в 1804 г.<sup>600</sup>

<sup>596</sup> ВOA, НАТ, dosya 961, gömlek 41191.

<sup>597</sup> АВПРИ. Санкт-Петербург. Главный архив. 1 – 13, д. 1803-12, л. 51 – 54.

<sup>598</sup> А.А. Семенов. К истории дипломатических отношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. “Известия АН УзССР”, Ташкент. 1951. № 1. С. 87 – 89.

<sup>599</sup> Н.А. Халфин. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). Москва. 1984. С. 101.

<sup>600</sup> ВOA, НАТ, dosya 1335, gömlek 52093.

Мухаммед Юсуф был размещен в Стамбуле, и его расходы были записаны на счет султанской казны. Кроме того, 9 ноября 1817 г. ему были выделены 6 тысяч курушей на расходы в Стамбуле, а также 15 тысяч курушей на дорожные расходы<sup>601</sup>.

Перевод письма эмира Хайдара с персидского языка на османский датирован 14 февраля 1816 г. В нем говорилось о том, что эмир несколько лет назад взошел на престол. Однако недавно Мавераннахр испытал неурожай и познал нужду<sup>602</sup>. Последовавшее затем массовое переселение населения привело и к тому, что Бухару покинули многие знающие улеме, пропало множество книг, посвященных правоведению (фикху). Эмир сетует, что, после вышеуказанных событий были привезены некоторые книги по фикху из Индии, они стали причиной конфликтов, так как являются совершенно недостаточными для удовлетворения потребностей эмирата. К письму эмира был приложен список произведений, составленных факихами Бухары. Эмир просил прислать хотя бы часть книг, чтобы восполнить их нехватку. Интерес эмира Хайдара к получению богословской литературы из Турции также имеет свое обоснование. Хайдар стремился повысить значение духовенства в общественной жизни страны, в годы его правления активно увеличивалось число вакфных земель. По словам кокандского историка Мухаммеда Хакима, эмир Хайдар сам был авторитетным богословом. Его лекции по богословию (дарс) собирали огромные аудитории слушателей, а к 40 годам он наизусть знал Коран<sup>603</sup>.

Далее в письме содержались политические запросы. Эмир Хайдар перечислял области Центральной Азии, которые он считал исконно своими: Мавераннахр, Фергану<sup>604</sup>, Дешт-и Кыпчак, Хорезм, Мерв, Дугляб, Балх и Бадахшан “вместе со всеми окрестностями”. По его словам, эти земли издавна были его мюльком, а их правители назначались ханом Бухары. Однако, по словам Хайдара, правители областей Фергана и Хорезм вышли из повиновения. И поэтому, учитывая, что эмир считал себя преданным слугой султана, он просил отправить (эмиру – А.В.) фирман,

<sup>601</sup> ВOA, НАТ, dosya 1319, gömlek 51425.

<sup>602</sup> Здесь, вероятно, Хайдар имел в виду совокупность неурожаев, массовых миграций населения, например, переселения жителей Мерва в долину Зерафшана, а также трудную борьбу с хивинцами.

<sup>603</sup> П.П. Иванов. Очерки по истории Средней Азии. Москва.1958. С. 130.

<sup>604</sup> В оригинале текста использовано слово “Ферган”, без диакритических знаков. Это привело к ошибочной интерпретации этого термина во время официальной публикации этого документа в сборнике “Belgelerle Osmanlı-Türkistan İlişkileri (XVI – XX. Yüzyıllar)”. Авторы сборника перевели его как “Казган”, и эта описка впоследствии без критического переосмысления этого термина перекочевала в работы турецких историков. Belgelerle Osmanlı-Türkistan İlişkileri (XVI – XX. Yüzyıllar)”. Ankara. 2004. С. 13 – 14.

который доказывал бы, что две вышеуказанных области являются его собственностью<sup>605</sup>. Вместе с послом эмир передавал список требуемой религиозной и правовой литературы, которую он хотел получить от властей Османской империи<sup>606</sup>.

Следующее упоминание о посольстве из Бухары в османских архивах датировано 1837 г. 23 апреля 1837 г. (17 мухаррама 1253 г.Х.) находившийся в Стамбуле посланник бухарского эмира Насруллы по имени Балтакулу-бек, обратился с прошением к султану разрешить ему вернуться домой в Бухару, ссылаясь на то, что ему хотелось бы увидеть свою родину, а он уже стар и расстояние весьма значительно<sup>607</sup>.

К имени посланника – Балтакулу, добавляется также титул “Чагатайский бек”. Его направил в Стамбул эмир Насрулла Багадур хан (1827 – 1860)<sup>608</sup>. Сообщается, что посол прибыл через Иран в Эрзерум, откуда проследовал в Трабзон. Там миссия разделилась. Сам посол сел на корабль и морским путем добрался в Стамбул. Лошадей, которых он вез в качестве подарка для чиновников султана, пригнали к столице вдоль побережья. Поселили посланника в доме османского сановника Хашим-аги<sup>609</sup>. Бухарского посланника сопровождал сын и свита, и по распоряжению султана им было выдано 17500 курушей, чтобы покрыть их дорожные расходы<sup>610</sup>.

Мўътабар оилалар тарихини ўрганишдаги энг қизиқ ва баҳсли нуқта табиийки, ушбу қатламнинг ўз келиб чиқишини тасдиқловчи далилни тақдим қилиш жараёнидир. Бу далил эса насабномаларда акс этган ва жамиятга ёзма асарлар ёки ҳукукий ҳужжат кўринишида тақдим қилинган. Муслмон диёрида оммалашган насаб тушунчаси Арабистон ярим оролидаги қабилаларнинг ижтимоий ва сиёсий мақомини акс эттирувчи одат кодекси эди. Илк ислом даврида бу анъана асосида *илми насаб* ривожланди ва насаблар энди соҳанинг мутахассислари – *нассабун* томонидан ёзила бошланган<sup>706</sup>. Дастлаб шимолий ва жанубий арабларнинг келиб чиқиши, сўнг Қурайш хонадони, кейинроқ Али ибн Абу Толиб хонадони бу илмнинг асосий объектига айланди. Бизгача араб ва форс тилларида битилган бундай асарлар кўплаб етиб келган. Лекин мўғуллардан кейинги Марказий Осиёда “илми насаб” жанри унчалик ҳам оммалашмади. Айнан Мовароуннаҳр қаламравида ёзилган бундай

---

<sup>704</sup> Y. Kawahara, U. Mamadsheerzodshoev. Documents from Private Archives in Right-Bank Badakhshan (Facsimile). TIAS Central Eurasian Research Series. № 8. Tokyo. 2012. P. 121; Y. Kawahara, U. Mamadsheerzodshoev. Documents from Private Archives in Right-Bank Badakhshan (Introduction). TIAS Central Eurasian Research Series. № 10. Tokyo. 2015. P. 57.

<sup>705</sup> Н. Ханьков. Описание Бухарского ханства. Составленное Н. Ханьковымъ. Санкт-Петербург. 1843. С. 182; F. Schwarz. “Unser Weg schließt tausend Wege ein”. Derwische und Gesellschaft im islamischen Mittelasien im 16. Jahrhundert. Berlin. Klaus Schwarz Verlag. 2000. S.198.

<sup>706</sup> Z. Szombathy. The Roots of Arabic Genealogy – A Study in Historical Anthropology. Budapest. 2003. P. 32.

асарлар бармоқ билан санарли. Ҳолбуки, Темурийлар ёки Шайбонийлар даврида мўътабар оила вакилларида чикқан аслзода-ҳомийлар аристократ-меценатлар бундай асарларга буюртма беришлари мумкин эди. Шунга қарамай минтақада ўз генеалогиясини жамиятга тақдим қилиш ва исботлаш анъанаси сақланган ва бу насабга оид ҳужжатлар орқали амалга оширилган. Қуйида ана шундай ҳужжатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**Насабнома/шажара.** Бизгача етиб келган насабномаларнинг бир қисми ўз даврида юридик кучга эга бўлган, яъни ҳукмдор ва қозихона амалдорлари муҳрлари билан тасдиқланган. Бир қисми эса турли сабабларга кўра, муҳрсиз ёки қоралама нусхалардир. Ҳужжат шаклидаги насабномаларнинг қадимги нусхалари ҳақида аниқ бир фикр билдириш кийин. Чунки Исмоил Сомоний, Амир Темур каби машҳур ҳукмдорлар томонидан тасдиқлангани қайд этилган насабномаларнинг асли бугунги кунгача сақланмаган. Масалан, 690/1291 йилда тузилгани таъкидланган. Ўрунг Қўйлоқий насабномасининг барча таҳрирлари XIX асрга оид<sup>707</sup>. XVII – XVIII асрларга оид насабномаларнинг асл нусхалари ҳам камроқ, лекин кейинги асарлардаги кўчирмалари етиб келган. XIX – XX аср бошида тузилган насабномалар кўп. Улар орасида қадимий насабномаларга кейинги авлодларни қўшиб бориш ҳисобига юзага келганлари ҳам учрайди. Бу эса уларнинг ҳажми (узунлиги) ортишига сабаб бўлган.

Насабнома турли мақсадларда (авлодларга колдириш, турли даъволарда фойдаланиш каби) тайёрланган ва одатда қозихонада тасдиқланган. Соҳибининг имкониятига қараб баъзан насабномага ҳукмдорларнинг муҳрлари ҳам бостириб олинган. Бу унинг юридик кучини, мақомини янада оширган (албатта қалбаки муҳрлар ҳам учраб туради). XIX асрдаги айрим насабномалар маҳаллий қозихоналардан ташқари “Бағдод” ёки бошқа мусулмон олами марказларида “тасдиқлатиб” келингани ҳақидаги қайдлар келтирилган.

Мавжуд насабномаларнинг таркибига кўра, асосан иккита шакли кенг тарқалган. Биринчи шакли маълум бир шахснинг (ёки шахсларнинг) насаби ҳақида маълумот бериш ва уни тасдиқлашга қаратилган. Бундай насабномани ёзиш муаллифдан насаб ва бошқа диний илмлардан етарлича хабардорликни талаб қилган. Моҳирона тарзда тайёрланган бундай насабномалар одатда ҳамду сано, мўътабар оилалар ҳақида Қуръони карим ва ҳадис ҳамда фатволардан ишоралар, аждодлари

<sup>707</sup> Islamization and Sacred Lineages in Central Asia: The Legacy of Ishaq Bab in Narrative and Genealogical Traditions. Vol. 1. Opening the Way for Islam. The Ishaq Bab Narrative, 14<sup>th</sup>-19<sup>th</sup> Centuries. Edited by Devin DeWeese and Ashirbek Muminov. Almaty-Bloomington, 2013. P. 51 – 64

ҳақидаги ривоятлар, исмлар занжири ва тасдиқлардан иборат бўлган. Уларнинг асл нусхалари қоғози, хати ва расмийлаштиришининг сифати билан ажралиб туради. Иккинчи шакли эса саводли котиб томонидан насаб ҳақида маълумот берувчи матнларни кўчириш орқали тайёрланган. Айниқса, насабномаларни янгилаш вақтида аввало унинг шаклу шамойилида катта ўзгаришлар юз берган. Натижада насаб ёки мулк даъволари, ҳукмлар ҳамда бошқа тур ҳужжатларни ҳам ўз ичига олган мураккаб таркибли “насабномалар” юзага келган.

XX аср бошларига қадар насабномалар мўътабар оилаларнинг вакиллари учун жуда муҳим аҳамият касб этган (жамиятда уларга берилган имтиёзлардан фойдалана олиши учун). Шунингдек, айрим шахслар қариндошлари қўлида сақланаётган ўз насабномасидан кўчирма олиб тасдиқлатишга, фарзандларига қолдиришга интиланган. Ўз насабини билмаслик ва уни йўқотишининг оқибатлари XIX асрда тузилган бир насабномада қуйидагича изоҳланади:

*... хўжа ва саййиддуларким, аларнинг насаблари кимга етар ва қайси важҳдин саййид эканини билмаса улуг подшоҳлар олдида ва халқнинг орасида ҳурмати кам бўлгай. Балки хорлиқ кўп кўргай. Андин кейин насабини зойеъ қилиб йўқотгай*<sup>708</sup>.

**Васиқайи насабномайи сийодат.** Бу ҳужжат келиб чиқиши аниқланиши талаб этилган мўътабар оила вакилининг қозихонада гувоҳлар иштирокида ўз насабини исботлаб бериши натижасида юзага келган. 972 йил 26 зулҳижжада (25 июль, 1565 й.) тузилган ана шундай васиқадан бирининг матни XVI асрга оид қозилик ҳужжатлари иншо мажмуасида етиб келган. Унда амир Турсун Муҳаммад рақибларига жавобан Самарқанд қозихонасида ўз саййидлигини олти аждоди орқали гувоҳлар иштирокида тасдиқлашга эришган<sup>709</sup>.

Насабни тасдиқлашга доир ҳолатлар ҳужжатлар формулярда ҳужжатларнинг расмий қолиши кейинги асрларда ҳам кузатилади. Бу турдаги ҳужжатлар икки ҳолатда юзага келиши кўп учрайди. Биринчиси йирик мазорлардаги авлодий вақф даромади ёки тушган назрларидан ўз улушини талаб қилиб чиққан саййид/хўжа авлодлари қозихонада бошқа авлод-мутавалли билан даъволашган. Даъвогарнинг маҳкамада ўзининг келиб чиқишини ҳужжат ва ишончли шахслар гувоҳлигида исботлаши лозим бўлган. Иккинчи ҳолат мўътабар оила вакиллари ўзларини ҳақорат қилган кишилар устидан қозихонага арз қилиши билан боғлиқ. Одатда ҳақоратланган саййидзода “жавобгар”ни жазолатиш учун қозига арз қилган.

<sup>708</sup> Хўжалар насабномаси. Остана ш. [www.kozhalar.kz](http://www.kozhalar.kz)

<sup>709</sup> Алоуддин Муҳаммад ибн Ҳофиз Дарвиш Муҳаммад. Мажмаъ ал-васойиқ. Россия Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари институти, қўлёзма А-933/VI. 936-95а-варақ.

Бундай даъво ҳам жабрланувчидан насабини исботлашни талаб қилган. Иккала ҳолатда ҳам насаб даъвогари аввалдан мавжуд бўлган насабнома (агар бўлса), унинг даъвоси шаръийлиги ҳақида *ривоят* ҳамда ишончли кишилардан иборат гувоҳлар ёрдамида ўз насабини исбот қилган. Далиллардан қоникқан қози унинг насаби саҳиҳлиги ҳақида хужжат – *васиқайи насабнома* берган. Бу ҳолатда юзага келган ривоят ва васиқайи насаб хужжатлари жудаям кўплаб учрайди<sup>710</sup>. Бундай хужжатлар одатда янгиланаётган ёки тўлдирилаётган насабномалар таркибига ҳам киритиб юборилган.

Насабнома ва васиқаи насабнома буюртмага кўра, қозихона қотиблари ёки бирор зиёли шахс томонидан ёзилган. Қотиб исми камдан кам ҳолларда кўрсатилган. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган насабнома гувоҳлар иштирокида тикланиб, қозихонада тасдиқдан ўтказилган.

**Ривоят.** Насаб даъволарини асослашда уламоларнинг фатволари ҳам муҳим аҳамият касб этган. Темурийлардан кейинги даврда Марказий Осиёда фатво кўпроқ *ривоят* номи билан муомалага кирган. Жумладан, XVIII асрдан ривоятларни “*дар ин масала ки*” жумласи билан бошлаш урфга кирган<sup>711</sup>. Тузилишига кўра, ривоят бирор муаммо юзасидан берилган савол, унинг ечими бўйича уламоларнинг қисқа жавоби (бўлади ёки бўлмайди) ва жавобларнинг исботи сифатида машҳур фикҳий асарлардан келтирилган иқтибослардан иборат бўлган. Ривоятнинг асосан икки шакли мавжуд. Биринчиси бирор масала юзасидан чиқарилган мустақил хужжат кўринишида. Иккинчи шакли эса бошқа турдаги хужжатлар (насабнома, вақфнома, ижара, олди-сотди каби) таркибида, асосий матндаги трансакциянинг шариатга мослигини асослаш функциясини бажариб келган. Насабга оид масалалар ривоятнинг иккала шаклида ҳам учрайди. Функциясига кўра, улар мўътабар оила вакилларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган. Албатта, аксарият ривоятлар авлодий вақфлардан ёки аждодлар мазорлари даромадидан улуш олиш, солиқ ва мажбуриятлардан озод бўлиш, ўзларини ҳақоратлаганларни жавобгарликка тортиш каби мавзуларга бағишланган<sup>712</sup>. Лекин мазмунан насабнинг саҳиҳлигини белгилаш каби назарий

---

<sup>710</sup> Mazar Documents from Xinjiang and Ferghana (facsimile). Vol.3. Edited by A. Muminov, N. Abdulahatov, Y. Kawahara. Tokiyо. 2007. P. 219; Мажмуаи маҳзароти форсий. ЎзР ФА ШИ, кўлёмза 6102. 211, 194, 196, 200, 203, 208, 210-варақлар;

<sup>711</sup> K. Isogai. Seven Fatwa Documents from Early 20<sup>th</sup> Century Samarqand. The Function of Mufti in the Judicial Proceedings Adopted at Central Asian Islamic Court. Annals of Japan Association for Middle East Studies. 27-1. 2011, P. 259, 282.

<sup>712</sup> J. Suguwara, Y. Kawahara. Mazar Documents from Xinjiang and Ferghana (facsimile). Vol.1. Tokiyо. 2006. P. 71–72, 83–84, 88–89, 97–98; 150, 157; A. Muminov, N. Abdulahatov, Y. Kawahara. Mazar Documents from Xinjiang and Ferghana (facsimile). Vol.3. Tokiyо. 2007. P. 194, 196, 200, 203, 208, 210.

саволларга қаратилганлари ҳам учраб туради. Масалан, XVIII асрнинг биринчи ярмида Бухоро уламолари томонидан чиқарилган бир ривоятда Талҳанинг онаси Оиша саҳиҳ ал-насаб саййида бўлса, Талҳа ҳам саййид бўлиши ёки бўлмаслиги масаласи муҳокама этилган. Бухоро уламолари бу саволга “ҳа, саҳиҳ ал-насаб бўлади” деб ҳукм қилганлар. Шу ўринда Саййид/хўжаларнинг оддий аҳолидан мақомда юқори туриши ва бунинг сабабларини асослашга қаратилган ривоятлар кўплаб келтирилган.

**Манишур/ҳукм.** Сарой девонхонасидан бериладиган бу ҳукм (*ҳукми жиҳати сийодат*) ёки маншур (*манишури жиҳати имзои насаб ва риюяти аҳволи содот*) Марказий Осиё мусулмон дипломатикаси, яъни ҳужжатчилиги анъаналарига кўра, қонунчилик акти ҳисобланади. Унда шахснинг батафсил насл-насаби келтирилмаган. Фақатгина ҳужжат соҳибининг мўътабар оилага мансублиги ҳокимият томонидан эътироф этилиб, унинг имтиёзлари (хурмат қилиш, солиқлардан озод бўлиш) кучга кирган<sup>713</sup>. Табиийки, бу ҳужжатнинг юзага келишида уни олувчи шахснинг жамиятдаги обрўи ва ҳукмдор олдидаги хизматлари асосий омил бўлган.

Марказий Осиё дипломатикасида яна *сижилли насаб, исбот ал-насаб* каби номлар билан юритилган ҳужжатлар ҳам муомалада бўлган. Лекин, улар кўпроқ мерос масаласида юзага келган муаммоларда даъвогарнинг марҳумга қариндошлигини аниқлаштириш маъносида берилган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мўътабар оилага мансубликни “тасдиқловчи” юридик кучга эга ҳужжат фақатгина насабномадан иборат бўлмаган. Насабномадан ташқари, қози ва ҳукмдор маҳкамасида насабни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам муомалада бўлган. Бундай ҳужжатлар орқали мўътабар оилаларнинг вакиллари нафақат жамиятга ўзини танитган балки ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя ҳам қилган. Бу ҳужжатларнинг юзага келиш сабаби, тузилишида фарқлар бўлса-да, асосий вазифаси шахсни танитишдан иборат эди. Бунда насаб-номларнинг қозихонада гувоҳлар иштирокида бўлиб ўтган мажлисда ўз тасдиғини топиши кифоя қилган. Бироқ бу мўътабар оилага умуман алоқаси бўлмаган шахсларнинг сохта даъволари ҳар доим ўз тасдиғини топиши мумкин, дегани эмас. Чунки пойтахт ва йирик шаҳарларда мавжуд бўлган нақиблик институтининг функцияси айнан ёлғон даъво ва насабномаларни қалбакилаштиришни назорат қилишдан иборат эди. Қолаверса, айрим ҳукмдорлар ҳам вақти-вақти билан саййид ва хўжаларнинг насабини тафтиш қилиб турган.

---

<sup>713</sup> Мақтубот, муншаот ва маншурот ЎзР ФА ШИ, қўлёзма 289. 97 а,б ыарак; Муншаот ва ёрлиқот. ЎзР ФА ШИ, қўлёзма 297. 115 б ыарак.

## ВАКУФНАЯ ГРАМОТА ВРЕМЕНИ ПРАВЛЕНИЯ САЙЙИДА АМИРА АБДУЛАХАДХАНА (1885 – 1910 гг.)

*Бобур Аминов, Файзхужа Махмудов*

Национальный архив РУз представляет собой единственное в нашей республике собрание вакуфных документов относящиеся ко времени правления Мангитской династии. Эти уникальные документы проливающие свет на экономическую и социальную жизнь общества Бухарского эмирата вызывают большой интерес среди ученых и исследователей. Следует отметить, что вакуфные документы как мусульманские исторические и юридические документы занимают важное место в составе Архива. Они как важные и сложные источники отражают исторические процессы, а также связанные с ним различные формы юридической практики мусульманского правоведения. Интерес к таким источникам определяется тем, что они передают конкретные факты различных основ жизнеобеспечения общества. К ним относится, например, земельные ресурсы, как главные объекты хозяйственной деятельности и основа земельно-имущественных отношений. Вакуфы передают точные сведения об исторических лицах, фактах, месте и времени события и дополняют данные рукописных источников. Ссылаясь на них также можно получить сведения о топографии города, местности. Особого внимания заслуживают интересные факты о мечетях, учреждениях, объектах религиозного культа, которые позволят нам узнать новое о них. Основываясь на них, мы получим ценные сведения о мусульманских меценатах, которые проявили благочестивые деяния и щедрость. Анализируя и расшифровывая архивные материалы можно устанавливать время, место создания вакуфных грамот. Интересные факты, извлекаемые из вакуфных источников, проинформирует нас о городских кварталах, гузарах, селениях, их названий и месторасположений, дополняют историческую науку новыми данными. Характеризуя историческую ценность вакуфных документов, необходимо отметить их как носителей информации о прошлом. Бесспорно, большой интерес вызывает исследование печатей, выполненных на бумагах вакуфных документов. Таким образом, вакуфные грамоты как надежные и достоверные источники, являются важными документами в изучении истории нашей страны. Представляемый

рукопись является одним из важнейших документов, который может дополнить наши знания исторической науке.

Надо отметить, что *вакф* один из специфических видов и приоритетных сфер благотворительной деятельности обеспеченных мусульман занимает особое место среди основных ценностей ислама. Святой Коран и сунна Пророка (с.а.в.) являются основой использования недвижимостей на благочестивые цели, где содержится сведения о благочестивых деяниях. К примеру, в Коране говорится: *“Вы не обретете благочестия, пока не будете расходовать из того, что вы любите, и что бы вы ни расходовали, Аллах ведает об этом”*<sup>714</sup>. Главная идея заключается в том, чтобы посвятить свое ценное имущество на благие дела ради Аллаха и получить награду от Него за праведные деяния. Таким образом, фокус внимания большинство, кто проявляет доброту и великодушие, направлены на действия во благо людей и общества и в результате чего, приобрести благочестие.

Большой интерес исследователей к вакфу обусловлен не только интересами процесса религиозного благочестия, но и конкретно-историческими условиями. Вакуфные грамоты являются своего рода документом юридического характера, где обязательно указывается имя учредителя вакфа, управляющего (мутавалли), названия и размеры имуществ, земельных владений, имений, селений и т.д., с определением их границ, условия их использования, распределения их доходов, а также, на что они должны расходоваться. По общему правилу, составляется акт при участии учредителя вакфа и кадия, как правильно в письменном виде, где отражены все существенные условия.

Надо особо подчеркнуть огромное количество вакуфных грамот составленных и оформленных в Бухарском эмирате, малоисследованных с точки зрения истории и источниковедения. Как известно, они разнообразны, различаются по содержанию и форме приводимой информации. Одной из наиболее неотложных задач вставших перед специалистами в последнее время является систематизация и классификация вакуфных грамот. С этой целью в настоящее время проводится всестороннее изучение отдельных фондов Национального Архива РУз, где хранится такого рода источников.

В ходе изучения вакуфных грамот особое внимание было уделено вакфам, учредителями которых были женщины. Вполне достоверный материал дал возможность глубоко изучать процесс оформления доку-

---

<sup>714</sup> Коран, сура аль-Имран (3). 92-аят.



мента, рассматривать особенности текста. Безусловно, текст вакфа имеет значение для реконструкции истории составления юридического акта и представляет большой интерес с точки зрения изучения исторического факта.

### **Основное содержание вакуфной грамоты**

Рассматриваемый нами документ<sup>715</sup>, считается восстановленной грамотой госпожи Мох Биби дочь Муса бека, которая жила в период правления Бухарского амира из династии мангитов - Сайида Амира Абдулахадхана (1885 – 1910). Документ имеет следующие размеры: дл. 1 м. 55 см, шир.: 35 см. Текст вакфа состоит из 44 строк. Каждая строка состоит из слов, разделенных пробелами. Имя правителя, его печать, имена других важных лиц позолочены и помещены на полях свитка. Изящный почерк бухарского *наста'лика* в позолоченных буквах выглядят совершенно роскошно. Точная дата оформления грамоты в тексте отсутствует, возможно, из-за утраты части свитка. Тщательный анализ формы и надписей печатей правителя Бухары и Кази калана, показывают, что грамота была составлена между 1890 – 1895 гг., т.е. при жизни Сайида Амира Абдулахадхана.

Как и большинство вакуфных грамот XVIII – XX вв. Бухарского государства, она состоит из следующих трёх основных частей:

– славословие (*восхваление Аллаха Всевышнего, Пророка САВ, святых*), на'т (*восхваление и прославление правителя Бухары и описывание его эпитетов*) также считаются необходимой частью всех вакуфных документов, где ссылаясь на Святой Коран и предания Пророка САВ, акцентируется внимание на важность вакуфной деятельности;

– перечень и описание вакуфных объектов, перечисление условий пользования, размеры оплаты установленных вакуфодательницей (вакфа) и возложение определенных обязанностей и полномочий на конкретных ответственных лиц (*мутавалли, муаззин, максурахон-чтецы Корана, молитв, мударрис, уборщиц, садовник* и т.пр.);

– постановление казия (судьи), кази ул-каззота (главного судьи) об обоснованности решения по законам шариата, [нотариально] заверенного печатью при участии свидетелей.

В документе, госпожа Мох Биби дочь Мусабека, выражает своё отношение в виде недовольства по поводу поведения бывшего *мутавалли*, который недостаточно заботился о содержании имущества и процветания её вакуфных имуществ. Она просит Амира Абдулахада, чтобы

---

<sup>715</sup>НА РУз. Фонд 323, инв. № 836.

главный судья (*кази калон*) святой Бухары был назначен *мутаваллием* её вакуфных имуществ. *Вакифа* перечисляет свои условия содержания и пользования объектов, распределения доходов поступающих от четырёх торговых лавок, посевных земель и т.д. В документе уточняются конкретные обязательства, расходы на заработную плату ответственных лиц по данному вакфу.

На полях рукописи помещены имена собственные, которые имеют неразрывную связь с текстом вакфа, выполненные золотом. Кроме того, на бумаге нанесены оттиски печатей традиционной круглой формы больших размеров<sup>716</sup> и овальной формы маленьких размеров<sup>717</sup> и каждое по три штука. Расшифрован и установлен текст внутри больших круглых печатей следующего содержания:

خادم الفقراء قاضى القضاة قاضى ملا مير بدرالدين ابن قاضى القضاة قاضى ملا مير صدرالدين

Бесспорно, большой интерес представляет также бейт на арабо-персидском языке, помещенный внутри ромбовидной формы большой круглой печати.

Текст:

ندارم تحفه لايق به درگاه /// به جز "لا تقنطوا" من رحمة الله

Транслитерация:

*"Надорам тухфа-йи лойиқ ба даргоҳ, Ба жуз "Ло тақнатў" мин раҳматиллоҳ"*.

**Перевод:** (жаль, что) *Нет у меня достойной награды пред величием Аллаха...*

*Кроме, как Он сам сказал: "Надейтесь на милость Аллаха! (не теряйте надежду на Его милость!)."*

Овальные печати маленького размера представляет собственное имя Сайид Амир Абдулахада - "سید امیر عبد الأحد".

На полях свитка выявлены следующие собственные имена:

Лист №1: "Хадрат Мухаммад Мустафа", "Хадрат Мавлоно Мухаммад Имло", "Хадрат Шайх Бадр Майдони".

Лист №2: "Хадрат Шайх Бадр Майдони", "Сайид Абдулахад Мухаммад Баходур Султон".

Текст написан каллиграфическим почерком от руки профессионального и образованного каллиграфа, обладавшего искусством красивого и четкого письма бухарского наставника. В качестве материала использована высококачественная бумага среднеазиатского происхождения и

<sup>716</sup> Размеры: 4,5X4,5 см.

<sup>717</sup> Размеры: 3,5X2,5 см.

черная чернила применяемая для письма. Крышка сделана из красной кожи. На обратной стороне бумаги выявлены имя *вакифы*.

В целях близкого ознакомления с вакуфными грамотами этого периода вниманию читателей предлагается оригинал документа<sup>718</sup>, его компьютерный набор с переводом и его комментариями.

## ПЕРЕВОД И КОММЕНТАРИЙ

*Он (Аллах) Знающий всех помыслов*

*Почётнейшее слово благодарности и восхваления знатоков кала-ма<sup>719</sup> поистине достойно величию Падшаха, солнце царства которое безупречно и неприкосновенно от пятен недостатков! Ему не присущи недостатки, пороки. Он является совершенным и пречистым! Восхваление (Аллаха) придаёт красоту и значимость любому (нашему) начинанию, нашим делам и украшает их (успехом завершения)!*

*Он тот Един, который признаки, доказывающие Его единственности сути (دلِيل وحِدَانِيَت ذاتش) сияют как яркое солнце в каждой частице творения (вселенной). Доказательство совершенства атрибутов (качества) Аллаха сверкают во всех частях вселенной, как лучи “Бадр-э мунийр” сияющего полного Месяца (بدر منير)*

*Как гласит двустишие (бейт): “ ففي كل شيء له آية \* نزل على أنه واحد ” “Во всех вещах (езде и повсюду) присутствуют его айаты<sup>720</sup>, доказывающие, что он (Аллах) Един!”<sup>721</sup>.*

*Благословенное приветствие сияющей святыне и пречистому мавзолею обладателя знамени: لَوْلَاكَ لَمَّا خَلَقْتُ الْاَفْلَاكُ*

*- “Если бы не ты (о Мухаммад), Я (Аллах) не создал бы этот мир”<sup>722</sup>. И благословения Аллаха тому, который был первым в Пророческой миссии, как гласит об этом хадис: كنت نبيا وآدم بين الماء والطين - “Я был пророком, когда (ещё) Адам (алайхи –с-салам) был ду глиной и водой”<sup>723</sup>.*

*Благословенное приветствие тому, который послан все-*

<sup>718</sup> НА РУз. фонд 323. инв. № 836.

<sup>719</sup> Илм ул-калам ( علم الكلام ) – наука о методах обоснования положений вероучения ислама рациональными доводами и опровержения еретиков, пытающихся исказить убеждения салафов и ахлю-с-сунна” (“Аш-Шарх аль-Кабир ’аля аль-’Акыда ат-Тахавийя”, Бейрут, Дар аз-Захаир. С. 41).

<sup>720</sup> Айатун (آية) – знак, знамение. См.: Х.К. Баранов. Арабско – русский словарь. Москва. 1984. С. 51.

<sup>721</sup> Диван ар. классика Абу ал-Атахия (748 – 825). Бейрут. 2006, 511 стр., С. 79. Полный вариант стих. отрывка: وفي كل شيء له آية \*\*\* تدل على أنه واحد والله في كل تحريكه \*\*\* علينا وتسكينه شاهد

<sup>722</sup> Насер ад-дин ал-Албани. سلسلة الأحاديث الضعيفة. Бейрут. 1997. С. 451.

<sup>723</sup> Муснад Ахмад, хадис 16623; также см. аль-Макасид аль-хасана, С. 521.

му человечеству Пророком (САВ), являющийся последним Божьим посланцем, завершившим пророческую миссию: об этом гласит хадис: ولكن رسول الله و خاتم النبيين – “Но (знайте) Он (Пророк Мухаммад) - посланник Божий и последний из числа пророков!”<sup>724</sup>.

Также благословенное приветствие его семье и сподвижникам, которые являются хранителями благотворительных пожертвованных даров (мавкуфат) Всевышнего и управляющими Дастархана благодати и достатка, и “Он кормит и поит меня - يطعمنى و يسقيني”! Пусть Бог всемогущий благословит их всех и будет им доволен!

И далее (по существу вопроса); человек, подобно темной ночи, его внутренний мир может быть озарен (только) светом рационального разума и сияние его праведной мысли может освещать его мрачный (тёмный) мир, он должен понимать, что все материальные ценности этого тленного мира быстротечны и вечно не принадлежать никому; счастье сопутствует только тому, который ради Аллаха пожертвует свои богатства, материальные достижения на добрые, благотворительные дела путём “мавкуфат”<sup>725</sup>. Таким способом, приобретая божественную награду, поднимает свой духовный престиж, авторитет пред Его величеством (пред Всевышним Аллахом)! Исполнение (с его стороны) добрых дел становится для него средством достижения вечных благ и сближение к Аллаху!

Доказательством этого положения, этой чести и удостоверяющим вышесказанного может служить то, что сейчас - в эти благодатные времена и добром устроенном порядке ханстве, благодаря усилий высокочтимого господина эмира правоверных Саййида Амира Аблулахада Мухаммада Бахадур Султана<sup>726</sup>, являющийся высокостепенным, солнце - подобным, будучи славой султанов, сущностью всех хаканов (زبدة الخواقين), хранителем шариятских законов, предводителем религиозных предписаний по милости господина посланников Пророка Мухаммада (САВ) часто организуется Его превосходительством Саййид Амир Аблулаhad Мухаммад Бахадур Султаном благотворительные мероприятия, т.к. его светлый духовный мир и тестом справедливости сотворенная суть всегда уделяли большое внимание творению различных добрых и полезных

<sup>724</sup> “ал-Ахзаб”, 40 стих.

<sup>725</sup> Мавкуфат (موقوفات) – Завещанный на благотворительные цели в качестве вакфа. См. Х.К. Баранов. Арабско – русский словарь. Москва. 1984. С. 907.

<sup>726</sup> Здесь и далее имена некоторых личностей, имевших отношения к данному вакфу и имена религиозных знаменитостей приводятся на правом поле вакуфной грамоты золотыми буквами со ссылкой на них специальными восточными знаками. (Ф.М.).

всем мусульманам деяний, создали удобные условия труда (свободным) добродетельным благотворителей.

*Именно в подобной благоприятной эпохе краса целомудренных (зайн ул-мастурот), владелица благотворительности, вместилище чести, целомудрия и достоинства пресвятой Каабы, названная по имени **Мох-биби дочь Мусабека** – ماه بی بی بنت موسی بیک - передала из (числа) своего искреннего (чистейшего) имущества и наилучшей недвижимости в вакуфное благотворительное пользование следующие мавкуфат, полностью и целиком состоящие из:*

*– одного двухэтажного сарая, охватывающего несколько комнат на нижнем этаже и на верхнем этажах;*

*– четыре единицы дукана (торговых точек), построенных на территории данной вакуфной земли;*

*– маркабхона- помещение для содержания скота; уточнены определённые расходы на их содержани.*

*Вышеуказанные вакуфные подразделения находятся на проспекте (квартале) “Казиханеи тиргарон” роскошной, святой Бухары, да хранит Аллах Бухару и господина её Султана от невзгод и устрашений (опасностей)! С четырёх сторон границы вышеупомянутых вакуфных подразделений определены следующим образом:*

*– западная граница примыкает к местности Кулух, где расположена баня “Тукумдузи”;*

*– северная и восточная стороны граничат с общей дорогой;*

*– южная граница примыкает к вакуфной лавке улицы “Джилавхане”.*

*Расстояния границ данных объектов определены со всеми их правами и инфраструктурами; назначены два постоянных чтецов Корана у гробницы предков упомянутой вакуфодательницы; гробница находится в известном кладбище “Пуште-йе сар-е мазар”-храм ,наполненный светом благодати и благословения – فايض الأنوار.*

*Она (вакифа) передала, соответственно по законам шариата, в вакуфное благотворительное пользование вышеуказанные объекты со следующими условиями:*

*– мутаваллием<sup>727</sup> данного вакфа должен назначаться мутавалли вышеуказанного кладбище “Пушта-е сар-е мазар”;*

*– указанный мутавалли должен распределять доход от урожая этих объектов следующим образом:*

---

<sup>727</sup> Мутавалли (متولی) – управляющий делами вакфа. См.: Х.К. Баранов. Арабско – русский словарь. Москва. 1984. С. 912.

– выделить 24 тенге в целях обустройства, ухода площади, где находятся объекты данного вакфа;

– выделить себе, как должностному лицу мутавалли 21 тенге;

– остаток дохода он должен выделить двум чтецам, знающим наизусть святого Корана, которые назначены максурахонамы<sup>728</sup> ;

– два указанные максурахана должны каждый день прочесть четверть святого Корана, где бы не находились;

– также они обязаны в каждой пятнице, после общей молитвы “Джум’а” посетить гробницу упомянутой вакуфодательницы и прочитать по пол части - одну целую часть (жуз’ или пор) святого Корана<sup>729</sup> ;

– далее (после чтения жуз’а Корана) они должны молиться – произнести ду’а и фатиха и направить награды и плоды прочитанных айятов святого Корана, прежде всего, духовному величию господина правителя мира – Пророку Мухаммаду и его высокочтимых сподвижников;

– затем, они (два максурахана) должны направить награды и плоды прочитанных айятов святого Корана всем усопшим в этом кладбище и молиться за упокоении их душ;

– следом, они (два максурахана) должны направить награды и плоды прочитанных айятов святого Корана духовному миру упомянутой вакуфодательнице, её родителям и дедам и молиться за упокоении их душ.

То, что касается благодатных месяцах Рамадан, то указанные два максурахана в этот святой период должны были исполнить (один раз) полностью “Хатми Каломе Малике ’Аллам ”<sup>730</sup> после выполнения рамаданской молитвы “Таравийх ”<sup>731</sup> и направить награды, плоды прочитанного Калама малике ’аллома (святого Корана) духовному успокоению душ, которых упомянули выше; процедура должна была исполняться

---

<sup>728</sup> Максуратун (араб. مقصورة) – маленькая ложа, комнатка у гробницы усопшего или усопшей для посетителей; Максурахон – مقصوره خوان – чтец Корана. См. Парвиз Атобаки. Фарханг-е Фарзон. Тегеран, 1398/2019. Т. 2. С. 2573.

<sup>729</sup> Жуз’ (араб. جزء) – часть Корана (одна из тридцати). См. Х.К. Баранов. Арабско – русский словарь. Москва. 1984. С. 912.

<sup>730</sup> Хатм-э калам-э малик-э ’Аллам (араб. ختم كلام ملك علام) — полное чтение святого Корана.

<sup>731</sup> Таравийх (араб. تراويح – перерыв, отдых, передышка) – желательный намаз, который совершается в месяц Рамадан после обязательной ночной молитвы (иша) и длится до появления зари. После таравиха выполняется витр-намаз. Молитва таравих совершается как индивидуально, так и коллективно. Слово “таравих” – множественное число от арабского слова “тарвиха”, что в переводе на русский язык означает “отдых”. Молитва называется так потому, что после каждой её четырёх ракаатов молящиеся сидят отдыхают, восхваляя Господа или слушая назидания имама (“Му’джаму лугати ал-фукахаа”. С. 127).

аналогичным выше образом. Денежные награды максураханам должны были разделить и вручать им поровну, да примет Аллах их добрых деяний!

Поскольку (за прошедший период) назначенные мутаваллий (опекуны) не очень старались за исполнения добрых деяний условий данного вакфа, проявили уступчивость, послабление в реализации благотворительной деятельности указанного вакфа, и в следствии не было полностью исполнено упомянутые обстоятельства требований вакуфного предписания по шариату, я, госпожа вакуфодательница, краса целомудренных, владелица благотворительности, вместилище чести, целомудрия и достоинства Каабы, по имени Мохбиби дочь Мусабек, решила обращаться к его Превосходительству господину высокочтимому эмиру правоверных Саййиду Амир Абдулахад Мухаммада Бахадур Султану с заявлением о возобновлении некоторых положения данного вакуфного документа и порядок пожертвования на добрые дела.

В этом отношении был издан указ Его Превосходительства Амира о возобновлении положения предоставленной “Вакуфной грамоты” и о назначении нового мутавалли.

Новым мутаваллием вышеупомянутых вакуфных подразделений согласно вышеупомянутому указу назначается благочестиво молящийся, который занимает пост Кази Калона роскошного города Бухары. Я рекомендую новому мутавалли, чтобы он старался в реализации добрых деяний, намеченных в вакуфном документе и содержал упомянутые вакуфные объекты в полном порядке и в духе процветания.

Доход, вес урожай от амляков (земель) упомянутого вакфа должны расходоваться согласно вышеупомянутым расценкам и совершаться моление о благополучии высокочтимого господина эмира правоверных Саййда Амира Абдулахада Мухаммада Бахадур Султана.

Таким образом, упомянутая вакуфная грамота была заново переписана в обновленном изложении. Её положения, соответственно с его условиями, были детально указаны и документально зафиксированы. После того как текст данного вакуфного документа был передан новому, по законам шариата назначенному мутаваллию, Хатим фи-з-зайл<sup>732</sup> постановил: данный вакуфный документ является правомочным, истинным и вносимые изменения условий вакуфного документа совершались по законам шариата и не подлежат пересмотру.

---

<sup>732</sup> Хатим фи-з-зайл ( خاتم في الذيل ) – лицо, ставший свою печать внизу документа. Х.К. Баранов. Арабско – русский словарь. Москва. 1984. С. 211.

*И стала эта вакуфная грамота верной, и по шариатским законам правильной, исполняемой, правомочной, отвечающей всеми условиями вакуфных грамот с законной силой. Вакуфные объекты (указанные в грамоте) не могут быть проданы и, и переданы по наследству, пока не унаследует Аллах землю и тех, кто на ней, и то, что на ней, а он – лучший из наследников<sup>733</sup>. Тот, который вносит изменения в этом документе, после того, как слышал (ознакомился) с его содержанием, по истине совершает грех; совершают грех также те, которые изменяют положения этой вакуфной грамоты. Поистине, Аллах – слышащий, знающий!*

*Акт был составлен в присутствии достоверных свидетелей-мусульман.*

---

<sup>733</sup> Коран. Перевод смыслов и комментариев. Э.Р. Кулиев. Сура “ал-Анбия”, 21:89.



## БУХОРО АМИРЛИГИДА ҚУЛЧИЛИКНИНГ ТУГАТИЛИШИГА ОИД ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ (1868 – 1886 йй)

*Дилноза Жамолова*

Инсоният тарихида давлат бошқаруви тартиблари шаклланиши билан қулчилик муносабатлари пайдо бўлди ва ривожланиб борди. XIX аср ўрталаридан бошлаб дунёнинг кўплаб давлатларида қулларнинг озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. Демократик тартиблар қарор топаётган давлатларда қулларни озод қилиш ҳақида қонунлар қабул қилинди. Айнан шу даврда Ўрта Осиё давлатларида уй қулчилиги кенг тарқалган бўлиб, хонликларда ўрта асрлардаги каби юзлаб, минглаб қулларни сақлаш ва улар меҳнатидан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган эди. Чунки йирик ер эгалари томонидан фарзандларига, қариндошларга ер-мулк бўлиб берилганлиги сабабли катта ерлар қисқариб, унинг ўрнида кичик ер эгаллиги кенг тарқала бошлаган эди.

Россия империясининг Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларига босқини ҳамда уларнинг мустамлака ва ярим мустамлакага айлантириши натижасида учала давлат ҳудудида ҳам қул меҳнатидан фойдаланиш тартибларининг бекор қилиниши билан боғлиқ жараёнлар содир бўлди. Ушбу мақолада Бухоро амирлигида қулчилик муносабатларининг тугатилиши билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Миллий архивининг И-126 фонди ва Бухоро давлат меъморий-бадий музей қўриқхонаси қўлёзмалар фонди ҳужжатлари асосида таҳлил қилинади. Мазкур ҳужжатлар Амир Музаффархоннинг Туркистон генерал губернатори Фон Кауфман билан имзолаган 1868 йилги сулҳ шартномаси, Амир Абдулаҳадхоннинг 1886 йилда қуллар ва чўриларга расман озодлик бериш ҳақидаги фармони, ушбу фармондан сўнг ўз васиқаларини ололмаган айрим қулларнинг амирга ёзган аризалари, Амир Абдулаҳадхон томонидан вилоят ва туманларга юборилган муборакномалар, шунингдек, девонбеги, раис, қозилар ва қоровулбегиларнинг амир номига ёзган жавоб хатларидан иборатдир.

Бухоро ҳудудида қуллар меҳнатидан фойдаланиш узоқ асрлардан мавжуд бўлиб, амирлик даврида ҳам одатий ҳолдек давом этаётган эди. Бухоро шаҳрида йирик қул бозори бўлиб, ҳафтанинг сешанба-пайшанба

кунлари қул ва чўрилар сотиларди<sup>734</sup>. Қул бозорлари ўрта асрлардагидек гавжум бўлмай, бозорда сотиш учун келтирилган қуллар 6-7 нафардан, чўрилар 10-15 нафардан ошмаган<sup>735</sup>. Сотиб олинган қуллар эркинлигидан бутунлай маҳрум бўлиб, уларнинг ўндан бир қисмигина қариндошлари томонидан берилган пул эвазига озод бўлган<sup>736</sup>. Қул ва чўрилар мерос қилиб қолдирилиши, маҳр учун берилиши ва совға қилиниши мумкин бўлган. Қулларнинг меҳнатидан асосан дала ишларида, чўрилар меҳнатидан эса уй юмушларида фойдаланилган.

Европа ва Осиё давлатларида XIX аср бошларида қуллар меҳнатидан фойдаланиш тартибини босқичма-босқич бекор қилиш учун амалий ҳаракатлар бошланган. Жумладан, Россияда император Александр I (1801 – 1825) 1808 йил 23 майда қулчиликни тугатиш ҳақида фармон имзолайди. Унга кўра, Россиянинг барча озод кишилари учун қирғиз (қозок) болаларини сотиб олиш ва алмаштиришга ижозат берилган. Ҳар икки жинсдаги мазкур болалар 25 ёшга етганларидан сўнг озод бўлишлари шартлиги белгилаб қўйилган<sup>737</sup>. Император Николай I (1825 – 1855) томонидан эса 1825 йил октябрь ва 1826 йил 30 январда имзоланган фармонларда қул олди-сотдиси тақиқланиб, қулларни озод қилиш муддати аниқ кўрсатилган<sup>738</sup>.

1868 йил 23 июнда Россия империясининг Бухорога босқини натижасида Бухоро амири Музаффархон ва Туркистон генерал губернатори Фон Кауфман ўртасида тузилган сулҳ шартномасида ҳам қулчиликни тугатиш бандлари киритилган эди. Сулҳ шартномасининг биринчи моддасида “*Эрон аҳолиси Россия давлатидан Эрон мамлакатининг фуқароларини талон-тароҷ қилиб, уларни асирга олиб сотмасликлари ҳақида илтимос қилганлиги сабабли давлатнинг қонунига мувофиқ, бундан кейин Мари дашти ҳамда унинг атрофидан асир олиб келиб сотиш тўхтатилсин*”, деб қайд қилинган. Битимнинг иккинчи моддасида эса “*Ҳозирги кунда Бухоройи шарифнинг аҳолиси қўлида банди бўлиб турган асирлар эса 12 йил хизмат қилганларидан сўнг мутлақо озод бўлсинлар. Агар хоҳласалар, шу ерда қолсинлар ёки ўз ватанларига кетсинлар, бунга бирор киши қаршилик қилмасин. Мазкур 12 йил давомида қул олди-сотди савдоси бутунлай тўхтатилсин*”<sup>739</sup>, деб белгилаб қўйилган.

*Сулҳ шартномасининг биринчи моддаси ижросини назорат қилиш амир*

<sup>734</sup> З.А. Саидбобоев. Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Кўкон, Бухоро ва Ғулжага саёхат қайдлари. Тошкент. 2019. 291-бет.

<sup>735</sup> М.М. Соловьев. Ученая экспедиция в Бухару в 1841 – 1842 гг. Москва-Ленинград. 1936. С. 77.

<sup>736</sup> А. Бёрнс. Путешествие в Бухару в 1831 – 1832 и 1833 гг. Часть II. Москва. 1849. С. 21 – 22.

<sup>737</sup> С.С. Шашков. Собрание сочинений. Том II. Санкт-Петербург, 1898. С. 543.

<sup>738</sup> С.С. Шашков. Собрание сочинений. Том II. С. 546.

<sup>739</sup> Айний С. Тарих-и амирон-и манг-ития-йи Бухоро. Қуллийет. Том 10. Душанбе. 1986. С. 104.

зиммасига юклатилган бўлиб, унга кўра Бухоро ҳудудида қул савдосига чек қўйилиши лозим эди. Шу йили расман Бухоро амирлигида қул савдоси тўхта-тилган бўлса-да, турли йўллар билан қулларни келтириб сотиш ҳолатлари узоқ вақтгача сақланиб қолганлигини манбаларда кўришимиз мумкин. Жумладан, 1873 йилда Бухоро шахрига ташириф буюрган Американинг Россиядаги дипломатик вакили Южин Скайлер ўз эсдаликларида Бухоро шахридаги қул бозори, шунингдек, қулларга ва чўриларга бўлган муносабат ҳақида маълумот бериб ўтган<sup>740</sup>. 1873 йилда Бухорода бўлган Н. Стремоухов асарида эса “Қул савдоси билан шугулланган шахсларга 1000 танга жарима ёки 6 ой қамоқ жазоси бериш белгилаб қўйилган бўлса-да, Бухорода одам савдоси билан шугулланувчилар кўп-лаб топилди”<sup>741</sup>, деб ёзилган.

Битимнинг 2-моддаси ижросида кўрсатилган 12 йиллик муддат 1873 йилдан бошлаб ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, 1885 йилда “Қуллар меҳнатидан фойдаланишни бекор қилиш ҳақида” амир томонидан фармон имзоланиши ҳамда бутун мамлакатдаги қул ва чўрилар озодликка чиқарилиши керак эди. Айрим қулдорлар қўл остидаги қул ва чўриларни 1883 йилдан бошлаб озод этишни бошлаганлар. Қўшбеги архивидаги ҳужжатларда Амир Абдулаҳадхон томонидан 1886 йилда қулликни бекор қилиш ҳақида фармон имзолангани ва шундан сўнг оммавий равишда қулликни тугатиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилганини кўриш мумкин<sup>742</sup>. Фармонга кўра, қозихоналар томонидан бериладиган озодлик васиқалари учун ҳеч қандай тўлов талаб қилмаслик таъкидланган. Амир ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида барча бекликларга қул ва чўриларни озод қилиш ҳақида муборакномалар юборган бўлиб, улар “... Қул ва чўрилар 10 йил (ҳужжатларда икки хил муддат кўрсатилган – муаллиф) хизмат қилгандан сўнг озод бўлишлари лозим эди. ҳозир эса мазкур муддат тугади. Ҳар кимнинг қул ва чўриси бўлса, худо йўлига холис озод қилиб, қозидан озодлик васиқасини олиб бериб, дуо олинг. Фазилатли қозингиз озодлик васиқаларидан муҳр ҳақи олмай, муҳрлаб бериб, зоти олийларининг ҳақларига дуо олсин” мазмунида эди<sup>743</sup>.

Шунингдек, амир ўзи бошчилигида давлат раҳбарларига аҳолига шахсий намуна кўрсатиши учун қўли остидаги қулларни озод қилиш бўйича

---

<sup>740</sup> Южин Скайлер. Туркистон: Россия Туркистони, Қўкон, Бухоро ва Фулжага саёҳат кайдлари. 111 – 291-бетлар.

<sup>741</sup> Н. Стремоухов. Поездка в Бухару. Ташкент. 1876. С. 690.

<sup>742</sup> Бу ҳақда қаранг: С. Иноятов ва б. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Тошкент. 2004. 21-бет.

<sup>743</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 253-йиғмажилд, 175-варақ.

кўрсатмалар беради. Ўзбекистон Миллий архивида Амир Абдулахадхоннинг қўли остидаги қулларига озодлик берганликлари ҳақидаги васиқалари сақланмоқда. Жумладан, амир 1886 йил ноябрь ойида Ҳасан Али исмли қулини озод қилганлигини тасдиқловчи имзога муҳр босиб, уни озод қилиб юборади. Васиқа сўнггида “*Бундан буён мазкурни сотиши, бировга инъом этиши, маҳрга қўшиб бериши, мерос қолдириши ва бир мулкдан иккинчи мулкка ўтказиши асло мумкин эмас. Менинг мазкур озод бўлувчида ҳеч қандай даҳлим қолмади*”, деб ёзиб қўйилган<sup>744</sup>. Аммо амир боғларида, саройида хизмат қилаётган қулларнинг барчасига озодлик берилмаганлиги, бу масалани орқага суриш ҳолатларини кўрсатувчи ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, муаллифи кўрсатилмаган бир аризада амирга тегишли бўлган, номи, ёши ва миллати кўрсатилган 26 нафар қул ва чўри номидан амирга озодлик васиқаси сўраб мурожаат қилинган<sup>745</sup>. Амир Абдулахадхон ушбу аризага биноан қулларни озод қилган ёки қилмаганлиги ҳақида ҳужжатлар аниқланмади. Шунини қайд этиш мумкинки, амалдорларни мамлакат аҳолиси учун намуна бўлишини шарт қилиб қўйган амир томонидан қулларга озодлик берилган бўлса ажаб эмас.

1886 йилда Нурота вилоятидан Файзуллобек тўқсабонинг амирга ёзган маълумотида амир томонидан юборилган муборакномани олганлиги ва унга асосланиб, вилоятдаги қул ва чўрилар озод қилинганлигини айтади<sup>746</sup>. Аммо айрим бекликларда бу фармон ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйилганлиги сабабли шиа мазҳабига мансуб қуллар ва Бухоро ҳарбий қисмларида хизмат қилаётган зархарид қуллар Россия таъсир доирасига олинган Самарқанд, Когон каби шаҳарларга қочиб ўтиб, Россия фуқаролигига ўтган<sup>747</sup>.

Карки вилоятининг қозиларидан Мулло Муҳаммад Маъруф, Мулло Чаҳорёркули раис ва Каркига қарашли Халаж вилоятининг қозиси Мулло Ҳабибулло Хўжалар амирга юборган маълумотларида “қул ва чўриларни озод қилиш” ҳақидаги олий муборакнома Абдуғафурбий девонбеги томонидан етказилганлигини таъкидлаганлар. Халаж вилояти қозиси Мулло Ҳабибулло Хўжа ўз ҳудудида яшовчи 21 нафар қул ва чўри озод қилингани ва уларга эркинлигини тасдиқловчи васиқа тақдим этганлиги ҳақида амирга маълумотнома юборади ва илова тарзида озод бўлганлар ва уларнинг собиқ хўжайинлари рўйхатини ҳам жўнатади<sup>748</sup>. Карки вилоятининг қозиси

<sup>744</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 10-ҳужжат, 2-варақ.

<sup>745</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 234-ийғмажилд, 12-варақ.

<sup>746</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 233-ҳужжат, 6-варақ.

<sup>747</sup> Бухоролик. Бухоро аскарлари “Иштирокиюн”, № 185. 1919 йил 1 октябрь.

<sup>748</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 234-ҳужжат, 23-варақ.

Мулло Чахорёрқули ўз худудидаги 10 нафар қулга озодлик васиқалари беради ва бу ҳақда Амир Абдулаҳадхонга маълумотнома жўнатади. Маълумотномага қуллар ва уларнинг хўжайинлари номи ҳам илова қилинади<sup>749</sup>.

Шунга ўхшаш Кармана вилоятининг ҳокими, Султонобод туманининг қозиси Мулло Файзулла Хўжа, Шофиркон туманининг қозиси Мулла Абдурашид ва Вобкент туманининг миршаби Муҳаммад Ражаблар фармони олийга кўра, ўз туманларида бўлган барча қул ва чўриларни озод қилиш ҳақида аҳолига хабар берганликлари, қул эгалари қозихоналарга келиб, ўз қул ва чўриларини озод қилганлари тўғрисида маълумотномалар жўнатишган<sup>750</sup>.

Аммо айрим худудларда фармон ижросининг таъминлашда атайин сусткашликка йўл қўйиш, қулдорларнинг эгаларидан олинган поралар эвазига уларнинг қўли остида хизмат қилаётган қул ва чўрилар ҳақидаги маълумотларни атайин яшириш ҳолатлари содир бўлган. Бухоро давлат меъморий-бадий музей қўриқхонаси қўлёзмалар фондида 1900 йилгача ҳам Бухоро амирлигида қулликда яшаган кишилар бўлганини кўрсатувчи ҳужжатлар сақланиб қолган. Шундай ҳужжатлардан бири 1935 йилда Некқадам Барот ўғлининг рус тилида ёзиб қолдирган билдиришномасидир. Ҳужжатда қайд қилинишича, асли эронлик бўлган Некқадам 1 ёшлигида отаси, онаси ва бувиси ҳамда яна 70 яқин киши туркманлар томонидан ўғирланган ва Бухоронинг Пойи Остона гузарига жойлашган қул бозорида сотилган. Некқадам, ота-онаси ва бувисини Карманага яқин бўлган Бешкент қишлоғида яшовчи Содиқбой Варрак деган киши 250 тангага сотиб олган. Орадан бироз вақт ўтиб, бобоси келиб отасини 100 танга тўлаб олиб кетган. Аммо бувиси ва онасини Содиқбой пул бадалига ҳам озод қилмайди. Некқадамнинг онаси бу пайтда 18 ёшда бўлиб, Содиқбой уни ўзининг 36 яшар Жавҳар исмли қулига никоҳлаб беради. Некқадамнинг онаси бу оиласидан 3 нафар қиз фарзандлик бўлади. 1886 йилда барча қуллар қатори Некқадамнинг оиласига ҳам озодлик васиқаси берилса-да, Некқадам озод қилинмайди. У яна Содиқбой уйида 18 йил хизматкорлик ва чўпонлик қилади. 1904 йилдагина эркинликка чиқиб, мустақил яшаш бахтига муяссар бўлади<sup>751</sup>.

Музейнинг қўлёзмалар фондида 1886 йилда озод қилинган қул ва чўриларнинг васиқалари ҳам мавжуд бўлиб, “Моҳбону ва унинг уч қизининг озодлик васиқалари” шулар жумласидандир. Унда қайд қилинишича, 1886 йил декабрь ойида Кармана яқинидаги Бешкент қишлоғида яшов-

<sup>749</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 233-ҳужжат, 32-варақ.

<sup>750</sup> Ўзбекистон миллий архиви И-126-фонд, 1-рўйхат, 233-ҳужжат, 5-8-варақ.

<sup>751</sup> Бухоро давлат меъморий-бадий музей қўриқхонаси қўлёзмалар фонди. № 112/1.

чи Содикбой Абдусамад ўғли Неккадамнинг онаси Моҳбону, ўғай отаси Жавҳар ва уларнинг 3 нафар қизини қози Мир Сирожддин ҳузурида озод қилганини айтиб, уларда ҳеч қандай ҳаққи қолмаганини таъкидлайди<sup>752</sup>.

